

БОДО
ШЕФЕР

ҒОЛИБЛИК ҚОНУНИЯТЛАРИ

Укиш – үсиш демакдир

Пулга усталик билан ёндашинг

Танқиддан чучиманг

Үзингиздаги құркувни
енгишга үрганинг

Масъулиятни үз
зиммангизга олинг

УЎК: 821.512.133

КБК: 88.3

Ш 51

Шефер, Бодо.

Голиблик қонуниятлари / Б.Шефер;
таржимонлар: Хайрулла Қосимов, Тоҳир Ҳакимов,
Наргиза Анорбоева – Тошкент: Yurist-media markazi, 2015. -
240 б.

Бу дафтарда сиз ҳаётда музaffer бўлиб яшаш, мақсад,
интилиш, унга эришишдаги табиий ва сунъий ғовлар,
уларни бартараф этиш қонунлари билан танишасиз.

Ҳаётда фаровон турмуш асосларини барпо қилиш ёки
ношудлик орқасидан қашшоқ яшаш – шахсан ўзингизга
боғлиқ эканлиги руҳий-фалсафий тарзда содда баён
этиласи.

Қўлингиздаги бу китоб ҳаётда музaffer бўлишни
хоҳлаганлар учун ёзилган.

Такризчи ва масъул муҳаррир:

Гуландом Тоғаева,
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-4336-9-4

© Голиблик қонуниятлари, Бодо Шефер.
© “Yurist-media markazi” нашриёти, 2015 йил.

МУАЛЛИФ МУҚАДДИМАСИ

Сиз ўзингизни катта муваффақиятларга эриша оламан, деб хисоблайсизми? Сизнинг орзуларингиз юксак, аммо ҳаётда рўй берувчи турли сабабларга кўра, уни ҳали амалга ошира олганингиз йўқ. Эҳтимол, аллақачон турмуш синовлари деган тўсиқларга бошингизни уриб, пешонангизни ғурра қилишга ултургандирсиз?

Машхур олим Эйнштейн: ҳар бир гўдакда даҳолик яширин, деган экан. Чиндан ҳам ҳар биримиз ФОЛИБ бўлиш имконияти ва ҳукуқига эгамиз.

Ҳозир эҳтимол, мени бир неча йиллар аввал қийшаган оғир ҳолатлар сизнинг ҳам бошингизни қотираётгандир. Ҳа, ўша йилларда ҳаётда ўз ўрнимни топишим учун маслаҳат берувчи ҳалол кишиларнинг кўмагига жуда ҳам муҳтоҷ әдим. Бошқачароқ ифодаласам, менга “йўл кўрсатувчилар” зарур эди.

Ажойиб кунларнинг бирида мен ўз устозимга шундай дедим: “Сиз каби муваффақиятга эришиш йўлини билиш учун ҳамма нарсамни бағишлигар бўлардим”. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Устозим менинг сўзимга ҳайрон бўлган ҳолда мийигида кулиб, оҳиста бош чайқади: “Мен бунга ишонмайман, Бодо”, деди. Мен ўйлаб, жиддий гапираётганимни айтиб, устозимни ишонтирдим. Шунда у: “Ундан бўлса, ҳар ҳафтада уч марта менинг ўқув машғулотларимда қатнишинг. Нимани эшитсангиз, ҳаммасини ёзиб олишга ҳаракат қилинг, мен нима десам, шуни бажаришга киришинг”, деди.

Аввалроқ муваффақият ва бахтга эришишнинг ўзим учун маъқул формуласини изладим. Афсуски, ҳаётда бундай тайёр формула йўқ экан.

Мени қийнаб турган муаммоларимни бартараф этишга ёрдам беришини сўраб, яна устозимга мурожаат килдим. Аммо умидим пучга чиқди. Устозим мураккаб ҳолатимни тартибга келтиришга кўмаклашиш ўрнига, менга ғолиблик қонуниятларини тушунтира бошлади.

Гарчанд, дастлаб гап нимада эканлигини яхши англай олмаган бўлсам-да, пировард натижада ҳёт тажриба-синовларини ўзида мужассамлаштирган ибратли ҳикматларнинг маъносини тушуна бошладим.

Мен нафақат, айни дамда бошимни қотираётган жиддий масалалар ечимини топа бошладим, балки келажакда бажаришим зарур саналган вазифалар ва унинг окибатларини ҳам яккол ҳис этадиган бўлдим.

Албатта, ҳозир ҳам жиддий, оғир ҳолатлар билан “тўқнашиб” тураман. Ана шундай кезларда “Бу масалага устозим қандай ёндашган бўларди”, дея ўзимга савол бераман. Ўз тасаввуримда устозимнинг самимий киёфасини ҳис этаман, овозини эшигандай, мени кўллаб-кувватлаётган каби унинг маънавий далласини яккол сезаман.

Ҳаётимда шундай пайтлар ҳам бўлганки, атрофимдагилардан баъзилари тўғри ишимдан кир кидириб ҳаммани чалғитишга, шубҳа остига қўйишга ҳаракат қилишган. Бундай лаҳзаларда доимо устозимнинг қўидаги сўзларини қалбан такрорлайман: “Мени ташвишга соладиган бир нарса бор – кимдир бошқалар ишончига путур етказар экан, у катта бахтсизлик келтиради. У бошқаларнинг ютуқ ва толеини шубҳа остида қолдиради. Ёдинга тут: ҳеч кимга “Сен ҳаётда ҳеч нарсага эришолмайсан”, дейишга ҳак-хукуп берилмаган. Ҳатто буни ўзи ҳақида ҳам сўзламаслиги лозим!”

Менимча, бундай меҳрибон устозга ҳаётда рўбарў келиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун ҳам ушбу китобни ёзишга катъий жазм қилдим. Бу китобда муваффақият қозонишнинг барча тартиб-коидалари, ишончли манбалардан ўтган тажриба-синовлари, устоз ўгитлари бир-бирини тўлдириб келади. Ҳа, ҳаммаси вақт синовларидан ўтиб, ҳақиқат мақомига этишган ҳаётбахш лавҳалардир. Улардан баъзилари қўпчиликка таниш бўлиши мумкин. Биз қачонлардир билган, эшиганд, кўллаган нарсаларимиз унутилиб

кетгач, бирдан бугун ёдимизга келиб қолиши ҳам ҳар ҳолда ҳайратомуз туюлади.

Сиз бу китобни мутолаа қиласа экансиз, уч нарсага дуч келасиз.

Биринчиси шуки, ушбу қонунларни ўқиётиб, баъзилари иккинчисига қарама-қарши бўлиб қолаётгандай туюлиши мумкин. Кимdir буни бошқача тушуниб, танқид қилишга киришиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Йўқ, асло ҳукмга шошилманг. Барчасининг ўз ўрни, вазифаси, йўналиши мавжуд. Ҳа, унутманг, Ғолиблик қонуниятлари бизни бошқара бошлар экан, у бошдан-оёқ зид тенгламалардан иборатлигини билиб оламиз.

Иккинчиси, китобда сиз қайтарик-такрор жумлашларни учратишингиз мумкин. Бу услугуб билан мен айрим қонунларнинг ички боғланишларига эътиборингизни тортишга ҳаракат қилганман.

Учинчиси, сиз Ғолиблик қонунлари асосида ҳар доим ҳам яаш осон эмаслигини тушуниб оласиз. Аммо аслида, сиз жуда ҳам керакли куч-қувватга эгасиз. Онгли фаолият доимо юқорилаб боришингизга имкон беради. Сиз истаган вақтингизда ҳаётингизда туб бурилиш ясай оласиз. У сизнинг аниқ ва қатъий ҳаракатингизга, яаш тарзингизга боғлиқ. Тўғри, талаблар ҳаммага ҳам ёқавермайди. Кимdir кескин қўл силташи ҳам мумкин. Баъзилар бу ишда ўз вактларини совураётгандай хис қилишса ҳам, ажаб эмас! Бундай вазиятларда баъзилар ўзини оклаш учун ҳар хил баҳоналар излашга тушишади.

Мен бир нарсага жуда-жуда ишонаман. Сиз “Ғолиблик қонуниятлари”ни ўқир экансиз, ҳаётда ўз порлок мавқеингизга, албаттга, эришасиз.

Ҳаётингизни ранг-баранг ибратли воқеалар билан безатинг. Қандай инсон ва ким бўлишни орзу килгансиз, ҳаётда ўз орзунгиздагидек яашашга интилинг!

*Чин юракдан сизга омад тилаб,
Бодо Шефер.*

БИРИНЧИ ҚОНУН

ҚАРОР – ДИЛ АМРИ

Айтишларича, кичкинагина жилга бепоён чүлга қадар окиб борибди. Шунда у ғойибдан: “Хавотирланмай оқишни давом эттир”, деган овоз эшишибди. Аммо оқишни давом эттириш жилғага хатарли туолибди. Негаки, нотаниш ва номаълум қакраб ётган ерда оқиш имкони йўколиб бораётганидан қўркиб кетибди. Ахир, унинг бирдан-бир орзуси тўлиб-тошиб, мароқли яшаш эди. Таваккал қилиб йўлга тушиб, хаётида ниманидир ўзгартироқчи бўлганида, куриб-қовжираб қолиш даҳшати пайдо бўлганди. Аммо ғойибона товуш уни яна оқишга ундарди: “Агар оқишга қарор қилмасанг, ҳеч қачон сен ўзингни нималарга қодир эканлигингни билолмайсан. Сен шунга амин бўлгинки, янги ҳаёting ўзгача – фараҳбахш кечади. Хотиржам ҳолда яна оқишда давом эт”.

Жилға руҳланиб, ўз йўлини давом эттирди. Унга осон бўлмади. Сахро кун сайин қизиб, жилға сувлари буғланиб кетди. Ҳавога буғланиб қўтарилилган жилганинг ҳар бир томчи суви булатуга айланди. Шамол булатни бир неча кун сахро узра ҳар гомон сурди. Ва... бир куни булат денгиз тепасига етиб келди-да, шаррос ёмғир ёғди.

Жилғанинг ҳаёти ўзи қутганидан-да ортиқ гўзал тус олди. Жилғанинг ёмғирга айланиб, денгиз оғушига кўшилган сувлари қудратли тўлкинларда мавж ураг экан, табассум-ла шивирлади: “Ҳаётим неча бор ўзгарган бўлса ҳам эндиликда ўз орзуимга эришдим”.

* * *

Бирор ишни таваккал қилган ҳолда бошлаш учун бир тўхтамга келиш ҳаммага ҳам осон эмас. Сабаби, бизни номаълум, ҳис этиб бўлмайдиган нарсанинг ваҳимаси чўчитади. Ахир, шундай қилинадиган бўлса, кўп нарса ўзгариб кетади. Яъни ўзимиз униб-ўсган жойдан

бутунлай күчіб кетиш ҳам осонмас. Құни-құшни, кадрдон дүстлар, танишлар... Энг катта ўзгариш эса ўз бошингизга тушади. Мана шу ҳиссиёт кишини безовта килади. Аввалғи эски ҳолат – даражаны саклаб қолиши керакми ёки янги жойда янгича яшаң, ишлашни шакллантириш лозимми? Уни танлаш ўзингизга ҳавола. Ёдигизда бўлсин: ҳар қандай иш, ўсиш ва ўзгариш сиз бир тўхтам-қарорга келганингиздан сўнг бошланади.

Инсон ўзи кўникиб қолган шарт-шароит, муҳит билан ўралашиб қолса, ҳар қандай ўзгариш, тўкнашувлардан безиллаб туради. Шунинг учун ҳам ўзини безовта килувчи ҳар хил таклифлардан нари тутади. Аслида эса сизнинг янги қадамингиз ўсиш, ўзгариш учун бир имкониятни пайдо қилади. Ҳа, яна такрорлайман – бу сиз учун янги ва катта имконият бўлиб қолади..

Таёқнинг икки томони

Ҳар қандай қарор қабул килинганидан сўнг унинг маъқул ва нокулай томонлари мавжуд. “Қарор” сўзи “воз кечиш” сўзи билан ёнма-ён ҳаракатга тушади. Эътибор беринг: Сиз узил-кесил бир қарорга келар экансиз, мақсад сари жиддий қадам ташлашга аҳд қилган бўласиз. Ана шу буюк мақсадга етиш учун эса сизга шу пайтгача яқин бўлиб колган анча-мунча нарсаларингиздан воз кечишингизга тўғри келади. Бу табиий ҳол. Бусиз ҳаракатларингизда самара сезилмайди. Депсиниш пайдо бўлади. Ҳа, онгли равишда сиз олдинги имтиёз ва имкониятларингиздан воз кечишга – “хайрлашиш”га мажбурсиз.

Демак, ҳар қандай қатъий қарор ўтмиш ва келажак ўртасида узил-кесил танловга эга бўлишингизни такозо этади. Фикр-мулоҳазаларга аҳамият берар экансиз, янги қадамдан кўра хозирча сиз эгаллаб турган мавқе ва имкониятлар билан қаноатланиш ҳаммасидан кўра қулай ва осон кўриниши мумкин. Афсуски, бунда сиз барча

янги имкониятларингизни барбод этган бўласиз. Бу сизнинг келажак ҳақидаги орзуларингизни янада орқага суриши, масофалар узоклашиб кетиши мумкин. Аҳднияти катъий киши эса ўтмишга хотима ясаб, келажак сари ишонч билан қадам ташлайди.

Аввалги имкониятларингизни маҳкам ушлаган ҳолда янгисини олға силжита олмайсиз. Ўзингизнинг “садоқатли”, “эски” қўникмаларингиздан воз кечиб кучкүвватингизни янги ҳаёт сари бахш этинг.

Айтинг, Сиз қай бирини танлайсиз? “Имтиёзли” ўтмингизними ёки фаровон ҳаёт имкониятиними? Бунинг аник жавобини фақатгина Сиз биласиз, холос. Сизга аник-равшан бўлиб турибдики, янги ўзгаришлар, алмашинувлар арафасидасиз. Яна такрорлайман: ҳар қандай ўзгаришлар узил-кесил қарор қабул қилинганидан сўнг бошланади. Албатта, нималардандир қатъий бош тортишингизга тўғри келади. Бунинг учун қатъият ва матонат талаб этилади. Ахир, ҳар қандай нарсанинг ҳам икки томони бор: масалан, таёқ, танга, медаль...

Бекарорлик – ўсиш эмас, чўкиш

Африкада маймунларни қандай овлашларини биласизми? Овчи бор-йўғи диаметри олти сантиметрча келадиган дараҳт кавагига товук тухумидек тошни гўё яшириб қўяди. Маймунлар табиатидаги ўта қизиувчанлик ва ғафлат бу ишда қўл келади. Буни кузатиб турган маймун, овчи жўрттага яшириниши билан кавакка қўл солиб, тошни чиқариб олишга берилиб кетади. Кавакнинг оғзи торлиги туфайли тошни тортиб олиш осонмас. Шу лаҳзада овчи келиб, маймунни қопга солади. Ваҳоланки, маймун тошни қўйиб юбориб, қўлини кавакдан яшин тезлигига олса, қочиб кетиши мумкин. Йўқ, бундай қилишга маймуннинг қайсар табиати “йўл” бермайди. Кавакдаги ушлаган нарсасини олиб кўриши, “билиши” шартдек, гўё!

Хүш, бу билан нима демоқчимиз? Гап шундаки, биз күпинча ўзимиз ўрганиб қолган, күнишиб кетган ўтмишдаги фаолиятимизга сал шамол тегишидан чүчиймиз. Ундан воз кечиб, янгрок, қулайроқ, самаралироқ, гүзалроқ ҳаётга қадам ташлашга журъатимиз суст тортади. Маймун тошни қўйиб юборса, нажот топарди-ю, аммо қўйиб юбормайди. Биз ҳам ўзимиз ўрганиб қолган шароит ва баъзи “имтиёз”лардан воз кечолмай тараққиётимизга тескари ўгириламиз. Юзма-юз бўлишга юрак дов бермайди. Нега ўтмишдан ўзимизни ёки қўлни тошдан халос килмаймиз? Шундай кезларда қаршимизда муҳим масала пайдо бўлади: биз киммиз, нимани хоҳлаймиз? Нимага эришмоқчимиз?

Америка Кўшма Штатлари тараққиётида муҳим бурилиш ясаган буюк ислоҳотчи Теодор Рузвельт шундай деган экан: “Ҳаётда қувонч ва қайғуни, ғалаба ёхуд мағлубиятни ҳис этмайдиганлар билан муроса қилиб яшагандан кўра, минг бор муваффакиятсизликка, кулфатга дучор бўлса ҳам буюк мақсадлар сари интилиш, музafferлик маррасига жасорат тулпорини тик солиб яшаш завқлироқдир”.

Ғолиблар ҳеч қачон рўй берган нокулай вазият билан боғланиб қолмайдилар. Сабаби маълум: рўй берган фожианинг олдини энди олиб бўлмайди. Унга ўралашиб қолиш фаолиятни орқага тортади, мусибатни оғирлаштиради, холос.

Ҳа, ҳар қандай нокулай вазиятда қолиб кетгандан кўра, ундан чиқиб кетиш йўлидаги таваккалчилик манфаатлироқдир. Европада яшовчилар учун очлик қашшоклик эмас, ўзига хос ички тозаланиш, танага дам беришнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Шуни унутмангки, сиз олиб бораётган ўйинда қатъий коида бор: ютқазмаслик. Лекин ютқазиш аламини тортмаган – ютиш завқини ҳам ҳис этолмайди. Яъни ўйинда ютиш ҳам, ютқазиш ҳам, табиий. Буларсиз ғалаба эҳтимолини тасаввур килиш кийин.

Қарор қабул қилишимизга ғов бўлувчи сабаблар:

1. Кўпчилик умр бўйи бир юмуш билан машғул бўлган яхши, деб ҳисоблашади.

Кўпчилик ҳали билим ва малакаси етарли бўлмаган ёшлик даврида ўргангандан хунар билан кифояланишни маъкул кўришади. Эҳтимол улар ҳақ, балки адашишаётгандир? Нима бўлганда ҳам янги мақсадлар сари интилиш ривожланиш сари бошлайди. Шу нуктаи назардан ўзингизга жиддий савол бериб кўринг: ҳозирда шуғулланаётган ишингиз ўзингизга маъкул келадими, уни ёқтирасизми?

Ўйлаб кўринг, умр шундок ҳам ўлчовли, ҳар куни ишга бориб-келиш учун ўзига яраша сабр-тоқат керак.

Ҳар ҳолда, сиз нима билан машғуллигингизнинг қизиғи йўқ, лекин қалбингизда Сиз қаердадир, кимнингдир ёнида ёки ўрнида бўлишни, албатта, хоҳлайсиз.

2. Кўпчилик қарорни сал кейинроқ қабул қилса ҳам бўлади, деб ҳисоблашади.

Ёдингизда бўлсин: ким қарор қабул қилишни орқага сурса, келажакда бирор бир ишга қўли бормайдиган, ўзига ишонмайдиган журъатсиз кишига айланади. Аслида эса бирор қарорга келишни истамаганингизнинг ўзи қарор қилганингизни билдиради. Сиз ҳамма нарса аввалгидек бўлгани яхши, деб ўзгаришларга кўнмаган тақдирингизда ҳам қарор қабул қилган бўласиз. Бошқача ифодалаб айтадиган бўлсак, сиз ҳеч қандай қарорга келмасликка қарор қилдингиз. Бундай тўхтамда қолиш куч-кувватни сўндиради. Эркин фаолият кўрсатиш, ташабbusларни йўққа чиқаради.

Бошидан кўп воқеаларни ўтказган тажрибали кишиларнинг эътироф этишларича, нима қилиш керак, қандай йўл тутиш зарур, каби бир тўхтамга келиб мулоҳаза

юритишининг эрта-кечи бўлмайди. Аслида шундайми? Метро ва кўп қаватли расмий бинолардаги эскалатор (ўзи юрар зина)да ўзингизни қандай ҳис этасиз? Чикиш ёки тушишининг охирги нуқтасида сиз ҳаракатдаги зинадан ажралишингиз керак. Ўзингизни бир четга олмасангиз кўнгилсиз ходиса рўй бериши мумкин. Мажбурсиз. Эскалаторни бўшатасиз. Сиздаги мақсад ҳам маълум бир фаолиятсизликдан сўнг саробга айланиши мукаррар. Сал фурсатни бой берсангиз бас, мўлжал хато кетади. Бошқача айтсак, икки қўлингиз куп-куруқ қолади.

3. Кўпчилик “нотўғри” қарор қабул қилиб қўйишдан хавотирланишади.

Дўстим, “нотўғри қарор” деган тушунчанинг ўзи нотўғри. Ахир, сиз мақбул қарорга келгунча бир қанча ўй-фикрлар, танловларни чамалаб кўрасиз. Ҳеч қачон дарёни тик кечиб ўтишни фикр қилмайсиз-ку? Ҳаётингиздаги мураккаб ҳолатларни ҳар томонлама хомчўт қилиб, энг мақбул ечим билан қоласиз, тўғрими?

Чунончи, дам олиш учун денгиз бўйи яхшими ёки тоғ бағрими – билмайсиз. Таваккал қилиб тоғ бағрига жўнадингиз. Бахтга қарши бу ерда ўн кун мобайнида тинимсиз ёмғир ёғди. Бундай вазиятда кўпчилик: “Нотўғри қарор қилган эканман”, дейиши аниқ.

Ростдан ҳам шундайми? Аслида, денгиз бўйида ҳам сизни нима кутаётганлигини билмайсизку? Эҳтимол, у ерга борганингизда, ёқимсиз овқат гуфайли бехузур бўлиб, кўрпа-тўшак қилиб ётишингиз мумкин эди...

Бордию ўша ёмғирли тоғда сиз бир умр орзу қилиб юрган инсон билан кўришиб қолганингизда борми – ҳамма кийинчиликларни унуглан, хатто “Нотўғри қарор қабул қилган эканман”, демаган бўлардингиз.

Сиз қандай қарор қабул қилишингиздан катъий назар ҳаётингизда рўй бериши мумкин бўлган мураккаблик-

ларни ҳеч қачон олдиндан била олмайсиз. Яхшилаб ўйлаб қаралса, ҳар қандай қарорга келиш тек тургандан юз бор яхши.

4. Кўпчиликнинг фикрича, қарор қабул қилиш осон ва машаққатсиздир.

Одамларнинг ўйлашларича, энг мақбул қарор қабул қилишнинг қулай палласи пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам кўпчилик ягона қарор қабул қилиш пайти келишини кутишади. Бундай вазият қарор қилиш эмас, имкониятдан фойдаланишдир. Ундан кишиларда аслида барқарор тўхтам йўқ! Улар бўлса-бўлди, бўлмаса-ундан нари қабилида ҳаракат килувчилардир.

Қарор қилиш ўзига хос интилиш ва куч-ғайратни кучайтиради. Уни амалга оширишнинг аниқ ечимлари сиз учун нақадар қадрли аҳамият касб этади.

Ўз иззат-хурматини билган киши самарали қарор қабул қилишнинг барча томонларини аниқ ҳисобга олади.

Сиз ҳам аниқ қарорлар қабул қилишга интилинг. Бунинг учун сабот мускулини чиниқтиришга киришинг.

Қарор қабул қилаётган пайтимида биз ўз тақдиримизни ҳал этаётган бўламиз.

Тасаввур қилингки, сизнинг келажақдаги ҳаётингизда янги киши пайдо бўлади. У сизнинг хонадонингизда яшаб, иш столингизда ўтиради. Сизнинг уйингиз ва машинангизнинг қалити ҳам унда бўлади. У умр бўйи сиз захмат тортиб олган, тўплаган ҳамма нарсаларингиздан фойдаланади. Янада ҳайратлиси, у сизнинг банк чекларингиз ҳисоби ва меҳнатларингиз натижасини кузата бошлайди, назорат қиласиди. У айнан сиз ётган хобхонада ухлайди. Ким у? Кўзгута яхшилаб қаранг, у кишини кўрасиз. Ҳа, у шахсан ўзингиз, бошқа ҳеч ким! Ўзингизнинг қатъий ва мантикли қарорларингиз билан

бу инсонни Сиз шакллантирдингиз. Ҳа, бугун сиз жиддий қарор қабул қиляпсиз, унинг натижаси ҳам бутун ташлайдиган янги қадамингиз билан чамбарчас боғлик.

Бу инсон келажакка қандай қарайди? У қандай яшайди? Нима билан шуғулланади? Кимлар билан дўстона муносабатда бўлади? Қувончли ва мазмунли ҳаётда ўз ўрнини топа оладими?

Бу саволларнинг ҳамма-ҳаммасига сизнинг бугунги қарорингиздан жавоб излаш лозим. Одамлар ўзларини таваккалдан саклаган ҳолда имкониятларига паст баҳо бериб, гўё мен бунга ярамайман қабилида ўз журъатсизликларини ҳимоя килмоқчи бўладилар. Шунинг учун улар ўзларига асло ёқмаса ҳам маҳкам боғланиб оладилар. Ажралишни истамайдилар. Лекин умр бўйи ҳеч нарсадан қониқмай, ҳис қилмай яшаб ўтишлари ҳам мумкин. Омадсиз кишилардан бири айтган экан: “Ўзингни ҳар ёкка урганинг билан ердан бошқа жойга йиқилмайсан”.

Голиблар бошқарув дастгоҳини қўлга олишар экан, нимани хоҳлашаётганини аниқ тасаввур этишади. Улар тез ва узок муддатни кўзлаб режа туза олишади. Бошқалар эса бу ишда сусткашликка йўл қўйишади, бу ҳам етмаганидек, қабул қилган қарорларининг натижаси бир ёклик бўлмай туриб уни ўзгартира бошлайдилар, янгилайверадилар.

Голиблар тезкор қарорлари билан мақсадга яқинлашадилар. Улар жимгина ўтиришдан кўра ҳар қандай ёмон қарор ҳаммасидан ҳам аъло эканлигини яхши билишади. Шунингдек, улар нима қилишаётганини ҳам, нимани хоҳлашаётганини ҳам жуда яхши билишади.

Сиз ўзингиз учун нима қадрли ва бебаҳо эканлигини яхши билсангиз, сиздаги танлов имкониятингиз шу қадар осон ва аниқ бўлади.

Амалий машғулотлар

Мен бугундан бошлаб ҳар бир қабул қиладиган кароримни такомиллаштирадиган салоҳиятимни ошириш учун куйидагиларни бажаришга ўзимга ваъда бераман:

1. Мен ҳар қандай масала юзасидан тезкор қарор қабул қилиш илмини ўрганишни бошлайман. Ўзимда тезкор танлов учун “қатъият, сабот мускули” кучли эканлигини ҳис этаман. Майда-чўйдалар борасида қарор қабул қилиш учун менга ўттиз сония кифоя.

2. Ҳар қандай қарор қабул қиласар эканман, “Оқибати қандай бўлади?”, “Бундан ўзим ва атрофимдагилар учун манфаат борми?” дея ўзимдан сўрайман. Бу билан ҳар бир нарсани ўзим муҳокама қила олишни ўрганаман.

3. Ўзим учун куйидагича ёзма саволлар тузаман: “Беш йилдан сўнг ким бўлишни хоҳлайман?”, “Беш йилдан сўнг мен нималарга эга бўламан?”. Шу тариқа ўз орзуларимга аниқ муддат белгилайман ва мақсад сари интиламан.

4. Агар бу йўлда жиддий муаммолар пайдо бўлса, қабул қилган қароримни бир муддат тўхтатиб, унинг муқобил варианларини ишлаб чиқаман. Зарурият туғилса, мен ҳал этишни истаётган муаммо бўйича соҳа мутахассисларининг фикрларини олишга ҳаракат қиласман. Буларнинг ҳаммаси аввалги қароримнинг ўз муддатида ечимга келиши учун хизмат этади.

ИККИНЧИ ҚОНУН

ҮКИШ – ҮСИШ ДЕМАКДИР

Ҳиндуларнинг асотирларига кўра, дастлаб чиғанок яратилган ва у денгиз тубига ташланган. У чиғаноғини очиб бир оз денгиз сувидан хўплаган-да, яна ёпиб шу тарзда зерикарли ҳаёт кечирган.

Сўнг бургут яратилган. У чексиз фазода учиш имконига эга бўлса-да, тирикчилик учун ўзига ўлжамесиши излашга мажбур эди. Бундан ташқари янги полапонлари пайдо бўлгач, машакқати икки хисса ошган. Ўз келажагини билгани ҳолда Бургут мамнуният билан тақдирига рози бўлган.

Нихоят, инсон яратилган. Унга хоҳласа чиғанок каби, хоҳласа Бургут сингари яшашга изн берилди...

Ҳамиша үкиб, үсиш лозим

Бу бизнинг асосий шиоримиз бўлсин. Юқоридаги масалнамо ҳикматда биз учун икки хил яшаш тарзидан бирини танлаш имконияти берилди.

Чиғаноқ инсон сиймосида акс эттирилиб, бепоён уммон қаърида ўз чегараларини кенгайтириш имконини бой бераётганини, яъни бир хўплам денгиз суви билан кифояланишига киноя қилинмоқда. У умр бўйи шу бир хил машғулот билан шуғулланиб яшайди, холос.

Машҳур бизнес файласуфи Наполеон Хилл шундай ёзади: “Баъзи кишилар ҳаддан ташқари кўп овқат еганлари туфайли бу дунёни барвақт тарқ этишади, бошқаси эса меъёrsиз ичкилик оқибатида ҳалок бўлади. Учинчиси, моҳиятан унга бундан бошқа чора қолмаган каби – бекорчилик сабабли ҳаёт билан хайрлашишади”.

Бинобарин, кимки ўзига бургут ҳаётини татбиқ этаман деса, бу осон йўл эмас. Демак, бу йўлдан юриш ва шодон яшаш имконияти – ўқиш ва камолот сари

интилишдир. Биз қанчалик кўп билиб борсак, шунчалик куч-кувватимиз, бўй-бастимиз ўсиб боради. Билиш бизга муаммоларсиз эркин яшаш имконини беради.

Ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган қийинчилик ва мусибатларни ҳам навбатдаги ўқиш-сабоқнинг давоми, деб қабул этишга тайёр туришимиз лозим.

Ўқиш, ўрганиш, ўсиш фалсафаси тўрт қисмдан иборатдир:

1. Ўсиш қонимиздаги тириклик белгиси

Биз тирик ва ўликни қандай фарқлаймиз? Нимаики ўсар экан, у тирикликтан нишондир. Тирик маржон (коралла) айнан тошга айлангунча яшовчи жонивордир. Ҳакиқий маржон-тошга айланганидан сўнг ўлик жисмдан бошқа нарса эмас. Яъни, ўсиш ва ривожланиш мутглако тўхтамайди. Демак, ўсиш, ривожланиш бор экан, бу хаётнинг ўзига хослигидан белгидир. Бу ерда гап фақат ўсиш ҳакида эмас, ўзига хос ривожланиш, босқич (эволюция) тўғрисида ҳам кетаётир.

Буларнинг барчаси бир мақсад сари йўналтирилган ривожланиш ва яшаш қобилиятини юксалтиришга каратилгандир.

2. Ўқиш, ўрганиш, ўсиш – инсон эҳтиёжидир

Биз болалар хатти-ҳаракатини кузатар эканмиз, табиатимизда умр бўйи ўқиш, ўрганиш ва ўсишга эҳтиёж катта эканлигини ҳис қиласиз. Кичкинтоллар муттасил равишда нима биландир машғул бўлади, ҳаракатларида нималарнидир ўрганиб, одатланиб боради. Улар ҳар қандай саргузашт ёки таваккалчиликка тайёр туришади. Улар ўзларининг бу қизикишлари, ҳаракатлари билан катталарга озмунча ташвиш келтиришмаса-да, бир нарса ҳайрон қоларли даражададир. Улар бунча куч-кувватни қаердан олишаркан?!

Зеро, инсонлар ҳам ўз эхтиёжларини қондириш йўлида аниқ ҳаракат қилишар экан, ўзларида қўшимча тарзда энергия пайдо бўлаётганини сезиб туришади.

Сиз ҳеч нарса билан шуғулланмаётган, қизикмаётган, ўқимаётган ўсмирларни бир кузатиб кўринг. Гарчанд улар вақтларини қизиқарлироқ ўтказишни ўйласалар-да, юзларидаги ўзига ярашмаган маъюсликдан ҳайрон бўласиз. Бунинг ягона сабаби: ўкиш ва ўсишдан тўхтаб қолишганидир. Эътибор беринг: ўсиш деганда факат бўй чўзилишини назарда тутманг. Ўсиш – бу ҳам маънавий, ҳам жисмоний ривожланиш, акл ва тажриба, билимнинг такомиллашувини ҳам англатади. Шу нуқтаи назардан эътибор берсак, ўкиш, ўсиш, ўрганишдан тўхтасак, ҳаётимиз маъносиз ва бўшлиқдан иборат бўлиб қолади.

Қондирилмаган талаб ва эхтиёжларимиз бизнинг куч-куватимизни, акл-идрокимизни, матонатимизни тортиб олади ва ўзимизни қулатади.

3. Ҳар қандай дин инсонни баҳтли бўлишга даъват этади

Мен дунёдаги барча динларни назарда тутар эканман, улардаги бош гоя – эзгу ният билан яшаш, меҳр-мухабbat, ахил, кон-қариндошлик руҳида ҳаёт кечиришга даъват этишдан иборат. Яхшилик ва ёмонлик учун келажакда инсонни нималар кутиши қайта-қайта таъкидланади.

Бирон бир дин: “Қандай бўлсанг, шундайлигингча қол”, деган турғун таълимотни тарғиб қилмайди.

4. Ҳар қандай иқтисодий тизим ва уюшма фаолиятсиз бўлиши мумкин эмас.

Ҳар қандай уюшма (компания) ривожланиши ҳам, мавқеи пастлашиши ҳам мумкин. Улар рақобатдошлари билан олиб борилаётган курашда маълум бир даражани,

яъни бутунлай синиб, адо бўлмаслик ўлчамини ушлаб туришга интиладилар.

Ҳар қандай иш билармон, муассаса эгаси энг аввало ўкиши, ўрганиши, ўсиши шарт. Ишлаб чиқариш, умуман, ҳар қандай фаолият билимсизлик асосида курилган бўлса, ҳайбаракаллачилик таъсирида инқирозга йўликиши аниқдир. Ҳа, бундай ҳаракат оқибати хатарлигина эмас, балки ҳалокатли ҳамдир.

Эдвардс Деминг сифат тушунчасига шундай таъриф берган экан: “Сифат қандайдир андозани барқарор белгилаб берувчи нарса эмас. Фаол ва ривожланиб борувчи жараён эса тараққиёт аломати бўла олади”.

Сиз ҳаёт конунларига, ривожланиш босқичларига риоя қилмасдан муваффакият козонаман, десангиз янгишасиз. Ўз манфаатларингиздан келиб чикиб, иктисадий бир бутунликка эришишнинг йўли ўкиш ва ўсиш билан боғлик. Дарвоҷе, ҳаётнинг маъноси ҳам шу. Ҳеч қандай мўъжиза ёки сеҳрли дори туфайли кўзлаган маррамизни забт этолмаймиз. Фақат ўкиш, ўрганиш ва ўсишгина бизни ниятимизга етказади.

Доимий равишда қарор қабул қилишга тўғри келадиган ҳолатлар

Турмушда шундай мураккаб ҳолатлар рўй бериб турадики, баъзан бир бор қабул қилган қарорингни мустаҳкамлаш учун кўп куч сарф этишга, қўшимча чоратадбирлар белгилашга тўғри келади.

Буларнинг барчаси айланиб келиб яна кўп ўқишингизни, ўрганишингизни ва ўсишингизни тақозо этади. Керакли кишилар билан учрашиш, ишимизга дахлдор бўлган семинар-кенгашларда катнашиш, зарур кўлланма ва йўлланмаларни излаб топиш, мутолаа килишни талаб этади.

Иккита ҳолат кишиларни изланишдан тўхтатиши мумкин. Биринчиси шуки, баъзилар энди бундан

яхширок натижага эришиб бўлмайди, деб ҳаракатни бас қилишади.

Иккинчиси эса эришилган даража билан қаноатланиб лоқайдликка берилишади. Одамзодни энг паст даражага тушириб юборувчи куч – лоқайдликдир. Биз доимий ҳаракатдаги ўқиш-ўрганишдан чекинар эканмиз, ҳаётдаги даражаларимиз ўз-ўзидан чўка бошлайди. Ҳаммадан даҳшатлиси, озгина майда кадам ташлаш ишни ҳеч қачон ортга тортолмайди, деган хуносага келишдир.

Қурбақага қўйилган қопқон

Идишдаги исий бошлаган сувга қурбақани ташласангиз нима бўлади? Қурбақа дарҳол идишдан сакраб чикиш учун оёқларини жуфтлайди. Бордию ана шу қурбақани идишдаги совук сувга солиб, аста киздира бошласак, қурбақа дастлаб бепарво бўлади. Илий бошлаган сув ҳам унга хавотирили туюлмайди. Оқибатда, шўрва бўлганини ҳам билмай қолади. Бундан чиқарилган ҳисса-хулоса шуки, кўпчилик сезилмас даражада таназзул сари оғиб боради. Ёки бошқа бир мисол: сиз эрталаб уйғониб, қарзингиз олтмиш саккиз минг еврога етганини билсангиз, кайфу корингиз ўчиб кетади, шундай эмасми? Аммо бу карз оз-оздан пайдо бўлса-чи? Яъни бугун тўккиз евро, эртага ўн тўрт евро ва ҳоказо. Бу ҳолда сизда эътибор сусаяди, аҳамият бермайсиз. Ҳаётда ҳамма нарса томчилаб қўпаяди. Ҳа, кунлардан бир кун шундай ҳолат пайдо бўладики, қарзингиз сизни эркин нафас олишга қўймай, бўға бошлайди.

Сизнинг вазнингиз тарозуда тортиб қўрилганда бирданига ўттиз кило қўшилганини билсангиз, ташвишга тушиб қоласиз. Аммо ҳар куни бир килодан қўшилаётган бўлса – бепарволик қиласиз. Бир ойда ўттиз кило бўлишни хаёлингизга ҳам келтирмаймиз. Қурбақани эсланг. Ҳолат билан ҳисоблашинг. У муттасил томчилаб туради. Ҳар қандай майда-чуйдани ҳисоблаганимиз бир

кун келиб биз кутган натижани бериши ёки кўп нарсадан жудо қилиши мумкин. Бетараф ҳолат юз бермайди: ё бор, ё йўқ бўлади!

Шунинг учун ҳам доимо ўзингизга ўзингиз қуидаги саволни бериб боринг: Мен қайси йўналишда харакат қиляпман?

Узоқ давом этадиган ҳолатлар

Биз бугун олма еймизми ё шоколадми, яхши китоб ўқиймизми ё телевизорда опера томоша қиласизми, ўн евро иқтисод қиласизми ёки харажатми – фарқи йўқ.

Бироқ сиз ўн йилдан сўнг бу фарқни яққол тушуниб етасиз. Шоколад, опера, харажатлар ёғ босиб семиришингизга, нарсаларга юзаки карашга, қолаверса, қашшоқликка олиб келишини хис этасиз.

Мева истеъмол килиб, яхши китоб ўқиган, тежамкорликка аҳамият берган бўлсангиз – буларнинг бари сизга саломатлик, билим ва моддий фаровонлик баҳш этади.

Ҳеч ким доим ҳам доно қарорга келолмайди. Аммо турмуш биз қабул қилган ҳамма қарорларимизга ўзининг одил баҳосини, албатта, беради. Лоқайдлик эса энг ёмон маслаҳатчи бўлиб қолаверади.

Бир ота хотиржам ишлаши учун ўғилчасини нима биландир банд қилмоқчи бўлибди. Шунда у журналда берилган дунё ҳаритасини йиртиб, майдалаб ўғлига қайтадан жой-жойига қўйишни буюрибди. Маълум вақт ўтгач, қараса ўғли йиртилган қоғоз-ҳаритани жой-жойига ёпишириб чикибди. Отa ўз кўзларига ишонмабди. Шунда ўғли тушунтирибди: йиртилган ҳаританинг орқасида бир кишининг сурати бор экан. Суратни жой-жойига қўйиб чикиш осон бўлгани учун ҳаритани тиклаш жўнгина битибди. Хуллас, дунё ҳаритаси аввалги ҳолатига қайтибди.

Ўкиш, ўрганиш ва ўсиш мана шундай вазиятларда бизни муаммолардан ҳалос этади, келажагимизни

таъминлайди. Ўғил билимдон, фаросатли бўлгани учун ҳам суратли томондан осонгина йиртилган сахифани бутлай олган. Ҳа, сиз ҳам ўз билимингиз туфайли муаммонинг орка-олдига қараб керакли ечимга кела оласиз. Бу билан ҳамма ишимиз тартибга тушади.

Пэт Райли

“Лос-Анжелес Лейкерс” командасига раҳбарлик қилган Пэт Райли Америка баскетболи тарихида энг кўзга кўринган тренер даражасида эътироф этилади. 1986 йилда команда шундай ноқулай вазиятга тушиб қолгандики, эндиликда бу жамоа ўйинчиларининг ғалабага бўлган умидлари сал бўлмаса сўнаёзди. Аммо Пэт Райли командани руҳий инқироздан кутқара олганди. У: “Ҳар бир ўйинчи ўз имкониятига қараганда ўйинда лоқал қўшимча бир фоиз куч-ғайрат сарфлай олса, муваффакиятни таъминлаши мумкин”, деганди. Чиндан ҳам ҳар бир ўйинчи (ўн икки нафар) айни ҳолатга кўра ўйиндаги бешта босқичга қўшимча тарзда интилганда ҳам олтмиш фоизга самарага эришиш мумкин. Пэт Райли эса: “Биз олтмиш эмас, ўн фоиз ўсишга эриша олсак ҳам чемпионлик унвонини забт этишимизга кифоя қиласи”, дея ишонтириди. Ўйинчилар ўз етакчиларининг рухлантириши эвазига ҳақиқатдан ғалабага эришиб, 1986 йилда ҳам чемпион бўлишади.

Тасаввур қилингки, сиз ҳам ҳаётнинг беш босқичида ўз иқтидорингизга нисбатан қўшимча бир фоизга малакангизни оширангиз нима бўлади? Яъни: саломатлик, ўзга кишилар билан ҳамкорлик қилиш, молия ва умуман ишда, қолаверса, ҳис-туйғулар борасида аввалгига қараганда бир фоиз ўзимиздаги иқтидорни ўстиришга интилсак, йил давомида биз олтмиш фоиз самарага эришган бўламиз.

Ўз-ўзинни қўллаш

Демак, ишончингизнинг қай тарзда бўлиши биз қабул килган қарорнинг қай даражада эканлигига ҳам боғлиқ. Шунингдек, кундалик турмуш тақозоси ва талаблари, вазият, ўқиётган, эшитаётган турли ахборотлар оқими ва натижалар ҳам бизнинг фаолиятимизга, қабул қилган азму қарорларимизга сўзсиз ўз таъсирини ўтказади. Бу таассуротлар ҳам бизнинг фаолиятимизда ижобий ўсишимизни таъминлайди. Янги ғоялар, йўналишлар, интилишларнинг пайдо бўлишига туртки бўлади. Ғолиблар ҳамиша интилувчан, руҳий кўтаринкилик туйғуси билан янги мэрраларга кучларини сафарбар этадилар. Улар ўzlари учун ибратли бўлишга арзийдиган, билимдон, катъиятли инсонлар билан танишишга, ўшалардай эришган даражаларига етишга орзу қиласидилар. Улар ўzlари юритаётган фаолият тури бўйича ғолибларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитишни, маслаҳат олишни, нималар килиш лозимлигини сўрашга орзуманд бўладилар. Улар бу харакатларида асло мақтov, табрикни эмас, холис бсриладиган баҳони эшитишга шай турадилар.

Мактov ҳаммага ҳам ёқади, қачонки у самимий, беғараз бўлса. Аксинча, ишни мутлако чаппасига оғдириб юбориши ҳам мумкин.

Эътибор беринг: телешоуларда саволларга тўла жавоб беролмаган иштирокчи кейинги давраларда катнашмайди. Ҳаётда ҳам айнан шундай. Бугунги талаб ва эҳтиёжлар, тилаклар даражасини аниқлашдан ожиз кишилар эртанги кунда оркада қолишлари, шубҳасиз.

Демак, Сиз ҳозирги ҳолатингиздан чиқиш учун изланишингиз, самарали ечимни топиш йўл ва тажрибаларини қунт билан ўрганишингиз лозим бўлади.

Амалий машғулотлар

Сиз ҳар куни ўз билим ва савиянгизни ошириш учун күйидаги қоидаларга қатый амал қиласман, деб ўзингизга ваъда беринг.

1. Мен ҳар ойда камида иккита фойдали китоб ўқийман. Вақти келганда кейинчалик ҳафтасига иккита ўқишга ҳаракат қиласман.

2. Мен қандай мавзулардаги йиғилиш-семинарларда қатнашиш кераклигини белгилаб оламан.

3. Мен эндиликда иккита кундалик тутаман. Улардан бирининг номи “Муваффакият кундалиги”, деб номланади. Унда олган сабокларим, кузатишларим, ишда йўл қўйган хатоларимни, иложи борича унинг сабабларини ҳам ёзиб бораман. Иккинчи дафтарни “Лойиха ёки ғоялар кундалиги” деб атайман. Унда олган билимларим асосида менда пайдо бўлаётган янги режа, қарорлар – лойиҳаларни ёзиб, уни амалиётга айлантиришнинг аник тадбирини белгилаб бораман. Бу борадаги ўзгалар фикр-мулоҳазалари, таклифларини таққослашга интиламан.

4. Мен ўзим учун ибрат бўладиган, иш фаолиятини ўрганишга арзийдиган инсонлардан ўн нафарининг аник рўйхатини тузаман. Улар билан якиндан танишишга, ўрганишга ҳаракат қиласман.

5. Мен юкоридаги режаларни сабот билан бажаришга киришган ҳолда, қўлимдаги ушбу “Фолиблик конуниятлари” номли китобдан ҳар куни бир бобни эътибор бериб мутолаа қиласман.

ҮТАЁТГАН ҲАР БИР КУНИНГИЗГА
ОҚИЛОНА ЁНДАШИНГ

Жейн оғир үтган меңнат хафтасидан сүнг бир оз нафас ростлагани денгиз бүйига отланди. У ерда жижжигина қизалоқ Мелани билан танишиб қолди. Қизча соҳилдан узок бўлмаган жойда онаси билан яшарди. Қизчанинг кувноқ ва тийрак карашлари, сўзлаши Жейнга жуда ҳам ёкиб қолди. Кўп вақт биргаликда сайр қилиш Жейнга завқ бағишлиарди.

Бир куни улар соҳилдаги қумлоқда ётишаркан, шундоққина қўллари етадиган даражада тепаларидан қалдиргоч вижирлаб учиб ўтди.

– Қувонч қанот коқиб ўтди, – деди Мелани учиб кетаётган қалдирғоч ортидан севиниб боқаркан.

– Нима дединг?

– Қувонч парвоз қилмоқда. Онам менга ҳар доим қалдиргоч инсонларга қувонч келтиради, деб айтади.

Кечга томон Жейн қизча билан хайрлашиб уйига қайтди.

Эндиликда унда галати одат пайдо бўлганди. Қачонки у ўзида нохушлик ҳис қила бошласа, яъни “қалдирғоч” ётишмаётгандек туюлса, дархол денгиз бўйига – Мелани билан учрашувга ошикарди. Бу учрашув иккиси учун ҳам мароқли эди. Чўмилишади, қумда ётиб, офтобда тобланишади. Баъзан югуришади. Гоҳо бир қанча вақт учаётган шўх қалдирғочларни завқ билан кузатиб, нималардир ҳакида кизғин сұхбатлашишади. Бир қанча вақт ўтгач, Жейн ҳам чиндан қалдирғочлар инсонга шодлик бағишлишига ишона бошлади.

Улар яқдил дугоналарга айланишди.

Бир куни Жейн чўмилиш жойига жуда ҳам кайғули кўринишда келди. Шу алфозда Мелани одатдагидек

Жейнни күрдию, шодлигидан унинг қучоғига отилди. Аммо... Жейн кутилмаганда:

– Менинг ёлғиз қолгим келяпти, сен билан үйнаш күнглимга сиғмаяпти. Илтимос, мени холи қолдир. Онам вафот этди... – деди.

– Онангнинг вафоти сенга оғир бўляптими?

– Жудаям. Кўниколмаяпман, – шундай деб қарама-қарши томонга ўгирилиб кетди. У ўз қайғулари билан банд эди.

Орадан бир неча кунлар ўтиб, Жейннинг кайфияти ўрнига туша бошлади. Ҳамма нарса вакт ўтиши билан ўзгаришини тушунди. У Меланини қўмсаётганини ички туйғу ила ҳис қилди. Ва шу аснода охирги учрашувда Меланини хушламай хайрлашгани ёдига тушиб, хижолат торти. Денгиз сари отланди. Бирок чўмилиш жойида Мелани кўринмади. Уни излаб хонадонига борди. Эшикни ёш, аммо ғам-қайғуга чўмган аёл очди.

Жейн аёлга ўзини таништириди.

– Мен Меланини кўргим келганди. У билан бирга сайд қилиш мен учун жуда ёқимли. Қаерда у?

– Мелани ўтган ҳафта оламдан ўтди, – деди аёл қайғу билан, – унда оққон (лейкомия) хасталиги бор эди. Эҳтимол, у бу ҳақда сизга ҳеч нарса демагандир?

Кучли оғриқ гўё Жейннинг кўксини ёриб чиққандай бўлди.

– Мелани бу соҳилни жуда ёқтиарди, – давом этди она, – у доим шу ерга келишга мени ҳам кистар, мен эса унинг ёлворишларини рад этолмасдим. У бу ерда ўзини bemalol, эркин ҳис қилишини билдим. Бу ерда гўё ўзини баҳтли сезарди. Кейин... бирдан соғлиғи ёмонлашди. Нима таъсир қилганини билолмадим... У... сизга... бериш учун бир нарса қолдирганди... Ҳозир олиб келаман.

Она Жейнга катта, оппок хатжилд (конверт) топширди. Устига: “Менинг қадрли дугонамга” деб ёзилганди. Ичидағи варақда денгиз, кумлоқ ва каттакон

қалдирғоч тасвири акс эттирилған эди. Сурат остида ёзув ҳам бор эди: “Қалдирғочлар кувонч келтиради”.

Жейн кўз ёшларини тийиб тура олмади. У Меланининг онасини қучоклаб йигларди...

Бу сурат ҳозир Жейннинг иш столи тепасида осиглик турибди. Қизалоқнинг бу арзимас совғаси Жейнни ҳаётдан ҳамиша завқ олиб яшашга чорлаб туради.

Гоҳо ҳаётнинг оғир гирдбларидан бизни оғир мусибатлар ҳам халос этиши мумкин. Зеро, ҳар қандай ҳолатда ҳам бизнинг турмуш тарзимизни ўзгартириб юборувчи у ёки бу таассуротлар рўй бериб туриши табиий. Ачинарлиси шундаки, бизни қуршаб турган муҳит гўзалликларини, яхши, оққўнгил, меҳрибон инсонлар тафтини ҳис қилиб яшашга ҳар доим ҳам фурсат топа олмаймиз. Гўё ҳаддан ташқари иш билан банддекмиз. Шунинг учун ҳам ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб, яқинларимизни унутиш даражасига етамиз. Ва бу бизни асло ташвишлантирмайди.

Тақдир “зарбалари”

Биз – кўпчилигимиз ҳаётда тақдирнинг турли фожиаларини бошимиздан кечиришимизга тўғри келади. Гоҳо ҳаётда шундай ҳодисалар рўй берадики, нима бўлаётганини тушуна олмаймиз. Шундайки, тоғни талқон этгудек куч-қувватга эга бўла туриб, ҳеч нарса қилолмаймиз. Турмуш тақозоси биздан устун эканлигини ҳам дарҳол била олмаймиз. Очик тан олиш, зътироф этиш лозимки, ҳаёт бошдан оёқ ўйин-кулги, завқ-шафқдан иборат эмас. Баъзан қақшатқич фалокатлар, ҳалокатлар, ҳавфли касалликлар, кугилмаган ўлим ҳодисалари рўй беради. Бу ноҳуш кўргилик, балоқазолар сабабини биз қаердан излаймиз, нимага боғлаймиз, қандай хулоса-сабоқ чиқарамиз?!

Аллоҳнинг ихтиёридаги воқеа-ҳодисаларға ўзимизча турлича талқинлар ясаймиз, хулосалар чиқарамиз. Содир

бўлган кўргиликлардан ҳам қандайдир енгиллик, тасалли излашга интиламиз, кечикиб бўлса-да, “Шунисига ҳам шукр”, дея шивирлаб дуо қиласиз.

Президент Жорж Буш ва рафиқаси Барбара хоним уч ёшли қизилоқлари Робин вафот этганида, оғир жудоликка рўбарў бўлишганда ҳам шундай сўзларни изхор қилишган экан: “Қизалоғимиз ёруғ дунёга келиб, мана шу замин узра қадам ташлаб қувнаб юрганидан бехад шодланамиз. Бу замин ҳаммамизнинг иккинчи дунёмиздир. Биз у билан ўтган завқли кунларимизни яратгандан миннатдор бўлиб эслаймиз. Биз Робин туфайли инсон қадр-кимматини ҳар қачонгидан ҳам юксак ҳис этадиган бўлдик. У бизнинг қалбимизда, хотирамизда ва ишларимизда доимо барҳаётдир. Биз бу айрилик учун ортиқ қайғурмаймиз.

У ҳаётимизнинг ёрқин саҳифаси бўлиб қолади”.

Ҳар лаҳзадан лаззатланиши билинг

Йўлимизда учрайдиган ҳар бир инсоннинг қадр-кимматини, тинч, осуда ўтган кунларимиз нақадар бебаҳо эканлигини ҳамиша ёдимизда тутишимиз лозим. Баҳтга қарши, айрим инсонлар бунга аҳамият беришмайди. Гўё уларни келажакда фаровон ва осуда ҳаёт кутиб тургандек.

Биз қачонки жиддий йўқотишларга рўбарў бўлсак-кина кўзимиз очилади. Ҳар бир олаётган нафасимиз биз учун бетакрор, бебаҳо илоҳий неъмат эканлигини тўла идрок этишда ожизлик қиласиз. Бундай бебаҳо неъматларнинг қанча-қанчасини елга совуриб юборганимизни эътиборимиздан соқит этамиз. Башарти, ёдимизга тушганида ҳам муҳим “ишлар” билан банд бўлганимизни рўкач қилиб, гўё ўзимизни оклаб юборамиз. Буларнинг барчаси барибир виждонли инсонларни тўла маънода юқоридаги маънавий буҳронлардан сақлаб қололмайди.

Ҳар қандай пайдо бўлган муаммога фалсафий, мантикий жиҳатдан баҳо беришга ҳаракат қилинг. Ошиқмасдан, совуққонлик ила масаланинг туб илдизини топишга интилинг ва ўз-ўзингизга: “Бу туғилган муаммони ҳозир қандай ҳал этиш мумкин? Беш-олти йилдан сўнг ундан қандай асорат қолади?” каби саволларни бериб кўринг. Ана шунда ўзингизда бир енгилликни ҳис этасиз. Руҳий аҳволингиз яхши томонга ўзгариб, қадр-қимматингизни тўғри англайсиз. Ўлган, йўқолган, синган, қўлдан кетган, бўлар иш бўлган ҳолатларга қаттиқ ёпишиб олманг. Ҳаёт талаби, тақозоси шундай. Ўз ихтиёrimиздан ташқари содир бўлган нохуш йўқотишларни қидириш, кайтариш, тиклаш учун қилинадиган ҳаракатлар бизни адойи тамом этади, емириб ташлайди.

Ҳа, кўнгилсизликка, жудоликларга рози бўлмасангиз, соғлиғингизга жиддий путур етади, ҳатто окибати ўлимга олиб бориши ҳам мумкин. Майда-чуйда дилхираликларга аҳамият бераверсак, ўз фаоллигимизни ҳам йўқотамиз, иштиёклар сўниб, лоқайдлик асирига айланамиз. Ҳаётдаги энг нокулай ва даҳшатли ҳолатлар лоқайдлик ортидан саф тортиб келади.

Ўтмиш дөгининг юрагимизда қолган асоратидан дарҳол қутулиш, ҳалос бўлиш, албатта, қийин кечади. Аммо атрофимиз бутун умримизга татийдиган ғаройиб мўъжизаларга тўла. Уни ҳис қила билиш инсонга ажойиб хуш кайфият ва баҳт ато этади. Бундай туйгулар бизга ёнма-ён ва доимо ҳамроҳдир. Факат биз буни идрок этиш санъатини ўрганишимиз керак...

Ҳамма нарсани ўз вақтида режалаштиришни биламиزمи?

Биз кундалик режалар тузишни яхши ўзлаштириб олишимиз керак. Афсуски, бунга доим ҳам эриша олмаймиз. Аниқ режаларга эга бўлишимизда куйидагилар бизга кўпинча халақит беради.

1. Шундай кишилар борки, улар ҳар хил ўкув семинарларида иштирок этишади. Нималардир қилгандай, дегандай, билгандай бўлишади. Аммо ишдаги депсинишлар барҳам топмайди. Уларнинг маслаҳати ҳеч нарсани ўрнидан силжитишга кўмак бермайди. Аксинча, вактингизни ўтирайди, ортга судрайди.

2. Кўпчилик гўё ҳар бир сонияни тежаётгандай иш тутишса-да, аслида йилларни беҳуда совураётганларини ҳеч фаҳмлашмайди. Улар мақсад сари тўғри ҳаракат қилмаётганларини сезиб туришса ҳам ўжар режаларидан воз кечишмайди. Ҳа, кўп нарса бой берилгач, биз энди самара бериши оғирлашиб кетган йўлни тутмоқчи бўламиз. Коидалар, тартиблар минг йиллар ҳосиласидир. Унга риоя қилишни билиш жуда ҳам зарур.

3. Бизга аввалдан маълум бўлмаган кўп нарсаларни ғов-тусик ҳисоблашга одатланиб қолганмиз. “Нима бўларкан?” деган ташвишли савол кўксимиизга “ўтириб” олади. Ҳатто биз эътироф, эҳтиром қилувчи кишилар ҳам назаримизда ишимиз ривожига атайлаб йўл бермаётган шахсиятпастга айланиб қолиши мумкин.

Режамиздаги муддат ва шартноманинг бажарилишига оз вакт қолган бўлса, ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборгимиз келади. Аслида эса бу муддатларни биз белгилаган эдик. Биз муддат учун эмас, муддат бизнинг фойдамиизга “ишлаши” керак эди.

Ким аввалдан режалаштирган нарсаларининг уддаланиши муддатлари бўйича оғишмай иш юритса, факат ютади. Келажакдаги ишлари ҳам режа асосида сезиларли даражада силжишига замин хозирлайди. Масаланинг хатарли томони келажакдаги ўсишлар ҳам ўзига ярашмаган ғовлар билан илгарилайди. Ҳеч нарса осон кўлга кирмайди. Буни фаҳмламаслик хақиқий ахволни ва атрофидаги кишилар ҳолатини тўғри баҳолай олмайди.

Ҳамма нарсадан кўра инсон биринчи даражада турувчи зот эканлигини ёдда тутайлик.

4. Биз ҳеч нарсага кўл урмай қўйсак, ҳар ҳолда виждонимиз оз бўлса-да қийналаётганини ҳис этамиз. Биз ҳаётда нима биландир машғул бўлишимизни биламиз – сезамиз. Ваҳоланки, бу туйғудан узок кишиларнинг ҳаёти нафакат зерикарли, балки уларни ноҷорлик ҳам ўз исканжасига олади. Аслида, инсон ўз фаоллигини фойдали ишларга бағишлиётганини сезиб турса – бу тақдирни илоҳийнинг унга кулиб боққанидир. Ўзига хос совға – имкониятдир. У вақт нисбий эканлигини яхши тушунади.

Фурсат ва рўй берган ҳар қандай ҳолатни баҳолай олмаслик оқибатлари ҳамиша ҳам хайрли бўлавермайди.

Вақтдан ўзиб бўладими?

Вақтдан илдам бўлиш ғолибларга доимо мамнунийт багишилаган. Яъни режада белгиланган ишни муддатидан аввал бажариш, ҳал эта билиш ана шундай туйғуни пайдо қиласди. Бу келгусидаги ишларни ҳам хотиржам, тигизсиз адо этиш имконини беради. Гўё кино тасмасидаги асосий кадрларни секинлаштириб намойиш этиш каби тасаввур қолдиради кишида. Демак, бир озгина тўхташ, секинлашиш (пауза) ҳам кишига ўзига хос мароқ бағишлий олади. Ўйлаб кўринг, ҳеч нарса килмасдан тинчгина ўтириб, бош масала тўғрисида фикр юритиб, унинг ечимини топиш ҳам, албатта, завқлидир.

Ҳамма вақт, албатта, бир ишни бажариб туриши шарт, дейшидан ийроқмиз. Ишимиз бошимиздан ошибтошиб турган бўлса ҳам баъзан инсон ўзини алаҳситиб, бир муддат юмушдан халос бўлишга эҳтиёж сезади. Ҳатто ишга оид нарсани ҳам ўйламасликни хоҳлаб қолади. Яъни ўзи билан ўзи машғул бўлади.

Ҳар биримизда ҳам бундай тўхтаб олишга мойиллик сезилиб қолади. Бу эса яна ўз-ўзимизга баҳо бериш, ташланган йўл, азму-қароримизнинг тўғрилигини белгилаб олишида жуда ҳам аскотади. Axur, узоқ йўлга

отланган киши ҳам вақти-вақти билан бир тұхтаб, босиб ўтган йұлига қараб құяды-ку!

Хотиржам палламизда күп нарсаларни қайта-қайта текшириб күриш, харакат давомини белгилаб олиш осон кечади. Белгиланған муддатлар нисбийлигига әришгандар учун режа янада ахамиятли туюлади. Одамлар билан яқиндан мuloқot қилиш, уларнинг аxвол-рухиятини билиш имкониятлари кенгаяди. Биз ўз оиласиз, ишчи жамоамиз билан қанчалар күп бирга бўлсак, шу қадар бир-биrimizga ишончимиз, ҳурмат-эътиборимиз, ҳаёт тўғрисидаги дунёқараашларимиз такомиллашиб боради. Бошқача бўлиши мутлақо тасаввурга сифмайди. Руҳий маънавий қўллаш мана шундай мuloқotлар негизида сезилиб туради ва унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Бугунги кун – бизнинг имкониятимиз

Ўтмишнинг мароқли дамларини эслаб ёки келажакдаги орзуларимиз ҳақида ўйлаб тайёргарлик күриш – инсонга хос хусусият. Ҳар ҳолда ўтмишдан кўра келгусидаги ҳаётимиз қандай бўлиши бизни кўпроқ кизиктиради. Лекин бу туйғулар қаърига чукурроқ назар ташласак, биз ўтмиш-у келажакдан ўзимизга яраша тасалли излаётган бўламиз. Ўзимизни овунтириб, бугунги кун имкониятларини барбод этамиз. Аслида эътибор беринг, чиндан ҳам бугунги кун биз учун ажойиб тухфа. Унинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланиш, самарали фаолият даражасига кўтариш биз учун улкан зафар, муваффақият келтиради. Ҳа, асло кечаги кун эмас, асло эртанги кун эмас – бугунги кун биз учун кадрлидир. Бугунни бой бериш – галабани, имкониятни, бойликни, умрни бой бериш демакдир. Бизни баҳтли қилиши мумкин бўлган фурсат – БУГУНдир. Бу ҳақда минг-минглаб хикмат ва ривоятлар, шеъру насиҳатлар мавжуд.

Замонавий латифалардан бирида шундай дейилади: “Она қизчаси билан ўрмонда сайр қилишарди. Ҳар ким ўз завқига берилиб, бир-бирларидан узоклашиб кетишганини сезмай қолишади, шу аснода атрофни коронғулик босиб, момақалдиrok қарсиллаб, чакмоқ чақади. Онаси күркіб кетиб, қизчасини чақириб, уни излай бошлайди. Қарангқи, қиз күркмай шодон ҳолда онасининг каршиисидан чиқади. Онаси ҳайрон бўлади. Ҳар гал оловли чақин чақнаса, қизча қийқириб осмонга боқарди.

– Нахотки, чакмоқдан күркмаётган бўлсанг, – ҳайрати ортиб сўрайди она.

– Йўқ, кўрқаётганим йўқ. Ҳар сафар чакмоқ чараклаганида мени фаришталар суратга олишмоқда, – мамнун ҳолда жавоб беради қизча”.

Юқорида сизга бўлар-бўлмас ҳар хил нохушликларга парво қилманг, дегандик. Юрагингизга асло яқинлаштирманг уларни. Ҳеч нарса сизнинг кайфиятингизга ёқимсиз таъсир этолмасин. “Бугун мен билан нимадир содир бўлса, у ҳам умримнинг бир лаҳзали ўтмишига айланади”, дея бағрикенглик қилинг. Вазият устингизда ҳукмронлик қилишига йўл кўйманг. Бенжамин Дизраэли бир куни шундай деган экан: “Турли нохушликлар, арзимас майда-чўйдалар юраги тор кишилар устидан ўз ҳукмини юргизади”.

Агар бағри кенг инсон бўлсангиз, Сизнинг кайфиятингизни унча-мунча нарса ўзгартиrolмайди. Ҳар бир кунингиз хуввакт, баракали ўтади.

Ривоят қилишларича, қадимда кимёгарлар қўрғошинни тиллага айлантира олган эканлар. Ғолиблар, муваффакият эгалари ҳам кимёгарларга ўхшашади: ҳар бир кунда рўй бериши мумкин бўлган хатоларни донолик билан таҳлил қилиб, хулоса чиқариб, олтинга teng лаҳзаларга айлантира оладилар.

Шукrona

Ҳаётда шундай кишилар борки, ҳар бир нарсанинг икки томонни кўра биладилар. Улар ҳар лахзанинг қадр-қимматини баҳолай оладиган баҳтли кишилардир. Улар ёмғир, жала остида қолишса-да, ҳуштак чалиб ёки хиргойи килиб шундай холларда ҳам завқланиши үрнига қўя оладилар, нолимайдилар.

Ихтиёргиздаги кунда сизни шодлантирувчи асослар кўп: соппа-соғсиз, ўзгалар кўмагисиз юрасиз, турасиз, кўрасиз-эшитасиз, англайсиз, сўзлайсиз... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Қаранг, қанчалар баҳтли ва бой инсонсиз!

Бугунги кун имкониятлари ва неъматлари учун ҳар қанча шукrona айтсак, миннатдорчилик изхор қилсак арзиди.

Ғолиблар ҳар куни ўз аҳд-ниятларига яраша муносиб тухфаларга эга бўладилар. Улар ўзгалар наздида арзимасдек нарсаларга ҳам акл кўзи билан, яъни эътибор бериб қарайдилар. Ўзгаларга аён бўлмаган фойдали томонларини аниқ ҳис этиб турадилар.

Улар ҳаётда инсонларга бўлган очик юз, самимий муносабат, беғараз кўмаклари, фойдали маслаҳат-кўрсатмалари билан доимо ҳурматга сазовордирлар.

Кўролмаслик, ҳasad, ичикоралик – буларнинг ҳаммаси баҳилликнинг нохуш сифатлари ҳисобланади. Бу сифатлар билан қуролланиш ҳеч қачон инсонга баҳт келтирмайди. Аксинча, низо ва жанжалларга, ҳатто оламшумул галаён, урушларга сабаб булиши мумкин. Тарихнинг олис сахифаларида фикримизга далил бўлувчи ҳужжатлар, воқеалар тўлиб ётибди.

Яшаш санъатини билиш – бу ҳаётда музaffer ва мамнун яшаш омилидир. Ғолиблар бунинг барча икирчикирларини яхши билишади. Улар учун керак булмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар бир ҳаракат, ҳодисадан оқилона ечим топа олишади.

Амалий машғулотлар

Мен ҳар бир кунимга онгли муносабатда бўлиб, ўз имкониятларимни рўёбга чиқаришда қуидагиларга амал қиласман:

1. Ҳаётимни фаровонлаштиришда, бойитишда иштирок этаётган инсонлар билан онгли ва яқиндан муносабатда бўламан.

2. Режалаштирилган ишларимга тасодиф туфайли таъсир этувчи бирон нохуш ҳодиса рўй берса, уни зудлик билан бартараф этишга, хотиржамлигимни саклаб колишга ҳаракат қиласман.

3. Бугунги ҳар бир ҳолат, ҳаракатдан миннатдор бўлишининг йигирма беш кисмдан иборат рўйхатини тузаман. Бу билан бўш вақтда бефойда ўй-хаёллар билан банд бўлиш ёки келажакни кутиб ўтириш каби мавҳумот куршовидан халос бўлиб, рўйхатдаги хайрли ишлар билан шугулланаман.

4. Бугунги кунни ўзим учун шундай кунга айлантираманки, унда мен ва атрофимдаги инсонлар бир-биримиздан мамнун бўламиз. Ўтаётган умр онларининг баракали ва хайрли бўлишини таъминлашга интиласман. Ҳар бир сонияни марғуб инсонлар билан ўтказиш – таърифдан холи бўлган мўъжизанинг ўзири.

ТҮРТИНЧИ КОНУН

МАНФААТ КЕЛТИРУВЧИ ФАОЛИЯТ БИЛАН МАШГУЛ БҮЛИНГ

Бир куни шогирд устози билан меңнат ва унинг самараси ҳақида сұхбатлашиб қолди. Унинг мақсади – эришиладиган натижа учун нималар мезон бўлиши мумкинлигини билиш эди.

Устоз қаршисида турган дараҳтни шогирдига кўрсатиб сўради:

– Бу нима?

– Анжирга ўхшаш дараҳт.

– Қара, меваси борми?

– Ҳозир авжи ёз палласи бўлса-да, ҳосили кўринмаяпти, устоз.

– Бу бефойда дараҳт. Қурилиш учун ҳам яроқсиз. Боғимизда мевасиз дараҳт бўлмаслиги керак. Уни илдизи билан қўпориб ташла, – деди устоз.

* * *

Меңнатдаги мезон – ўлчов нима? Кўплаб кишилар бу борада хато қараашларга эгадирлар. Биз меңнат қилганимиздан сўнг натижасига эга бўлишимиз, яъни у ёки бу тарзда ҳақ олишимиз лозим. Бизнинг фаолиятимизнинг ўз баҳо-нархи бўлиши керак. Бошқача айтганда, бу – бозор. Биз бозорда нимани таклиф қилсак, кўрсатсак, мижозлар ўшанга караб қиймат, баҳо берадилар.

Биз ҳар қадамда ҳозирги олаётган маошимизга қаранганды кўпроқ ишлаб, кўпроқ ҳақ олишга қодир бўлган инсонларни учратишими мумкин. Факат гап – энди шудаъвойимизни исботлаб кўрсатишимиизда қолган. Бошқача айтганда, куруқ гапдан амалий ишга ўтишимиз лозим.

Бугунги кун бозор ҳақиқатига асосан ким нимага, қанчага қодир бўлса, ўшанигина тўлайди. Ётганга ҳам, ишлаётганга ҳам бир танга, дейдиган вактлар ўтиб

кетган. Ҳар ким ўз қобилияти, кучи нимага қодирлигини билади. Шунга қараб беради ва олади.

Мехнат ва даромад

Биз модомики иқтисодиёт ҳақида сўз юритар эканмиз, бу ўз-ўзидан меҳнатимиз натижаларига бориб тақалади. Бинобарин, ҳақ айнан натижага қараб тўланади. Сиз турли баҳоналарни рўкач қилиб, маҳмадоналик учун сарик чака ҳам ололмайсиз. Сабаби, бирор бажарган ишингиз ва унинг ҳолатини белгиловчи натижа йўқ. Йўкнинг баҳоси ноль!

Йирик саноатчи, машҳур Клемент Стоун шундай деган экан: “Мен одамларнинг иши натижаларига қараб баҳо бераман. Бу ҳар қандай мақтov va ragbatlanтиришдан устун туради”.

Сиз кўпроқ пул ишлашни хоҳлайсизми? У ҳолда сиз ўзингизнинг бозор қийматингизни оширинг, юксак натижаларга эга бўлинг. Бунинг учун эса бозор талабини ўрганинг. Содда қилиб айтганда, ишдаги касб маҳоратингиз ва малақангизнинг сифат жиҳатидан юкори бўлишига эришишингиз талаб этилади.

Тажрибали ишбилармонларнинг фикрича, биз саксон фоиз бажарган ишимизга бор-йўғи йигирма фоиз эътиборимизни қаратамиз, холос. Бундан кўриниб турибдики, ишдаги саксон фоиз ҳаракатимиз беҳудага соврилибди.

Бу гўё маҳмадона сотувчининг харидорга асосий гапни тушунтирмай, қуруқ гап билан маҳсулотни сота олмаган ҳолатига ўхшайди. Кўплаб хизматчилар соатлаб ҳужжатлар ҳаракатини кучайтиришга интиладилар. Кўплаб бошликлар эса хизматчиларининг вазифаларини ўзлари бажарадилар. Бу ҳаракатлар замиридаги ғоя битта – кўпроқ ва тезроқ фойда олиш. Йўқ, иш сиз ўйлаганча жўн ва осон эмас.

Голиблар ҳамиша саксон фоизли беҳуда ҳаракатни самара берувчи фаолиятга айлантириш учун кураша-

дилар. Мақсадли фаолият туфайли улар ишлаб чиқариш самарадорлигига эришадилар.

Ҳар бир ишни бажаришда бир неча мухим босқич – вазифалар мавжуд. Уларни ўз вақтида тұғри адо этмай туриб, юксак даромад олиш ҳақида ўйлаш күлгили бўларди. Ғолиблар ҳар қандай осон ишни ўз мураккабликлари ва айни вақтда, ҳар қандай оғир юмушларни ўзига хос осон томонлари билан кўра биладилар. Мухими, ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч нарсани ўз ҳолига ташлаб қўймайдилар – бажарадилар. Ҳа, охиригача бажарадилар!

Ўзингизга шундай савол беринг: “Ишлаб кўп пул топиш учун нима қилиш керак?” Сиз нима билан шутгуллансангиз ҳам жавоб ягона: “Қўлингизга олинг ва бажаринг!” Яъни ишни бошланг!

Ишимиздаги унумсизликлардан бири – буни эплай олмасам-чи, қўлимдан келмаса-чи, деган ноўрин хавотирланишининг кўнглимииздан кечишидир. Бунинг ҳам икки сабаби бор: биринчидан, биз хатога йўл қўйишимиз мумкин – бунинг учун жавоб берамиз. Иккинчиси, биз кўзланган мақсадни тўла амалга оширмаслигимиз мумкин, аммо бунда биз айбдор бўлмаймиз. Иккала ҳолатда ҳам тўла ишонч йўқ. Кўплаб кишилар, ҳатто баъзи ишбилармонлар ҳам журъатсизлик оқибатида хато ва муваффақиятсизликдан шу қадар чўчийдиларки, уни гўё сўнгги ҳукмдай қабул этишади. Ахир, ишламасдан хатога йўл қўйиб бўлмайди-ку?! Хато қилмасдан муваффақиятга етиш қийин.

Мағлубият ва йиллар

Биз масъулиятини зиммамизга олмайдиган муваффақиятсизликдан гап бошламоқчимиз. Иш юритишдаги нуқсонларимиз барча тизимга тааллукли бўлиб, ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Нега биз хатога йўл қўйишдан чўчиймиз? Ўзимизга нима учун ишонмаймиз? Имкони-

ятларимизни түғри хисобга олишда ҳам аниклик етишмай қолади.

Европача ривоятлардан бирида шундай дейилади: ер остида яшовчи гном (митти, серсоқол одамча)лар тинчгина ҳаёт кечиришар экан. Ногоҳ улар ўртасида шундай миш-миш ўрмалаб қолибди: ер юзи гўзал, аммо унда юриш хатарли. Гномлар бу хабардан ҳайратланиб текшириб келиш учун элчи тайинлашибди. Вакил юкорига ўрмалаб кетибди. Манзилга етиб, бошини ер остидан кўтариб атрофга қараса, қиш фасли экан. Ҳамма ёк оппоқ кор ва совук. Кор ва совукдан жунжикканича дарҳол ортига қайтиб, кўрганларини ваҳима билан сўзлаб берибди. Ҳамма жим бўлиб қолибди.

Орадан ҳафта ва ойлар ўтиб, гномлар ўртасида яна аввалги миш-миш қўзғалиб ер сатҳига чиқишига қизиқиш ортиб кетибди. Яна юкорига элчи йўллашибди. Вакил бошини кўтариб қараса, ёз фаслининг ўртаси экан. У аввалги элчидан мутлақо бошкacha манзарага дуч келибди. Атроф ям-яшил, куёш ҳамма ёкни ўз нурлари билан чароғон килиб турган экан. Кушлар учиб, капалаклар кувлашиб юрибди. У очик ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олибди. Куёш нурларида танасини тоблаб, мева-чеваларга тўйибди. Мухлат битиб, ноилож ортига қайтибди. Барча кўрган-билгандарини ер остидагиларга сўзлаб берибди.

Гномлар кимга ишонишни билмай, бошлари қотибди. Нима қилиш керак? Улар ўйлай-ўйлай яна икки вакил жўнатишибди. Уларнинг ҳам гапи бир-бирига тўғри келамаганидан бир умр яна ер остида яшашга карор килишибди. Ушбу антика ривоятдан қандай хулоса чиқариш лозим?

Бу ривоят йил фасллари ҳакида. Ҳар қандай фаолиятнинг ўзига хос томонлари, яъни қулай ва нокулай фасллари пайдо бўлиши мумкин. Айниқса, қишининг каттиқ-куруқ совукларида бирон ишни уддалашда турли нокулайликлар халақит бериши мумкин. Яъни ишдаги

силжиш оғир кечади. Яна шундай вазиятлар пайдо бўладики, айни ишлайдиган вақт қелганида негадир қўзланган мақсаднинг баъзи қисмларигина бажарилади, холос.

Кўпчилик доимо ёз фасли ҳукмрон бўлган жойлардан ўзига иш топишни қўзлайди. Ваҳоланки, табиат қонунларини ҳеч ким ўзгартира олмайди: ёз ортидан куз, қишлоғи, баҳор навбатма-навбат муттасил айланаверади.

Унутманг, ишда, бизнесда ҳам худди шундай: унда яхши ва ёмон ҳолатлар бўлиб туради. Бундай таассурот иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига у ёки бу даражада сезилиши табиий ҳолдир. Сиз ҳаётни мутлақо ўз икирчикирларидан, қонуниятларидан ташқарида тасаввур қилманг.

Ғолиблар ёздан кейин куз, қишлоғи келишини жуда яхши билишади. Бинобарин, ҳар қайси фасл учун улар қандай ҳозирлик кўриш лозимлигини ҳам тўла ҳисобга олишади. Кишнинг ташрифи ғолиблар учун бекорчилик бошланди, дегани эмас. Чунки қишлоғи абадий эмас, ўткинчи эканлигини доимо ёдда тутишади. Шунга кўра ҳаракат дастурига эга бўлишади. Шунинг учун ҳам уларда тўхтаб қолиш, яъни бекорчилик тушунчаликни нисбийдир.

Миқдор қонуни

Муваффакиятга эришиш учун миқдор қонуниларидан қандай фойдаланишни билиш керак. Сиз қайси рақамни хоҳлаб нарда тошини отсангиз – чиқса, бу тасодиф, холос. Ўн бор такрорласангиз ҳам тасодиф хисобланади. Нима бўлганда ҳам ютуққа эришишнинг ягона кафолати – битта. Сиз ҳар гал қандайдир ишни бажармоқчи экансиз, аста унинг ўзига хос шакл ва ҳажми намоён бўлади. Шунга қараб ҳаракат йўналишингизни белгилайсиз. Самараси ҳам фаолиятингиз даражасига яраша акс садо беради.

Ҳа, фаолиятингиз суръати, сифатига қараб, натижа ҳажми-миқдори кўринади. Сиз машғулот туфайли ўсиш-

ўзгаришга, ютуққа эришасиз. Қолгани ҳаваскорлар қизикадиган лотерея чиптасининг ўзи: бунда ютуқнинг 99 % чипта ҳомийсига, бир фоизигина эса уни сотиб олган ўйинчига имконият қилиб берилади.

Ишлаган хато қиласи

Ҳаётий тажрибамизнинг ортишида хатоларнинг ҳам ўз улуши ва ўрни бор. Сиз ҳаётингизда илк бор хато қилганингизда бир энтикиб оласиз-у, кейин чўчимайдиган бўлиб қоласиз. Қайси ишда бу кўргилик (хато)ка учраган бўлсангиз, энди бу борада ҳушёр тортасиз. Ахир, кўр ҳам ҳассасини бир бор йўқотади, дейишадик! Аммо ҳамма гал хатодан қандай хулоса чиқариб, сабок олганимизга ҳам боғлиқ бўлади. Эски мatal ҳамма даврларда ҳам янгидай сас беради: “Ким ишламаса, у хато қилмайди”. Бинобарин, барча соҳада ҳам хатолар учраб туради. Биз ўз фаолиятимизда ана шу хатони пайқасак, иккинчи марта унинг содир бўлишидан аввал олдини оламиз. Демак, яна бир ўсишга эришдик. Фойда олишни бошладик.

Ўзимиздаги иккиланиш, чўчиш ҳисларини бартараф этсак, унча-мунча автомат усулида бажариладиган ишлардан кўра унумлироқ самарага эришамиз.

Жуда катта фойдага эришиб, шахс даражасига етиш учун нима қилиш керак, деган саволга “Хатолар сонини икки марта ошириш лозим”, деб жавоб берган эди IBM компанияси асосчиси Уотсон.

Ғалаба ҳар доим эътироф ва рағбатлантириш, гулдурос қарсаклар билан тақдирланади. Хатолар эса дастлабки онларда ҳеч кимга мукофот келтирмайди. Аксинча, таъна, маломат ва жаримага рўбарў қилиши мумкин. Аммо шуни унутмангки, бунинг эвазига тажрибангизнинг ортишига, ривожланишига катта ҳисса қўшади. Ўз навбатида тажриба тўғри ва аниқ қарор қабул қилишда аскотади. Тўғри қабул қилинган қарор ортида

эса муваффакият накддир. Шунинг учун ҳам ким хато қилишдан тўхтабди, у ўзида ривожланиши ҳам ортга сурган бўлади.

Ғолиблар хатоларни қанча тўғри таҳлил қилишса, галабалар сони шунча ортиб боришини яхши билишади. Улар хато ва мағлубият учун асло қўл силташмайди.

Амалий машғулотлар

Ўз даромадимни ошириш ва фаолиятимни янада яхшилаш мақсадида мен қуидагиларга қатъий амал қиласман:

1. Мен кечаги кунимдан қандай фойдаландим, нималарга эришдим – атрофлича таҳлил қиласман. Агар мен ўз мақсадим йўлида ҳаракат қилмасам, ҳеч ким даромадимни оширмайди. Ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳар доим ўзимга: “Бугун мен қайси ишни амалга ошира оламан? Даромадимни ошириш учун қайси иш билан машғул бўлишим лозим?” каби саволлар билан хисоб бераман.

2. Даромадим миқдорини кўтариш ва муваффакиятга эришиш учун менга қанча муддат керак? Уч ой мобайнида миқдор қонунига асосан аниқ натижага эришишимни билган ҳолда керакли қарор қабул қиласман.

3. Ҳозир мен учун “Ёз фасли” экан, қиши келгунча қиладиган ишларимни – яъни ҳосилни пишириш, саралаш, йиғиштириб олиш чораларининг ҳар томонлама тадбирини белгилайман. Токи ҳеч қандай қиши менинг қатъий мақсадимдан қайтара олмасин.

4. Қишини қандай ўтказишнинг ҳам чора-тадбирларини кўриб қўйиш лозим. Улардан бири, ҳар куни ушбу китобдан бир бобдан ўкиб, билимимни ошираман. Ўз соҳамга оид йиғилиш-семинарларда қатнашаман. Илгор тажрибаларни тақкослаб кўраман. Шахсиятимни такомиллаштиришга кўмак берувчи омиллардан оқилона фойдаланиш – қишки режаларим асосини ташкил этади.

ШАХС ДАРАЖАСИГА КҮТАРИЛИНГ

Бир куни шоҳ саройи қизиқчиси (масхарабоз) кўнглида ўз ҳаётини ўзгартириш хоҳиши пайдо бўлди. У бадавлат бўлиш, ғаройиб саёҳатларга чиқиш ва дабдабали ҳаёт кечиришни хоҳларди. Ҳаммасидан ҳам кўра одамлар уни иззат-икром этишларини истарди. Чунки бутун умри давомида одамлар уни қалака этиб, “Анава масхарабозни кара”, дея қўлларини бигиз қилишарди. Шунинг учун ҳам одамлар унга ҳурмат кўрсатишларини истарди. У фурсат келганида юрагидаги бор гапни шоҳга сўзлаб, мадад тилади.

Шоҳ унинг илтимосини қабул этиб, шундай деди: “Эй, қизиқчи, сен кўп йиллардан бери менга хизмат қиласан. Доимо хурсанд юришим учун қўлингдан келган хунарингни намойиш этдинг. Шунинг учун ҳам сенинг илтимосингни бажараман”. Шундай қилиб, шоҳ қизиқчига катта микдорда бойлик ва турар жой берди.

Қизиқчи мақсадига етган эди. У энди шоҳона бинода яшар, тансиқ таомлар билан лаззатланар, хуллас, қўлини қаёққа узатса етадиган мақомга эришди. Аммо у қанча ой-кунлар ўтиб, мислсиз бойликларга эга бўлса-да, эл назарида ҳамон бир қизиқчи-масхарабоз сифатида қолганди. Бундан ташқари, у меҳнатсиз орттирилган бойликнинг қадр-қимматига етмасдан, кайф-сафо қилиб ҳаммасини тез орада совуриб юборди. Яна эски ҳаммом, эски тос ҳолига етишди. Шунда у барча кўргиликлар сабабини билишга қизикиб, шоҳнинг энг яқин маслаҳатчисига арз этди.

Шоҳ маслаҳатчиси кулди. Бошини сарак-сарак килди-да, унга жом ва кўзада турган шаробни кўрсатди.

– Мен кўзадаги ҳамма шаробни анави жомга сиғдириб куя олмайман. Негаки, жом кўзадан бир неча маротаба кичик. Шунинг учун ҳам сиғмайди. Демоқчиманки,

сенинг шахсиятинг ҳам ҳохишингга нисбатан жуда кичик. Асло мутаносиб эмас. Ахир, сенга шоҳ бир умрга етадиган молу давлат берди. Аммо сенинг шахсиятинг бу ганимат бойликни саклаб қолиш иктидоридан ожиз келди. Шунинг учун ҳам аввалги ҳолатингга тушдинг. Аввалдан шахсиятингни тарбиялаб, ҳаётдан курашчан ўрнингни топишинг лозим эди...

Қадамма қадам, сабоқма сабоқ...

Биздаги ҳолатнинг яхши томонга ўзгариши учун аввал ўзимиз ҳам яхши сифатларга эга ҳолда ўзгаришимиз лозим. Бизга таниш бўлган кўплаб кишилар ўзлари эришмоқчи бўлган муваффақиятларни таъминлаш учун вазият ўзгаришини, қулай фурсат келишини кутадилар. Ваҳоланки, улар кутаётган қулай вазият келганида ҳам ҳеч нарсани ўзгартира олмайдилар. Сабаби, уларнинг ҳали шахс сифатида бўйлари “наст”. Улар қулай вазият билан киришиб кетиш санъатидан жуда олисдирлар. Ҳа, энг аввал улар ўзларида шахс комиллигини таъминлашлари зарур. Бу ишда ҳамма нарса гўё мактабдаги талаб ва қоидаларга жуда ўхшайди: биз биринчи синфдан бошлаб ўқиймиз. Аста-секин иккинчи, учинчи синфга ўтамиз, бунинг учун йиллар керак, ошиқманг. Бу жуда оқилона тизимдир. Биз қанча яхши томонга ўзгариб борсак, имкониятларимиз даражаси ҳам шунча ўсиб боради.

Кимдир бу қоида ва талаблардан коши чимирилиб, “Менга икки миллион евро беринг, қоидаларсиз ҳам пул топишини, бой бўлишни кўрсатиб қўяман, сизга!” дейиши мумкин. Бу мутлақо хотүғри, хато ёндошиш бўлади. Энг аввал бугунги кун талаби ва вазиятни тўғри тушуниб, билиб олиш лозим. Шунга кўра, дастлаб минг еврони ақл ва ишонч билан муомалага киритиб кўринг. Натижага қараб, аста-секин минглар сонини ортириб бориш мумкин. Зўр бўлиш учун “қулай ҳолат”ни

кутмасдан вазиятни аниклаб, тез ҳаракат қилишни билиш лозим. Яна шуни алохидә эслатиб ўтиш жоизки, биз у ёки бу ишни бажаришга яраймизми, деган саволни ҳеч қачон одиндан тайёрлаб олманг. Биз ҳар қандай ишни бошлар эканмиз, аста-секин ўша иш-вазифанинг мохир бажарувчисига айланамиз. Сиз бирор юмушни ҳали бошламай туриб, иккиланар экансиз, ўша иш елкангизга миниб олади ва ўсишга йўл бермайди. Имкониятни бой бермаслик ҳам муқаррар ғалабани таъминлайди.

Экишнинг беш сабоги

Уруг сочиш ҳақидаги ривоятни эшигтан бўлсангиз керак. Дехқон уруг сочибди. Аммо ҳамма сепилган уруг униб чиқмабди. Ургнинг баъзиларини қушлар еб битирибди, баъзиси сувсизликдан қовжираб қолибди, айримлари эса ёввойи ўтлар куршовида авж олиб ўсмабди. Мана шу холатлардан мухим хулоса чиқариш мумкин.

1. Ҳар бир сепилган дон униб чиқавермайди, шунинг учун ҳам ҳасислик қилмасдан уругни кўпроқ сочиш керак.

2. Ишингиздаги камчилик сабабини рақибларингиздан ахтарманг. Сиз ўз рақибларингизни енгиб, йўқ қилган тақдирингизда ҳеч қачон ўсиш, ривожланишга, мақсадингизга эриша олмайсиз. Ахир, ўйлаб кўринг: ҳамма нарсага ўз вақтида улгурувчи, тадбиркор, меҳнаткаш кишиларнинг ютугини кўра олмайдиган, қаршилик кўрсатувчи “дўстлар” ҳамиша етарли бўлади. Табиатан бу шундайлигича қолади.

Донни еб кетувчи қушлар ва бегона ўтлар ҳар доим бўлган ва бундан кейин ҳам йўқ бўлмайди. Акли расо дехқонгина уруг сепишни тўхтатмайди.

3. Ўйлаб кўринг, ерга уруг сепмасдан ҳеч ким ҳосил йиғиб олмайди. Ажру мукофот сиз ишларни бажариб

бўлганингиздан сўнг келади. Аллоҳ ҳар қандай меҳнат эгасини беҳисоб неъмати билан мукофотлайди. Қуруқ гал ва ўзини оқловчи баҳоналарни инобатга олмайди. Аммо барибир айримлар табиатнинг бу нозик қонун-қоидаларини четлаб ўтишга, ўзгача йўллар билан неъмат эгаси бўлишга интилишлари сир эмас. Йўқ, бу мумкин эмас. Бу фикр хиёнатга, жиноятга олиб боради.

4. Сиздан кучли иродат талаб этилади. Ўсиш ва ривожланиш учун жиддий вакт керак. Уругни сепиб, икки кундан кейин Сиз дархол ҳосил йиғишириб ололмайсиз. Гарчанд катта меҳнат ва маблағ сарф қилган бўлсангиз ҳам бунинг иложи йўқ. Яна меҳнат ва бардош, сабр-тоқат туфайли сиз кутилган натижага етиб борасиз.

5. Сиз нима эккан бўлсангиз, ўшанигина йиғишириб оласиз. Инсоният бутун умри давомида яхши ва ёмон уруғликка дуч келган. Эҳтиёт бўлинг. Сиз эккан экин ичида ёмон урут ҳам ўсиши, ҳосил бериши мумкин. Бу масалнамо коидалардан ҳар ким ўзига тегишли хулоса чиқариб олсин.

Мехнат жараёнида инсон камолотга эришади

Ёдингизда бўлса, ҳамма буюк кишилар меҳнатлари туфайли юксак шахс даражасига кўтарилганлар. Масалан, Эйнштейн ўзининг ғаройиб назариялари билан фан оламида машҳурликка эришган бўлса, Беккенбауэр футболдаги муваффакиятлари билан дунёга танилган ўйинчидир. Махатма Гандини эса Хиндистонни мустабид тузум исканжасидан халос этган буок инсон сифатида қадрлайдилар. Она Терезага эса қашшоқларга меҳр-шафқат кўрсатиш бўйича қилган хизматлари Нажот фариштаси унвонини олиб берган. Улар ўз ғоялари, максадлари йўлида фидокорлик кўрсатган олийжаноб инсонлардир.

Эътиқод, ишонч ва меҳнат инсонни олий даражага кўтариши аниқ. Ҳа, меҳнат инсонни улуғлайди. Сиз

бахтли, фаровон ҳаёт кечирмокчи экансиз, қалбан меҳнат қилишга, дадил ва журъатли бўлишга интилинг. Дастрлаб ишлар кўнгилдагидек бажарилмаслиги мумкин. Лекин бунинг ҳеч қандай ташвишланадиган, қўрқадиган жойи йўқ. Муҳими, қўлингизни ишдан тортманг.

Бизни сўзсиз, муваффакиятларимиз бадавлат қилади. Бироқ маглубиятларимиз бизга сабоқ бериб, руҳий, жисмоний ўсишимизга бош омил бўлади.

Муваффакият йўлидаги олти тўсик

Нега ҳамма ҳам муваффакиятга эриша олмайди? Ахир, ҳаммада ҳам ўзига яраша имконият, иқтидор борку?! Бизнинг имконият ва журъатимизни ҳали руҳиятимизда тўла уйғонмай туриб бўғиб таинловчи олтига нокулай ғов мавжуд. Айнан ана шу ғовлар туфайли кўпчилик инсонлар муваффакиятгача етиб келолмайдилар. Улар ҳаёт, яъни турмуш талаб ва қоидаларини ўз вақтида илғай олмасликлари сабабли ҳам ҳеч қачон мақсадга эришолмайдилар. Гап инсоннинг ички, руҳий ҳолатидаги ўзгартириб бўлмас феъл-атвори, одат тусига айланган худбин қарашлари устида кетмоқда.

1. *Ўзиникини маъқул билувчилар.* Бундай инсонлар сизга таниш. Бирор нарса сўрамайди. Ўргатай, тушунтирай, десангиз ўз билганидан қолмай жавраб, миянгизни суюлтириб ташлайди. Ҳамма нарсага ёлғиз ўзининг акли стадигандек қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади.

2. *Бишнесизлик.* Кўпгина кишилар турли сабаб, баҳоналарга кўра, ўзларини орқага тортадилар. Интилмайдилар. Янгилик сари қадам ташламайдилар. Лоқайдлик устун туради.

3. *Манманлик.* Биз кўпинча ўзимизга ортиқча бино кўйган холда атрофимиздагилардан иззат-икром кутамиз. Ҳамиша уларга тик қараб муносабат

бидиришга тайёрмиз. Бундай бадқовоқликлар ҳеч қачон биз кутган самарали натижага олиб бормайды. Аслида, такаббурлик – жаҳолат ва нодонлик белгисидир.

4. *Құрқұв*. Бу түйғу ҳамма имкониятларни барбод этади. Биз нимани хоҳламасак, ўша нарса бор бүй-басты билан күнглимиизга құрқұв солади. Журъатимизни үлдиради. Бундай түйғулар оламшумул фожиаларга ҳам сабаб бўлади.

5. *Гумонсираши*. Бу түйғу куч-қувватимизни, имкониятимизни ўзгаларга солиштираётганимизда пайдо бўлади ва ютукларимизга соя ташлайди. Биз ўзимизга қаттиқ ишонишимиз лозим.

6. *Айборлик ҳисси*. Баъзилар худбинларча ўзларини кўпчиликдан олиб қочишади. Гүё кимдир уларни бирор ишда айблаётгандай ҳис этишади. Аник мақсад сари дадил киришилса, бу ҳолат барҳам топади.

Ишлашнинг гўрт усули

Иш ҳақида сўзларканмиз, уни яхши ва ёмонга ажратишимиз мумкин. Яхши ишлар бизга қониқиши, хурсандчилик бағишлийди. Иккинчидан, биз нималарга қодир эканлигимизни, иқтидоримизни кўрсатади. Учинчидан, биз эришган ютукларимиз оркали бошқаларнинг муаммосини тажрибакор сифатида осон ҳал этамиз ва қўшимча даромадга эга бўламиз.

Эътибор беринг: ёмон иш ва нотўғри муносабат натижаси ҳеч қачон яхши бўлмайди ва турмушда бирор манфаат баҳш этмайди.

Иккинчиси, иш ёмон-у, аммо унга нисбатан тұғри муносабат бўлса, одам нимагадир эришади, аммо кўп вақт кетади.

Учинчиси, иш яхши-ю нотўғри муносабат бўлса, бунда натижа паст, аммо мақсад сари қисман яқинлашилади.

Тұртқинчиси, иш яхши, муносабат ҳам түғри бұлса, күнгилдаги ишга батамом эришилади.

Юкоридагиларга күра, үзингизга қуидаги саволларни беріб күринг: Ишингиз күнгилдагидекми? Манфаат ва кизиқишиңгизга мұвоғиқми? Бу ишга бүлган муносабатингиз қандай? Ишингиз үзингизга ёқмаса, уни үзгартира оласизми? Юқоридаги қоидаларга қандай фикр билдирасиз?

Күплаб кишилар тақдирларидан норози ҳолда доим адолатсизлик ҳақида жағрайдилар. Улар, аслида далага уруғ сочмаган ҳолда, ҳосил йиғишиң үйлайдилар.

Ғолиблар вазият яхши томонға үзгаришига ишонған ҳолда хеч қачон фурсады бой бермайдилар. Улар вазиятта караб турланиб, баҳона изламайдилар.

Рихард Бах шундай деган экан: “*Хар биримиз ёруғ оламга келаётганимизда ичимизга мағфий равишда мармар тақтаси ва үнга ишлов берувчи асбоб яшириб қүйилади. Биз умр бүйи бу мармар тақтасини хеч қандай ишлов бермай күтариб юришимиз ёки уни майдалаб ташилашимиз ҳам мүмкін. Аммо құнт билан ҳаракат қылсак, үша мармарга ҳайратта сабаб бұлувчи шакт ҳам беришимиз мүмкін*”.

Бизга туғилишданоқ бахтли бўлиш ва муваффакият козониш кобилияти берилган.

Амалий машғулотлар

Кучли шахсиятта эга бўлиш учун, албатта, ўсиб-ривожланишим зарур. Бунинг учун қуидагиларни бажаришим керак:

1. Ишм учун бор куч-куватимни сарфлайман.
2. Хатоларимни тақрорлашни хохламайман. Шунинг учун кундалик тутиб, олдинги хатоларимни ўрганаман.
3. Шахсиятимни ривожлантирувчи адабиётлар үқишига киришаман. Бунинг учун бир кун давомида камида бир соатлик вақтимни ажратаман.

ҚҰЛИНГИЗГА ОЛИНГ ВА БАЖАРИНГ

1960-1970 йилларда спорт пойабзали халқаро бозорида “Adidas” компанияси олдига тушадиган бирон бир рақобатлашадиган фирма йўқ эди. Бу вактда бир қанча ғайратли йигитлар пойабзал ишлаб чиқарувчи ўз фирмаларини ташкил қилишга, шу йўл билан “кураги ерга тегмаётган” баҳайбат концерн (ишлаб чиқариш корхонаси) билан беллашишга аҳд қилдилар. Бу ҳаракатнинг амалга ошишига унча-мунча одамнинг акли етмасди. Ҳали ростмана ташкилий ишлар маромига етмай туриб, уларни танқид килувчилар, калака килувчилар, улар устидан гоҳ пинхон, гоҳ ошкора кулувчилар топиларди. Чунки “беллашув”сиз ҳам улкан муаммо ва кийинчиликлар яккол кўзга ташланиб турарди.

Кемага тушганинг жони бир, деганларидек, ташкилотчилар кўп ўйландилар. Ишни юритишга асосан нима тўсқинлик қилаётганлигини аниқлашга киришдилар. Кўп баҳс-мулоҳазалардан сўнг улардан бири шундай деди: “Бизнинг бу ердаги ҳамма гапимиз, агар билсангиз, сариқ чақага арзимайди. Ишимизнинг сал бўлса-да, олға силжишига ёрдам бермайди. Ишни қўлга олайлигу бажарайлик”. Шериклар бир-бирига карашди. У нима деяётганлигини англагандай бўлишди. Рост-да! Бошқалар билан бизнинг нима ишимиз бор. Улар нима деб вайсаса, вайсаб ўлмайдими?! Ҳаммамиз ўз ишимизни бажаришга, шунга жавоб беришга масъул бўлайлик! Ҳаёлпарастликни бас қилайлик! Аллакачон ишни бошлишимиз керак эди!

Бу илхомбахш ва кинояга тўла аччиқ даъват йигитларни жиддий ҳаракатга келтирди. Улар “Ол ва бажар!” сўзини фирманинг катъий шиорига айлантирилар. Улар ана шу мақсадда майка буюргма

бердилар. Майка орқасида “Ол ва бажар” ёзуви бор эди. Шу тарзда майкани кийиб, иш бошладилар.

Мухтарам ўкувчимиз гап кайси фирма устида кетаётганлигини фаҳмлаган бўлса керак. Бир неча йил ўтгач, спорт оёқ кийими ишлаб чиқариш бўйича “Nike” дунёда биринчи ўринни ишғол қилиб, “Adidas” ни қувиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бугунги кунда ҳам “Nike” компанияси ишчи ходимлари “Ол ва бажар!” деб ёзилган майка кийишади.

* * *

Бу дунёда ўз куч-куввати ва имконияти даражасида меҳнат килмаётган одамлар тўлиб-тошиб ётибди. Бунинг сабабларидан бири қандай иш юритишни, иш бошлишни билмаганларидан бўлса, иккинчиси, қандай ишлашни, нима қилишни билган тақдирда, уларда журъат, шаҳдайрат етишмайди.

Сукрот ҳаким бундай кишиларга: “ҳамма нарсага қодир-у ўта ялқов” деб баҳо берган.

Билим – жуда катта имконият бахш этувчи кучdir. Бу кучга эга бўлган қўл ўзига рӯбарӯ келган ҳар қандай ишни қандай ҳал қилиш, қўллаш лозимлигини жуда яхши билади.

Ғолибларнинг ҳал килувчи иқтидори, кучи шундаки, ўз шахсий нуқтаи назарида вазиятни аниқ белгилай оладилар.

Кўпчилик сувдан чўчиш касалидан хавотирланиб яшишади. Улар ҳаёт дарёсига – оқимиға ўзларини ташлаганлари билан аввалдан йўналишларини белгилаб олмаганлари учун хас каби бекарор ҳолда дуч келган томонга кулоч отадилар. Кўпинча киргоққа чиқиб олгунича ҳалокат даражасига етадилар. Бундай журъатсиз, лоқайд одамлар ҳеч качон ўз кучлари билан мақсадга ета олишмайди. Вакт ўтгани сари уларнинг имконияти сўниб, чегарагача қадалиб келади.

Биз қанчалик барваҳт фаолият кўрсатишга интилсак, ҳаётимиз ҳам шунчалик мураккаблашиб боради. Барча

қонунлар агар биз амалиёт билан боғланиб бормасак, ҳеч қандай маъно англатмайди. Осойишта, тинч сувда чўмилиш кишига роҳат бағишлийди. Аммо ҳаётдаги бундай “роҳат”лар биз учун фароғат бағишиламайди.

Кўпчилик нима хоҳлашини, ким бўлишини билгани ҳолда ишга киришиб кетолмайди.

Ўзидаги ялқовликни оқлаш учун баҳона – “асос”лар

Ҳар доим ўзингизга қуидагича саволларни бериб боринг:

1. Сиз бирор ишни бажаришда хатога йўл қўйишдан кўркиб уни орқага сурасизми? Уялиб қолишдан чўчийсизми?

2. Сиз “Ҳали бу ишни килишнинг вакти-соати етиб келгани йўқ”, деб баъзи бир ишларни бажармаган пайтингиз бўлганми?

3. Сизга баъзи ишларни бажариш учун қўшимча, алоҳида тайёргарлик керак, деб ўйлайсизми? Сизнингча, қўшимча тайёргарлик билан тажриба ишончли таянч бўла оладими?

4. Сиз “яхши имконият” ҳаётда бир маротаба берилади, ундан фойдаланиш учун шошилмай, қулай фурсатни кутиш керак, деб ҳисоблайсизми?

5. Ишга киришишдан аввал нималарнидир ўзгартириш лозим, деб ҳисоблайсизми?

6. Сиз ўз мақсадларингизни амалга оширса бўлади, деб ҳисоблайсизми?

Юқоридаги саволларни жиддий муроҳаза қилиб кўринг. Ўзингизга халол танқидий баҳо беринг: сизнинг ишга тўла киришиб кетишингизда юқоридаги каби баҳоналар “оқлов” вазифасини бажармайдими? Аслида эса худди юқоридаги каби “уидай-бундай”лар йўлимини “тўсади”.

Энг зўр пайт – ишни бошлаш эканлигини яхши биласиз. *Бу ишни эртага ёки индинга эмас – айнан ҳозир бошлаш зарур, вассалом!* Сиз ишни бошлашингиз билан майда-чуйда кийинчилик ва етишмовчиликлар ўз-ўзидан даф бўлади. Унутманг, дадиллик, камолотга эришишнинг тайёр ва осон тавсияномаси ҳеч қачон бўлмаган. Шунингдек, қулай фурсат келса, бошлайман, деб вактни совурманг. Бошланг! Одатда ғолиблар ҳамиша ҳар бир ишга тезкорлик билан ёндашадилар ва ҳал қиласидир.

Шуни асло унутмангки, барча улуғ ишлар кичкинадан, оз-оздан бошланади. Ҳамма ҳам дастлабки қадамларда адашади, хатоларга йўл қўяди. Хатолар келгусидаги ютуқларимиз, тўғри қарор ва ҳаракатимизнинг келажакдаги бош омили хисобланади. Хатолар – жуда катта аҳамиятга эга бўлган, эсдан чиқмайдиган сабокдир.

Секинлик билан, хатога йўл қўймаслик учун имиллаб мақсадга интилгандан кўра хато бўлса ҳам жисддий фаолият қўрсатиш юз марта аълодир. Биз ҳеч қачон тўла, тайёр ҳолатда улуғ ишларни бажаришга шай бўлмаймиз. Биз ишни бошлаганимиздагина паст-баланд, оз-кўплигию, нима керак, нима ортиқча – яққол кўзга ташланади. Энг яхши тайёргарлик – бу ишга киришиш, бошлаш! Бошқаси ортиқча вақт йўқотишдан бошқа нарса эмас. Ҳар замонда баъзилардан эшитишга тўғри келади: “Менда имконият ва катта куч пайдо бўлиши билан иштон-кўйлагимни ечиб ташлаб, ҳар қанақа ишни котириб қўяман!” дейишади.

Бу гапларга асло ишонманг. Бу ўзини ўзи алдаш! Бу масалага биз яна қайтамиз. Аслида Сиз иш учун югура бошлар экансиз, ўзи куч пайдо бўла бошлайди. “Агар мен доимий иш топиб олсан, юрагимдан ишлашни бошлардим”. Бу ҳам бир ландовурнинг сиз ва бизга ўзини оқлаб айтган кесатиғи. Ёлғон. Доимий иш доимий ишлаб келаётганлар учун ҳамиша етарли. Бунинг учун ҳам кўп, узок меҳнат қилиш керак.

Бажарилган меҳнат учун ажр-мукофот берилади

Бир саройда икки омоч бор эди: бири занглаган, иккинчиси эса олмосдай ярқиради. Занглаб ётгани ялтираб турган қўшнисидан ҳасадланиб сўради: “Нега сен чиройли, мен эса емирилиш даражасидаман? Буadolatdan эмас, мен тенглик талаб қиласман!” Ялтирок омоч лўнда жавоб берди: “Менинг гўзалигим меҳнатим туфайлидир”.

Бу масал-тамсилни ким қандай хоҳласа, шундай тушуниб етади. Биз назарда тутаётган ғоя эса бошқа маънони ифодалайди.

Бугунги кунда хоҳлаймизми-йўқми ижтимоий тенглик ваadolat ҳакида кўп гапирилмоқда. Ҳакиқатдан ҳам бу борада килинадиган жуда кўп оламшумул ишлар, ислоҳотлар бор. Аммаadolatни ўз манфаатига, дунё-қарашига мослаб ўзлаштириб бўлмайди. Қандайдир ахолининг бир қисми ётиб олиб есин-да, иккинчи қисми меҳнати билан ўзини ва бошқаларни боқсин?! Бунга йўл кўйиб бўлмайди.

Унутманг, бошқалар меҳнати эвазига яшовчилар ғирт текинхўр, балки ўғри қаторидаги инсофисизлардир. Колаверса, улар ҳеч қачон ўзларини ўнглаб оломай, баҳтсиз, бадбаҳт кишилар мақомида қолиб кетадилар.

Ҳамма учун ягона талаб ва қоида бор: меҳнат қилиш қобилиятига қодир ҳар бир киши тенглик тамойилига бўйсуниши шарт. Эҳтиёжларни бажариш йўлида тенглик йўқолмаслиги лозим. Ишлаган-у ишламаганни асоссиз равишда тенг тутиш –adolat мезонини ишдан чиқаради. Норозилик, нафрат ва ҳатто, уруш чиқишига сабаб бўлади.

Дунёдаги барча дин таълимотлари ва муқаддас китобларда адолатли бўлиш, инсоннинг ҳақ-хуқукларини, меҳнатларини қадрлаш – бош қадрият даражасига кўтарилган.

Мехнатга лаёқатсиз кишилар, яъни майиб-мажрух ногиронлар ҳамма давларда ҳам ҳалқ ва давлат ҳимоясида бўлиб келган. Хайриялар утошибирилган. Ҳаёт неъматларининг асосий кисми айтиш лозимки, иш билан банд, ишлаб чиқариш воситалари, қишлоқ хўжалиги ходимларининг катта меҳнатлари эвазига бунёд этилади. Яратилган ҳаёт ашёларига – ишлаш, меҳнат қилиш қобилияти бўла туриб, зўраки шерикка айланиш – ўғриликдан-да оғир ижтимоий гуноҳдир. Уларнинг жамиятда мавқега эга бўлиши ҳар қандай ҳалқни, ҳар қандай ҳокимиятни холдан тойдиради. Мамлакатда низожанжалларнинг кўпайишига, натижада биз юқорида эслатиб ўтган ҳалқ норозиликларининг келиб чиқишига туртки бўлади.

Бизнинг бош кўмагимиз эса ўзи учун ғамхўрлик килиш қобилиягидан узоқ бўлган кишиларни қўллаб-куватлаш, очлик машаққатини тортмасликлари учун уларнинг ҳаётларини енгиллаштиришдан иборатdir.

Ишловчилар, иш берувчилар, яратувчилар инсоният ҳаётини, яшаш тарзини шакллантиришда етакчи шахс сифатида олқишига, шон-шарафга сазовор кишилардир.

Шунга кўра ҳар нарсанинг ўз ўрни, ўз вақти ва ўз номи бордир. Ўзини ўзи таъминлай олмайдиганлар, яъни меҳнат қобилиятини йўқотганлар ҳаётини фаровонлаштириш ҳар биримиз учун асосий маслак бўлиши лозим.

Бу китобни шунчаки вараклаб чиқиш билан сиз ҳеч қандай натижага эришмайсиз. Баъзи қоила-хулосалар сизни нималаргадир руҳлантирса, чорласа, бу ҳам ҳали ҳеч нарсани ўзгартиришга кодир эмас. Сиз ҳаракат килишингиз лозим. Кунма-кун, соатма-соат ўрганаётган, ўзлаштираётган қонун-коидаларни ҳаётга татбиқ этишингиз талаб этилади. Бу китоб сизни ноқулай вазиятлардан олиб чиқишида кўмакдошингизга айланиши керак.

Ўзингизни қийнамасдан ҳар куни бир боб (кисм)дан эътибор бериб ўкинг. Сизга берилаётган эслатма ва тавсияларга эътибор қилиб, уларни ишда, ҳаётингизда

кўллаш билан китобнинг таъсирчанлигини, ҳаётбахш кўлланма эканлигини исботланг. Китобни охиригача ўқигач, яна бошидан такрорлашга эринманг. Китобнинг барча боб-мавзуларини аралаштириб, қандай ёзилган экан, деб чалкаштирмасдан, ҳар бир бобни яхши мутолаа қилиш, мағзини чақиш, фикр-мулоҳаза юритиш сиз учун энг фойдали, даромадли машғулотга айланади.

Беҳисоб иқтидорли кишилар ишни нимадан, қандай бошлиш, муваффақиятга қандай эришиш, ўзаро ҳамкорлик иқлимини яритишдаги тажрибасизликлари туфайли ноchorлик исканжасида қолиб кетганлар. Тажрибалар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. У беҳисоб хато, сабоқлар, йўқотишлар, зиён-захматлар эвазига пайдо бўлган ва минг йиллар нарнадаги тарих билан чамбарчас боғлиқдир. Китобни ўкиш, кўчирмалар олиш, кундаликлар тутиб, фаолиятингиздаги асосий лаҳзаларни қайд этиб бориш, шубҳасиз, сизни босиқ, салобатли, донишманд кишига айлантиради.

Ягона мезон

Кўпчилик кишилар ўз олдиларига ҳеч қандай мақсад кўймаганлари ҳолда нималаргадир интилаверадилар. Бу кулгили эмасми? Қаёққа қараб, нима учун югуриш кераклигини билмаган ҳолда дуч келган томонга тез югуришдан қандай манфаат бор?

Билиб кўйинг, сизнинг ягона имкониятингиз – мақсадга элтувчи мезонингиз бор. У сизнинг ҳаракатингиздир. Яъни, ишга киришиб кетиш – бошлаш! Бошқа йўл йўқ!

Бордию фаоллик кўрсатишга ҳолим етмайди, демоқчи бўлсангиз, унда сабабларни таҳлил қилиб кўринг. Хўш, сиз нега мақсадга етишни хоҳлайсиз? Сизга муваффақият қозониш нима учун керак бўлиб қолди?

Бу саволларга жавоб беришга ошиқманг. Сизнинг олға интилишингизда зарур саналган омилларни

белгилаб олиш учун ишга қандай киришиш керак, деган саволга эмас, балки нега шундай ҳаракат қилиш лозим, деган саволга жавоб топиш муҳимdir.

Энрико Карузо

Болалигидан Карузо Миланнинг “Ла Скала” театрида қўшиқ айтишни орзу қиласарди. Аммо ёшлигидаги орзусини четга суриб, сайёр опера труппасига қўшилиб кетади.

Кунларнинг бирида у Сицилияда дўсти билан учрашиб қолади. Ўртоғи сайёр труппа ҳақида индамайди. У Карузонинг истеъдодига ишонарди. Унинг болаликдаги орзусидан ҳам хабардор эди.

– Нима қиляпсан? – сўрайди у.

– Ҳозиргина сенга айтдим-ку, ҳаммасини, – жавоб беради Карузо.

– Мени тушунмадинг, – дейди ўртоғи, – ёшлиқдаги мақсадинг нима бўляпги?

Карузо ҳаётини ўз ҳолига ташлади. Машқ қилишни бас қилди. Орзуларини унуди. Ўртача ҳолатга тушиб колди. У ўзини ҳурмат қилишни, имкониятларини ривожлантиришни тўхтатди. Булар ҳам етмагандай, ичишни бошлаб юборди.

Бир куни саҳнага ҳам маст ҳолда чиқиб қўшиқ айта бошлади. Шу ҳолатда саҳна безаги ағанаб кетди. Жиддийгина опера намойиши тўполонга айланиб кетишига сал қолди. Карузо вазиятдан чўчиб, дарҳол ўзига келди. Сўнгти саҳна кўринишидаги арияни бор маҳорати, имконияти борича куйлади. У ҳаётда ҳеч қачон бундай куйламаганди. Нималарга қодир эканлигини намойиш этди. У гўё ўзини “Ла Скала” саҳнасидагидек ҳис қиласарди.

Томошабинларнинг баданидан гўё чумоли ўрмалагандек бўлиб кетди. Томошада иштирок этаётган театр арбоблари, танқидчиларнинг ҳам оғзи очилиб қолганди. Уларнинг фикрича, ҳалигача бирор артист бу даражада

маҳорат билан күшик ижро этмаганди. Бу ижро труппадаги унинг сўнгги чиқиши бўлди. Шу тариқа у Миланга жўнади. У энди ҳар куни машқ қилас, маҳоратини оширади... ва ҳар куни томашабинларни лол қолдириб, ижрочилик иқтидорини намойиш этарди. У эндиликда “Ла Скала”нинг қўшиқчисигина эмас, балки дунё тан олган санъат юлдузига ҳам айланганди...

Ҳеч қачон ҳеч кимга “Бунинг иложи йўқ”, “Бу сенга тўғри келмайди”, “Бошқа иш қил”, “Менга ёқмаяпти” каби киши кўнглини орзу-ҳавасидан сўндирадиган, иштиёқини йўқ киладиган гап айта кўрманг. Шунингдек, бошқаларнинг ҳам мавҳум, танқидий, маломатли сўзларига парво қилманг. Уларнинг гап-сўзи ҳеч нарсани ўзгартира олмайди. Ичи қора, баҳил, ҳасадгўй кишилар ҳеч қачон инсонга ёқадиган гап гапирмайдилар.

Ўзингиз синаб кўринг: анчайин обрў-эътиборли кишидан бирор нарса ҳакида маслаҳат сўрасангиз, “Бунинг иложи йўқ”, деб жавоб беради. Иккинчи бир киши эса масалани ҳал қилиш мумкин, дейди. Кўряпсизми, иккаласи ҳам ўзича ҳақ. Аммо биринчиси ўтирган жойида бошини қотиришга ҳафсаласи йўқ, иккинчиси эса фаолиятдаги одам. У дарҳол ишга киришиб кета олади. Бу ёруғ дунёда нимаики бўлса, ҳаммасининг ўз қиймати, вазни, ўрни бор. Инсонларга кашф этиш, яратиш, куриш учун иш берилган. Улар ишни қўлга оладилар-да, бажаришга киришадилар. Ғолиблар ҳал қилувчи масала – бу ишга тезрок киришиш эканлигини яхши биладилар. Оддий шиор: “Ол ва бажар!”

Амалий машғулотлар

Бугун мен фаолият күрсатиш учун қобиляйтимни ривожлантиришіга доир қуидаги ишларни бажараман:

1. Мен қачонлардан бери бажаришим керак бұлган ишларнинг рўйхатини тузаман. Унда шу кунларда қайси ишни бажариш мумкинлигини хисобга оламан. Кейин кўлим текканда қиласман, деб режалаштирилган ишларга қатъий муддат белгилайман. Бугун қилишим лозим бўлганларини қўлга оламан.

2. Орзу альбомимга назар ташлайман. Ҳаётнинг беш йўналиши (соғлик, ўзаро муносабат, молиявий аҳволим, ишнинг бориши ва ҳис-туйғуларим) бўйича мақсадларимни аниқлайман. Бу мақсадларим ушбу альбомимда ўз ифодасини топганми?

3. Ушбу китобда берилган амалий машғулотларга ёзма жавобларимни ёзиб бориш учун алоҳида кундалик тутаман. Бу ҳеч нарсани кўздан қочирмасликка ва муваффақиятларимни таъминлашга ёрдам беради.

4. Ўзимга савол бераман: “Ишларимни кейинга суришнинг бирор сабаби борми? Ишларни бошлишнинг айни вақти эмасмикан? Балки буларнинг барчаси борйүғи баҳонадир?”

ЕТТИНЧИ ҚОНУН

ХИС-ТҮЙГУЛАРИНГИЗНИ ТҮҒРИ ТАРБИЯЛАНГ ВА АСРАНГ

Үқувчилар ўз ўқитувчиларининг толмас иш қобилиятига эга эканлигини фаҳмладилар. Улар чарчашини хис қилмаган ҳолда хотиржам, доимо ўзини тутиб олишга қандай эришиш мукинлигини устоздан сўрадилар.

Донишманд устоз жавоб берди:

– Мен тик турган вақтимда турман, юраётганимда юраман, югуратганимда югурман.

– Буни қандай тушуниш керак? – сўрашди шогирдлари. – Ахир, биз ҳам айнан шундай ҳаракат қиласиз-ку?! Аммо тезда толиқамиз, кўп ишлашга ярамаймиз, сабаби нима?

– Сиз турган пайтингизда юришни бошлайсиз. Ўрганингизда эса югурасиз. Қачонки югурба бошласангиз, гўё ўзингизни мақсадга етган ҳисоблайсиз, – дея жавоб берибди. Қиссадан ҳиссани ўзингиз чиқаришга ҳаракат килинг.

* * *

Сиз-у биз одамларни ўзгартиришга қодир шахслар эмасмиз. Лекин биз шахсан ўзимизни ўзгартира олсак, бошқалар ҳам ўзгариши мумкин. Бу ўзгариш ташки киёфамиз ёки кийим-бошимиз билан белгиланмайди.

Биз, аввало инсонларга, табиатдаги мавжуд нарсаларга, қонун-тартибларга, ўзаро муносабатлардаги феълатворимизга нисбатан дунёқарашимизни ўзгартишимиз лозим. Қарашларимизда ўзгариш бўлмас экан, муаммо ва низолар, кескинликлар, норозилик ва исёнлар ҳарорати пасаймайди.

Биз ҳаётда кўплаб ёқимли ёки нохуш ҳодисавоқеаларга дуч келамиз. Шунга яраша руҳиятимизга таъсирини ҳам сезамиз. Муҳаббат ва нафрат, ҳавас ва

ҳасад, ҳалол ва ҳаром каби сўзлар дунёда яхшилик ва ёмонлик мавжуд деган огоҳлантиришни эслатиб туради.

Яхшилик оламни гўзал қилиб, шодлик бахш этса, ёмонлик кишилар муносабатини издан чиқарувчи кулфат тимсолида акс этади.

Ҳаракатсизлик инсонни тушкунликка солади, руҳий ҳолатдаги мувозанатни издан чиқаради.

Сиз ҳар доим муайян бир иш билан машғул бўлсангиз, ташки таъсир ва ҳар хил ўй-фикрлар, изтироблардан нажот топасиз. Бу дунёда асло ҳеч ким билан ўчакишиб яшаманг. Хотиржамликни кўзлаган одам узоқ яшайди. Муроса йўлларини билади.

* * *

Бизнинг давримизга келиб, руҳий ҳаяжонланиш оммавийлашиб бораётган мусибатга айланмоқда. (Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек тилида оғир ҳаяжонланиш, руҳий зарба, руҳий ғам-алам, заҳмат каби кўплаб маънодош сўзлар мавжудлигига қарамай, маҳаллий матбуотда, гоҳо радио-телевидениеда ҳам русча стресс сўзини қўллашмоқда. Бу хатогина эмас, ҳатто уят! Таржимон Х.К.) Аслини олганда ҳар бир киши оз таъсирда бўлса ҳам бундай уқубатга дучор бўлмоқда. Руҳий зўриқишига берилаётган баҳо қарийб бир хил: саломатлик учун хатарли! Кўпчилик бу ноҳушликдан сақланишга, эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилишади. Бу борада, яъни ғам-ғуссалардан, маънавий изтироблардан сақланиш борасида беҳисоб маслаҳат, ҳикматлар, китоб-у рисолалар, хуллас, огоҳлантирувчи кўплаб олтин қоидалар мавжуд. Уларнинг кўпини ёддан ҳам биламиз. Шунга қарамай, барибир бу кўргиликка дучор бўлаверамиз. Биз ҳам бу аламдийдаликни уч турга бўламиз:

1. Ҳаяжон – бизни касалликка мубтало қилиши мумкин.

2. Бу оғир туйғу нокулай иш шароити туфайли пайдо бўлади.

3. Бу нохуш туйгулардан сақланиш лозим.

Юқоридаги уччала фикр ҳам мутлоко нотүгри десак, хайрон бўлманг. Биз ўз даъвоимизни сизга жонли мисоллар билан тушунтириб беришга ҳаракат қиласиз.

Нохуш туйғу саломатлик учун зарур

Биз таҳлил қилишни руҳий зўриқиши касаллик келтириб чиқаради, деган фикрдан бошлайлик. Аслини олганда бу нохуш туйгу саломатлик учун жуда зарурлигини унтиб қўямиз. Эътибор беринг: бизнинг ички органларимиздаги ҳужайраларда мутаносиблик издан чиқа бошласа нохушлик пайдо бўлади. Ва у янгидан мувозанатни тиклайди. Ҳамма аъзоларимизга тикланувчи таъсир ўтказади.

Туйғуларимизни жиловлай олсак, руҳий тушқунликлар қўрқинчли эмас

Кейинги – ноқулай иш шароити туфайли оғир ҳаяжонга гирифтор бўлиш мумкин, деган фикрга ҳам унча қўшилиб бўлмайди. Масалан, Махатма Ганди етмиш ёшида ҳам энг оғир шароитларда ва кунига ўн олти соатдан ишлаган бўлишига қарамай, ҳорғинликка тушмаган. Бу чиниқиши, сабр-бардошнинг тобланганлиги, дунёқарашибдаги баркамоллик самараси ҳисобланади.

Черковнинг икки роҳиби бир гўзал аёлнинг тезоқар анҳордан кечиб ўтолмаётганини қўришди. Роҳиблардан бири вазиятни англаб, аёлни чакирди-да, елкасига ўтказиб, нариги қирғокка ўтказиб қўйди. Иккови йўлда давом этишаркан, иккинчи роҳиб шеригига таъна қилди: “Бизга аёлларга яқинлашмаслик, тегмаслик буюрилган. Сен эса аёлни елкангга олиб кўтаришга журъат этдинг”. Шериги жавоб берди: “Мен аёлни елкамга кўтариб нариги қирғокка ўтказиб қўйганимга бир соат бўлди. Афтидан сен уни ҳозиргача кўтариб келяпсан, шекилли”.

Күпчилик ўз фикр-мулоҳазаларини етарли даражада назорат қилишни билишмайди. Улар бир масалани ҳал қилаётib, унга кечаги масалани ҳам қўшиб юборишади. Окибатда, бирорта ҳам масала кўнгилдагидек охирига етказилмайди. Ёки чала-чулпа, тушунарсиз бир алфозда бажарилади. Гоҳо кўриниб турган аниқ ечимлар йўқолиб кетади. Натижада унutilади. Уларнинг фикрлаш тарзи қўшалоқ ҳолда бир-бирига тулашиб кетаётган ёнғинга ўхшайди. Зеро, хис-ҳаяжонни жиловлаб олиш учун аввал ўй-фикрларимиз назоратда бўлиши лозим. Очикроқ айтсак, нима деяётганимизни, қилаётганимизни, вазифани аниқ билиб фарқлаб олишимиз лозим бўлади.

Сизнинг барча дикқат-эътиборингиз айни дамда бажараётган ишингизда бўлиши шарт.

Елка ва жағингизга эътибор беринг

Учинчи сабаб ҳам асосли эмас. Сабаби, нохуш туйғудан ўзингизни сақланг, деган билан уни амалга ошириб бўлмайди. Очиги, бунинг ҳеч иложи йўқ. Ундан кочиб-кутулиб бўлмайди. Ҳар қандай ҳаракат акс таъсирга эга. Ҳатто, ундан баттарига йўлиқиши мумкин.

Яна такрорлаймиз: нохуш таъсиротларсиз ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Яхшиси, бу туйғу билан “келишиш”, “енгиллатиш” сари қадам ташлаш керак бўлади. Унинг икки белгиси бор: биринчиси, елкаси тик кўтарилиган кишидир. Унинг кўзига ва елкасига қарашиб етарли. Асабий ҳолда таранг турибди. Иккинчиси эса жағларини бир-бирига зич қадаб, тишларини қирсиллатиб турган кишидир. Бундай ҳолатда тезлик билан бажараётган ишингизни тўхтатинг. Оёқ-қўл, бошни бўш кўйиб, икки ёнингизга машқ қилган ҳолда қаранг. Кафтларни эркин ёзиб юборинг. Аста бўшаша бошлаган сайин танглик барҳам топаётганини хис этасиз, бундай машклар учун беш дақика кифоя. Бу туйғуларни “енгиллатиш” учун

ўзингизни асло спиртли ичимлик, наркотик модда ва тамакига урманг.

Нохуи туйғуни назорат қилишнинг йигирма тұрт қоидаси

Саломатлик ва күч-куватни әхтиёт қилишда рухий тушкунликни назорат қила билиш мұхимдір.

Күйидаги қоидалар хотиржамлигингизни сақлаш ва ишлаш қобилятиңгизни ривожлантиришда ёрдам беради:

1. Айни вақтда, яъни хозир сиз нима билан бандсиз? Овқатланаяпсизми, ўқияпсизми? Бициб қүйинг: агар овқатланаётган бұлсангиз, асло ўқиманг. Ёки аксинча, ўқиётиб бошқа машғулот билан шуғулланманг. Тушунган бұлсангиз, бир вақтнинг ўзида 2-3 ишни бажаришга ҳаракат килманг. Сиз цирк масхарабози эмассиз. Ҳаётдан тұлақонли лаззат, хүш кайфият олиш учун ҳам ўй-фикрларимиз бир йұналишга жалб этилған бўлиши керак. Қаёқка шошиляпсиз? Сиз тезлаштири-масангиз ҳам, шошилмасангиз ҳам борадиган томонингизга бир куни етиб борасиз... Жисмоний күч, ҳаракат талаб қиладиган ҳар қандай ишиңг энг мұхими, яъни бирини бажаринг, сўнг навбатдагисини қўлга олинг.

2. Ишдаги шошқалоқлик ҳеч қачон яхши самара бермайди. Сиз ишда ўзига хос маром (темп) яратинг.

3. Ҳаётда сиз учун энг мұхим бўлган вактни ўтказиб юборманг. Бунинг учун кун ва ҳафталикдаги юмушларингизни режалаштириб олинг.

4. Ўзингизга оғир юмушларни қалаштириб ташламанг. Зиммасига залвори масъулиятли вазифаларни олволиб, иш бошлашда унумсизлик пайдо бўлади. Катта күч талаб қиладиган ишларни анча олдин режалаш, унга керакли бўлган восита-анжомларни тўплаб, йигиб бориш – хозирлик кўриш лозим.

5. Сиз ишга киришар экансиз, ўзгаларнинг ҳар хил гап-сўзига чалғиманг. Ҳатто энг яқин, ёқимтой киши ҳам сизда бўлмағур туйғуларни уйғотиши мумкин. “Илтимос, безовта қилманг” деган ёзув тахтаси фақат меҳмонхоналар эшигига осиб қўйиш учун эмас.

6. Сиз бирор ишни режалаштирас экансиз, ҳар эҳтимолга қарши уни бажариш муддатига эришиш учун қўшимча вақт ажратиб қўйганингиз маъкул. Шошилиш ҳам бемаъни туйғуларга рўбарў қиласи.

7. Ҳар қандай ишга бирданига киришиб, ҳаммасини бажариб ташлаш имкони бор, деб ҳисобламанг. Бу сизни кибр-ҳавога, манманликка олиб бориши мумкин. Манманликка салгина берилган киши атрофидагиларни менсимай қўяётганини ўзи билмай қолади. Бундай кишилар хаётда сўzsиз қокиладилар.

8. Сиз ўз кучингиз, меҳнатингиз билан бирор ютуқка, муваффақиятга эришсангиз, ўз-ўзидан қувониб кетасиз. Бунга ҳакқингиз бор. Хурсанд бўлишга арзиди. Бундай пайтда озгина танаффус қилиб олинса ҳам бўлади. Сиз қалби очиқлик билан баҳтли онларингизни қадрланг.

Барча хуш туйғуларингизни бор бўйича бўшатиб юборинг.

9. Сиз ҳамиша муваффақиятга эришаман деб соддадиллик қилманг. Унутманг, ёз ортидан қиш келади.

10. Ўзингизга ҳаддан ташқари жиддий тус беришга уринманг. Сизнинг ҳолатингизни на ютуқ, на мағлубият, на мақтов ва на камситиш ўзгартира олмаса, демак, анча босиқ ва хотиржам киши экансиз.

11. Келажак ҳакидаги ўй-ташвишлар сизда нохуш туйғулар уйғотиши мумкин. Сиз ўз билим ва куч-куватингизни ҳозирги кун учун ишлатинг.

12. Ҳар бир ишингизда қатъий тартиб ўрнатинг. Иш столингизда бутун сиз бажаришингиз керак бўлган юмушларингизга тааллукли нарсаларнинг мавжудлиги ишингизнинг унумини таъминлайди. Янги иш бошлишдан аввал эса ортиқча нарсаларни, яъни ишга

халақит бериши мумкин бўлган майда-чуйдаларни йиғишириб ташланг.

13. Нима иш қилаётган бўлсангиз ҳам ундан завқ ола билишни ўрганинг. Бажараётган ишингиз ўзингизга ёқкани сари иш унумли ва сифатли бўлиб боради. Чарчамайсиз. Ишни бажариб бўлганингиздан кейин ҳам сизни завқ-шавқ куршаб туради.

14. Танаффус вақтида бажараётган ишингизнинг навбатдаги қилиниши лозим бўлган томонларини пухта ўйлаб олинг. Агар иш зарурлигини, дам олишга имконият йўклигини билсангиз, чиндан ҳам ишингиз муҳим экан. У вақтида бажарилмаса, кейинги иш жараёнларига таъсир этиши мумкин.

15. Ўз нуксонларингизни кўздан қочирманг. Инсон ўзини ҳар томонлама назорат кила билиши катта аҳамият касб этади.

16. Агар сизни катта ҳажмдаги иш кутаётган бўлса, ҳамма зарур жиҳатларини ҳисобга олиб, рўйхат тузинг. Шунда қилинадиган ишнинг бўй-басти хомаки ҳолатда кўз олдингизда акс этади. Гарчанд аввал иш жиддийроқ эътибор талаб этаётгандек туюлган бўлса ҳам рўйхатга олганингиздан сўнг иш унча мураккаб эмаслигини тушуниб етасиз. Энди уларни режа асосида ўрни, аҳамиятига қараб бажара бошлайсиз.

17. Сиз ўз ишингиз лойиҳасини соҳа кишилари билан мухокама қилинг. Балки кимдир бу ишнинг маълум қисмини бажаришга хоҳиш билдирар... Ишнинг моҳиятини англаш ва масъулиятини ҳис этишга ўрганинг. Ҳамма ишни ўзингиз бажаришга киришманг. Хато килса ҳам бошқаларнинг эркин ҳаракат килишига имконият яратиб беринг.

18. Ҳар кунги одатингиз бўйича шуғулланадиган машғулотларингизни тарқ этиб юборманг. Бу сизнинг шахсий интизомингиз ва ички осойишталигингиз маромини саклаш учун керак бўлади.

19. Вакти-вақти билан ўзингизни тентакона қиликлар билан “сийлаб” туриング. Вактичоғлик қилинг. Буларнинг ҳаммаси тана ва рухиятингиздаги ғуборларнинг, чарчок ва арз-гиналарнинг чиқиб кетишига, енгиллик бағишлишига сабаб бўлади. Табассум қилишни, самимий кулишни билган кишилар тинчлик, осойишталикни саклашга қодирдир.

20. Бошқариш фикр-ёдингизни чалғитиб ташласа, хаёлга келмаган аллақаёқдаги ишлар билан машғул бўлинг. Озгина вакт, депсиниши ҳолати ўтиб кетсин. Ҳар доим ҳам муҳим ишларга шўнғиб кетиш шарт эмас. Ўзингизни қийнаб юборманг. Бироз “енгилтак”лик килиш руҳий кенглик бағишлиайди.

21. Кўпчилик даврасида ўзингизни кўз-кўз килиб, маҳмадоналикка зўр берманг. Сиздан ақлли, тажрибали кишилар, турли мутахассислар иштирок этаётган йиғинларда иложи борича ўзингизни қўлга олинг. Пишиб-етилмаган, хом-хатала фикрларни ўзгаларга зўрлаб тикиштиришга ҳаракат килманг. Бундай жойларда ён телефонни ўчирмай ўтириш баъзилар наздида қаҳрамонликдай туюлса ҳам Сиз ундан қила кўрманг.

22. Ўзингизни ҳар хил кўнгилли машғулотлар билан банд қилиб туриング. Атрофдагилар билан самимий мулокот олиб боринг. Янгиликларни кузатиб боринг, мулоҳазаларингизни кўпчилик нұктай назаридан устун кўймай, таклифингизни “Сиз нима дейсиз, балки мен янгишаёт-гандирман” қабилида ўртага ташланг. Жамоатчиликка ҳурматингизни билдиринг. Ўз соғлифингизга доимо ғамхўрлик қилинг. Асабингизга нохуш таъсир этадиган нарса, ходиса, давралардан нари юрсангиз кифоя, осойишталигингиз ўз қўлингизда бўлади.

23. Ҳар замонда ўзингиз учун “Ялқовлик” куни белгиланг. Ҳамма ишларни йигиштиринг. Эслай оласизми: энг охирги марта қачон ҳеч бир ишга қўл урмай тўшакда кун бўйи ағанаб ётгансиз?! Бу ҳам бутун

танангизни ва руҳий оламингизни босиб ётган бўлмағур “юқ”лардан халос бўлишингизга кўмаклашади, келгусидаги ишлар муваффақиятини, унумини таъминлашда омил бўлиб хизмат қиласди.

24. Ҳамма қоидаларни бира тўла бажаришга ҳаракат қилманг. Аста-аста, вакти-вакти билан, ўрни келганда амалга оширасиз. Агар аксинча ҳаракат қиладиган бўлсангиз, ҳаммаси алов-далғов бўлиб кетади. Бошингиз сөриб, биз нимадан хавфсираб сакланишга ҳаракат қилаётган бўлсак – айнан ўшанга дучор бўламиз. Барча ҳаракатларимиз зое кетади.

Хотиржамлик ва ўз даражамизни сақлаб туриш – бизнинг мақбул ҳолатимизни билдиради. Баъзан эса руҳиятимиз минг хил ўй-фикрлар билан бизни чалгитиб туриши ҳам бор гап. Биз уни бошқаришимиз керак, аммо унга хеч кандай фармон беролмаймиз. Ўй-фикрни жиловлаш бўйича ҳали бирор механизм ёки қоида ишлаб чиқарилмаган. Фақат бунда амалиётни узокроқдан, бошқача йўл билан амалга ошириш лозим бўлади. Бундай йўллар қадимдан мавжуд. Синовдан ўтган усууллар жуда кўп. Чунончи, ибодат килиш, тибетчалиндча медитация, йоглар машғулоти ва кишига хотиржамлик баҳш этувчи воситалар ана шулар жумласидандир. Табиатни, сокин тоғ ёнбағирларини сайд этиш, балик овлаш каби кўнгилхушликлар инсонни бардам ва тетик қиласди. Дилни равшан этади.

Бизнинг кунларимизда кўлчиликни олий-илохий неъмат – муҳофаза билан таъмин этилганимизга ишонтириш кийин. Аммо барибир юкоридаги тадбир-амаллар ҳамма-ҳаммага бир хил таъсир килиши, кўмаклашуви сир эмас. Сиз кайси миллат ёки дин, мазҳаб вакили эканлигингизниң аҳамияти йўқ. Дунёқараашларингиз ҳам қизиқтирумайди.

Ихлос ва эътиқод билан ишга киришсангиз бас, илохий имтиёзларга эга бўласиз. Ҳар кунлик ҳаётимизда бундай ибодатлар бизнинг руҳиятимизни енгиллаш-

тиради ва унинг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди.

Амалий машғулотлар

1. Агар телефон жиринглаб қолса, мен буни ўзим учун шартли огоҳлантириш каби қабул қиласман. Елкамни бўш қўйиб пастки жағимни аста тушираман. Агар тангликни ҳис қилсан, чукур нафас оламан-да, бир неча маротаба чикараман ва елкамни тушираман.

2. Мен сухбатдошларимнинг фикрини бўлмасдан барча сўзларига кулоқ солиб тинглайман. Улар нимани гапиряпти, нега гапиряпти, қандай сўзлаяпти – ҳаммасига эътибор бераман.

3. Мен 24 та маслаҳат-қоидалардан ўзимга ёққанини танлаб, алоҳида қоғозга катта ҳарфлар билан ёзаман. Уни хонамга – кўзга ташланадиган жойга ёпишириб қўядан.

4. Мен ҳар гал ўзим учун қулай ва тинч бўлган жойда оқшом чоғи, хотиржам 20-30 дақиқа ҳеч нарса билан машғул бўлмаган ҳолда ўтираман.

САККИЗИНЧИ ҚОНУН

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИШНИ ЎРГАНИНГ

Англия университетларидан бири Уинстон Черчиллни талабалар олдида нутқ сўзлашга таклиф қилишган эди. Ўшанда Черчилль тўқсон уч ёшда эди. Унинг овозини эшитиш, юртдош ва замондош билан учрашиш учун мамлакатнинг бир қанча олис жойларидан кўпчилик етиб келганди.

Черчилль аудиторияга кирган пайтдаёқ минглаб кишилар йигилиб бўлган эди. Университет декани машҳур давлат арбоби, ҳозир эса оддий инглиз фуқароси бўлиб яшаётган Чирчиллни йигилганларга таништирди ва ўзининг узоқ умри давомида босиб ўтган хаёт йўли ҳакида сўзлаб беришини зълон қилди. Аудиторияда йигилганларнинг гулдурос қарсаклари остида Черчилль минбарга чикиб, шундай деди:

— Ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон таслим бўлманг!

Черчиллнинг ҳаёти

...Нутқ тамом бўлганлигини англаш учун одамларга бир мунча вакт керак бўлди. Жуда кўпчиликка бу ёқмади: ахир, бу қанақаси?! Неча чақиримлаб масофадан унинг нуткини эшитамиз, деб келишсаю тўрт оғиз сўздан бошка ҳеч нарса демаса-я?! Агар биз Черчиллнинг автобиографияси билан танишар эканмиз, ҳамма нарса равшан бўлишига имонимиз комил. Яъни у нега жуда кисқа гапирганини билиб оламиз.

Унинг ёлғиз мақсади тингловчилар онгига энг зарур фикрни етказиш бўлган: у айтмоқчики, ким курашни тўхтатса, сўссиз маглубиятга учрайди. Енгилиб, ўйиндан чиқади. Биз ҳаммамиз хотога йўл қўйишимиз мумкин. Бунинг ваҳимаси, кўрқинчли жойи йўқ. Ҳар биримиз

турли муамоларга дуч келишимиз ҳам аник, лекин хавотирга ўрин йўқ, унча-мунча масалаларни акл-идрок, маслаҳат ва тажрибаларга таяниб ечиш, ҳал қилиш мумкин. Агар қийинчиликлар олдида иккиланиш пайдо бўлса, ҳаммаси орқага кетиши мукаррар. *Кимдир мақсади сари интилишини тұхтатса, у энди келажак орзу-умидларидан ҳам воз кечиши мумкин.* Мақсадсиз яшаш эса чинакам ҳаёт саналмайди.

Бир вақтлар Черчилль нокулай, қалтис сиёсат оралиғига тушиб қолғанди. У жуда қаттиқ синовларга бардош бера олган улкан инсондир. Уни мамлакат бош министри этиб тайинлашганида Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетади. “Шундай бир оғир пайтда бу мансабга үтиришингиз тўғри бўлдими”, деб сўрашади ундан. Черчилль жавоб беради: “Мен буни жуда яхши биламан. Шунинг учун ҳам бу лавозимга умр бўйи интилиб келдим”. Кейин эса... Лондон узра немис авиацияси уча бошлайди. Тинчгина яшаётган ахоли ҳалок бўлади. Англия яксон килингандай эди. Ҳар куни кечаси Англия бомбардимон килинарди. Вайрон бўлган қадим бинолар, бехисоб инсонлар ҳалокати давлат раҳбарларини эсанкиратиб қўйганди. Шунда улар ноилож шахар ва ҳалкни омон сақлаб қолиши мақсадида Уинстон Черчиллга немисларга таслим бўлишни таклиф этишади.

Навбатдаги окшомлардан бирида Лондон яна мисли кўрилмаган даражада бомбардимон килинган. Черчилль эндиликда қатъий қарорга келиши лозим эди. Унинг энг яқин маслаҳатчи ва ҳамкорлари таслим бўлишни қатъий талаб қила бошлаганлар. Ҳаттоқи уни кўр-кўrona тарзда ҳалкни ҳалок этишда айблай бошлишган. Яқин ҳамкорлари ҳам ватандошлар ўлимида уни айбдор, деб эълон килишганди.

Черчилль эса таслим бўлиш икки ҳисса, балки ортиқроқ ҳалок бўлиш, тор-мор этилиш эканлигини яхши биларди. У қўлларини мушт қилган ҳолда коронғу осмон ва бомбардимончиларга қараб: “Мен ҳеч качон,

хеч қачон, хеч қачон таслим бўлмайман!”, дея ҳайкирди.

Қийин сабок

Юқоридаги каби оғир синовлар ҳамманинг ҳам бошидан ўтишини тасаввур қилиш қийин. Лекин бундай вазиятда ўзини тута билиш, ишонч билан қийин ҳолатга қарама-қарши туриш, кучли ирода – энг зарур хислат ва фазилатларданdir. Буларсиз қаршимизда турган залворли муаммоларни ҳал эта олмаймиз. Қолган ҳамма майда-чуйда нуксонларни тузатиш, тўғрилаш мумкин. Аммо сиз таслим бўлар экансиз, ҳамма нарса ўз-ўзидан барбод этилиши, ўнгланмайдиган оғир мағлубиятга дуч келишингиз ҳеч гап эмас. У ёғини гапирмаса ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўзида муаммо ва қаршиликларни енга олиш “иммунитет”ини, хушёрлик, ирода ва билимдон бўлиш фазилатларини тарбиялаши лозим.

Нега ғолиблар қийинчиликларни ўзига хос дарс-сабоқ сифатида баҳолайдилар. Нима учун меҳнат қилиш қоидаларини ўзлаштириб олишимиз керак? Нега ҳамма курашиб яшаши лозим? Бундай саволларга очик-ойдин, тайёр жавоблар йўқ. Бу ҳаётниң ўзига хос, бизга рўбарў этаётган жумбоғига ўхшайди. Фақат бир нарса аён: ҳаёт шундай тузилган. Бизning танамиздаги сүякларимиз юклар залворини тўла хис этиши, чиникиши лозим. Акс ҳолда сүякларимиз худди ойга учган астронавтларники каби мўртлашиб, узоқ вақт вазнсизлик ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Демак, ҳаётда биз учун қийинчиликлар сўзсиз керак. Ҳа, биз оғир-машаққатли ишларни бартараф қилиш, бажариш эвазига энг кучли, бардошли, матонатли инсонларга айланиб борамиз.

Бир куни болакай ўз пилласи (тухум)ни тешиб, ташқарига чиқишига интилаётган капалакни кўриб қолди. Унинг қийналиб ҳаракатланаётгани болакайнинг

раҳмини келтирди. У пилла-тухумни кенгайтириб, капалакчани тезроқ чиқарып юбормоқчи бўлди. Ногоҳ, отаси қўлидан ушлаб қолди. Чунки боланинг соддаларча “кўмаги” капалакни ҳалок қилиши муқаррар эди. Мўъжаз бу жонивор қийналса-да, пиллани ўзи ёриб чиқади. Шу аснода ўзи, қанотлари тобланади. У харакатларини жадаллаштирмаса, янада ожиз маҳлук ҳолатида қолади ва учиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Янги авлод болалари

Дунёдаги кўпгина давлатлар бир вақтлар иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечириб турган бир пайтда Икинчи жаҳон уруши бошланган. Оғирчилик, иқтисодий танглик ўн баробарга ортган. Аммо инсоният, ўша даврдаги ота-боболаримиз ҳаммасига чидашган. Имконияти йўқ ҳисобланган ишларни ҳам сабот билан ўрнига қўйиб қўйишган. Уларнинг матонати ва мислсиз меҳнатлари эвазига бугунги озод ва фаровон кунларга етиб келдик. Эндиликда у фидойи инсонлар қариб, кучдан қолиб, муттасил равишда раҳбарлик ўринларини, иш жойларини, фирмаларини ўғил-қизларига бўшатиб бермоқдалар. Улар доимо фарзандлари оғирлик, қийинчилик кўрмаслиги учун гамхўрлик қилиб келдилар. Ўзларидан кўра болаларини кўп ўйлашди. Энди эса... бугун иш тепасига келган бу авлод вакиллари ўзларини гўё азалдан шундай баҳтиёр ва бекаму-кўст яшагандай ҳис қилмоқдалар. Қийинчилик ва муаммолардан ўзларини олиб қочадилар. Кўпчилиги эса уларга ишониб топширилган вазифаларнинг уддасидан чиқишида ожизлик, тажрибасизлик қилишмоқда.

АҚШ тарақкиётидаги буюк ислоҳотчи Авраам Линкольн шундай деган экан: “Биз инсонлар ўзи бажариши лозим бўлган ишларни уларнинг ўрнига килишимиз керак эмас. Бу хеч қандай ёрдам ҳисобланмайди. Аксинча, уларни оғирчиликдан, масъулиятдан

халос килиб, текинхўрга айлантириб қўямиз. Ўзи бажарсин, ўргансин, билсин”.

Қийинчиликларнинг янги поғонаси

Ҳаёт бамисоли нарвонга ўхшайди. Унинг бир поғонасидан иккинчи поғонасига кўтарилиш ҳамиша ҳам осон кечавермайди. Борди-ю кўтарилиган тақдиримизда ҳам навбатдаги поғонанинг ўзига хос машакқатлари бўй кўрсатади. Бир вақт карасанг, кутилмаганда бағандга кўтариласан. Аммо у ерда янада янги ва мураккаб вазифалар, муаммолар бизни қарши олади. Уларда ҳам ўзига яраша яширин маъно ва жумбоқ бор. Бизга галдаги даражага интилишимиз учун куч-кувват бағишлайди. Ҳар поғонанинг талаб ва муаммоларини енгмай туриб янгисига кўтариолмайсиз. Бошқа йўл йўқ. Ўзи шундай бўлади. Ҳа, навбатдаги поғонага кўтарилиш учун янги кучга эга бўлишимиз лозим.

Шуни ёдингизда тутингки, ҳеч ким омадсизликдан қочиб қутулолмайди. Улар ҳаётда ҳам, ишда ҳам рўй бериши мумкин. Сиз-у биз одамларни ва табиат қонунларини ўзгартиришга асло қодир эмасмиз. Шундай вазиятлар рўй берадики, улар сиз-у бизнинг назоратимизга асло бўйсунишмайди. Қимда ким бу ҳолатларга барҳам бера оламан, деб бел боғласа – бели чикиб кетадигина эмас, синиб ҳам кетиши мумкин. Сизнинг ихтиёрингизда фақат ўзингизни ўзгартириб, қўлингиздан нималар келишини намойиш этиш қолади.

Яна бир гап: сизнинг энг яхши ғоя ва мақсадларингиз, маҳсулот ёки шартларингиз ҳамиша ҳам амалга ошавермайди. Гоҳо мағлубият ёки нокулайлик пайдо бўлиши табиий ҳол. Сизнинг ғояларингизни гоҳо баъзи кишилар остин-устун қилиб ташлаши ҳам мумкин. Демоқчимизки, қийинчиликлар ҳар доим бўлиб туради. Осон ишнинг ўзи йўқ. Обрў меҳнат билан топилади. Ҳар қандай раддия ва қаршиликлар дуч келганда ўзингизни

оклаш учун баҳона-рӯқаҷ изламанг. Қўлингизни ундан тортманг. Билсангиз – бу ҳам ўзига хос ўқиши ва ўсишга хизмат қиласди.

Кийинчиликлар сизни кўрқитмасин, бу нарвоннинг янги, навбатдаги поғоналарига кўтарилишда, сўзсиз кор келади. Қай бирини танлаш ўз ихтиёригизда.

Осон йўл борми?

Сиз қанчалик олга интилган, ютуқларга эришганингиз сари, қаршингизда шунча янги масала ва ноқулайликлар пайдо бўлади. Уларни окилона тарзда ҳал этиш жуда ҳам зарур. Бундай ҳолатларда кўпчилик “шунга ҳам бошимни қотириб ўтирайми”, қабилида ўзларига ҳеч қандай масъулият талаб этмайдиган бошқа иш билан машғул бўлишни мақбул, деб биладилар. Афсуски, бундай йўл тутишларининг оқибативойдир. Улар ҳар қандай мashaққат галдаги муваффакиятнинг узвий қисми эканлигини идрок этолмайдилар.

Баъзилар эса ўзлари етиб борган поғонада қолиб кетиши билан кифояланадилар. Ўзлари эришган даражага қандай меҳнат билан етиб келганларини билган ҳолда янги поғоналарнинг ҳам ўзига хос қийинчиликларини хис килиб, яна кўтарилишга юраклари дов бермайди. Тўхтайдилар. Афсуски, ўзлари тўхтаб қолган поғонада туғилиши мумкин бўлган янги эҳтиёж ва заруриятларни тўла ҳисобга олмайдилар. Даражалар бундай ҳолатда пастлаб кетиши мукаррар. Янги муаммоларни пайқаган аснода кеч бўлиши мумкин. Унда энди муваффакият эмас, қийинчиликлар ўсиб боради. Биз бундан етарли сабок олмас эканмиз, ҳамма қўлга киритган имконият ва натижаларимизни бой берамиз. Бинобарин, фаолияти-мизда ишонч ва қатъият бош мезон бўлиб қолиши лозим. Умрни, вақтни бекорга совургандан кўра, оғир бўлса-да, фойдали иш билан банд бўлиш лозим.

Даражалар имконияти

Ҳар бир погонада янги ва масъулиятли вазифалар пайдо бўлишини ғолиблар жуда яхши билишади. Улар поғоналарда дуч келган муаммоларининг мураккабликларини ўзлари учун навбатдаги бир синов, ўсниш имконияти, дея ҳисоблайдилар. Бизнингча, Черчишль: “таслим бўлманг”, дегандан сўнг бекорга “ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон”, дея хитоб қилмаган. У ҳар бир даражада бир-бирига ўхшамаган турли мураккаб масалалар кўндаланг бўлишини доим билган.

Бизнингча, инсон ҳаётий фаолиятида қуидаги муаммоларга дуч келиши мумкин.

Биринчи даража. Сизда ажойиб ғоя бор, лекин уни амалга ошира олишингизга ҳеч ким ишонмайди. Кариндош-уруг, дўстларингиз ҳам: “Ақлингни ишлатсанг-чи, шу ҳам иш бўлдими?” дея сизга танбех бериб, йўлингиздан қайтаришади. Сиз ўз мақсадингиз йўлида курашмоғингиз керак. Ўзингизга тўла ишонмас экансиз, орзулар оддий хаёл бўлиб қолаверади.

Иккинчи даража. Сиз ўз ишингизни бошламокчиз, аммо бунинг учун сўзсиз, масала катта маблағга бориб тақалади. Банк эса сизга тўғридан-тўғри кредит бермайди. Сабаби, ҳали сиз бирор ишни қотириб бажариб, ўрнига кўйган эмассиз. Ишонч кам. Булардан қатъий назар, барибир пул керак. Ўз мақсадингизга эришиш учун курашиш зарур.

Учинчи даража. Фирмангизда ишнинг кетиши ёмонмас. Лекин ўзгалар томонидан эътироф этилмаётгани қандайдир сизнинг ғашингизни келтирияпти. Ҳар хил гаплар қулоғингизга етиб келяпти. Сиз ҳақингизда ким нима деяётган бўлса ҳам ишингизга таъсири ва заррача фойда-зиёни йўқлигини тушунинг. Парво қилманг.

Тўртинчи даража. Сиз вактинчалик қийинчиликларга ўралишиб қолишингиз мумкин. Ҳамкорлар билан чиқишолмаяпсиз. Уларни тўғри йўлга солиш учун нима

килиш кераклигини билиб олишга Сизда вакт етишмаяпти. Сиз ходимларни ўз тарафингизга оғдиришга ҳаракат қилинг. Улар сизни тушунсин. Имкон беринг. Сиз ўшалар билан кучли эканлигингизни асло унутманг.

Бешинчи даражада. Сиз ўз маҳсулотингиз ёки хизмат кўрсатишингиз учун улгуржи мижозларни топдингиз. Ҳаракат бажарилди. Аммо банкдаги ҳисоб рақамингизга улар пулни ўтказиб беришмаяпти. Қарз миқдори кўтариляпти. Бу холда сиз ҳар қандай кутилмаган кўргиликларга тайёр туринг. Кўлингиздан келса, захира режаларингизни қўшимча равишда ҳозирлаб қўйинг.

Олтинчи даражада. Сиз ютуқдан ютуққа эришиб, олға кетяпсиз, бироқ саломатлигингизнинг мазаси йўқ, кийналяпсиз. Сиз шуни яхши билиб олингки, ҳаёт фақат ишда ғалаба қозонишдангина иборат эмас. Атрофингизга ҳам бир қаранг. Ўзингизга, оиласигизга, дўстларга ғамхўрлик қилишни унутиб қўйманг. Шундок ҳам умр киска, абадий эмас.

Еттинчи даражада. Сизга зудлик билан малакали ходимлар керак бўлиб қолди, сиз эса уларни тополмаяпсиз. Бундай вактда ўз талабларингизни бир оз юмшатинг ва мулоҳаза қилинг: сизга айнан ким керак? Юқори малакали бажарувчилар керакми ё ҳамкорларми?! – билиб олиш имкониятига эга бўласиз.

Саккизинчи даражада. Сиз кўпдан бири яхши натижаларга эришиб келаётган эдингиз. Эндиликда ишлар сал орқага кетаётгандек туюляпти. Сиз бир нарсани яхши билиб олинг: ҳеч ким доим мувваффақиятга эришавермайди. У абадий эмас. Унутманг: чўққига етиб боргач, огиш ҳам бўлади. Ҳатто бу жараён ҳавфлироқ кечиши мумкин. Ҳар бир тоғ чўққиси ортида янги водий кўзга ташланади. Водий қаршисида эса яна янги чўққилар бўй кўрсатади.

Тўққизинчи даражада. Сизнингча ҳаётнинг маъноси йўқолиб боряпти. Аввалги суръатларда ишни давом эттириш хоҳиши сусайган. Ҳозирги молиявий қўр зўрга

ички эхтиёжларни қондиришга етапти. Сиз аввало ўз ҳаётингиз, яшацдан мақсадингизни қайта тахлил қилиб кўринг. Қалбингизга қулоқ солинг. Атрофингиздаги-ларга ғамхўрлик нуктаи назаридан бокинг.

Бу ҳаётимизда рўй берадиган кўплаб нохушликлардан бир парча, холос. Улардан бирини эндингина бартараф этиш билан, иккинчиси пайдо бўлади. Ҳаёт шундай. Ҳар сафар қаршимизда янги вазифалар бош кўтаради. Бундай воеаларни ҳал этишнинг икки усули бор: сиз ё курашни тўхтатиб таслим бўласиз ёки ҳаммасини енгид кучли бўласиз.

Юқоридаги санаб ўтилган даражаларга ўз нуктаи назарингиздан қараб, хулоса чиқаринг. Модомики, галдаги қийинчиликка дуч келган экансиз, билингки, сиз учун ўсиш имконияти берилди. Сиз аввалги босқич – даражалардан кўра янада юксакроқ, кенгроқ, каттароқ ишларга ҳам қодирсиз. Қайси даражага интилсангиз – ўшанга муносибсиз.

Ўсиш суръати

Ўрганиш ва ўсиш жараёнини жадаллаштиришнинг бир қанча услублари мавжуд. Ғолиблар ҳеч қачон қийинчиликлар пайдо бўлишини кутиб ўтирмайдилар. Онгли равишда унга қарши қадам ташлайдилар. Улар қанчадан-қанча муаммолар кутиб турганидан қатъий назар, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга оширишдан чўчимайдилар. Улар ўша муаммо, мاشақкатлар ортидаги кўзга ташланмас янги вазифа ҳамда имкониятларни ҳам яққол тасаввур қилиш қобилиятига эгадирлар.

Сиз ҳар қандай ишни: “Мен бирор муаммони ҳал этганим заҳоти иккинчисининг ечимини топишга интиламан” деган шиор билан харакат қилишингиз лозим. Ҳар қандай оғир юмуш кишидан катта меҳнат, сабот ва ақл-идрок талаб қилишини яхши биласиз. Шунинг учун ҳам ўз билим-маҳоратингизни ошириб боришингиз за-

рур. Шунда сиз ҳар бир қийин ишнинг ўзига яраша енгил томонлари ва енгил деб ўйлаган ишларимизнинг ўзига яраша қийин томонлари ҳам мавжудлигини билиб оламиз. Бу худди ёзишни ўрганишга ўхшайди: дастлабки дарсда гарчанд “А” ҳарфини ёзиш қийин бўлса-да, йиллар ўтиб “электрлаштириш” сўзини ёзиш каби оддий эканлигини билгандек гап.

Бизни олға юришимизга, муваффақият қозонишимизга халақит берадиган нарса қийинчиликлар эмас, унга тўғри ёndoша билмаганимиздадир. Бизга энг катта каршилик ташкаридан эмас, ичимииздан бўлади.

Голиблар ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон таслим бўлмайдилар!

Амалий машғулотлар

Қийинчиликларни бартараф этиш учун қуйидагиларга риоя қилиш лозим:

1. Таслим бўлиш, енгилишнинг йўллари жуда кўп. Аммо мен ҳар қандай вазиятда чукур мулоҳаза юритган холда муваффақият учун курашаман.

2. Ўзимга тааллуқли ишларни ўзим ҳал қилишга киришаман. Бир қарашда мاشақкатли туюлган нарсалар моҳиятига этишга, нарвон нимадан, қандай ясалганига зътибор бераман.

3. Жиддий ҳолатларда билимдон ва ғолиблар маслаҳатига амал қилиб, пайдо бўлган муаммони бартараф этаман.

4. Ўзим дуч келган ва бартараф қилган барча қийинчиликларнинг рўйхатини ёзаман. Улар келажакда мени янада кучли бўлишга ундейди.

5. Бошимдан ўтган барча воқеа-ходисалардан олган сабокларимни кундаликка ёзив бораман. Бу мен йўл кўйган хато-камчиликлар, эришган мавке-даражаларни ўрганиб, янада ҳушёрроқ, журъатлироқ, ишончлироқ ҳаракат қилишига ўргатади.

ТҮҚКИЗИНЧИ ҚОНУН

ҚАЙТАДАН ҒИЛДИРАК ЯСАМАНГ

Хаёт асрорларини ўрганиш мақсадида ёш йигит устоз ҳузурига келди. Устоз ундан ўзи ҳақида сўзлаб беришини сўради. Йигитча узок вақт ўзининг ютуклари, билимдонлиги ҳақида маҳмадоналик қилиб гапирди. Мақтанди.

Устоз унга биринчи топширикни берганидаёқ эътиroz билдиришни бошлади. У ҳар қандай нарсага нисбатан “Буни мана бундай бажариш керак”, дея билимдонлигини пеш қиласади. Эҳтимол, шогирд ҳам унча-мунча нарсани билар, балки баъзи ютукларга эришгандир. Лекин нима бўлганида ҳам устозининг топширикларига нисбатан бу қадар лоқайдлик қилмаслиги зарур эди. Аксинча, у доим ўз “таклифи”ни тикиштиради. Нихоят, устоз бошқача йўл тутишга мажбур бўлди. У кўзадаги сутни кўтарди-да, шогирдининг қўлига коса тутқазди. Сутни косага куя бошлади. Коса тўлиб, сут тоша бошлади. Ерга тўкилди. Шунда бирданига шогирд қичқира бошлади:

– Бас, устоз! Нима қиляпсиз? Ахир сут сифмай, тошиб ерга оқяпти, тўхтатинг!

– Билим ҳам худди шундай нарса, – деди устоз. – Уни ўзлаштирган, ўргангандар сари одамнинг фикрлаш тарзи аста-секин ўсиб боради. Мен сенга оз-оздан ўргатмоқчи эдим. Сен эса уни кабул қила олмаяпсан. Ўз ақлинг етмаган нарсани талаб қиляпсан-у, ҳеч балога тушунмаган ҳолда калландаги оз билиминг билан вақиллаб, вақтни оляпсан, холос. Сен ана шу тўлган косанинг ўзисан, унга энди ҳеч нарса сифмайди. Ким унга сифдираман, деб уринса, ерга тўкилади. Бошқача айтганда, ҳамма қилинган меҳнат зое кетади.

– Наҳотки менинг билганларим, тажрибаларим ҳеч нарсага арзимаса, – ғудранди у.

— Сен нимани билсанг, ўшандан ортиғини асло тасаввур қила олмайсан. Шу холингда фикр юритадиган бўлсанг, ҳеч нарсага эришолмайсан. Яхшиси, ортингга қайт, қачон миянгни “тозалаб”, бўшатиб келсанг, сени ўқитиш мумкин, — деди.

* * *

Сизнинг соҳангиз бўйича ишлаб, унча-мунча муваффакият қозонган кишиларни кўп учратган бўлишингиз керак. Улар билан танишиб, бирор маслаҳат сўрашга тўғри келганми сизга? Бунақаси учраб туради. Аммо соҳалар бошқа-бошқа бўлган ҳолда бирининг иккинчи сига ақл ўргатишига рўбарў келганмисиз? Масалан, бинокор дехконга ёки сартарош денгизчига ақл ўргатганини учратганимисиз? Ҳаётда шунақаси ҳам бўлади. Ўзини билимдон ҳисоблаб, сұхбатдошининг кулок-миясини “доно”лик билан ачитиб, қоқиб қўлига берувчи бефаросат кишилар ҳам йўқ эмас. Улар ўзларининг ақлли эканликларига шу қадар ишониб кетиб, уни зўрға хурмат қилиб жим турганларни нодон деб ўйлашса, ажаб эмас. Шундайлардан қочинг.

Ўзгалар тажрибасидан ўрганинг

Ишга ҳамиша ижодий ёндашиш энг яхши фазилат. Ўзгалар тажрибасидан ўрганиш ҳам ёмон эмас. Аммо бу доим қўлладиган усулга, яъни ижодий ўрганиш ижодий ўзлаштиришга, ўғриликка айланиб кетмаслиги зарур. Ўзгалар ғояси, лойиҳаси ёки тайёр ёзилган асаридан “қаҳрамонларча” ўзлаштириб, “бунинг ягона муаллифи менман!” дейишидек сурбетликка етиб бормаслик керак. Мард, ҳалол инсон эса яратган кашфиётини нимадан, кимдан илхомланиб ёзганини очик-ошкора эслатиб ўтади, изоҳ беради. Асримизда ғояфурӯшлик, ғояни ўзлаштириш айб саналмай колган. Борди-ю сиз бирор соҳада янги иш бошламоқчи бўлсангиз – бошқа гап. Бошловчилар доимо йўл-йўриқ, кўмакка эҳтиёж

сезадилар. Шундай вазиятларда ишга тааллуқли күлланмалар, тажриба ва модел (шакл)лардан ўқиб-урганиб, янги йўналишни белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Дастребки пойдеворни қўйишда қўпинча иш шундай бошланади. Афсуски, баъзилар юкорида эслатганимиздек, тавсия қилинган тизимларни ўрганаётib “завқ”ланиб кетган ҳолда тажрибадан аллақачон ўтган ва ясалган курилмага ўзларича ўзгартиришлар, қўшимчалар “киритиш”га берилиб кетадилар. Бундай “изланиш” аллақачон кашф этилган гилдиракни қайтадан “яратиш”, “ислоҳ қилиш” билан баробар. Гоҳо бундай изланишлар бизни ўзимиз режалаштирган йўналишдан чалғитиб юбориши ҳам мумкин. Ижодий ёндашиш бизни алифбони бошдан ўрганишни бошлашдек ҳолатдан кутқаради. Вактимиз-нинг унумли бўлишини таъминлайди. Качондир ўзингиз кутган янги бирор курилмани кашф этишингиз мумкин. Аммо қимматли вактингизни қайтадан гилдирак ясашга совурманг.

Биз бошланғич даврда бехуда нарсалар учун кучкүватимизни, вақтимизни бехуда ўтказмайлик. Пойдеворни мустаҳкам ўрнатиш, қуриш асосий ишни бажариш билан teng. Бусиз олиб борилган ҳаракатлар самараси мувакқат шакл ҳолатида қолиб кетаверади.

Одатларни ўзгартириш

Бошланғич пайтдаги фаолиятни алоҳида баҳолаш нокулай. Кўпчилик эса бу босқичда ишнинг у ёқ бу ёғига қараб, ҳолатни ўтказишни маъқул кўради. Бундай ҳаракат кўпинча нотўғри бўлиб чиқади. Ваҳоланки, бу босқичда кейинги ҳаракатини белгилаш ва нималар кераклигини аниқлашда ҳам бош йўналиш асос бўлиб қолади. “Такрорлаш – ўқишининг онаси”, деган мақол ҳаммамизга ёд бўлиб кетган. Ҳозирги ишимизда эса бу хикмат бизга кутилган маъно ва қарорларни бера

олмайди. Ўтмиш тажрибаларини вақти-вақти билан такрорлаш мумкин. Аммо ўзимизча такрорлайвериш – бизнинг маҳоратимизни оширмайди. Сиз нимани кўп такрорлайверсангиз – охир-оқибатда, бу одатга айланиб кетади. Ўз фаолиятингизда бундай нокулай одатлардан сақланинг.

Болалик, ўспиринлик ва камолот босқичлари

Инсон камолотга эришгунича бир қанча ривожланиш, ўсиш босқичларидан ўтиши табиий.

Келинг, бу босқичларнинг биринчисини “Болалик” деб атай қолайлик. Болалардай серғайрат, ҳамма нарсага қизиқувчан, кўрган-билганига тақлид қилувчи ким бор? Улар сиз-у бизга тинимсиз саволлар ёғдирадилар. Ўзларининг гоҳо ҳайратомуз, оқил, гоҳо нодонларча саволлари билан бизни лол қолдиришади. Бизнинг ҳамма жавобларимизга ишонишади. Улар бирор нарсани билиб ёки ўрганиб олсалар ҳаммага ўз “доно”ликларини намойиш қилишга шошиладилар ва бундан чексиз кувонадилар. Аста-секин уларнинг нутқида, килиқ ва ҳаракатларида рисолага мувофиқ ҳолатни кузатасиз. Демак, болалик ортда қоляпти, ўсиш бор. Остоноада ўспиринлик мағрур ва ўжар ҳолатда турибди. Энди у ҳамма нарсани ўзим биламан, бажара оламан, деб ишонч билан олдинга интиляпти. Мана шу палла ҳамма-ҳаммани ташвишга соладиган давр эканлигини асло унутмаслигимиз керак. Фарзандимнинг ҳамма нарсага акли етадиган бўлиб қолди, деб у билан савол-жавобларни тўхтатсак, машғулотларини кузатмасак, нима кўряпти, нима ўқияпти, нима деяпти, каби жараёнларда иштирок этмасак, катта хато қиласиз. Бола ўзини биздан тортадиган, ҳеч нарса сўрамайдиган, ўз билганидан қолмайдиган, баъзида ўзи эришган ютуқлари билан мактанадиган даражага тушиб қолиши аниқ. Биз

кузатиш сўзини – боланинг атрофини куршаб олиш, қафас ҳолатида фаолият юритиш ва мажбурлаш оҳангида кўллаётганимиз йўк. Демак, бу ишда янгича ёндашув ва ўқитиш талаб қилинади. Ҳаракатимиз ижобий самара бергунча давом этамиз. Бугунгача биз нимага кодир бўлган, эришган бўлсак, ўспиринга ўсиши сари мувофиқ тарзда кўмаклашиб борамиз.

Шундай қилиб, болажонимиз балоғат ёшига ҳам етди. Энди биз ўкиш-ўрганишни янада такомиллаштириб борамиз. Бунда ўсишнинг тайёр кўрсатмалари билан аввалги натижаларимизга эриша олмаймиз. Уларнинг ҳамма саволларига ҳам тўла жавоб беришимиз мушкуллашиб боради, биз қандай ишлашни, қандай қилиб кўп пул топиш ва жамғаришни аъло даражада билсак-да, муаммолар тўхтаб ёки тугаб қолмайди. Ҳар бир кун, вазият ва давр нуқтаи назаридан ўзига хос жумбок-масалаларнинг пайдо бўлиб бориши табиий ҳолдир. Камолот ёшидагилар ўзларига хос ўлчам ва кенгликлар кашф этадилар ҳамда фаолият кўрсатадилар. Баъзан эса унда ўзимиз ҳам иштирок этамиз. Юкорида баъзи белгилари кўрсатиб ўтилган ўсиш боскичлари айнан янги иш бошлаётган, ўз йўналишини излаётган шахслар учун ҳам тааллукли. Янги бошловчилар янглишишлари, бузишлари, ҳамма нарсани барбод қилишлари, қайтадан иш бошлаш тараддудига тушишлари мумкин. Ана шундай кесзларда улар ёнида бўлиб, тўғри ва фойдали йўналишини бир бор бўлса-да кўрсатиб қўйишимиш бурч макомидадир. Ўзимиз ҳам янги билим ва тажрибаларни тўхтовсиз ўзлаштириб боришимиз зарур.

Мутахассис зарурияти

Ҳаётнинг баъзи тармокларида бошқалар тажрибалари-ни кўллаш гилдиракни қайта яратишга ўхшаса ҳам купинча наф келтириши мумкин. Шунингдек, баъзи масалаларни ҳал қилиш ўзимизга ҳам асқотиб қолиши

мумкин. Чунки ҳар қандай жиддий масалага дуч келаётган ягона одам эмассиз. Ҳамманинг бошида бор савдо. Шуни алоҳида таъкидлаш лозим: ҳаётда ажойиб инсонлар борки, улар ақл-идрок билан ҳар қандай масалага ижобий ва ижодий ёндаша оладилар. Масала ечимини ҳал этадилар. Айрим кишилар эса бу борада мутахассисга, таҳлил қилиб, аниқлик киритиб берувчи, тузатувчи ходим кўмагига муҳтож бўладилар. Булардан ташқари, ҳар соҳага оид адабиёт-қўлланмалар ҳам мавжуд.

Ақлингиз етмаган ишга ўзгалар фикр-мулоҳазасини олиш, мутахассис ёллаш билимингиз етарли эмаслигини кўрсатмайди. Аммо баъзилар мутахассис, текширувчи (эксперт) ёллашдан кўра, маблагини тежаш мақсадида, ўзлари муаммога шўнғиб кетадилар. Бу нарса ҳар доим кўнгилдагидек натижа беравермайди. Бир мунча созлашимиз мумкинdir, лекин сал фурсатдан сўнг бу муаммо яна такрорланиши, ҳатто бошқа механизмларга ҳам таъсир кўрсата бошлиши бор нарса. Шунингдек, билмаган соҳага тузатиш киритиш кўп вақт олишини изоҳламаса ҳам бўлади.

Ғолиблар ҳеч қачон гилдиракни қайта ясашга уринмайдилар. Улар барча ишбилармонлар, мутахассислар фикр-мулоҳазаларига, таклифларига холис ва йшонч билан ёндашадилар.

Муаммо маблағ-пул билан ҳал этиладиган бўлса, дарҳол мутахассис ёки эксперт ёллайдилар. Мутахассислар учун кетган пул ҳеч нарса эмас. Мухими, вақт тежаб қолинди. Ишдаги марорнинг узлуксизлиги таъминланади. Ғолиблар малакали инсонлар учун сарф килган пулларига асло ачинмайдилар. Негаки, у пуллар эрта-индин кўпроқ микдорда унинг қўлларига қайтиб келишини жуда яхши билишади. Ҳа, улар ўз пулларига вақтни сотиб оладилар. Вақт эса улар фойдасига юра бошлайди.

Ёдингизда бўлсин: йўқотилган пулларни қайта топиш мумкин, аммо бой берилган вақтнинг бирор лаҳзасини ҳам қайтара олмайсиз.

Тақлид фойдалими?

Кўп ҳолларда бошқаларга тақлидан ҳаракатланиш унча маъқулланмаса-да, аксарият кишилар бундан мустасно эмас. Бошқалардан нусха кўчириш, ўзлаштириш ижодий иш эмас, ўзига хос текинхўрликка якин туради. Ундан кўра, шахсий имкониятимиз даражасида биз нимага қодир эканлигимизни намойиш этиш юз бора афзалдир.

Биз кўп ҳолларда тақлидчиларга ўз эътиrozларимизни ошкор қилавермаймиз. Аксинча, “У фалончининг ёзганидан ёки ясаганидан ўзлаштириб олибди”, деб қўя қоламиз. Энди нусхакаш “ихтирочи”га келсак, у озмунча меҳнат қилмаганини, роса тер түкканини уялмай-нетмай жаврайди. Ақлу идрокига тасаннолар кутади. Мағрурланади. Ваҳоланки, фидирикнинг пайдо бўлиши юз минг йил аввал роса байрам қилинган. Бугунга келиб яна фидирик учун тантана кутиш жуда нокулай! Бундан ҳеч кимга наф йўқ!

Ҳаммамиизда ҳам Аллоҳ берган ақл-идрок, истеъдод бор. Истеъдод жуда катта изланиш, ўқиш, ўрганиш ва меҳнат эвазига намоён бўлади. Яна такрорлайман. Сиз нимага интилсангиз, бажарадиган ишингиз, меҳнатингиз курашингиз қай даражада бўлса, ўшанга яраша ютуққа эришасиз. Бошқача ифодаласак, мукофот ва ҳақ меҳнат натижаси билан белгиланади. Сиз ўз кучингиз, ақлингиз етган иш-касб билан шуғулланинг, билим ва малакани доимо ошириб боринг. Ёш болалар ён-атрофидагиларга қараб тақлидан ҳаракат қиласр экан, охир-окибатда улар ўзларининг йўлларини топиб олишлари шубҳасиз. Ўз камолотимизни таъминлаш учун ҳам илғорлар ғоясини, амалга ошираётган лойиҳа ва бошқа ҳаракатларни ибрат

кўзи билан кузатишимиз, ўрганишимиз зарур. Бу ўз ҳаётингиз асосини ўзгалар кўтарган пойдевор устига ўрнатинг, деганимиз эмас. Бошқалар муваффақияти унинг ақли маҳсули. Сиз ўз аклингиз маҳсулотини кўрсатинг.

Ким узок-узокни кўришни хоҳласа, ён-атрофига анча баланд, юқоридан қарашига тўғри келади. Бу ҳаёт нарвони поғоналариdir. Ҳар бир поғонадан кўтарилиш ўзига хос куч-ғайрат талағи.

Маҳоратли кишилар тажрибасини ўрганиш, фойдаланишни истамаслик худди кўролмаслик, ичиқоралик, жаҳолат каби туюлади. Ҳар қандай шахсий маҳорат ўтмиш аждодлар яратган омиллар таъсирида шаклланади.

У нутманг, буюк ва машҳур бастакорлар Моцартга қадар ҳам^{*}бор эдилар. Моцарт уларни ўқиди, ўрганди ва санъат оламида ўзининг дунёвий ўрнини ишғол этди. Ҳа, уларни ўрганиш, тинглаш ва албатта, буюк меҳнатлар дохиёна мусиқий асарлар ёзилишига асло халақит бермади.

Амалий машғулотлар

1. Мен ўз соҳамга оид бўлган барча асос, ҳужжат ва далилларни, муваффақият сирларини чукур ўрганаман. Бу ишда менга яна қандай қўлланма ва ўқув қуроллари кераклигини аниқлайман. Ҳар бир ютуқ сирларини ўрганиш учун шу соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашаман. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини алоҳида ёзиб бораман.

2. Ўз фаолиятимда “болалик босқичида”манми ёки “ўсмирлик босқичида”ми, таҳлил қилиб бораман. Мен барча ҳаракатларимни ўз қобилиятимни ўстиришга, ўқишга қаратаман.

3. Бирор муаммога дуч келсам, бундай масалани аввал ким, қандай ҳал этганилигини, зарур бўлса, у кишига мурожаат килишни режалаштираман.

4. Ўз фаолиятимга мутахассис кишиларнинг муносабатларини билишга ҳаракат қиласман.

ҮНИНЧИ ҚОНУН

ҲАМИША ИНТИЛИБ ЯШАНГ

Сиз- соатига икки юз километр тезликда рельсда “учиб” кетаётган поездни тұхтатиб қолишни тасаввур эта оласизми? Йүк! Унинг қаршисида ғиштдан девор уриб қўйган бўлсангиз ҳам ҳеч қандай машакқатсиз тўзонини чикариб ташлаши аниқ. Сабаби, катта тезлиқдаги поезд кудратли ҳаракат кучига эга.

Локомотив қуввати минг от кучига эга. Мана шу қувват эвазига бутун бир бошли составни бемалол юргизиш мумкин. Аммо поезд ўз ўрнида турганда унинг кимирламаслиги учун энг кичик қаршилик кўрсатувчи восита ҳам кифоя қиласди. Масалан, тұхтатувчи (тормоз) бошмоқни бир ғилдирак остига қўйиш етарли саналади. Локомотив ҳаракатга келмайди. Барча ҳаракат зое кетади.

Демоқчимизки, ҳаракатга келтирувчи куч ишга тушмас экан, ҳар қандай майда-чуйда туюлган компания ишни барбод қилиши мумкин. Биз ҳаракатни жонлантирувчи, қувватлантирувчи манбанинг узлуксизлигини таъминлай олсақ, ҳал бўлмайдиган масалага ҳеч қандай йўл қўймаган ҳисобланамиз.

* * *

Эски одатлардан қтулиш доимо оғир кечади. Биз учун таниш бўлмаган янги фаолият бир мунча оғир туюлиши аниқ. Шунинг учун ҳам арзимаган иш орқасидан биз учун муаммо туғилиши осою, Унутманг, бундай кезда тезлик билан ишга киришиб кетиш, уни ҳаракатга келтирувчи кучларни аниқ белгилаб олиш зарур. Ҳеч ким сизни доимо қўллаб-қувватлаб туролмайди. Ўз аравангизни ўзингиз тортишингиз лозим. Акс ҳолда аро йўлда қолиб кетасиз. Ҳеч қачон йўлингизда пайдо бўлаётган тўсик ва нокулайликларни

бутунлай йўқ қилиб юборолмайсиз. Муаммолар ҳар доим пайдо бўлади.

Агар сиз ҳаракатлантирувчи кучга эга бўлсангиз барча тўсиқ ва ноқулайликларни бартараф эта оласиз. Бу энг самарали усул. Сиз тезликни ошира борар экансиз, ҳеч қандай куч тўхтатишга қодир эмас.

Сиз муассаса ёки шахсий камолотингизни ривожлантироқчи экансиз, вақт келди. Ҳаракат қилинг: ишдаги юксалиш ёки пастваш сизнинг қандай ҳаракат қилаётганингизга боғлиқ. Ҳамма соҳада ҳам дастлабки қадамларни ташлаш кийин кечади. Сиз тўхтаб турган автомобилни ўз кучингиз билан ўрнидан қўзғатишингиз оғирроқ бўлади. Лекин қўзғатиб олингандан сўнг у ёғи илдамлашади. Куч ҳам оз кетади. Аввалгидек чиранишнинг ҳожати йўқ. Шунингдек, бошқа тармокларда ҳам дастлаб катта куч ва меҳнат талаб этилади.

Кўп холларда шахсий имкониятларга етарли баҳо бермасдан ҳаракатимизни пасайтириб юборамиз ва ўзимизни оқлашга ҳам тайёр турамиз.

Мана улар:

* “Мен ҳозир синааб кўрмокчиман”.

* “Бошида секинроқ ҳаракат қилиб турай-чи, кейин бир гап бўлар...”

* “Мен натижа қандай бўлишини чамалаб ишлаганим маъқул”.

* “Энг аввал тўғри йўлни белгилаб олишим керак”.

Қуйида бу тўрт журъатсизлик намуналари оқибатида нега кутилган натижага эришиб бўлмаслигини баҳоли кудрат кўриб чиқайлик.

Тўхтаб турган автомобилни ўрнидан қўзғатишини “синааб” кўриб бўлмайди. Сиз ё автомобилни ўрнидан қўзғатинг ёки тек туринг. Жиддий ишларга киришаётганди “бир ҳаракат қилиб кўрсаммикан”, деган тушунча билан иш юритманг. Сиз аввалдан режалаштириб келган ишни бажариш вақт-соати келдими – энди барча фикру зикрингизни шунга қаратинг. Ҳардамхаёл бўлманг. Сиз

модомики, ушбу сатрларنى ўкиётган экансиз, соғлиғингиз ҳам жойида бўлса, ҳозирнинг ўзида сизга топшириқ: оёққа туриңг. Буни синаш ёки “бир ҳаракат қилиб кўриш” орқали бажарилмайди. Сиз ё ўрнингиздан турасиз ёки ўтираверасиз.

Бир ишни бажариб кўрсаммикан, дегувчи айрим кишилар, умуман ҳеч нарса килмайдилар. Улар ўзларини гуё бу ишни бажариш фурсати келмагандай тутадилар.

Ишга киришган киши муваффакият ва натижани кутишга ҳақли. Ҳаммадан қийини – бошлаш. Бошланг! Яна фикрингизни тўхтаб турган автомобилга қаратинг: дастлаб силжитиш оғир кечади. Сиз ақл-ҳушни, куч-қувватни жамланг ва аниқ ҳаракат қилинг. Ёдингизда бўлсин: ярим ҳаракат – ярим натижа беради.

Баъзилар ишни янги бошлаганларида иложи борича “газни” босишиади. Бу ҳам дарҳол натижа кўрсатмайди. Бу босқичда ҳали натижа муҳим эмаслигини эсда тутинг. Ҳаракатлантирувчи куч мароми, суръати сизга натижани кўрсатади. “Мен аввал натижани кўрай, кейин бошлайман”, дегувчилар доим ортда қоладилар.

Сиз фаолият кўрсатишни бошласангиз, ортидан натижа ҳам кўринади. Ким ҳаракатни бошлабди, тек тургандан юз карра аълодир.

Кўплаб корхона, компаниялар ҳозирги даражадаги муваффакиятларига эришиш учун жуда кўп “тайёр лойиҳа”ларни қўллаб кўрганлар. Сиз ривожланишнинг мақбул услубига, шаклига эга бўлганингиздан сўнг ўзингизни ҳар ёққа уриб, бундан-да кўпроқ, унумлирок “loyiҳa”ни қўллаш-синашга ошиқманг. Шундай қилсангиз, қайта ғилдирак ясаётган бўласиз. Сиз ўзингизнинг самарали усулингизни янада такомиллаштиришнинг аниқ шаклини яратинг. Асло янги, нотаниш лойиҳа учун уринмай туриңг. Бу ҳаммасини қайтадан бошлашдек ноқулай. Сиз ҳеч қачон ўзингизга мақбул бўладиган “вазияг”ни кутиб ўтирманг.

Фолиблар ҳеч қачон ишсиз ҳолатда вазиятни пойла-майдилар. Улар ҳаракатлантирувчи куч вазиятни ўзгартириб юборишини яхши биладилар.

Сиз ҳаракатлантирувчи куч туфайли катта манфаат эгаси бўлишингиз, айни вақтда заар ҳам кўришингиз мумкин. Дейлик, сиз кунига хохламасангиз ҳам шоколад ейишни вазифа қилиб қўйдингиз, орадан 15-20 кун ўтгач, энди шоколад ейиш сизга вазифа эмас, одат тусига кириб қолади. Сиз ўзингизда шундай одатни шакллантирдингиз. Демоқчимизки, вақти-вақти билан фаолиятингизни танқидий нуқтаи назар орқали кузатиб боришингиз лозим: ниманидир кўпайтириб, ниманидир камайтириб, ниманидир йўқ қилиб юбормаяпсизми?

Биз ҳаракатлантирувчи куч имкониятларини ошириш учун энг аввало қатъий интизом сохиби бўлишимиз шарт. Ҳар қандай ишни ўз қонун-қоидалари, тартиби, кўрсатмалари асосида амалга оширишимиз лозим. Бусиз мумкин эмас. Машкни такрорлаб бориш бизда чиникиш ва кўнишка ҳосил қиласди. Махоратимиз ортади. Махорат ошгани сари натижа ҳам юксалиб боради. Буларнинг ортида қатъий интизом ётади. Интизомки, ҳаммасини бошидан – алифбодан бошлиш лозим. Интизомда майда-чуйда нарса бўлмайди. Ўрнингиздан силжиш, қўзғалиш учун ҳам интизом керак. Сиз бир қанча фурсат ўтгач, интизом қоидаларини ўзлаштириб оласиз. Яъни нимани қилиш, нимани бажармасликни фарклай бошлайсиз. Булар сизда аввалдан пайдо бўлган баъзи одат, киликларни тарқ этишингизда ҳам иштирок этади. Интизомни ўзлаштира олиш енгиллик бағишлайди. Фаолиятингизда жиддий ва фойдали ўзгаришлар кўрина бошлайди.

Қатъий интизом туфайли биз юксалиш даражасига эришган эканмиз, энди биз катта меҳнат эвазига қўлга киритилган ҳаракатлантирувчи куч самарасини тушириб юбормаслигимиз керак.

Йирик компаниялардан бири ўзини реклама қилиш учун миллионлаб пул сарфлайди. Улар муваффақиятнинг чўққисига чиқдилар. Кўзланган марра ортиғи билан забт этилди. Аммо реклама тўхтамас эди. Директордан айримлар сўрашди: “Аллақачон кўзланган мақсадга эришилди. Даромад кўпайди. Энди шунча пулни исроф килиб рекламани давом эттириш шартми?”

Директор жавоб берди: “Тасаввур қилингки, сиз самолётда ўтирибсиз. Унинг янада баландга кўтарилиши учун катта куч керак. У юқорига кўтарилиши учун тезликни оширгач, фазода осойишта парвоз қилиш босқичи пайдо бўлади. Мана шу кўтарилиш пайтида сиз двигателни ўчирап эдингизми?”

Ҳа, самолёт “осойишта босқич”га кўтарилгунча унчамунча куч ва тезлик сарф этади. Гарчанд, йўловчиларга бу анча нокулайлик туғдирса ҳам самолёт ҳаводаги ўз “қавати” – тинч йўналишга чиқиб олиши шарт.

Ҳар бир ишни энг бошидан бошлиш учун катта вақт ва куч талаб этилади. Голиблар бу вақт ва кучдан қандай фойдаланиш механизмларини жуда яхши билишади. Улар йўналишни белгилаб олишгач, ҳеч ким, ҳеч қаерда тўхтата олмайди. Бунга уларнинг ўзларигина кодирдирлар.

Амалий машғулотлар

1. Автомобиль ўрнидан жилгач, юриб кетиши осон кечади. Иш унумини таъминлашга ҳаракат қиласман.
2. Интизом ҳамма даврларда ҳам муваффақият саналади. Шунинг учун бугундан бошлаб ўзимни интизомга бўйсундириб ишлашга киришаман.
3. Мен қулай фурсатни кутиб турмайман, чунки ишга нисбатан интилишнинг пайдо бўлиши қулайлик яратади.
4. Менга фойда келтирувчи ишлар рўйхатини тузаман. Бошқа интилишларим (спорт, овқатланиш, оилавий ҳаёт, ўқиш ва ҳоказолар)ни ҳам таҳлил қилиб чиқаман.

ҮН БИРИНЧИ ҚОНУН

ОРЗУГА ИНТИЛИНГ ВА УНИ ХАЁТИНГИЗГА ТАТБИҚ ЭТИНГ

Беш яшар қизалоқ эрта тонгда каравотда ётган онаси хузурига югуриб борди-да, сүради:

– Ойи, сиз катта бўлганингизда ким бўлмоқчисиз?

Онаси ўзича, қизим янги ўйин ўйлаб топди, шекилли, деган хаёлга борди-да, кулимсиради:

– Сенга нима десам экан? Хўп, айтайлик, улғайсам, она бўламан.

– Йўқ. Сиз она бўлолмайсиз, – қаршилик билдириди қизи, – ахир, аллақачон она бўлгансиз-ку?! Ким бўлмоқчисиз?

– Ҳа, майли. Унда ўқитувчи бўламан.

– Ий-е, яна ёлғон айтяпсиз-ку?! Шундок ҳам ўқитувчисиз, ахир...

– Қизгинам, сенга нима дейишимни ҳам билмай колдим-ку? – ҳайрон бўлди онаси.

– Ойи, шунчаки айтинг қўйинг-да. Катта бўлсангиз ким бўлмоқчисиз? Ахир, нимани хоҳласангиз, ўша бўла оласиз-ку!

Қизчанинг чараклаб турган умидвор кўзларига боқаркан, савол замирига етгандай бўлди. Бу ногаҳоний савол, дастлаб унга аҳамиятсиздай туюлган бўлса-да, чиндан ҳам ким бўлишни хоҳласа, ўша орзусига ета олишини тушунди. Оила, иш, рўзгордаги кундалик икирчикирлар, икки қизи, бевалик – булар ўтмишдаги ҳаёти эканлигини бир зумда англаб етди.

У қизи айтганидай, нимани мақсад қиласа, ўшанга етиша олишига қалбан ишонди. Ҳали ҳақиқий ҳаёт олдинда эканлигини тўла ҳис эта бошлади. У чиндан ҳам камолотга эришуви, келажакда уни жуда кўп эзгу ишлар кутиб турганлигини яққол тасаввур қила бошлади.

Сиз она-бала ўртасида ўтган бу кичик “мунозара”дан хайрон бўлманг. Бу холат, айни вазиятда сиз учун иккинчи даражали аҳамиятга ҳам эга эмас. Бош масала шундан иборатки, ҳакиқатда сиз келажакда ким бўлмоқчисиз? Сизнинг мақсадингииздан хабардор бўлган кипи: “Бунинг иложи йўқ, булмаган гап!” дейишининг ҳам асло аҳамияти йўқ. Одамларнинг гап-сўзларига парво килманг. Ҳали хаётингиздан шаштингиздан қайтаришга харакат қилувчи бундай мижғов шахсларни кўп учратасиз. Улар билан ишингиз бўлмасин. Бўлмағур фикрларга таслим бўлмайдиган, ўз мақсади сари дадил интилевчи, қўлловчи ягона шахс – Сизнинг ўзингиздирсиз. Бошқа ҳеч ким!

Мухтарам дўстим, ҳеч қачон: “Энди умрим ўтди, кеч”, деган нохуш фикрни хаёлингизга йўлата кўрманг. Агар сиз ўзингиз мақсадингиз сари интилиб, уни хаётингизга олиб кириш учун курашмас экансиз, унумант, уни ҳеч ким Сиз учун асло бажармайди. Иккинчи ракиб, сиздаги иккиланиш ва шубҳа-гумонлардир. Шубҳа инсондаги ишонч ва журъатни заифлаштирувчи курук васвасадан иборат. Эътибор беринг: сиз бир ишни ўз олдингизга мақсад килиб қўйдингиз. Бирок бу фикр-режа сизда катъий бўлмаса, кўнглингизда “Бу ишни бажаришга ҳали вакт эрта. Шошилмаслик керак”, деган алдоқчи туйғу уйғонади. Сиз ана шу туйғуга асир бўлар экансиз, ҳамма имкониятингизни бой бераётганингизни, олтинига тенг фурсатни бехуда совураётганингизни жуда-жуда кеч фаҳмлаб қоласиз. Ҳар кандай янги ишни, режа ва лойихани амалга ошириш учун Сизга қулай бўлган вакт ҳеч қачон келмайди. Сиз бажаришни хозир, ҳа, хозир бошлигингиш лозим. Кутманг. Кутиш ҳар доим ҳам Сиз-у биз хоҳлаётган мэррага олиб боравермайди.

Ёдингизда тутинг: қилмоқчи бўлган ишингизни Сиз қанча кейин бажараман, деганингиз сари у иш ортга сурилиб бораверади. Бошқа ишлар такозоси Силан эса,

аввалги бажармоқчи бўлган ишингиз мутлақо рўйхатингиздан тушиб қолади. Бажарилмаган ишлар эсга тушгани сари кишидаги ғайрат ва ташаббускорлик сўниб боради.

Фожиа нима?

Ҳаётимизда биз кўрмаган-билмаган турли хил воқеа-ҳодисалар, жумладан, фожиалар ҳам юз бериб туриши мумкин. Ҳаёт текис, силлиқ йўллардан иборат, деб ўйлаш хатогина эмас, балки нодонликка яқин бўлган яна бир фожиадан бошқа нарса эмас. Шундай даҳшатли воқеа ҳам содир бўлиши мумкинки, бундан баъзилар: “Энди буёгини давом эттиришдан маъно йўқ” қабилида умидсизликка тушадилар! Йўқ, бу нотўғри! Сиз катта хато қиляпсиз.

Буюк давлат арбобларидан бири: “Тўқсон тўққиз фоиз мағлубиятга учраганингизда ҳам курашни асло тўхтатманг”, деган экан. Биз ҳар қандай кўргилик, мусибат ортида эзгу бир имконият туғилаётганини ҳамиша ҳам илғаб ололмаймиз. Асло келажагингиз сари қўл силтаб, воз кечманг. Аксинча, енгни шимариб, астойдил ҳаракат қилинг.

Ўн етти ёшли кизнинг муҳаббати чидаб бўлмас қалб жароҳатига дучор бўлди. Дугонаси устамонлик билан севган йигитининг бошини “айлантириб” тегиб олди. Киз кутилмаган бу жудоликдан узок вақт довдираб юрди. Ҳаёлпарастлик оқибатида бир юмуш бажаришга қўли бормади. Ногоҳ хонадонидаги катта кўзгуга онаси лаб бўёғи (помада)да ёзиб қўйган жумлага кўзи тушди: “Шайтон даф бўлгач, Раҳмон (Худо) қўллайди”. Сиз ўз ҳаётингизда Шайтон билан бўлмоқчимисиз ё Аллоҳ биланми?! Сиз иккиланмай, қайси қарорга кела оласиз? Бу саволга даб-дурустдан жавоб бериш осон эмас! Биз қайси эътиқодни виждонимиз қабул қила олса, ўшанга маънавий эшлик қиласиз. Биз шундай нарсаларга дуч келамизки, қайси томондан унга таъсир ўтказишга лол

қоламиз. Аммо биз уни ўзимизга қандай сингдира олишимизга ҳам boglik.

1914 йилнинг декабрида машхур олим Томас Эдисон олтмиш етти ёшга тўлганда, унинг лабараторияси бутунлай ёниб кетади. Бу фалокат олимга уч яrim миллион маркага тушган. Лаборатория бор-йўғи тўрт юз минг долларга сугурта қилинган эди, холос. Ҳаммасидан ҳам огири бутун амалий-илмий тадқиқот ва тажрибалари ёниб, кул бўлганди. Илмий мақолалар, китоб ва қўлёзма эсдаликлар ҳам куйиб кетган. Хуллас, унинг ҳаётида эришган барча ишлари барбод бўлганди.

Эдисонни унинг ўғли лабораториядан нарироқда топди. У ёнғинни кузатганича... хотиржам туради. Шу ҳолатда хотинини ёнига чорлади. Аёли чопиб Эдисонга яқинашганда, кулимсираб шундай деган экан:

— Сен мана бунга яхшилаб қара. Бундай манзарани ҳеч қачон қайта қўролмайсан. Фожиа — келажсакдаги буюк эзгуликни баҳи этади. Ахир ҳозир бизнинг саҳву ҳатоларимиз ёнаяпти! Худога шукрки, эндиликда биз ҳалимасини янгидан бошлиш имкониятига эгамиз.

Бу парчани келтиришдан мақсад, бордию сиз моддий-маънавий йўқотишлардан эсанкираб колган бўлсангиз, ўзингизни тутиб олшингиз учун тасалли беради. Айни вактда, ишни бошидан, янгичасига бошлиш учун имконият түғилганлигини эслатиб ўтмоқчимиз, холос.

Нокулай бўлса-да, шуни ҳам айтмоқчимизки, янги ишларни бошлиш учун албатта, бир фалокат рўй бериши керак экан-да, деган таънали қарашга борманг. Худо асрасин. Сиз асло фалокат-фожиаларни кутиб иш бошламанг. Аксинча, рўй бериши мумкин бўлган кулфатнинг олдини олиш, эҳтиёт бўлиш ақлли кишиларга хос фазилатдир.

Юкоридаги воқеа-ходисаларни сизга эслатишдан муродимиз қуидагиларни эътироф этишдир:

Сизнинг, албатта, ўзингиз учун мақсад қилиб, интилишга, унга эришишга курбингиз етади. Сиз ким бўлишни хоҳласангиз – ўша одамга айлана оласиз.

Сиз бутун ҳаётингиз давомида олдингизга буюк мақсадларни қўйиб амалга оширишга тўла ҳаклисиз. Ҳа, сиз ҳаётингизни жозибали ўтказиш имкониятига эгасиз.

Сизнинг ўтмишингиз келажагингиз учун бегона, бу мутлақо янги ҳаётдир.

Сиз хоҳлаган вақтингизда кандай ҳаётни орзу қиласангиз – шунга эриша оласиз.

Интилиш йўлидаги навбатдаги тўсик

Биз юқорида ўтмишнинг хатолари учун курашиб ҳеч нарсага эриша олмаслигимизни кўриб ўтдик. Янгисини бошлишимиз зарур. Дарвоқе, биз янгисини бошлашга киришаётган айни вактда ҳам фаолиятимизга сунъий тўсиклар қўйилиши мумкин.

Оқшомда бир киши хонадонининг калитини йўқотиб қўйиб излай бошлабди. Уни кузатиб турган аёл қўшни-сининг аҳволига раҳми келиб, биргаликда қидира бошлибди. Аёл ён-атрофларни, ўт-ўланларнинг орасини кузатиб қараса, қўшниси факат фонар ёниб турган жойнинг ўзида тимирскиланар эмиш. Ҳайрон бўлган аёл танбех берибди:

– Ҳадеб фонар атрофида ўралашавермай, сал пастрокларни ҳам қаранг, балки узокрокқа тушгандир?..

– Гапингиз тўғри, – дермиш калит йўқотган, – лекин бу ер ёруғроқ...

Кўпчилик кишилар ўз мақсадлари сари интилишни тўхтатиб турганларига ҳозирги банд бўлиб турган бошқа ишни рўкач килиб кўрсатадилар. Аслида эса турмуш тақозосига кўра, биз излаётган, етишмоқчи бўлган нарса учун йўл бошқа қатламлар оралиғида бўлиши мумкин. Балки биз излаётган калит оёғимиз остида эмас, аввалги босиб ўтган ўтмишими оралиғида занглаб ётгандир?

Ҳар қалай, ёшлик пайтингизда орзу қилган баландпарвоз мақсадларингизни бир эслаб қўрсангиз ёмон бўлмасди. Сиз ундан ўша вақтдаёқ кўл силтаб, воз кечган бўлсангиз-да, уни яна бир бор ёдингизга олинг. Негаки, бир вақтлар сизга оғир-мушкулдек туюлган интилишларингизни, балки энди ақлингиз, куч-кувватингиз bemalol етадиган даражада ҳал қилишга қодирдирсиз... Азизим, сизда куч-кувват ҳам, имконият ҳам шахсий ҳаётингизни гуллатиб-яшнатиш учун етарли эканлигини тезроқ тушуниб еting.

Шундай кишилар борки, телевизион кўрсатувлар, кинотеатрларнинг репертуарлари каби дастурларни узлуксиз тарзда кузатиб боришини ўzlари учун вазифадек белгилаб олганлар. Бу борада “иктисод” қилинаётган дақиқаю соатлардан ҳаётингизни ўзгартиришга бирор манфаат етадими?! Олди-қочди газета, китобларни ўқишдан қандай фойда топасиз?!

Булар мақсадингизни рӯёбга чиқаришдаги қатъий тўсиклардир. Сиз келажак ва мақсад сари элтувчи харат кат дастурини белгиланг. Қаёқка, нима учун бораётганингизни аниқ нишонга олинг. Ана шундай ҳаракат йўналишга эга бўлган инсон бир кун келиб, кечаги ёки бугунги кунига ўхшамаган қатъиятли одамга айланиши, табиий. Вақт – умр, умр – биз.

Билингки, вақт эмас, биз ўтиб борамиз.

Ҳамма нарсани бошидан бошлиш мумкинми?

Йигирма беш ёшида Жилберт Каплан ўзининг биринчи журналига асос солган эди. У ўзининг меҳнаткашлиги эвазига ўн беш йил деганда журнални энг оммабоп, ўқимишли даражага кўтариб, катта тиражда нашр эта бошлаган. Каплан кун-у тун тиним билмай ишларди. Кейин у кирк ёшга тўлганда нима бўлдию журнални сотди. Ҳамма ҳайрон. Ахир, бу ишга у озмунча тер тўқмаган эди-да.

Кунлардан бирида у машхур бастакор Молернинг Иккинчи симфониясини эшитиб қолди. Куй оҳанги гүё унинг бутун аклу ҳушини олиб, сеҳрлаб қўйганди. Ағсунгар наво уни сеҳрлабгина қолмасдан, аллақачонлардан бери қалбида уйғониб келаётган номаълум хистуиғуни янада тўлқинлантириб юборганди. Айни вактда, бу симфонияда нимадир етишмаётгандай, уни қайта талқин қилиш керакдай туюлаверди. Унинг бу фикридан Молер хабардор бўлганида, балки анчайин ранжиган бўлармиди.

Қалбида уйғонган бу ғоя Капланнинг тинчини батамом издан чиқариб юборганди. Шу мақсадда у нашриётини сотиб, келажакда дирижёр бўлишга қарор қилганди. Унинг бу харакатидан атрофидагилар лол бўлибгина қолмасдан, у ақлинни еб кўйибди, дея маломат кила бошлишди. Ахир у аввал, ҳеч қачон дирижёрлик билан шуғулланмаган, ҳатто бирор мусиқий асбобда куй чалишни ҳам билмасди! Яқин дўстлари ҳам энди унинг аталаси чиқадиган бўлибди, дея киноя қилишди: “Бирор нотани билмагани ҳолда, қирқ ёшида дирижёрликка ишқибоз бўлганига бало борми?!” Кесатиклар жиддий эди.

Каплан ўзи учун билдирилаётган танқид, масхараомуз сўзларга писанд қилмади. Ўз орзуси йўлида жиддий изланди, ўрганди. Орадан икки йил ўтгач, 1996 йилда Жилберт Каплан америкаликларга мумтоз мусиқий альбом тақдим этди. Альбом мисли қўрилмаган даражада муваффакият козонди. Ўша йили бўлғуси машхур бу дирижёр Зальцбургда мумтоз қуйлар фестивали очилишининг илк ташаббускори бўлиб чиқкан эди.

Максадга қандай эришилади?

,

Бизнинг орзу-максадларимиз аниқ бўлса, у кун сайин, қадамма-қадам оҳанграбодай ўзига тортиши, шубҳасиз. Уни бажаришга бўлган иштиёқ ортиб боради. Менинг бу сўзларимга кўпчилик, балки ишонқирамаслиги мумкин. Аммо ҳар бир ишда улгуриш, ўзлаштириш иқтидорига эга бўлган кишилар асло менинг бу сўзларимга эътиroz нуктаи назаридан қарамайди. Биз ўз ўй-фикрларимизни жамлаб, мақсад сари интилар эканмиз, унга ҳеч нарса ўзининг нохуш соясини ташлай олмайди. Бунда сизга энг оддий усул кўл келади.

Тасаввур қилингки, Сиз ўз мақсадингизга эришдингиз. Бу ютуқдан қанчалик қувонишингизни, кўнглингиз ифтихор туйғуси билан тўлиб-тошишини ҳис этасиз.

Ҳар гал ўз фикрингизни мақсад сари сафарбар этар экансиз, сизга керакли нуқталар равшанлашиб, шу қадар амалиёт сари яқинлашасиз. Самарали фаолият ҳамиша ғалабани таъминлайди.

Максадга интилган сари биз кучли шахсга айланиб борамиз

Норман Винсент Пил: “Кўпчилик кишилар ким бўлишларини хохлаганлари билан ўзларида мавжуд бўлган куч-ишончга иккиланиб баҳо берадилар. Шунинг учун ҳам улар бирор ишнинг уддасидан чиқа олишга муносибликни фаҳмламайдилар”, деган эди. Шунга ўхшаш фикрни Бенжамин Дизраэли ҳам ёзиб қолдирган: “Ўз мақсадига интилувчи кишилар бор-будини, ҳатто ҳаётини тика оладиган ва уларга ҳеч ким карши тура олмайдиган иродали инсонлардир”.

Қаранг, иродали кишилар атрофидаги курсаб турганларни ўз ортидан эргаштира олганлари ҳолда, айримлар дум каби орқада қолаверадилар. Бунинг сабаби ўз мақсадларига ҳаётда қай даражада муносабат ва дахлдор-

ликларига боғлиқ. Ким қатъий қарорга келган бўлса, иш суръатини жадаллаштириб, муваффақиятни накд қиласди ва бу самарали фаолияти билан бошқаларга ҳам кучли таъсир кўрсата олади.

Бинобарин, бизнинг мақсадимиз қанчалар улуғвор бўлса, куч-қувват ва имкониятга ҳам шу даражада эгамиз. Яхши ниятга фаришталар ҳам хайриҳоҳдирлар. Ўйлаб қаралганда, чиндан ҳам мақсад сари дадил интилиш жозибали фаолиятдир. Лекин мақсадни амалга ошириш йўлидаги сусткашликни оқлаб бўлмайди.

Голиблар вақтлар ўтиб бир тўхтаб оладилар-да, ўзларига шундай савол берадилар: “Мен ўз мақсадим сари тўғри йўлдаманми ёки оқим бўйлаб сузяпманми?” Улар ўз келажакларига тааллукли йўл-йўрикларни яхши ўзлаштириб олишган. Улар ўзлари учун муносиб турмуш тарзини шакллантира оладилар. Голибларнинг ўтмиш ва келажаклари ҳозирги айни дамларига асло ўхшамайди. Ахир, ҳар бир киши ҳам бир хил бўёқда ўзгаларникига ўхшамаган бирор шаклни чиза олади. Данте: “Кучли аланга ҳам милтиллаб турган чўғдан, учқундан авж олади”, деган экан.

Сиз кўнглингиз хоҳлаган томонда яшанг. Машхур хонанда Фрэнк Синатранинг қўшиғида шундай жумла бор: “Мен буни ўзимча қилдим...” Синатра қандай куйлаган бўлса, шундай яшади ва бу ёруғ оламни тарк этди. АҚШ президенти ҳам унинг дафн маросимида: “У бу нарсани ўзича қилди”, деган экан.

Қаршимизда ҳамиша битта танлов бор: биз ўз мақсадимизни амалга ошириш учун яшаймиз ёки ўзгаларнинг орзуласига интилишларига кўмаклашамиз.

Авраам Линкольннинг онаси ўлими олдидан: “Келажакда бирор шахс даражасига кўтарилиш учун менга ваъда бер”, деган экан ва у онаси истаганидек ваъда берган. Келажакда у машхур хуқуқшунос, давлат арбоби ва ўткир сиёsatчи, АҚШ таракқиётидаги улкан ислоҳотларни амалга оширган президент даражасига эришган-

лигига тарих гувоҳдир. Фолиблар умр шундоқ ҳам қисқа эканлигини, ҳар бир нафас ғаниматлигини, уни беҳуда совуриб яшаш бадбаҳтлик эканлигини яхши билишади.

Амалий машғулотлар

Бутундан эътиборан, мен ўз ҳаётимнинг бош йўрик-чисиман. Буни бажариш учун қуидагиларни амалга ошираман:

1. Мен бугун хотиржам ўтирган ҳолда ёки оҳиста қадамлар ташлаб сайр қиласман. Осойишта бу ҳаракатим қалбимда рўй бераётган ички овозимни тинглашга кўмаклашади.

2. Кейинги етти йил ичидаги ҳаётимда рўй берган воқеа-ҳодисаларни эслашга киришаман: мен нима қилдим, даромадим қанчага ошди, қандай янгиликка эришдим, қанча яхши инсонлар билан танишдим, шахсиятимда қандай ўзгаришлар пайдо бўлди, нима янгиликлар рўй берганини бирма-бир хотирамга келтираман. Келгуси етти йилликда мени нималар кутаётганини, қандай фаолият юритишимни чамалайман.

3. Ўзимга қуидаги саволларни бераман: “Мен ким бўлишни хоҳлайман, бунинг учун нима қилмоқчиман? Менинг имкониятимда нималар бор? Мақсадим нимадан иборат? Мен келгуси етти йиллик ҳаётимда ким бўламан ва нималарга эришишим мумкин? Буларнинг барча икир-чикирларигача ёзиб боришга ҳаракат қиласман. Бу билан мен нималарга қодир эканлигимни рўй-рост кузатиш, баҳо бериш имкониятига эга бўламан.

4. Шуни жиддий тан олиб айтаманки, қай бир ишни бажармокчи бўлсан ҳам танлаш имконияти ўзимга тегишлидир. Мен исталган пайтда ҳаётимни мақбул бўладиган даражада ўзгартира оламан.

Мен ўз ҳаётимнинг эгасиман – уни баҳт-саодатга буркай оламан.

ЎН ИККИНЧИ ҚОНУН

СОҒЛИГИНГИЗГА ГАМХҮРЛИК ҚИЛИНГ

Айтайлик, сизнинг баҳоси бир миллион доллардан ортиқ турадиган тулпорингиз бор. Сиз уни қандай парвариш қилган бўлар эдингиз? Нима билан овқатлантирасиз? Унга лимон шарбати билан ароқ ичириб, майонезли ковурма картошка берармидингиз? Сув ўрнига пиво ёки дессертли музқаймоқ билан сийлайсизми? Уни тунги клубларга олиб бориб, шовқин-суронли музика, раксларни эшитишга мажбур этасизми? Тун бўйи телевизордан аллақандай кўрсатувларни томоша килдирасизми?

Албатта, бундай қилмайсиз! Ахир от оддий сувни, сули-арпани, карсиллама тоза хашак ва кенг майдонларни севишини кўпчилик билади. Аммо минг-минг таассуфки, жуда кўп кишилар юкорида тилга олинган нокулай вазиятларга ўзларини уриб, бутун умрларини ўз ихтиёrlари билан заҳарлаб, саломатликларига какшаткич зарба бермоқдалар. Беўхшов “базму суронлар”да ўзларини ҳеч кимдан кам эмасликларини кўз-кўзлаш орқасидан ота-онасининг топган-тутганини, ўзининг соғлигини бепарво совурмоқдалар.

Саломатлик оғриқсиз яшашдангина иборат эмас

Сиз саломатлик деганда нимани тушунасиз? Кўпчилик кишилар, ҳеч қаерим оғримаяпти, демак, соппа-соғман, деб хисоблашади. Аслида, бу бошқачароқ. Бизнинг ғайратли ва ташаббускорлигимиз, кувноклигимиз, меҳнатсеварлигимиз, иштаҳамиз, ўзгаларга самимий муносабатимиз – барча-барчаси саломатлигимиз билан боғлиқдир. Биз доимий равища соғлигимизни мустаҳкамлаб, чиниктириб боришимиз зарур. Баъзилар ҳаракатни саломатликка путур етгандан сўнг бошлишади.

Бунинг самараси жуда кам ва қайталовчи дардларга айланиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатларда ҳам олдини олиб, аниқ, вактида харакат қилинмаса, кейинчалик вазият оғирлашиб, жиддий хатарларни юзага келтириши мумкин. Танадаги ногаҳоний зўриқишилар инсон фаолиятини издан чиқаради. Уни даволаш бош масала даражасига қўтарилиши керак.

Сиз, эҳтимол, ушбу сатрларни ўқиётиб, ғолиблар ҳақидаги бу китобга саломатлик мавзусидаги боб қаёдан келиб қолди, деб ўйлагандирсиз?..

Голиблар ўз фаолиятларини сифатли давом эттириши учун жисмоний бақувват, қўтаринки рух эгаси бўлиши лозимлигини яхши билишади.

Ахир, дард туфайли тўшакка михланиб ётган киши қандай қилиб дунёни забт эта олади?!

Сиз ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз, оилада, жамоат жойларида, ишда кайфиятингиз жойидами? Ҳеч кимни ранжитиб қўймадингизми?

Биз қандай нафас оляпмиз, нима еб, нима ичяпмиз – ҳаммасидан лаззатланар эканмиз, демак, танамизда соғлом қон, соғлом куч уфуриб турибди. Бу кайфият қўтаринкилиги бизни ғалаба сари яқинлаштиради. Шодлигимизни таъминлайди. Ҳаракатларимизга аниқлик баҳш этади.

Ҳаддан ошмаслик керак

Бизнинг давримизга келиб саломатликни асраш учун нима қилиш зарурлигига бағишлиланган рисола-китоблар, маколалар, кўрсатувлар, турли учрашувлар кўпайиб кетди. Боз устига, номлари минг хил, аммо таъсири бир хил бўлган дорилар ихтироси ва рекламаси ўз чегарасидан чиқиб кетди. Тўғри, ҳамма ҳам ўз мизожига нима тўғри келишини билавермайди. Бу деганимиз кимгадир шифо бағишилаган дори иккинчи бир кишини, балки беҳузур қилас, ҳолатини оғирлаштириб кўяр. Шу

нарсани унутмаслик лозимки, саломатлик борасида таваккалчилик ва меъёри унутиш хатарли кечади. Биз учун оқилона ва ишончли турмуш тарзи керак. Куйидаги соддалаштирилган тартиб-қоидаларга бир эътибор беринг.

Бир хил таомни доим истеъмол қилишдан сақланиш лозим. Оз-оз, турли хил овқат истеъмол қилиш ҳамиша бехавотир бўлади. Аллақайси рисолани ўкиб, ўзингизда йўқ касалликни пайдо қилиб, парҳез тутиб юришлар ҳам ўзини оқламайди. Кечасию кундузи валаклаётгандарга эмас, организмингиз нимани хоҳляяпти – ўшанга қулоқ солинг. Овқатланиш, уйқу, тўғри жисмоний меҳнатни ташкил қилиш саломатликнинг бош мезонларидир. Қолганларини танамиз талаб қилиши бўйича истеъмол этишимиз лозим. Шу маънода “яхши” ёки “ёмон” овқат йўқ. Уни қабул қилишга хошиш борми-йўқми, шуни ҳис эта олишимиз керак. Егиси келган нарсани беморга, хоҳлагандарга едиринг, кўмаклашинг.

Кўпинча биз нимани унутиб қўямиз?

Ҳаёт ҳамиша бизға завқ бағишлиши, эҳтиёжларимизни қоникитиши лозим. Ҳар хил тақиқ ва чекловлар бизнинг сабр-бардошимизни тошириб юборади. Шунга қарамай, ҳамма ҳам шахсан ўзига тааллуқли тарафлама жиддий бўлиши керак. Бу биздаги ҳолатни, ҳис қилишни яхшилайди. Саломатлигимизни катта-кичик хатарлардан сақлайди. Меъёри сақлаш муҳимдир.

Қандай овқатланиш кераж?

Очиғини айтганда, ҳаммамиз ҳам билиб-билмай кўп овқат еймиз. Биз қабул қилаётган овқатлар салмоғини сўзсиз камайтириб боришимиз талаб этилади. Бу бизни оғир вазнли ҳолатларда машакқат чекишдан қутқариб қолади.

Олимларнинг кўплаб тадқиқотлари шуни кўрсатади, инсон кундалик таомнинг учдан бир кисмини истеъмол қилиш эвазига бемалол ишлаб, яшаши мумкин экан. Ваҳолангки, баъзи хонадонларда кун бўйи таом тайёрлаш ва истеъмол қилиш билан вакт ўтиб кетади. Ортиқча қабул қилинган таом бизга куч-куват, лаззат бағишламайди. Саломатлигимизга жиддий путур етказди. Шунинг учун ҳам таом озрок ва охиста, шошилмасдан чайнаб истеъмол қилинса, овқат таъми ўзгача лаззат бағишлайди. Ҳеч қачон қуидаги кўрсатмаларни бузиб бажарманг: ҳамиша ўтирган ҳолда еб-ичишга одатланнинг. Асло ҳик ҳолатда, юриб кетаётиб, бирор транспорт воситасини бошқараётиб, ўқиб ёки телевизор кўриб овқатланманг. Овқатланиш пайтида тинчлик-осойишталик ҳам иштаҳани очади, киши нима еяётганини ҳис қилиб туради. Овқатдан лаззатланмаган кишида нохуш туйғу туғилади. Тез овқатланиш, ичимликларни аралаштириб истеъмол этиш хикичоқ ва кекиришни пайдо киласди. Бу энг одобсизлик ҳисобланади. Қанд, кофе, ҳайвонот ёги, спиртли ичимликларнинг саломатликка дахлдорлиги алдамчидир. Уларни кўп истеъмол қилиб бўлмайди. Энг табиий нарсаларни – мева-чева, полиз маҳсулотларини кўп тановул этиш керак.

Ичимлик

Ичимлик, деганда ароқ, вино, пиво, турли кимёвий усулда тайёрланган рангли сувларни ўйламанг. Тоза, тиник ва оддий сув ичиш организм мўътадиллигини таъминлайди. Овқатланаётган пайтда, иложи борича кам суюқлик ичинг. Кофе, кока кола ва бошқа рангли ичимликлар сизга оний ҳузур бағишиласа-да, организм учун турған-битгани заарadir.

Ҳар бир инсон ўз танасини етарли микдорда суюқлик билан таъминлашни билиши зарур. Ҳар бир киши кунига ўртacha 2-3 литр суюқлик ичиши лозим.

Ишга киришаётіб, чиқаётиб, ётиш олдидан бир стакан микдорда сув ичиш зиён қилмайды. Кучли газланган сув ва совутилған сувларни ичиш жигарни, ошқозон-ичак аъзоларини, ўт пулакни яллиғлантириши, ични қотириши мумкин. Нафас йўлларига ҳам ноxуш таъсир кўрсатади.

Ҳаракат

Ҳаракатланиш саломатликнинг белгиси ҳисобланади. Танамиз ҳаракат қилиш учун яратилган. Асло бир жойда кун бўйи ётиш ёки ўтириш учун яратилмаган. Ўртacha ҳар куни 50-60 чақирим йўл босиш кўзда тутилса-да, Сиз уни пиёда юриш имконияти туғилганда бажарсангиз ҳам катта гап. Ҳар куни бўш вақт топиш осон кечмайди.

Бизнинг кундалик жисмоний машқларимиз кун бўйи тетик, хушчақчақ, ишchan вазиятда бўлишимизни таъминлайди. Баъзилар буни яхши билишса-да, айримлар арзимаган сабабларни рўкач қилишади. Ҳалкнинг шундай ибораси бор: “Ким ёшлигидан серҳаракат бўлмаса, кексайганда (касалхоналарга) кўп югуради”.

Ҳордик

Берилиб меҳнат қилгандан сўнг, дам олишни ҳам ўрнига қўйиш керак. Тўхтовсиз елиб-югуриш ҳаёт эмас – ҳалокатдир. Иш пайтида ҳам тез-тез танаффус бўлиб тургани яхши. Ёқимли куй тинглаш, мазмунли китоб ўқиш, тоат-ибодат қилиш, яқинларни зиёрат қилиш, медитация ва енгил спорт турлари билан шуғулланиш, чўмилиш кишига роҳат бағишлийди.

Узок муддатли режа

Ҳаваскор (бошловчи)лар ва катта тажрибага эга малакали кишилар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, улар узок муддатларга мўлжалланган истиқболли режаларга эга бўладилар. Малакали инсонлар арзимас ютуклар учун узок муддатли режаларини ташлаб қўйиб, ўзларини дуч келган томонга урмайдилар. Ҳафтасига тўқсон беш соат меҳнат қилиб, озгина вақтда эришиладиган ютукни таъминлаш мумкин, аммо келажакдаги катта режаларни бажаришда халақит бериши эҳтимоли бор. Масалан, чарчаш, бирор хасталикка йўлиқиши ёки маънавий-моддий харажатлар катта ишларни амалга оширишда депсиниш пайдо қилиш эҳтимоли бор.

Одатдагидан кўпроқ микдорда кофе солиб тайёрлаб ичиш бир муддатгача кишига тетиклик баҳш этиши бор гап. Аммо биз бу билан кейинчалик организмимиз фаолиятига зўрикиш пайдо қилишимиз мумкин. Сиз грипп хасталигидан халос бўлмай туриб ишга киришар экансиз, эҳтимол, лойиҳангизнинг кўзда тутилган қайсиdir кисмларини муваффақиятли ҳал кила оларсиз. Афсуски, узок муддатли режангизни амалга оширишдан аввал бундай ишга киришиш қисқа ўйликка, бошқача ифодаласак – нодонликка йўл очган бўласиз. Шунинг учун ҳам катта режаларни бажаришда қисқа муддатли ишларга ўралашиб қолмаслик лозим.

Голиблар ҳамиша янги режаларни бажаришга киришар эканлар, ҳар доим ўз касалликларига етарлича эътибор берадилар. Куч-кувват, ишонч билан келажакка кадам ташлайдилар. Велосипед пойгасида қатнашувчилардан уларнинг ортиқча вазни довонга чиқиш пайтида кўшимча куч-ҳаракатни талаб этади.

Голиблар шахсий саломатликларига эҳтиётсизлик қилишлари иш қобилиятларини заифлаштиришини жуда яхши билишади.

Амалий машғулотлар

Бугундан бошлаб ўз саломатлигим билан етарли даражада машғул бўламан.

1. Бугундан эътиборан онгли равишда овқатланишга ўтаман. Овқатни оз еб, оҳиста чайнаб таъмидан лаззатланишни ўрганаман. Эндиликда нима истеъмол килсам ҳам жиддий аҳамият бераман. Кўпроқ таомномамда мева ва сабзавотлар бўлишига эришаман. Мен енгил тамадди қилишни хоҳлаб қолсам, мева ва ёнғоқ истеъмол қиласман.

2. Бугун бир неча стакан сув ичаман. Агар овқатдан олдин сув ичсан, қоринни таомга тўлдиришдан халос бўламан.

3. Ҳар куни камида ўттиз беш дақиқа жисмоний машқ билан шуғулланишни одат тусига киритаман. Югуришни ўрганаман. Чарчоқ сезсан, оҳиста қадам ташлашга ўтаман. Ўзимни асло зўриқтирмайман.

4. Эндиликда иш вақтида ҳар тўқсон дақиқада дам оламан. Беш дақиқа очик ҳавода бўламан ва бир нечта жисмоний машқлар бажараман. Бу билан ўзимга қувват йиғаман ва ишимда унумдорликка эришаман.

5. Ўз шифокоримга эга бўламан.

ТАҢҚИДДАН ЧҮЧИМАНГ

Андреас машхур нотиқнинг сўзини эшитгани келди. У нутқдан шу даражада таъсирландики, шахсий ҳаётида нималарнидир узил-кесил ўзгартиришга қарор қилди. Бироқ нутқ тамом бўлгач, Андреас галати манзарага дуч келди. Тингловчилар маъruzани ҳар хил баҳоламоқда эдилар. Баъзилари эса ҳатто нотиқни танқид қилишгacha бориб етдилар. Бошқалар нутқ ёмон ҳам эмас, яхши ҳам эмас, чидаса бўлади, деган фикр билдирилар. Яна бошқа гуруҳдагилар эса Андреас каби таассуротда эдилар. Улар хаяжонланиб нутқдан келиб чикқан ғояларни ўз ҳаётларига тезроқ татбиқ этишга ошиқардилар.

Андреас бир хил фикрни нега ҳамма ҳар хил талкин қилаётгани сабабини нотиқдан сўрашга жазм этди.

– Ҳар бир нотик, – деди у, – уч хил гуруҳдаги кишилар билан тўқнашиши муқаррар. Аудиторияга ташриф буюрганлардан кўпчилиги нутққа безътибор бўлиб, танқид қилишга киришадилар, айримлари бетараф коладилар. Баъзилар эса нотиқни қўллаб-қувватлашади. Мен ҳам барча тингловчилар нутқимни яхши қабул қилишларини хоҳлайман. Аммо бунга эришиш унча осон эмас.

Кўпчилик кишилар ҳар қандай масалага танқидий карашни ҳаётий бурчи даражасида англайди. Бундан ташқари, янги фикрларни қабул қилиш учун аниқлик, очик мулоҳаза ва... жасорат керак. Бахтга қарши, бундай хислат ҳаммага ҳам берилавермайди. Мен ҳар уччала гуруҳ билан ҳам келишишим зарур, деб ҳисоблайман. Бу борада мен асосий эътиборимни сўзимни дикқат билан тинглаётганларга қаратишга ҳаракат қиласман.

Учта гурух

Ҳар бир ғолиб киши танқидий фикрларга тұғри ёндашишни билиши керак. У атрофидаги кишилар ҳар доим ҳам уч гурухга бўлинишларини унутмаслиги керак:

– биринчи гурух, доимо унга танқидий муносабатда бўлади;

– иккинчи гурух, масалага қандай ёндашишини билмай, фикр билдиришдан кўра жим туришни афзал кўради. Улар гўё бетараф кўринсалар-да, аслида журъатсиз кишилардир. Улардан фойда ҳам, зиён ҳам йўқ;

– учинчи гурух эса унинг гояси ёки лойихасини тўғри қабул қиласи, кўллаб-куватлайди.

Бу уч гурух сиз қайси соҳада фаолият кўрсатишингиздан қатъий назар, хозир-у нозирдирлар. Улар билан доим тўқнашиб яшайсиз. Сизнинг маҳсулотингиз, баҳоингиз, таклиф ва шартларингиз, қайси компанияга мансублигингиз бу уч гурух қарашларини ўзгартира олмайди.

Уч босқич

Ҳар қандай ғоя ёки лойиха ўз мазмуни ва сифати қайдаражада бўлишидан қатъий назар, уч босқични “босиб” ўтиши муқаррар:

Биринчи босқич: киноя ва масхара килиш. Сизнинг жиддий гояларингиз устидан кулиб, масхара килиш даражасигача етишади. Иложи бўлса, ғоянгизни бутунлай йўқка чиқаришга харакат килишади.

Иккинчи босқич: танқид. Энди киноя ва масхара-лашлар барҳам топиб, илк муваффақият пайдо бўлади. Кулги ўрнига танқид қилиш бошланади. Бу босқични энди сал бўлса-да, ўсиш, деб қабул этиш мумкин. Ахир, йўқ нарсани танқид қилишмайди. Ғоя ёки лойихангиз танқидга учрадими, демак, фикр-мулоҳаза билдириш учун нимадир бор.

Учинчи босқич: эътироф этиш ёки тан олиш. Модомики, сиз ўз гоя ва лойиҳангизга қатъий ишонар экансиз, энди танқиднинг ҳам уни ўчади. Ўрнини эътироф, тан олиш эгаллайди. Гарчанд, танқидчилар уларга қўшилиш маса-да, барибир, озчилик сифатида жим бўлишади.

Демоқчимизки, ҳар қайси босқични юқорида таъкидлаганимиз – уч гурух кишиларига қиёслаш мумкин. Демак, ҳамма ҳам киноя ёки танқид билан “шуғулланавермайди”.

Тўғри, баъзан улар сафида сизни қўллашиға ишонган кишиларингиз ҳам бўлиши мумкин. Лекин бунинг ўрнига ишингизни бегараз баҳолашда уч босқичдаги коидалар сўзсиз қўлланади.

Танқидга қандай муносабатда бўлиш керак?

Юқоридаги уч гурух ва уч босқични истисно рад этиб бўлмайди. Масала шундаки, уларга қандай муносабат билдиришимизга боғлик. Кўп ҳолларда икки нарсани кузатиш мумкин. Биз шундай кишиларга дуч келамизки, улар асло ҳар қандай танқидга ён босмайдилар. Бу қилмишлари билан улар ўз ишларига танқидий нуктаи назардан баҳо бериш имкониятидан маҳрум бўладилар. Ниманидир билиш, ўрганишдан ортда қоладилар. Шундайлар ҳам борки, ҳар қандай танқидни ўзларига олишлари оқибатида фаолиятларидаги тўғри йўналишга шубҳа-гумон билан карайдилар. Кўп ҳолларда ҳамма ишларини ўзгартириб ташлайдилар. Натижада, ўз гояларига нисбатан бўлмағур хаёлларга ғарқ бўлиб, ўз-узидан ишончлари барбод бўлади.

Бундай вазиятларда ўртача йўлни танлаш мақбул усулдир. Бир томондан олганда, ҳакконий танқиддан кўз юмиб бўлмайди. Биз ўз хатоларимизни мардона тан олишини билишимиз ҳам санъат. Бошқа томондан эса ҳар доим ҳам хатолар бўлиб туриши мукаррар. Шунинг учун ҳам танқиддан қочиб қутулиб бўлмайди. Бинобарин,

танқиддан шахсий камолотимиз, ўқиб-ўрганишимиз, ўсишимиз учун фойдаланишни ҳам билишимиз лозим. Бу билан биз танқид қанча нохуш бўлса, ўз қарашларингиздан мутлақо воз кечинг, дейишдан йироқмиз. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўз фикрларингизни саклаб қолинг.

Бу икки йўлнинг кесишиган, тўхтаб қолган чегараси йўқ. Шунинг учун ҳам танқид қанчалар асосли эканлигини чукур таҳлил қилиб, керакли кисмини қабул этинг. Ўзингизга тўғри келмаган мулоҳазаларни қабул этишга ҳеч ким сизни мажбур қила олмайди. Ҳа, сиз ҳазм эта олмайдиган танқиддан бутунлай воз кечинг. Сиз қовоқбош танқидчиларга ўзингизнинг катъий ғоянгиз билан мудафакиятни таъминлаб, зарба бера оласиз.

Ғолиблар аллақачон ҳар қандай танқидий қарашларга яраша ўз муносабатларини билдиришни яхши биладилар. Улар бундай танқидчилар билан тўқнашган кезларидан билдирилган қарашлар уларнинг шахсий муаммоларидан келиб чиқаётганлигини ҳам назардан қочирмайдилар. Улар маълум фоиздаги шахслар доимо таҳкирлаш, киноя килиш ва танқидга уч эканликларини ҳам ёдда тутадилар.

Начора, бу дунёда ҳаммага манзур бўлиш жуда кийин...

Танқидни қандай қабул қилишни фақат ўзимиз ҳал этамиз

Шуни билингки, одамлар табиати, феъл-авторини ўзгартириш бизнинг ихтиёримизда эмас.. Бу кўп жихатдан яхши. Боиси, ҳар бир одам ўз иродаси ва фикрини эркин ифода этиш хуқуқига эга. Аммо биз ишимизга атрофдагиларнинг турлича муносабатлари ва мулоҳазалари кай даражада таъсир этишини ўз идрокимиз билан ҳал эта оламиз. Бизнинг ишимизни ёқтирмайдиган шахслар ҳар доим топилади. Бунинг чўчийдиган жойи йўқ. Фақат ўзимиз ҳам ўшалар каби ўйламасак, бас.

Инжили шарифда шундай жумла бор: бирор уйдан чикаётганингизда пойабзалингизни яхшилаб артиб, кейин кийинг. Яъни бу хонадонга тегишли бўлган нарса-буомлар, гап-сўзларни ташқарига олиб чиқманг, шу ерда қолсин, маъносида танбех берилмоқда. Аксинча ҳаракат эса хиёнатга teng амал бўлиб қолиши мумкин. Аслида бу машҳур иборанинг халқ тилидаги мантикий тузилмаси куйидагича: бирор хонадонга киришдан аввал оёқ кийимингнинг остини яхшилаб артиб, сўнг қадам ташла. Яъни ўзгалар уйига кирганингда, қўзингни, тилингни, дилингни, қўлингни пок тут. Ножӯя ўй-ҳаракатлардан ўзингни тийиб ол. Бу иборанинг зоҳирий маъносидир. Биз эса' бу ерда мутлақо бошқа нарсани назарда тутмоқдамиз. Яъни бу хонадонда сизнинг тўғрингизда макташяптими ёки танқид қилишяптими, жуда берилиб кетманг. Ўзингизни дадил қўлга олиб, тарозини тўғри ушланг. Эҳтимоллик конуниятларига кўра, сизни юксак кўтаринкилик билан қўллаб-куватловчи кишилар доимо топилади. Факат эътиборли бўлинг.

Ва аксинча, сизнинг гоянгизни қабул қилмайдиган шахслар пайдо бўлса, ҳайрон колиб ўтируманг. Улар ўз карашларидан келиб чикиб, сизга ўткирзабонлик, билимдонлик қилиши мумкин. Бундай жаги тинмайдиган маҳмадоналардан ҳам ранжиманг. Улар ҳеч нарсани ўзгартиришга қодир эмас. Карвон ўтаётганда илк аккиллайдиганлар ўшалар. Сиз сўрамасангиз ҳам жаврашдан тўхташмайди. Улар гўё пойабзалингизга кум-шағал кириб қолгандай ғашингизга тегиши мумкин. Бунақа халақит берувчилар кўп ва сиз уларга парво қилманг. Бундан кутулишнинг йўли оёқ кийимингизни ечиб, ичини қоқиб ташланг-да, йўлингизда давом этинг. Аксинча, дастлаб юраётганингизда кум-шағал унча сезилмаслиги мумкин, бироқ олисрөк йўл босганингизда ноқулайлик туғдираётганлиги якъол сезилиб колади.

Голиблар танқидни ўша кум-шағалга ўхшатадилар. Пойабзални тозалаб, қайта кийиб олишади, вассалом.

Уччала гурух билан муроса қилинг

Биз юкорида таъкидлаганимиздек, нега уч гурухга мансуб кишилар мавжуд? Нега баъзилар ҳаммани камситишга, танқид қилишга ўч бўлади? Бу жумбокни ечишда қуйидаги масалнамо voxea турткি берса керак: Айтишларича, чаён дарёга дуч келиб қолибди. Нариги кирғокқа ўтишнинг иложини топа олмай, қурбақадан илтимос қилибди.

— Мен ҳали ақлимни еганим йўқ, — жавоб берибди курбақа, — дарё ўртасига етмасданоқ сен заҳар тўла найзангни менга санчасан ва ҳалок бўламан, — дебди.

— Калланг қаёқда сени, — деб танбеҳ берибди чаён, — ахир, сени чаккудек бўлсан, ўзим ҳам ғарқ бўлиб, ҳалокатга учрайман-ку?!

Унинг бу сўзи қурбақага ростдай туюлибди ва уни устига чиқариб, нариги кирғокқа қараб сузиб кетибди. Улар дарё ўртасига етиб келишганда чаён барибир курбақага ниш санчиб, заҳар солибди.

— Нега ундей қилдинг? Энди иккаламиз ҳам ҳалок бўламиз-ку, — дебди ҳолсизланиб қурбақа.

— Нима, менинг чаён эканлигимни унугдингми, — деган экан сувга чўкаётиб.

Бундай феъл-автор эгаларини истасангиз ҳам, истамасангиз ҳам кўпгина жойларда — жамоатчилик орасида, йигилиш ва бошқа тадбирларда учратниб тура-сиз. Улар ўзларини шу ерда эканликларини ҳаммага билдириш учун энг қабих ҳаракатлардан ҳам тўхтамайдилар. Ўзлари ҳеч нарса яратмайдилар, яратганиларни тан олмаганлари етмаганидек, уларга жиддий ҳалақит берадилар. Бундай майдакаш, паст одамларга яхшилик қилиб ҳам омонлик топмайсан. Улар олдингда таъзим билан бармоғингни ялагудек турадилар, йўқлигингда ғийбатингни кучайтириб, барча бор-йўқ кирдикорла-рингни өшкор этадилар. Ҳамиша нолиб яшайдилар. Ўзгалардан ўзлаштириб олган бир-икки ўткир иборани

ёдлаб олиб, ўзларининг чакана эмасликларини англашиб учун оғизларидан тупук сачратиб вайсайдилар. Риояндишани тушунмайдилар. Аслида, ҳаётда ўз орзу мақсадларига ета олмаган, бир ишни қойиллатмаган саводсиз, омадсиз кишилар кўпроқ танқидчиликка даъвогарлик қилишади. Улар ҳеч нарсани ҳал этолмаганлари етмаганидек, олдинга интилаётганлар орасини ёриб, туртиб-нукиб олға ташланадилар-у, аммо ҳаммага ҳалакит берәётганларини асло тан олмайдилар. Улар ўз манфаати нуқтаи назаридан ор-номусни кўя туинг, сотқинлик, хиёнат эвазига, ҳатто ўлиқдан ҳам бир нима ундиришга шай турган қашқирнинг ўзгинасиidlар.

Унутманг, ёлғончи доим алдайди. ўғри ҳамиша ўзгаларникини ўмаради. Худбинлар ҳамма нарсани рад этади, масхарабоз доим ўзгалар устидан кулишга, таҳкирлашга ишқибоз бўлади. Уларга асло яқинлашманг, улар билан ҳеч қачон пачакилашманг!

Бизни муҳофаза этадиган биргина усул бор – танқиддан қутулиш учун уларга қарши ҳеч нарса қилманг. Мутлақо эътибор берманг.

Биз уларнинг “доно” фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш учун ҳеч қандай шартнома ёки мажбуриятга имзо чекмаганмиз. Улар эътибор беришга арзимайди. Барча оқил инсонлар ҳам асоссиз танқид қилувчиларга ўнг қарашмаган.

Асосли танқидни ҳал этиш ўзингизга боғлиқ

Ҳар қандай танқид, аввало, ғолибларни унча-мунчага терлата олмайди. У танқид ва турли эътиrozлардан ўзини ранжитиб юрмайди. Энг асосий нарса – бизнинг муносабатимиздир.

Танқид ва эътиroz ҳар бир кишига нисбатан билдирилиши мумкин. Лекин уни ҳар ким ҳар хил қабул қиласи. Айни вактда, уларнинг ўз ишларига, ишчиларга, одамларга, ҳамкорларига муносабати ҳам назарда тутилади.

Асосийси эса – ўз-ўзига муносабати қандай эканлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Асоссиз танқидлар бизнинг бирор тукимизга ҳам таъсир этолмайди. Биз ўзимизни ўзимиз билиб-бilmай ранжитиб қўйишимиз мумкин, асло бошқалар эмас.

Сизнинг сўзлаётганингиз ёки ишлаётганингизнинг унга қизифи йўқ. Сиз нимани сўзлаяпсиз, нима билан машғул бўлаяпсиз – ана шу нарса аҳамиятга эга. Ҳамма ҳам ниманидир бажариш даражасида ўзича ҳаракат қилади. Аммо бажариш учун кўрилаётган тайёргарлик, ҳаракат бу ҳали ҳеч нарсани ҳал этмайди. Ўз ишингизга етарли аҳамият бермасангиз, турли огохлантирувчи сигналлар ҳаракатга келиши табиий. Ҳар қандай мағлубият Сизни тиз чўктириши мумкин. Фақат...

Ғолибларнинг ўзига хос фазилатларидан бири – ўзларининг улуғвор ишларига юксак кўтаринки рух билан киришадилар. Ўзларининг изланишлари, кўп ўкишлари, меҳнатсеварликлари билан мақсад сари яқинлашиб, унга тааллукли муаммоларни ташвишсиз ҳал эта оладилар.

Ўзгаларнинг қаланғи-қасанғи муносабатларидан кўра, мақсадимиз юз чандон бизга қадрлироқдир.

Окни окка, корани корага ажрата оласизми?

Инсонга танлаш ҳуқуки берилган. Ҳаётда муваффакиятли ва саодатли яшаш одамлар гурухини ажрата билиш билан боғлик. Бу гурухлар ичидан сизнинг гоя ва лойихангизни қўллаб-қувватловчиларни танлаб олинг. Бошқача ифодаласак, тарафдор – ҳаммаслаклар билан бўлинг. Ёркин хотираларингиз ҳисобини кўпайтиринг. Муваффакиятларингиз ошишини ёзиб боринг. Вактлар ўтиб сизга бу хотиралар яна асқотиб қолиши мумкин.

Биласизми, кўпчилик ўтмишдаги ютуқларидан кўра, мағлубиятларини тез-тез эслаб туришади. Омадсизлар кўп ҳолларда бошларига тушган фалокатлар, зиён-

захматлар, йўқотишлиар тўғрисида алам билан сўзлайдилар. Голиблар эса сўнгги ой-йиллар ўzlари учун баракали бўлганлигини мамнун бўлиб сўзлашади. Кўряпсизми, мағлублар факат мағлубиятини ҳис килади, голиблар эса доимо муваффақият ҳақида бош қотиришади. Кимдир ўзини, кимдир бошқаларни айблайди. Кимдир оёқ кийимини ечади-да, қум-шағалдан тозалаб, йўлида давом этади. Улардан ким ҳақ? Ким ўзини яхши ҳис этаётган бўлса, ўша голибдир. Биз бу гурӯҳ вакилларини қанча кўп кузатиб борсак, шунчалик ҳайратомуз жавобга эга бўламиз. Роса соддалаштириб айтсак – биз одам таниш санъатини чукурроқ ўзлаштиришимиз керак.

Амалий машғулотлар

Бугундан бошлаб танқидга тўғри муносабатда бўлишга интиlamан. Бунинг учун қуйидагиларга риоя киламан:

1. Бугундан барча эришган ютуқларимни ёзма равишда қайд этиб бораман. Бунда, нега айнан у ёки бу ютуғимни тилга өлганимга алоҳида эътибор бераман.

2. Ҳар қандай танқидни кийимимга қўнган гарддай коқиб ташлайман. Негаки, мен энди қарашларимга қарши бўлган гурӯҳ кишилари мавжудлигини жуда яхши биламан. Уларнинг фикр-мулоҳаза, кинояларини ҳеч қачон кабул килмайман.

3. Мен атрофимдаги кишиларни ўзгартира олмаслигимни жуда яхши тушунаман. Шунинг учун ҳам назоратимдаги нарсаларнинг аҳамиятига эътибор берган ҳолда иш мароми ва сифатини оширишга ҳаракат қиласман.

4. Мен кўп тажрибаларга эга бўлган, бошидан иссиқ-совуқни ўтказган кишилар билан тез-тез учрашиб, улардан ҳаётий сабоқ олишга вақт ажратаман. Бордию менинг қарашларимга зид мулоҳаза юритсалар – уларни тарқ этаман. Ҳеч ким экинзорни алафга бостириб юбормайди.

ҮН ТҮРТИНЧИ ҚОНУН

ИШНИ БИР ЮЗ ҮН ФОИЗГА БАЖАРИНГ

Бир куни журналист болгарилик оғир атлетика чемпионига шундай савол берди: “Машқ пайтида үн бор штангни күтаришингиз керак бўлади. Айтинг-чи, Сизга қайси бири муҳимроқ?”

Чемпион: “Ўн биринчиси”, деб жавоб берди.

* * *

Бирор ишни бир юз үн фоизга бажаарар экансиз, унутманг, юз фоизга бажарилган иш натижаси аъло бўлса ҳам энди Сиз учун кўрсаткич қониқарли хисобланмайди.

Бордию ҳозир бу ўқиётган китобингизни бир четга қўйиб, полда ётиб туриш машқини бажаришга ҳаракат қиласангиз, бу машқни нечтага етказа оласиз? Агар полга узала туриб олсангиз ҳам бу сизнинг яхши “натижа”нгиз бўлади. Балки сиз анчадан бери жисмоний машқ билан шуғулланмагандирсиз? Агар шундай бўлса, унда юқори натижага эришолмайсиз. Лекин ҳар куни беш дақиқадан полда ётиб туришни бошлар экансиз, уч ой деганда сиз мўлжалдаги натижага тўла эриша оласиз. Аввалдан машқ қилмасдан янги бошловчилар барибир сезиларли кўрсаткичга эришадилар.

Бу ҳаракатимизни ҳаётнинг ҳамма босқичларига татбик этишимиз мумкин. Бинобарин, бизнинг ҳамма соҳада ҳам камолотга эришиш имкониятларимиз мавжуд.

Қўшимча үн фоиз натижани кўп марта оширади

Тасаввур қилинг: сиз уч ой давомида қўл ва оёқларни полга тираб беш дақиқадан уч марта ётиб туришни бажаарар экансиз, ҳар сафар юз фоизли натижага эришасиз. Сиз тирагиб туришга мадорингиз қолмаганда яна бир бор интилиб ҳаракат қиласангиз, кўрсаткичингиз

бир юз ўн фоизга күтарилади. Сиз бунга ҳар доим мұяссар бўлавермайсиз. Баъзан ярмигача бажара оласиз, холос. Аммо ҳар бир спортчига яхши аёнки, қачон қувват қолмаганды қўшимча қилишга интилиш ўсиш натижасини таъминлайди. Сиз мунтазам равища машқларни давом эттириш эвазига юксак натижага эриша оласиз.

Сиз қандай ишга киришмоқчи бўлсангиз, уни бир юз ўн фоиз бажаришга тайёр туришингиз керак. Доимий тайёргарлик ва машқларни бажариш бора-бора одат тусини олади. Сизда захира варианти пайдо бўлади.

Миллиардер Жон Темплтон ҳамма вакт биржада ишларида муваффақият қозониб келган. У камдан-кам ҳолларда мухбирларга интервью берган. Сабаби, у ҳар бир дақиқани юксак қадрлаган. Шунингдек, суратга тушишга ҳам кўнмаган. Бир кун машҳур журналда унинг суратини босмоқчи бўлишди. Жон розилик бериб, фотографга ўттиз дақиқа ажратди. Ваҳолангки, бу ишга ажратилган вакт етти соатга чўзилиб кетди. Ҳамма ҳайрон бўлиб, сабаби сўралганди, “Мен суратга тушиш учун бунча вакт кетказишни асло хоҳламаган эдим. Бирок сураткаш ўзининг ишини бир юз ўн фоизга бажаришга шу қадар берилиб кетдик, унга ҳавасим келиб, халақит беришни истамадим”, деб жавоб берган.

Ҳа, ўз ишини маромидан оширганлар учун мукофот ҳам ўзини куттириб қўймайди.

Нега ҳамма бир юз ўн фоизга етказиб ишламайди?

Нега энди баъзи кишилар имкониятлари бўла туриб, эллик-саксон фоиз иш бажарадилар, бошқалар бир юз ўнга етказяпти-ку?! Ошириб бажарувчиларнинг жавоби жуда ҳам оддий: “Қилаётган ишимиз бизга кувонч бағишилайди”. Ҳа, илғорлар мароқ билан ишлайдилар. Аммо ҳамма ҳам бунга қодир кишилар бўлиб туғилмайдилар. Сабаби, йўлимизда пайдо бўлувчи

озгина қийинчилікдан чүчиб турамиз. Эллик фоизга қаноатланувчи киши қандай қилиб күч-куватини, вақтини йүқотиб бир юз үн фоизга интилсін?

Биз ҳақиқатда нималарга қодир эканлигимизни тушу-ниб етганимизда эди, үз кадр-құмматимиз ва обрўйимизни янада юксалтира олган бўлардик. Шундагина ҳаётда тўла қоникиш билан яшашни ўрганардик. Ёдингизда тутинг: бизни бир юз үн фоизлик ишгина фароғатга олиб боради, камолотга етказади. Буни тушуна олган киши-ларгина синов ва машаққатлар қаршисида асло довдираб қолмайдилар. Аксинча, ўзларида ғайрат ва жасоратни ҳис этадилар. Мақсад сари интилувчиларга қуидаги шиор ёрдам беради: “Агар мен бажаролмасам, шунга мажбурман”. Бундай кишилар, үз имкониятларидан фойдаланиб, муваффакиятга эришмасалар, каттиқ оғрик туюдилар. Улар бундан баттарига ҳам кўпинча тайёр турадилар.

Машхур киноактёр, жамоат арбоби Арнольд Шварце-неггер: “Оғриқ – бу яхши сезиш. Ҳолдан тойиб, оғриқ пайдо бўлгунича меҳнат қилиш туфайли чемпион бўлганлар чемпион бўлмаганлардан фарқланишиади. Келажсакда чемпион бўлишиимни таъминлайдиган бундай оғриқни севаман”.

“Юз фоизли” режа нұксонлари

Кимdir шундай дейиши мумкин: “Мен юздан ошиrolмайман, бунинг иложи йўқ...” Бундай кишиларга қуидагича савол бериш мумкин: “Сиз юз фоизга қандай эришганингизни тушунтириб беринг...” Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, бизнинг ўсиш имкониятларимиз чекланмаган. Ҳамма гап уни ҳаракатта келтира олишда, холос. Биз юз фоиз ҳисоблаётган нарса аслида етмиш ёки ундан ҳам кам фоизни ташкил этади. Йўқ, биз кўпроғини ҳам бажара оламиз. “Юз фоиз”чилар сунъий равищда үз имкониятларини пасайтириб юборадилар. Улар ўзларини

оклаш учун “асос”ларга ҳам эга бўлишади: “Бундан ортигини кўтара олмаймиз..” Билиб қўйинг, бу кўртсаткич ўсиш-равнакни англатишдан йирок.

Ғолиблар ҳеч қачон ўз имкониятлари даражасида қаноатланиб қолмайдилар. Улар ҳозирғи ҳолатларида нимага эга бўлсалар, унинг миқёслари, кўламини кенгайтириш захираларини кашф этадилар.

“Ишға киришсам, у ёғи-чи?”

Ялқовларнинг шундай бир гапи бор: “Талаб қилинган даражада ишни бошлайман-у, аммо натижа қандай бўлиши ёлғиз Худога аён”. Бундай дегувчилар ўзларини ўzlари хотиржам қилиш билан шугулланувчилардир. Улар бир юз ўн фоиз ишлашга ярашмайди. Чунки бундайларнинг турмуш тарзи шунга одатланиб қолган. Бу уларнинг туғма фалсафаси дейиш ҳам мумкин. Бу ҳаракатланиш шаклидир, асло назарий жиҳатдан тўкиб чиқарилган ғоя эмас.

Сиз бир юз ўн фоизга ишловчиларни илк дафъа кўрганингиздаёқ таниб оласиз ва ўзингизни ғолиблар орасида ҳис этасиз. Бу дунёдаги энг буюк кашфиётлар, ҳайратомуз ишлар айнан ана шундай фидойи инсонлар меҳнати эвазига юзага келган.

Муваффақият – ҳаётимиздаги энг муҳим омил. Муваффакиятнинг тайёр, осон муқобилий йўқ. Барча соҳаларда бўлгани каби саломатлик, ўзаро ҳамкорлик, молиявий даражага ва интилиш-ишонч муваффакиятга етказиб борувчи омиллардир. Муваффакият ортида улкан мукофот бор. Унга эришиш учун қўшимча ўн фоиз талаб этилади. Сиз ўз фаолиятинингизнинг исталган соҳасида бир юз ўн фоизлик даражага эришишингиз мумкин. Бу эса сизни роҳат-фароғатга олиб борувчи ёрқин йўлдир.

Амалий машғулотлар

Бугундан бошлаб иш унумимни бирюз ўн фоизга кўтариш учун барча имкониятларимдан фойдаланаман. Бунинг учун қўйидагиларни бажаришим зарур:

1. Бугун фаолиятимнинг бирор соҳасида бир юз ўн фоизлик даражага эришаман.

2. Мен ўзим учун хар қандай чекловларни бекор киламан. Юз фоизлик ҳаракат мен учун имкониятимни алдовчи даража. Мен нимани бажара олишга қурбим етса, ўшани ижро этаман. Агар бажара олмасам, демак шуни амалга оширишга мажбурман.

3. Мен ким бўлмоқчи эдим-у ким бўлдим – ҳаммасини чуқур тахлил этаман.

4. Бир юз ўн фоизлик қоида билан ишловчилар ишда танаффус қилиб туришлари керак. Шунинг учун иш билан бир вактда дам олишни ҳам режамга киритаман.

ЎН БЕШИНЧИ ҚОНУН

МУАММОЛАР – ЎСИШ, КАМОЛОТ ОМИЛИ

Денгиз соҳилида бир қиз эски таниши, денгизчи билан сайд қиласди. Аёлнинг турмушдаги муаммолари кўп эди. Шунинг учун ҳам у доимо ташвишли ҳолда юради. Денгизчи буни фаҳмлаб, сўради:

– Сен нима деб ўйлайсан, бордию ҳозир сувга ағдарилиб тушсам, чўкиб кетаманми?

Аёл сувнинг тошларга чайқалиб урилаётган совук тўлқинларига нигохини қадаб, деди:

– Албатта, чўкиб кетасан-да...

– Мен ҳозиргача сувга тушган бирор бир кишининг чўкиб кетганини кўрмадим. Агар мен сувдан қирғоққа чикиб олишга ҳаракат қилмасам, сен айтгандай, чўкиб кетишм мумкин.

– У вактда, – деди аёл бўш келмай, – сен шамоллаб қолиб, касалхонага тушасан.

– Агар мен сувда кўп қолиб кетсам, сен айтгандай, шамоллаб қолишм мумкин. Лекин мен жуда кўп марта сувга тушиб кетганман ва ҳар гал ундан тезда чиқиб олишга ҳаракат қилганман. Тўғри, биринчи марта сувга тушганимда бироз кўрқинчли бўлган. Кейинчалик эса мен бунга парво қилмаганман. Тезда сувдан чиқиб олганман. Сенинг муаммоларинг ҳам худди илк марта сувга тушган кишининг аҳволига ўхшайди. Сен ваҳимага берилмасдан, рўй берган вақеанинг тўғри ҳал этиш йўлини топ.

* * *

Биз дуч келган муаммога муносабатимизни тўғри йўналтира олсак, унчалик мураккаб эмаслигини ҳис эта оламиз. Хавфли томони шундаки, биз ваҳимага берилсак, ўзимизни йўқотиб қўйиш даражасига тушсак, масала янада оғирлашади. Унинг ортидан каттами-кичикми, яна бири пайдо бўлиши мумкин. Ўз фикр-мулоҳаза-

ларимизни ўша масалага тұла қарата олсак, муаммонинг таъсири биз учун енгил күчади.

Биз ҳамма воқеа-ходисаларга ўз таъсиirimизни ўтказа олмаймиз. Вақти-вакти билан сувга тушишимиз табиий ҳол эканлигини унутмайлик.

Ҳаётда биз ҳамма күргиликлардан сакланиб, қочиб қутуломаслигимиз мүмкин, аммо унинг аламидан, ортиқча ташвишларидан ўзимизни сақлаб қолиш имкониятiga әгамиз. Биз бирор ноқулай вазиятта тушиб қолсак, унинг оғриғини уч ҳафта ҳис этишимиз мүмкин. Аста-секин бу муддатни кискартиришга ўтишимиз, билишимиз лозим. Яъни уч кун, уч соат, провардида уч дақиқада күргиликдан кутулиш санъатини эгаллашимиз керак бўлади. Ғолиблар худди шундай усулни қўллашади. Такдир зарбаларига доим ҳам жавоб зарбасини бериб бўлмайди. Ўчакишиб жавоб ҳозирлаш хатарли касалликдир. Ундан ҳалос бўлинг. Ҳаммада ҳам етарли муаммолар бор. Кўпчилик бу муаммолар қуршовида довдираб қоларкан, вазият узок вакт танглиknи ушлаб туради. Ҳар қандай муаммо, кўргилик кишини бир қалкитиб олади. Ғолиблар ҳам бир сесканиб олишлари, табиий. Аммо уларда бу ҳолат узок давом этмайди. Улар дарҳол нохуш туйғуларни жиловлаб олган ҳолда янада фаолроқ бўлишни афзал биладилар. Порлок ечимга келадилар. Нохуш туйғуга асир бўлиш бизнинг имкониятимиздаги ҳаракатга тўсиқ ташлайди. Муаммо ни ҳал қилиш учун ҳам ўн фоиз қўшимча тер тўкишимизга тўғри келади.

Муаммоларга муносабат

Ғолиблар муаммоларни нега осон ҳал этадилар. Бунга куч-куватни қаердан оладилар? Улар муаммо туғилганда ўз мулоҳазаларини атрофлича ўрганадилар. Улар ҳар қандай тўсиқни ҳал этиш, ўзгартириш мүмкинлигига қатъий ишонадилар. Аслини олганда,

билганлар учун муаммолар ўсиш, изланиш, топиш ва яратиш завқини берувчи манбадир.

Ахир, сиз учун мураккаб ва оғир туюлган муаммони бартараф этиш усулларини топа олганингизда, қанчалар кўнглингиз кўтарилигини, ифтихор туйғусини ҳис қиласиз. Кимда ким “Бунинг иложи йўқ”, деб чекинишни танлар экан, юқорида эслатиб ўтилган завқу ифтихордан, ўсиш ва ривожланишдан оркада қолади. Бора-бора ўз хаётини назорат кила олиш қобилиятини ҳам йўқотади.

Эслаб қолинг, ҳар қандай масаланинг ҳам жавоби бор. Гарчанд натижа “0”га тенг бўлса-да, масаланинг ечими ҳисобланади. Биз муаммони кутмасдан, уни излаб топишни, ечимга келтириш санъатини ўрганишимиз энг марокли машғулотдир.

Сиз бойишни истаган тақдирингизда ҳам узундан-узун масалалар рўйхатини аввалдан тузишингиз ва навбати билан ҳал қилишингизга тўғри келади. Бизни муваффакиятга олиб борадиган қарорга эга бўлишимиз учун ҳам Худо берган каллани – ақлни ишлатишимиз талаб этилади. Муваффакиятга ҳар қандай нодон ҳам эришиши мумкин, мағлубият ва қийинчиликлардан эса ҳамма ҳам осонликча нажот топа олмайди. Малакали, билимдон кишиларгина ҳеч қандай имкониятлари қолмаган тақдирда ҳам юкори даражани забт этадилар. Унинг эришган ҳар бир ғалабаси сўзсиз мукофот келтиради, олқишлиайди. Ҳар бир омадсизлик эса унга куч бағишлайди.

Дов-дарахт, ўсимликларнинг гуллаб-яшнаши учун қуёш ва ёмғир қанчалик зарур бўлса, инсоннинг камолоти ва муваффакияти учун сўзсиз, муаммолар тизими керак.

Биз муаммолар туфайли ўсибгина қолмасдан, катта куч-куvvат, билим, жасорат ва метиндай бардош соҳиби бўламиз. Янги марралар сари дадил қадам ташлаймиз. Ўз ишимизнинг етук донишмандига айланамиз.

Ҳаётингизни ўзингиз бошқаринг

Ҳар доим ҳам ҳаётингизда бирор қийинчиллик пайдо бўлса, дархол уни бартараф қилиш чора-тадбирларини кўринг. Беҳудага вақтни кетказиб, ўзингизни ҳар томонга урманг. Бу ҳеч қачон ишга ёрдам бермайди. Аксинча, куч-қувватингизни, вақтингизни олади. Бошингизга тушган нохушликни аллакимларга сўзлаб-тасвирлаб, ҳолатингизни икки баробар огираштираманг. Улар сиз учун ҳеч нарса қилиб бермайди. Сиз ўз ҳолатингизга бошқалардан тасалли изламай, мардона туринг ва ҳурматингизни сакланг. Биз қачонки бошимизга тушган омадсизликда кимнидир айблар эканмиз, катта хатога йўл қўяётганимизни сезмай қоламиз. Ўзингизни кўмакчисиз, ёлғиз ҳисобламанг. Сизнинг устингиздан Худодан ўзгаси ҳукмронлик қилолмайди. Ҳаётингиз эгаси ўзингиз. Сиз масъулиятни тўла ҳис қилишдан йироқ бўлсангиз, рўй бераетган кўргилицларда сўзсиз ўзингиз иштирок этаётганингизни тан олинг. Уни у ёки бу тарзда ҳал қилиш ўзингизнинг ихтиёригиздадир.

Эътибор беринг, муаммоларнинг уч хил кўриниши мавжуд:

1. Шундай муаммолар борки, уни биз бевосита назорат қилиш имкониятига эгамиз. Биз ўз одатларимизни тартибга солиб, ўзгартирсак, бу масалани осонгина ҳал этишимиз мумкин. Мисол, биз пулни тежаб ишлатамизми ёки исроф қилиб сочамизми – муносабатимиз ҳал этади. Ҳаммаси ўз ихтиёrimизда. Фолиблар учун ҳал этилмайдиган муаммо йўқдир.

2. Қандайдир муаммога дуч келсангиз, энди ҳаётимни кувонч тарқ этди, деб ўйлаб тушкунликка тушманг. Фолиблар ҳаётига ҳеч қандай муаммо таъсир кўрсата олмайди.

3. Фолиблар муаммоларнинг пайдо бўлишига ўзларини сабабчи санашмайди. Аксинча улар

муаммоларга муваффакият қозониш учун бир имконият сифатида қарашади. Агар муаммога ўз шахсиятингизнинг емирилиши, деб баҳо берсангиз, унда жуда ожиз бандасиз.

Ҳар қандай ҳолатда муаммо пайдо бўлганида нималар қилиш мумкинлигини ўйлаб кўринг. Жавобни ўтмишингиздан изламай, айни воеа устида фикр юритинг: “Хўш, бу муаммони бартараф қилсан, қандай фойда кўраман?” тарзида иш тутинг. “Мазкур муаммонинг келиб чикишида мен қандай хатога йўл қўйдим?” Бу савол сизни васвасадан қутқаради. Балки бирор шахснинг маслаҳат-кўрсатмаси билан бу кўргилик содир бўлгандир. “Бу хатога такрор йўлиқмаслик учун нима қилишим керак?” Биз фикрлаш, таҳлил миқёсларини кенг ола билсак, кўпгина масалалардан халос бўламиз.

Сизни қийнаётган масалага тааллуқли бўлмаган шахслардан маслаҳат, йўл-йўриқ сўрашингиз, айнан экин буёқда қолиб, ёввойи ўт-алафга ўғит солгандек гап.

Юқорида эслатганимиздек, кўп муаммоларга ўтмишдан жавоб изламанг. Ўтмишни ўзгартира олмаймиз. Ўзимиздан ранжишимиз ҳам ноўрин. Биз фақат олға юришимиз лозим.

Қарор ва ечим

Инсонлар муаммолар юки остида ўзларини яхши ҳис эта олмайдилар. Бундай ҳолатларда ҳаёт бизга сабок берадигандай ҳис қиласиз ўзимизни. Биз бу сабоқдан қандай хулосалар чиқара олишимиз ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Биз бор нарсаларни – иш жойимизни, туар жойимизни, қарашларимизни, ҳатто дўстларимизни ўзгартиришимиз мумкин. Аммо олган сабоғимиз моҳияти ўзгарибди. Биз ҳаёт олдимизга қўяётган масалалардан қочиб кутула олмаймиз. Гарчанд биз Японияга қочиб кетиб яшасак-да, бизга сабоқ бўлган нарса ўша ерда ҳам ўзини

эслатади. Фақат фарки – энди японча кўринишда бўлади, холос.

Бир ёқка йўл олган одам эски ўрнида қола олмайди-ку?! Ҳаёт бизга ҳеч качон зарба бермайди, аксинча, сабок беради. Аклинизни киритади. Оқ-қорани ажратиб олишга мажбур этади. Тарбиялайди, ўргатади. Баъзан айрим муаммоларнинг келиб чиқишига шахсан ўзимиз сабабчи бўлишимизни ҳар доим ҳам тўғри идрок эта оламизми? Соддороқ мисол шуки, пулимиз кўпайиб, автомобиль ва каттароқ уй сотиб олдик. Шу билан ҳамма масала ҳал бўлдими? Ўйлаб кўринг, ҳал бўлмади – янги муаммолар пайдо бўлди... Хўш, десак, аввалги фаслларда эслатганимиздек, ҳаёт фактат ҳурсандчилик, фаровонликдан иборат эмас. Гоҳ ундей, гоҳ бундай... Ҳаёт оғриклиари бизни доимо огоҳлантириб туради, демак, асабларни таранг ва тажанг кайфиятга солмаслик учун бағрикенглик билан яшаш санъатини ўзлаштиришимиз керак.

Ҳар қандай муаммолар ва синовлар бизни тарбиялаб, чиникиради, тоблайди.

Амалий машғулотлар

1. Ҳар қандай пайдо бўлган масалани атрофлича мухокама қиласман. Аҳамиятига эътибор қаратаман.

2. Муаммоларга дуч келиб қийналган ёлғиз мен эмасман. Ҳаётда ҳамма ҳам у ёки бу тарзда турли ҳолатларга тушиши мумкин.

3. Масаланинг катта-кичиклигидан қатъий назар, уни тўғри ҳал этиш менинг муносабатимга боғлиқ. Яхшиёмон томонларини хисобга олишим зарур.

4. Эндиликда муаммолар келажакда менинг ўсишим, чиникишим, тажриbam ошишида мухим аҳамият касб этувчи сабоқ эканлигини тўғри хис этаман.

Муаммоларни ҳал қилиш ҳам мен учун ўзига хос бир спортдир.

ЎЗИНГИЗГА БОШЛИҚ ВА ТОБЕ БҮЛИНГ

Рольф мавсумий ишчилардан эди. У бу вактда жуда унумли меҳнат қилиб, яхши натижаларни күлга киритарди. Қачонки, ишлар ниҳоясига етиб, “депсиниш” бошланар экан, күлини совук сувга ҳам урмасди. Келгуси иш мавсумини кутарди.

Устози бу ҳолда Рольф ҳеч нарсага эришолмаслигини билиб, ачинарди. Ахир, у ажайиб истеъдод соҳиби эди. Бир куни бир пиёладан кофе ичиш баҳонасида бирга бўлиб қолишиди. Устози унга танбех бериш мақсадида чойнакдаги кофени полга қуя бошлади. Бу холни кўрган Рольф ўзича, устоз пиёлага қўйишни унутибди, деб ўйлаб, қичқирди:

– Нима қиляпсиз? Кофе полга оқиб қетяпти-ку?
Пиёлага қўймайсизми?

Устоз парво қилмай, кофени полга оқиза бошлади. Рольф ҳайрон бўлди. Шунда устози: “Сен умрингни, истеъдодингни ана шу полга оқаётган кофе каби бехудага совураяпсан. Билсанг, кофе сенинг иктидоринг, пиёла эса интизомдир. Сен интизомга риоя қилмай, истеъдодингни бекордан бекорга полга оқизяпсан. Сен истеъдод ва интизомни бирлаштириб, нималарга кодир эканлигингни намоён этишга харакат қилмаяпсан. Интизомсиз киши ҳаётда ўз ўрнини асло топа олмайди”, деди.

* * *

Бу бўлимда биз бир инсоннинг малакали фаолият эгаси бўлиши учун қандай жиддий вазифаларни бажариши лозимлиги ҳақида сўзлаймиз. Чунки биз энг муҳим, ҳал қилувчи босқичларни яхши ўзлаштириб олмагунимизча, ишда муваффакиятга эришолмаймиз.

Биз бирор корхонада меҳнат қиламиزمи ёки ёлланма иш билан шуғулланамизми – фарқи йўқ. Ҳамма ҳам ўзи

учун ишлайди. Шу нүктаи назардан қаралса, ҳар ким гүс ўз хусусий корхонасида меңнат қиласи.

Күпладаб корхона эгалари нега муваффакиятсизликка учрайдилар?

Ўз мәксадларига барвакт әришиш учун күпчилик хусусий корхона ташкил этишіга ҳаракат қиласи. Улар ўзларига ўzlари хұжайин бўлишни хохлайдилар. Бахтга қарши, күпчилик бу эзгу ҳаракатларида омадсизликка дучор бўладилар. Улар сирасига бошқа фирмаларда ёлланиб ишлаб, ўз вактида талайгина тажриба орттирган кишилар кирадилар.

Күп йиллар давомида самарали меңнат қилиб, ишнинг паст-баландини билиб олган кишилар нега энди ўз корхоналарига эга бўлишни хохлаб қолдилар? Унумли меңнат фойдаси бошқаларни бойитар экан, нима учун улар бу ишни ўzlари учун қила олмайдилар? Чунки улар ўзгалар назорати остида ишлаб, мажбуриятларни бажариш талабларига бўйсуниб, ўzlари раҳбарлик қилиш қобилияtlарини бой берганлар. Худди шундай, бу фикр катта маош олсалар-да, эркинликка интилиб қолган шахсларга ҳам тааллуқли.

Ҳамма гап шундаки, күпчилик кишилар елкалари оша бошқалар назорат қилиб тергаганида, ўzlарининг шахсий ишларини бажариш, ҳал қилишга асло киришолмайдилар. Улар шунга кўникиб, ўзгалар турткиси билангина ишлашга ўрганиб колганлар ва бу ўzlари учун осондек туолади.

Ютуқ ва омадсизлик биз кўникиб кетган одатлар билан боғланиб кетган.

Биз ўзгаришлар ясашини хоҳлар эканмиз, вазиятни, эски одатларимизни ҳам тубдан янгилашимиз лозим. Шундагина ютуққа эга бўламиз.

Узил-кесил ҳал бўладиган нарса борми?

Биз кўп ҳолларда “майда-чуйда”дай туюлган нарсаларга етарли аҳамият бермаймиз. Эътибор берайлик, биз оз бўлса-да кунлик режамизни тўла бажармадик. Энди бу ҳолни ҳафталиқ ва ойлик, чораклик режаларига қиёслаб кўрсак, қандай манзара пайдо бўлади? Ойлик режани бажара олмас эканмиз, етти ярим минг марка ўрнига, олти минг марка маош оламиз. Сабаби, кунига ўн соатдан ишлаш имкониятимиз бўла туриб, саккиз-тўққиз соат ишлаганмиз, холос. Бу кўрсаткич ҳам аслида ёмон эмас. Ёмони шуки, биз тушликтан ташқари яна бир соат ушланиб қолсак ёки ишга тўққизда эмас, тўққиз яримда келсак ёки иш билан боғлиқ бешта учрашув ўрнига тўрттаси билангина мулоқот қилсак, ўзимизга сезилмасада, қанча вақт ва имкониятни бой бераётганимизга эътибор берамизми?! Булар “майда-чуйда”, “арзимаган” нарсалар эмас, режадаги даромадимизга манфий таъсир этувчи, йигиб, тўплаганда салмокли, салобатли шакл олувчи йўқотишлардир.

Бахтга қарши, биз кўп йиллик иш фаолиятимизни шутариқа таҳлил этсак, пайдо бўлувчи манзара янада жиддий кўринишга эга бўлади. Бинобарин, аввал таъкидлаганимиздек, қайси ишда машғул бўлсангиз, уни бир юз ўн фоизга адo этинг. Ҳозир бу сиз учун бош вазифадир. Сиз ютуқка эришасизми, омадсизликка учрайсизми – бу ўзингизга қанчалик ишонишингизга боғлиқ. Сиз ё бой бўласиз, ё қашшоқликка маҳкумсиз. Ўртача кишилар ва ғолиблар ўртасидаги фарқ ҳам шундан иборатдир.

Икки хил кишининг ҳаёт йўллари ўртасида жуда кисқа фарқ бор. Аммо йиллар ўтгач, бу фарқ оралиғи сезиларли даражада ажralиб кетади. Бири муваффакият устида ғолиб жилмаяди, иккинчиси эса қуруқ қўл билан ҳайронликда бошини қашлайди.

Адашмаслик учун шахсий интизомни қатъий қуролга айлантириш лозим. Интизом ютуқлар гарови. Унинг аҳамияти жуда катта. Шунчаки қараб қўйиш, бепарво бўлиш – фаолиятингизга кескин таъсир кўрсатади.

Шахсий эркинлик нима?

Кўпчилик интизом шахсий эркинликни чегаралаб қўяди, деб катта хато қилишади. Аслида, эркинлик деганда нимани тушунамиз? Бу сўз замирида жуда катта аҳамиятга эга бўлган маъно мавжудлигини ҳамма ҳам билиб олиши керак.

Мавзу нуқтаи назаридан шахсий интизом ва шахсий эркинликни истисно тариқасида шундай изоҳлаш мумкин: “Эркинлик – сенинг хоҳишинг. Бажариш ёки қолдириш зарурияти ўзингга боғлиқдир. Ҳаётга татбик этмоқчи, амалга оширмоқчи бўлган мақсадингни ўз ихтиёринг ҳукмига ҳавола этишингдир”.

Инсон ўзи режалаштирган ишини бажаришга киришолмаса, бундайларни шахсий эркинлик эгаси, деб бўлмайди. Ҳа, бундайлар эркин эмас, балки ўзининг тентакона қилиқ-одатларининг қули, дейиш тўғри бўлади. Табиатан бекарор, ожиз инсонлар шахсий эркинликдан узок турадилар. Улар ўзларича соф виждонлари билан бирор манфаатли фаолият кўрсатишга ҳам укувсиздирлар. Улар ҳали ишни бошламай турибок, ниҳоясига етказа олмасликдан талвасага тушишади. Улар ҳамиша иккиланиб, гумонсираб яшашлари етмаганидек, бошқаларни ҳам ўзлари каби ҳисоблашади. Бундай кишиларнинг эркинлигига ҳеч ким ишонмайди.

Фаровонлик сари

Одамлар орасида: “Қандай қилиб бадавлат бўлиш, фаровон яшаш мумкин”, деган иккиланишга алоқадор тушунча мавжуд. Кунчилик бунинг алоҳида, маҳсус

йўли бор, деб ўйлашади. Бу билан ўзларининг яроқсиз иқтидорларини фош этадилар. Ахир, истеъдодсиз киши ниманинг уддасидан чиқиши мумкин? Нега бехуда ўйхаёллар билан ўзларини чарчатадилар?!

Бошқалар эса иш чиндан ҳам соз бўлса, бир юз ўн фоизга ишлашга тайёр. Лекин бир юз ўн фоизга қодир кишининг бекор туришини ҳам оқлаб бўлмайди. У кутаётган “соз, катта иш”ларга ўша “арзимаган”, “майдачуйда” ишлар орқали борилади. Ҳа, “катга ишлар”га етиб бориш учун ҳозирдан жон куйдириб машғул бўлиш керак. Чунки ҳозирги “арзимаган иш”лар уларга ўзига хос бир мактаб, сабоқ ва ўсишдир. Малакани ошириш, сифат сари интилиш “катта иш”ларнинг дебочаси бўлиб қолади. Муваффакиятга тезкор ишлар эмас, бажарилиши кийин ва секин бажариладигани орқали эришилади.

Бизни муваффакиятга элгувчи омил – шахсий интизомни тарбиялаш, топширилган ишни нисбатан кўпроқ бажаришга интилишдир. Шундагина ўзимизни қаноатлантирадиган даражада кўп ишлашга эришамиз.

Режалаштирган ишингизни, албатта, ортиғи билан адо этишга ўзингизни ишонтиринг. Ким кундалик ҳётида “арзимаган” ишларни ҳам улдалай олмас экан, у шахсий ишончини йўқотади.

Шахсий интизомни тарбиялаш

Ҳар бир инсон мустаҳкам, темир иродада соҳиби бўлиши керак. Бунда ҳал қилувчи куч бизнинг мақсадимиз билан боғлиқ. Мақсадсиз кишига интизомнинг сарик чақалик киймати йўқ. Мақсад аниқ бўлса, режанинг бажарилиши ҳам аниқ муддат кашф этади. Мақсад бизни ҳаракатга чорлайди. Тилак ва туйгуларимиз ўрнини энди темир интизом эгаллайди.

Сиз ишни қўлга олар экансиз, ўзингизга бошлиқ сифатида буюринг ва уни бажаришга итоаткор сифатида киришинг. Бунда икки шахс вазифасини бажарасиз.

Яъни ўзингиз ўзингизга бошлиқ ва ўзингиз бажаришга дахлдор тобе бўласиз. Назоратчи ҳам, талаб қилувчи ҳам ўзингиз. Бу вазифаларнинг изчил адо этилиши Сизда шахсий интизом шаклланганлигини, энди харакатларингизда самарадорлик юксалишини кўрсатади.

Ўзингизни алдаманг

Сиз ўзингизда икки шахс – бошлиқ ва бажарувчи вазифасини ўтар экансиз, аввало, ўзингизни алдаш ҳолатидан халос этинг. Шунчаки орзу билан чекланиб, ҳардамхаёлликка берилиб, уни амалга ошириш чорасини кўрмас экансиз, ўзингизни ўзингиз алдаётган бўласиз. Бундай вазиятда иш мароми бузилиб, маҳсулдорлик йўқолади. Биз кун бўйи қўлимизни ҳеч нарсага урмай ҳам нималар биландир банд бўлишимиз мумкин. Масала шундаки, биз айнан нима билан машғул бўлдик?

Бундай хатарга йўлиқмаслик ва алданмаслик учун сиз бошлиқ сифатида кечкурун ўз-ўзингизга қуидаги саволни бериб кўринг: “Хўш, бугунги ишда мен эришган натижа қандай бўлди? Аниқ нима қила олдим? Даромадга гаъсири борми? Нималар ҳал бўлмади?” Саволга бераётган жавобингизнинг кеча ёки бир ой, бир йил аввал нима иш бажарганингиз учун аҳамияти йўқ. Шунингдек, эртага ёки бир ойдан кейин “вазият, фурсат келса бажараман”, деган жавобингизнинг ҳам аҳамияти йўқ. Ҳатто бугун бажаролмаган режангизга ҳам алоқаси йўқ. Энг аҳамиятга сазовори шуки, сиз бугун бажараман, деган режангизни амалга оширдингизми? Аниқ нима иш қилолдингиз? Сизнинг даромадингиз бажарган ишингиз салмоғи билан ўлчанади. Бинобарин, қилган ишларингиз учун тўғри ва ҳалол баҳо беринг. Кўпчилик ўзига берган ваъдасини бажаришда интизомсизлик қиласди. Сиз режа ва назоратни фақат каллангизда тайёрлаб, иш юритмоқчи бўлсангиз, қўпинча янгишиб кетганингизни пайкамай қолишингиз мумкин. Бунда, ҳатто бажарган ишларингиз

салмоғи күпайиб кетгандай, сизни чалгитади. Бундай ҳолатда иш поёнида бугун нималар қилганингизни ўзингизга савол тариқасида берсангиз, виждонингиз сизга ҳақиқий жавобни айта олмайди. Бу ўзини оклаш ва алдаш туфайли рўй беради. Начора, бизнинг феъл-авторимиз шунақа. Биз, яна таъкидлаймизки, ўзимизни алдашдан қатъий сақланишимиз лозим. Бундан халос бўлишнинг энг тўғри усули режа ва ўз фаолиятингизни, эришган-эришмаган натижаларингизни ёзма равишда хисобга олиб боришингиз қулайлик туғдиради. Бунда хотира ҳам панд бермайди. Аммо халқ тилида “хатга тушдинг – ўтга тушдинг” ибораси бор. Демоқчимизки, қилинган ишлар ёзма тарзда изоҳлаб борилгач, энди қоғозлар сизни аяб ўтирмайди. Чунки ҳар бир хатти-ҳаракат натижаси, миқдори ёзувда акс этган бўлади. Ўзингизни доимо ҳақиқий ахвол билан юзма-юз тургандай ҳис этасиз...

Рақамли кўрсаткичларни айниқса, аниқ қайд этиб, тўплаб бориш лозим.

Ғолиблар ҳамиша ўзларини, фаолиятларини шу тариқа қатъий назорат килиб борадилар. Бирор нарсани назардан қочирмайдилар. Ёзиб борилган дафтар келгусида сизга йўриқномадай бўлиб қолиши мумкин. Эртага нима қилмокчисиз, бугун нимага эришдингиз – ҳаммаси кўзгуда акс этгандай кўриниб туради. Айни вақтда, кишиларни бошқариш, вазифасига масъулиятини ошириш, берилган топшириқ натижалари ҳамиша ёдингизда туради. Ҳамма ишни барча кўлами билан эсда саклаб колиш кийин. Бизнес олами рақамлардан иборат эканлигини доим ёдингизда тутинг. Турли маълумот, ахборот ва бошқа ҳужжатларни пухта билмай туриб бизнесда фаолият юритиш мушкул.

Инсонни хатти-ҳаракати, қилган ишлари учун ҳамма вакт мақтаб турин ёқимли туйғуларни уйготса-да, камолотга эришиш имкониятларини йўқка чиқаради. Ҳакқоний танқид оғир ва аччиқ бўлса-да, уни оқилона

бартараф этиш сезиларли даражада манфаатли эканлигини англаймиз. Голиблар олди-қочди ахборот билан эмас, нақд, очик-ойдин, холис баҳолар билан фаолиятларини белгилайдилар. Ёдингизда тутинг: ўзини ўзига бўйсундиролмаган киши бошқаларга итоат килишга мажбур бўлади.

Амалий машғулотлар

1. Ишлаб чиқаришдаги муваффақиятим шахсий интизомга боғлиқлигини унутмайман.
2. Мен ўзимга ўзим бошлиқ ва ўзим ишини бажарувчи (тобе) вазифасини ўташни қатъий йўлга қўяман. Мен ё ўзимни ўзимга тобе қиласман ёки бошқаларга итоат этишга мажбур бўламан. Мен бошқалар учун эмас, ўзим учун ишлашга ўтаман.
3. Иш ниҳоясида ҳар куни ўз фаолиятимга танқидий ёндашиш тамойилларига риоя этаман. Бажарилган, кўлга киритилган натижаларни, қандай бўлишидан катъий назар, очик-ойдин ёзиб бораман.
4. Ҳар қандай киши ҳам умр бўйи темир қонун ва интизом остида яшай олмайди. Шунинг учун ҳам икки ҳафтада бир марта ўзим учун “ялқовлик куни”ни белгилайман. Бу кунда ҳамма нарсани йиғишириб қўйиб, кўнглим хоҳлаган нарсаларни амалга ошираман. Кун бўйи ётишим, сайд қилишим, овга боришим, исталган кўнгилхушлик билан машғул бўлишим мумкин. Эртасидан эса аввалгидек интизомнинг барча талаблари-га риоя этган ҳолда яна ишга киришаман. Агар ишда толикиб қолсам, “Ялқовлик куни”гача неча кун қолганини ҳисоблаб, ўзимни овунтираман-да, ишга шўнгийман. Бу менинг шахсий интизомимни мустаҳкамлашда катта кўмак беради.

ЮҚСАК МАҚСАДЛАР САРИ

Американинг йирик нефть саноатчиларидан бири ўз шогирди билан сұхбатлашар экан. унга улкан мақсад ва режаларини тасвирлай бошлади. Шогирд ҳайрон бўлганича, катта рақамларга ишонмай қарабди. Устоз эса келажакда янада ўсиш кўрсаткичларини ифодаловчи режаларни ёзиб кўрсатарди.

Шогирд бу лойиҳаларни бажариш иштиёқида бўлса ҳам унча ишонқирамас эди. У ўз фикрларини устозига айтишга мажбур бўлди.

– Буни амалга оширишнинг иложи бормикан?

– Мен, – деди миллиардер, – ўз олдимга катта мақсадлар кўйиб, интилганим учун бадавлат кишилардан бирига айландим. Очикроқ айтсам, ўшанда мен режалаштирган ишларни бошқалар ҳам сен каби, уддалаш қийин, деб иккиланишди. Аммо мен мақсад йўлида онгли равишда қатъий меҳнат қилдим ва унга тўла эришдим.

Кейин у шогирдини ўз томорқасига бошлаб у ерда парвариш қилинаётган ошқовоқларни кўрсатди. Улар ҳосилга кириб, катта-катта бўлиб ўсган эди. Лекин тажриба учун биттасини гулидан тушгач, шиша банкага жойлаган эди. Ошқовоқ банкада бошқалари билан теппантенг бир хил парвариш қилинган бўлса ҳам унча каттармаган эди. Бўш шишани тўлдирган эди, холос. Устоз шогирдига бу манзарани кўрсатар экан, танбех берди: кўпчилик кишиларнинг бечоралиги шундаки, ҳали режани бажаришга киришмай турибоқ, натижага қандай бўларкин, деб иккиланадилар. Улар шу тарзда ўсиш имкониятини гўё шиша банка ичига ошқовоқни киритиб кўядилар ва ўзлари ҳам ана шу қобик ичида колиб кетадилар. Бизнинг мақсадимиз натижаси ўсишимизга боғлиқ. Шиша қалпоқ остида ўсиш қийин. Биз ўзимизни ўзимиз ҳеч қачон ўшишдан чеклаб

қўймаслигимиз керак. Сен шунчаки доллар учун ишласанг, ҳаёт сенга бир доллар тухфа қилиши мумкин, холос. Катта мақсадлар катта натижалар беради. Ҳаётда ивирсиб яшаб бўлмайди, ахир, умр шундок ҳам ўлчовли берилган. Уни елга совурмаслик керак.

* * *

Қандай мақсадларни режалаштириш кераклигини бизга ўргатишнинг кераги йўқ. Негаки, бу борада кўпгина йўл-йўрикларни ўз ичига олган китоблар мавжуд. Лекин уларда айнан бизнинг мақсадимизга мувофиқ келувчи тайёр лойиха йўқ. Биз нимани мақсад қилишни биламиз. Аксинча бўлса эди, қўлимиздаги мавжуд нарсаларга эга бўлмасдик. Айтайлик, бизнинг келажакдаги мақсадимиз уй-жой қуриш ёки шахсий машина сотиб олиш бўлиши мумкин. Сиз аввал шуни хоҳладингиз, энди уни топиш, бажариш имкониятини яратдингиз ва эга бўлдингиз. Кўряпсизми, ҳаммаси оддий.

Хоҳиш кучли бўлса, уни амалга ошириш осон. Афсуски, кўпчилик кишиларда кучли хоҳишнинг йўклигидан, улар шунчаки майда-чуйдалар билан кифояланишади. Ваҳолангки, улуғвор ниятларни бажариш, унга эришиш имконияти ҳамма-ҳаммада бор.

Ёзувчи Жонатан Свифтнинг шундай кинояли фикри бор: баҳти киши шуки, у бирор нарсани кутмайди ҳам, ҳеч қачон умидсизликка тушмайди ҳам. Кутиш – гўё алдокчи туйғу, инсон бир умр кутиши мумкин. Кутилаётган нарсани ҳақиқатга айлантирувчи омил – ҳаракатдир. Бош масала майда мақсадларга ўралашиб қолмаслик. Остонада турибоқ мақсаддан чекинманг. Буни уддалаб бўлмайди, деган фикрни каллангиздан мутлақо чиқариб ташланг. Ёдингизда тутинг, улгайганингиздан кейин амалга оширмаган, қилмаган ишларингиз учун пушаймон бўласиз. “Ўшанда ҳамма нарсага қўлим етардию бажармаган эканман”, деб афсус чекасиз. Ваҳолангки, афсус-надомат, ўртаниш ва газабга миниш бирон бир муммоимизга мутлақо таъсир ўтказа олмайди.

Бир кун атрофингизга боқиб, “Агар аввалдан мақсадимни каттарок килиб, имкониятни бой бермаганимда, ҳозирги ҳаётим мутлақо бошқача бўлиши аник эди”, деб кўксингизга алам билан муштлаб юрмаслик учун ҳозирдан ўзингизни қўлга олинг. Ишни бошланг.

Марк Аврелий айтганидек, келажакда яшашни орзу килган ҳаётингни ҳозирдан бошла...

Мавхум хошишларнииг ўзи мақсад бўлолмайди

Модомики, даромадингиз кўпайишини хоҳлар экансиз, бу сизда кучли истак ва амалиётга айланиши керак. “Шу ишни амалга оширсам, зўр бўларди”, дейдиган кишилар ҳакиқатан ҳам унга эришадилар.

Ҳаётда юқори чўқкиларни забт этганлар ўз мақсадларини мавжуд вокеликка мослаштирумайди, балки ўз ишлари билан ҳаётга ўзгартиришлар киритишади. Голибларни эскича турмуш тарзи қониктирумайди, шунинг учун ўз мақсадлари сари дадил кадам ташлашади.

Мақсад имкониятлари

Қачонлардир юзлаб бўлаклафдан иборат расм парчаларини йиғиб, “бутун” ҳолатга келтиришга уриниб кўрганмисиз? Эътибор беринг, бу расм парчаларини ўрни-ўрнига қўйиш, рангларини тўғри жойлаштириш учун биз ўша расмнинг айнан тасвирини ҳам аввал кўрган бўлишимиз керак. Ўшанга караб парчаларни тиклаймиз. Аксинча, жараён кийин кечади, ҳатто хатога йўл қўйишимиз ҳам мумкин.

Ҳаёт сурати парчаларини “тўплаб”, жой-жойига қўйиш ҳам мураккаб ва жиддий машғулотлар сирасига киради. Бунинг учун бизга кўплаб китоб-журналлар, маслаҳатчилар, семинар-кенгашлар, интернет-сайтлари ва бошқалар ёрдамга келиши мумкин.

Биз намуна бўладиган тасвири тўла кўз олдимизга келтира олар эканмиз, бу – мақсадимизнинг аниқ кўриниши бўла олади. Дастраб биз уни амалга ошира оламизми-йўқми – иккиланиш, хавотирга ўрин йўқ. Синов даври паст-баландликлардан иборат. Осон кечмайди. Илк мақсадга эришгач, биз ҳаёт йўлимиздаги биринчи босқичга етган бўламиз. Биз ҳаётда дуч келган нарсани бўйсундириш учун яшамаймиз. Мақсадимиз бизнинг ҳаётдан ўз ўрнимизни топишимиизни таъминлаши керак. Шу маънода, мақсаднинг қуидаги ҳолатига зътибор берайлик:

1. Мақсадимиз бизга қайси йўлда эканлигимизни аниқлаб беради. Аксинча, нима учун, қаёқка, қачон ҳаракат килаётганимизни ажратолмаймиз.
2. Мақсадимиз онгли ҳаракатимизнинг илгарилашини таъминлайди. Йўлимида учрайдиган турли тасодиф ва ҳодисалар ҳам бир имконият вазифасини ўташи мумкин.
3. Мақсадимиз ҳаракатимиз учун етарли далил ва омилларни ҳозирлайди.

Максад моҳияти

Улуғ мақсадларни кўзлашда кўплаб манфаатлар мавжуд. Сиз самарали юксалишга эришмоқчи экансиз, сўзсиз, мақсад ҳам улуғвор вазифаларни қамраб олади. Бу ерда гап сиз сотиб олмокчи бўлган данғиллама уй ёки энг киммат турувчи автомобиль ёки пул ҳақида кетаётгани йўқ. Бизнинг барча ҳаракатларимиз бу жараёнда шахсиятимиз ривожига, ўсишига қай даражада таъсир этишига боғлик. Биз мақсад сари етиб борамизми, йўқми – аҳамиятсиз. Энг муҳими, ниятимиз сари бор-йўғимизни тикишимиз лозим. Шу шароитда биз жисмоний, маънавий-рухий жиҳатдан ўсиш, ривожланишга эришамиз. Улуғвор мақсадни бажариш сари киришиб, ўзимизда ҳам улуғвор фазилатлар шаклланиб бориши сўзсиз. Ҳа, мақсад юксак бўлса, унга эришиш ҳам инсонда акл-

идрок, сабот ва ғайратни, фидойиликни юксалтиради. Ярим харакат эса ярим натижа беради, холос. Биз юксак мэрраларни забт этолмаган өфөмизда ҳам мақсад улуғворлиги сакланиб тураверади.

Сиз олдинга күйилган мақсадга боғлик масалалар билан танишар экансиз, сўзсиз, қарама-карши фикрларга ҳам тўқнаш келасиз. Масалан, бир жойда айтиладики, кўзланган мақсад сиз учун, албатта, заруриятга айланиши лозим. Бошқа бир жойда эса уни бажариш ёки бажармаслик унчалик аҳамиятга эга эмас, дейилади. Сиз мақсадни катта қилаверинг, аммо уни амалга ошириш имкониятлари ва муддатларини ҳам ҳисобга олинг.

Қиска муддатларда бажариш имконияти мавжуд мақсадлар бизни тез-тез машғул қилиб туради. Узок муддатли катта мақсадлар фурсат ҳамда имкониятлар пайдо бўлиши билан боғлик. Кўпчилик бир йилдан сўнг қандай ютуқ-натижаларга эришиш мумкинлигини кўрган ҳолда, ўн йилдан сўнг қандай муваффақиятларни қўлга киритишларини баҳолай олмайдилар. Афсуски, калта ўй оқибати-да, биз беш-ўн йилдан кейин қандай кўрсаткичга эришишимиз мумкинлигини кўз олдимизга келтира олмаймиз. Биз қиска муддатли режаларни амалга оширишни улдалай олмас эканмиз, руҳий тушкунлик оғушида қолишимиз мумкин. Узок муддатли лойиҳаларимиз ҳам издан чиқади. Ишончсизлик пайдо бўлади. Бинобарин, қиска муддатли режаларимиз ўз шакл-шамойилига, имкониятига ва аниқликка эга бўлса, бажариш лаёкатимиз ҳам шунга қараб ўсади, гакомиллашади. Биз бу йил эришган кўрсаткичларимизни келгуси йилда лоқал йигирма фоизга оширишни кўзда тутишимиз лозим.

Бажарин

Биз барча имкониятларимизни қиска муддатли энг муҳим вазифаларни бажаришга қаратмоғимиз лозим.

Буни уддалай олсак, келгусида бундан ҳам каттароқ, масъулиятилар өзифаларни бажара олишимизга турткы бўлади. Бордию муттасил равишда қисқа муддатли өзифаларни адо этишда омадсизликка учрайверсак, узок муддатли режалар рўёби ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Бизни амалга оширган ишларимиз ким эканлигимизни билдиради, танилади. Бажармаган ишларимиз фаолиятимизни мутлақо бўшаштириб юборади.

Мақсаднинг уч босқичи

Голиблар қисқа муддатли мақсадларни амалга оширишнинг накадар аҳамиятли эканлигини яхши билишади. Аммо уни юз фоизга адо этиш насиб бўлавермайди. Улар барча мақсадларни уч босқичга ажратишади: А, Б ва В.

Мақсаднинг В тури қўйидагича: Уни амалга ошириш шарт эмас. Фақат бу мақсад калламизда сақлаб турилади. Токи унга нисбатан бирор кизиқиш пайдо бўлмагунча вактинча қарор қабул қилмайсиз.

Мақсаднинг Б тури: У режалаштирилади, аммо бажариш мажбурий эмас. Бу мақсадлар мўлжалдаги ишлар сифатида ҳисобда туради.

Мақсаднинг А тури. Бу мақсадлар сўзсиз бажарилиши керак. Аксинча, сизнинг шахсиятингиз ва ўзингизга бўлган ишончингизга путур етади.

Сиз масъулиятли мақсадларнинг бажарилиши шарт бўлганларини юқоридаги ҳарфли босқичларга ажратинг. Бунда, сиз вазифани адо этмаган тақдирингизда ҳам навбатдаги имконият каби ўзингизга нисбатан ишончингиз сақланиб қолади.

А босқичидаги мақсадлар хаддан ташқари кўп бўлмаслиги керак. Негаки, сиз албатта, ниҳоясига етказиб бажаришингиз талаб этилади. Бу ўзингизга бўлган ишончингизни янада оширади. Шундагина сиз: “Хозиргача мен барча мақсадларимни рўёбга чиқардим,

бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади”, дейишингизга асос туғилади.

А босқичидаги узок муддатли мақсадлар бизнинг ҳаётимизда ҳал қилувчи таъсирга эга. Юкорида таъкидлаганимиздек, у кўп бўлмаслиги керак. Улар сонини бажарилиши кийин бўлган мақсадлар хисобига белгилаш лозим. Сиз ўзингизни ҳар хил савол ва ўйлар билан банд қилиб кийнаманг. Иш бошланмагунча натижа қандай бўлиши кўзга ташланмайди. Аниқлик татбиқ этишда пайдо бўлади. Че Гевара шундай деган экан: “Келинглар, биз амалиётчи сифатида иложи йўқ нарсаларни бажаришни ўрганайлик”.

Амалий машғулотлар

1. Узок муддатли мақсадларимни қайта кўриб чиқиб, уларга киришиш керакми, йўқми – хисобга оламан. Ҳаётимни тубдаң ўзгартиришда узок муддатли мақсадлар менга таъсир ўтказади. Мақсад қанча улуғвор бўлса, менинг ҳаётим шунчалар ажойиб ва фаровон бўлади.

2. Буюк мақсадлар моҳиятини англаб етмайдиганлар учун тушунтиришга ҳаракат қилмайман. Улар билан олиб бориладиган баҳс-мунозаралар ҳеч қачон ишни силжитишга қўмак бермайди. Улар вақтимни, имконият ва куч-ғайратимни сусайтиради, холос. Яхшиси, ишнинг кўзини биладиган, ҳақиқий донишмандлар билан мақсадимга эришиш йўлларини маслаҳатлашаман.

3. Мақсадларим мавхум бўлиб қолмаслигига эришаман. Бунинг учун менинг мақсадимга тааллукли бўлган китоб, журнал ва газеталарда эълон қилинган тавсияларни, йўналишларни ҳамда расмларни тўплаб, альбом ҳолатига келтираман. Бу альбом ишга киришганимда муҳим қўлланма вазифасини ўтайди.

4. Кисқа муддатли мақсадларни А, Б, В босқичларига ажратаман. А босқичли мақсадларни сўзсиз амалга

ошириш чораларини құллайман. Чунки бу босқичға мен бажара оладиган мақсадларни киритаман.

5. Мен ўз қалбимга қулоқ соламан ва шундай саволни ўзимга күндаланғ құяман: “Мен ўз қарашимга узоқ муддатли мақсадларни құя олишга рухан, жисмонан тайёрманми? Уларни рүёбга чиқаришга имкониятим, умрим етадими?”

ҮН САККИЗИНЧИ ҚОНУН

ОДАМЛАРГА МУХТОЖ БҮЛГАН НАРСАЛАРИНИ БЕРИНГ

Замонавий латифалардан бирида шундай дейилади. Күш ва шамол ўзаро баҳслашиб колишибди. Ким кучли эканлигини аниқлаш учун дуч келган кишини ечинтиришга келишишибди. Шамол бор имкониятини ишга солиб инсонга ташланиб қолибди. Одам эса иложи борича иссикрок ўраниб олишга астайдил ҳаракат қилибди. Гал куёшга келганда аста ўз ҳароратини баҳш эта бошлабди. Инсон иссиклаб кетиб, ечина бошлабди. Шамол таслим булибди...

* * *

Агар биз инсонларга самимий, меҳрибон, қалби очиқ, беғараз ва дўстона муносабатда бўлсак, жуда кўп ижобий ҳамкорликка эришамиз. Атрофимиздагиларга хушфеъллик билан муносабатга киришар эканмиз, уларни ҳамжиҳатликка чақира оламиз, ишонч ва ҳурматга сазовор бўламиз. Бундай фазилатлар рўйхатини истаганча давом эттиришимиз мумкин. Оқибат сўзи бу ерда меҳр-муҳабbat маъносида қўлланилмоқда. У шунчаки пайдо бўладиган оддий туйғу эмас. У ҳар бир қалбда мавжуд бўлса-да, доим уни ошкор этишга истиҳола қилинади. Аммо мантиқан чуқур мулоҳаза юритиб, одамлар кўпроқ нимани қўмсаётгандарини сўрасангиз, улар меҳр-муҳабbat, оқибат, озгина эътиборга зор эканлигини пайқаш қийин эмас. Меҳроқибатли бўлиш ўзгалар билан яқинликни, алокадорликни мустаҳкамлайди. Ҳаёт мазмунни самимий, гўзал тус олади. Унинг ёрдамида ҳал қилиб бўлмайдиган масаланинг ўзи йўқ.

Муҳабbat – энг қудратли куч ва донишмандликка йўғрилган илохий туйғу. Биз яқинларимиз, атрофимиздагиларга қанчалик меҳр-оқибат кўрсатсак, унинг самара-

лари ҳам шунча тез намоён бўлади. Мақсад сари масофалар қисқариб боради.

Сизга мақсадни амалга оширишнинг оғир ва енгил туридан қай бирини танлашни сўрашса, қай бирини хоҳлаган бўлардингиз? Мехр-оқибат ҳар кандай қийинчиликларни енгиб, мақсад сари дадил интилишга даъват этади. Қолган хаммаси – сизнинг фидойи харакат ва меҳнатингизга боғлиқ. Бусиз ҳеч нарса ўрнидан силжимайди. Инсон ҳар бир нарсага иқтисодий нуктаи назардан меҳр-муҳаббатли бўлишни тақозо этади. Оқибатли бўлиш – ўта кўнгилчанлик дегани эмас. Унинг суистеъмол қилинишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Сиз зинҳор оқибати можаро ва фитнага олиб бориши мумкин бўлган нохуш туйғуларга эрк берманг. Биз кураш мақсадга, ғалабага тез етказишини биламиз. Мақсад сари интилиш кураш натижасида самара беради. Биз тўқнашувлар кам самара беришини унутмайлик. Ундан эришилган муваффакият қисқа муваффакиятдир. Боз устига, ортидан кутилмаган янги муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Чунки можаро, тўқнашув туфайли эришилган ютуқ омонатрок бўлади. Қаердадир, кимдадир ғайриихтиёрий мусобақа – ўч, қасос, қўролмаслик ёки зўравонлик асоратлари бош қўтариши мумкин. Мехр-оқибат туфайли биз эришган марралар қувонч ва осойишталикни таъмин этади. Бир кошик асал жигилдон тўла ўт (сафро)ни сўндирганидек, меҳр-муҳаббат ҳам сизни ножӯя ҳолатдан саклаб қолади.

Амалий қўллаш усуллари

Даволовчи шифокор ўз беморининг ишонч-хурматини қозонсагина шифо бағишлиши самарали бўлади. Шифокорнинг самимийлиги, меҳрибонлиги беморни оёққа турғизади. Харидорларига хушмуомала, ҳозиржавоб, мулоим сотувчилар ҳамиша маҳсулотларининг кўп сотилишига муваффақ бўладилар. Ўз кўли остидаги

ишчи-хизматчилари билан самимий ҳамкорлик яратадын жамоа раҳбарининг ишида жиддий муаммо, түкнашувлар бўлмайди. Самимият, ғамхўрлик туфайли ҳамма ўз ишини билиб қиласади. Ота-оналар ўз фарзандларига меҳр-муҳаббатларини ошкора баҳш этганлари учун ҳам улар намунали хулқ-атвор эгалари бўлиб вояга етадилар. Одамлар билан узоқ вақт биргаликда ҳамкорлик фаолияти – айланиб келиб меҳр-оқибат ва ғамхўрликка бориб тақалади.

Кўпчилик инсонлар ўз атрофидагиларга чин дилдан самимий муносабат кўрсатишни хоҳлашади. Аммо уни қандай бажариш кераклигини била олмайдилар. Сизга азалдан олтин қоида ҳисобланган қўйидаги сўз маълум бўлса керак: Сен одамларга қандай муносабатда бўлишни хоҳласанг, улар ҳам ўша тарзда жавоб қайтаришади. Бу гап ҳар бир кишига тааллуқли ва ҳамма учун фойдалидир. Афсуски, бу олтин қоидамизнинг ҳам орка, иккинчи томони бор: Одамлар ҳар хил, уларнинг хоҳиши ва талаблари бизнинг қарашларимизга мос тушмаслиги мумкин. Биз ўз қарашларимизни дуч келган шахсга тиқишири олмаймиз. Бежиз ўн саккизинчи қонун сарлавҳаси “Кишилар мухтож бўлган нарсани берайлик”, деб номланмаган. Биз улар нимани хоҳлаётганликларини ҳушёрлик билан илғаб олишимиз керак. Биз уларнинг хоҳишига, туйғуларига ноҳушлик етказмаслигимиз керак. Уларни чин юракдан тушуна олиш санъатига эга бўлишимиз талаб этилади. Эътибор берсангиз, ҳар бир киши ўз хоҳиши ва эҳтиёжлари ҳакида белги-сигнал юборади. Ҳамма гап ана шу белги-сигналларни тўғри кабул қилиб, тўғри ҳал эта билишдадир. Ўшанда биз ўзимизга эмас, уларга маъқул ва манзур бўлган ишни бажарган бўламиз.

Бу ҳар қандай қарама-қаршиликнинг, етилиб келаётган можароларнинг олдини олишда қўл келади. Бирдамлик ҳар доим ишchan вазиятни пайдо қиласади.

Келинг, биз инсонларга ўзаро муносабатимизни банк чеки кўринишида тасаввур этайлик. Бордию чек ҳисоби бўш бўлса, биз тезлик билан тўловни амалга оширишимиз – чекка пул ўтказишимиз керак, аксинча, жиддий муаммо юз бериши мумкин. Агар чекда етарли миқдордаги пул бўлса, ҳеч қандай кўнгилсиз воқеа юз бермайди. Ҳамма, ҳаммаёқ хотиржам ва осойишта. Бинобарин, доимий ғамхўрлигимиз – бу қўл остидаги кишиларимиз ҳисобида доимий маблағнинг мавжудлигиdir. Бу доимо ўзаро алоқаларимизни сўзсиз мустаҳкамлаб боради.

Йигирма тўртта олтин қоида

Кўйида ҳукмингизга ҳавола этилаётган қоидалар ҳаётий фаолиятингизда муҳим ўрин тутади. Сиз уларни ҳаётда қўллаб, инсонлар меҳр-муҳаббатига сазовор бўласиз. Доимо ҳисоб рақамингиз тўлиб-тошади.

1. Кишиларни қўллаб-куватлаш, маъқуллаш имкониятларидан яхши фойдаланинг. Арзимаган ютуқлари учун ҳам рағбатлантириб туринг. Рағбат қуёшнинг ёқимли нуридай таъсир этади кишига. Ўсиш рағбат-мақтов билан бўлади. Мақтов ҳеч қачон кўплик қилмайди.

2. Одамларга ўз шахсиятларини саклаб қолишлирага имконият беринг. Ҳеч кимни ранжитманг ва пастга урманг. Ўзгалар хатосига кизикиб кетманг.

3. Кўзма-кўз сўзлашганда доимо самимий бўлинг. Сиз ўзингизга мақбул бўлмаган киши билан учрашиб қолсангиз, яххиси, индаманг.

4. Одамларни эътибор билан кузатинг. Шунда тез орада яхши инсонларни таниб оласиз. Уларга сизнинг мақтовингиз ҳеч қачон хушомад бўлиб туюлмайди.

5. Ҳар доим кишиларда олижаноблик ҳисларини уйғотишга интилинг. Ҳар бир инсон ўзи, хулқи, фазилати ҳакида яхши сўзлар эшитгиси келади. Сиз одамларни яхши сифатлари билан қадрланг. Улар бор

кучлари билан меҳнат қилишга интиладилар. Мақтov ҳам тарбия воситасидир.

6. Одамларни иложи борича камроқ танқид қилинг. Танбех бериш, кўпчилик олдида изза килиш, ўзингизни раҳбар эканлигингизни билдириб, кўрсатиб қўйишга бўлган иштиёқ – қўл остингиздагиларга малол келади. Ҳатто, нафратланадилар. Сиз унинг хатоларини самимий тарзда бир бор кўрсатиб қўйинг, ёрдам беринг. Ҳеч қачон ёзма равишда ҳеч кимни танқид қилишга киришманг.

7. Инсонларга ўзларини ким эканликларини яхши билиб олишларига имкон беринг. Уларнинг шахсиятидаги мақбул ҳаракатлар ва фазилатларни чин дилдан эътироф этинг.

8. Сиз хатога йўл қўйдингизми – кечирим сўранг. Сиз аллакимларни хатонгиз учун айблашга асло уринманг.

9. Сиз одамларга фармонбозлик, буйруқвозлик ўрнига таклиф тариқасида мурожаат этишга ҳаракат қилинг. Шунда ҳаммани ўзингизга жалб эта оласиз.

10. Баъзан ходимлар норозилик билан дағал муносабатда бўлиши мумкин. Сиз бу ҳолатни ҳушёрлик билан кузатиб, сабабларини аниқланг ва чора кўринг. Кўгинча бундай ҳолат этишмовчилик, ёрдамга муҳтоҷлик оқибатида келиб чиқишини унутиб қўйманг.

11. Одамлар ўртасида камроқ сўзланг. Бошқалар ўз фикрларини тўла айтиб олишларига имкон беринг. Яхши тингловчи бўлишга ҳаракат қилинг.

12. Яхши ғоя ким томонидан биринчи бўлиб айтилганининг аҳамияти йўқ. Сиз одамларни яхши фикрмуюҳаза, таклиф айнан уларга тегишли эканлигига ишонтириб, миннатдорчилик изҳор этинг.

13. Сўзлаётган киши ноҳақ бўлса ҳам гапини бўлмай, охиригача эшитинг. Уларни охиригача тингламас экансиз, барибир улар сизга қулок солишмайди.

14. Сиз кишиларни бошқалар нуқтаи назаридан баҳолашга ҳаракат қилиб кўринг. Доимо улар хулқ-

авторини таҳдил этиб, нималарга кизиқишини ҳисобга олиб боринг. Ҳамма нарсани тўғри қабул қилиб тушунадиган кишиларни айни вактда кечириш ҳам мумкин.

15. Ўзингизнинг ҳақ эканлигингизни исбот қилишга ҳеч қачон уринманг. Ҳар қанча билимдон бўлсангиз ҳам ўзингизни босинг.

16. Инсонларга тез-тез турли ҳадя-тухфалар қилиб туринг. Бунинг учун бирор тантана ёки байрамни кутиб туриш шарт эмас. Совғалар қандай ҳажмга эга бўлишидан қатъий назар, бериё, таъмасиз бўлсин. Ишга ижодий ёндашинг. Инсонларга шодлик баҳш этинг. Ҳар бир ходим ўзича сизнинг ғамхўрлигингизни ҳис қилиб турсин. Уни ўйлаётганингизни сезсин.

17. Агар сизга бирор масала юзасидан эътиroz билдиришса, туйғуларингизни жиловлаб, аччиқланманг. Аввало, инсонни яхшилаб тингланг. Унинг маъқул келган фикрини тутинг-да, эътироф этинг. Ўзингизга танқидий баҳо беринг. Суҳбатдошингизга унинг таклифини ўйлаб кўришингизни айтиб, ташаккур билдиринг.

18. Одамларга, уларнинг манфаатларини кўзлаш ва химоя этиш – ўз манфаатларини ҳам химоялаш демакдир. Уларга ҳар доим ёрдам кўлини чўзишга тайёр эканлигингизни намоён этинг.

19. Самимий табассум қилинг. Сизнинг табассумингизга ҳеч ким муҳтоҷ эмас. Балки бошқалар табассум билан бокишни хоҳламас. Сиз эса бундай хатога йўл кўйманг.

20. Кишига мурожаат этаётганингизда унинг исмишарифини тўла айтинг. Бу унга нисбатан хурматингизнинг очик белгисидир. Фалон-пистон, деб камситиш одобдан эмас. Ҳар бир кишига ўз номини бошқалар томонидан эшлиши жуда ёқимли ҳисобланади.

21. Бошқалар кўзига осойишта бокиб, нима демоқчи эканлигини, нимага муҳтоҷлигини уқиб олишга интилинг.

22. Сиз юзма-юзми, телефондами шундай муомала қилингки, сұхбатдошингизнинг сиёки очилиб, кайфияти яхшиланиб кетсин. Самимиятингиз учун унинг шахсан сизга, корхонангизга ва бошқа ходимларингизга нисбатан ҳурмат-әхтироми күтариленесин.

23. Кечиримли бўлинг. Кекчи, аразчи, қасоскор ҳолатда муштни тугманг.

24. Атрофингиздагиларнинг ишончини суиистсъмол қилеманг.

Юқоридаги қоидаларни тўла қамраб олиш ва қўллаш осон кечмайди. Аммо иш юзасидан кўпинча бундай ҳолатлар рўй бериб туриши маълум.

Биз ким билан, қачон, қаерда, нима учун, қандай ҳолатда мулокотга киришар эканмиз, қоидалар ҳам аскотади. Уни қўллаб, янада самаралироқ, таъсирчан ва даъваткор усувлар билан мустаҳкамланг. Бу қоидалар замирида шахсиятимиз ҳам такомиллашади. Иродамиз чиникади, ҳурмат-әхтиром қозонамиз.

Саломга яраша алик

Агар биз атрофимиздаги кишилардан доимо норози ҳолда яшасак, аниқки, айб уларда эмас, ўзимиздадир. Беғараз вокелик мавжуд эмас. Дунё шундай. Ҳамма гап – биз уни қандай тасаввур қилишимизга боғлиқ. *Биз бирор инсон хақида ичимизда қандай фикрда бўлсак, уни шу кўринишда қабул қиласиз.*

Одамларга чин дилдан ва мухабbat билан қаращнинг куйидаги йўллари мавжуд:

Биринчидан, биз ўзимизни яхши билишимиз лозим. Ўзимизни ҳурмат қила билсак, бошқаларнинг ҳам иззатини жойига қўя оламиз.

Иккинчидан, биз атрофимиздагиларни ҳаддан ташкари ков-ков қилишга, текширишга тушиб кетмаслигимиз керак. Биз гулнинг таркибий қисмларини узиб ола бошласак, унинг гўзаллигига путур етказамиз.

Учинчидан, биз ҳамиша энг яхши кишилар даврасида бўлишимиз лозим. Баъзилар ўз яқинлари, танишларини пастига уриб, камситишдан роҳат оладилар. Холис баҳо беришни истамайдилар. Бундайлар ҳамма вақт, ҳамма жойда топилади. Биз таъбир жоиз бўлса, уларнинг терисини шилиб, суягиға етказишга интилсак, улар даврасидаги хато ва ожизликларни ҳис этамиз. Бундай ҳолда гўё олам адолатсизлик ва хатоларга тўлиб кетгандай туюлади. Биз танлашда адашмаслигимиз талаб этилади. Ҳалқда, “Сен инсонга қандай қарасанг, ўзингда ҳам шуни кўрасан”, “Нурни кўрсанг – нурга айланасан, ботқокликни кўрсанг, ўзинг ҳам шундайсан”, каби доно ҳикматлар мавжуд. Бинобарин биз ўзимизни билишимиз, яхши томонга ўзгариб, ўсишимиз керак.

Ҳақоратга чидайсизми?

Бир қўл жангига устаси эндиликда ҳеч ким билан олишмасликка қарор килди. Бироқ ёш жангчилардан бири уни яккана якка муштлашишга чакирди. Кекса жангчи унинг гапларига парво ҳам қилмади. Ёш жангчи эса мажақлаб ташлаш учун оғзига келган ярамас сўзлар билан ҳақорат қилиб, асабига тега бошлади. Уни ва отабоболарини ҳам ёмон сўзларга қоришириб ташлади. Қари уста индамай, унинг ҳақоратларига чидаб ўтираверди. Ниҳоят, ёш жангчи ўз мақсадига эришолмай жўнаб кетди. Қариянинг шогирдлари бундай аянч манзарага чидолмай сўрадилар:

- Сиз нега унга зарба бермадингиз?
- Кимдир сизга совға қилмоқчи бўлсаю уни сиз қабул қилмасангиз, совға кимга тегишли бўлади?
- Совғани кимга бермокчи бўлса, ўшанига-да, – жавоб беришди шогирдлари.
- Баракалла, ҳасадгўй, ёвуз ва манфур кишилар билан ҳам худди шундай бўлади, – деди уста, – сиз уни қабул килишни рад этсангиз, у бошқалар учун колади.

Соддароқ қилиб айтсак, аҳмоклар билан ҳеч қачон ўчакишиб бўлмайди.

Одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар иккала томон учун ҳам манфаатли бўлса, келишув осон кечади. Баъзилар эса бунга тайёр бўлмаслиги мумкин. Улардан сал нари бўлиш афзалрок. Биз ўрганаётган қонун сиздан кўр-кўрона қурбонлик талаб этмайди. Яхшиси, бундай одамлар билан яна бир самимий муомала қилиб кўриш курашишдан афзалдир.

Шундай воқеаларни кузатишга тўғри келадики, баъзан мутлако нотаниш киши сизга катта хурмат ва эътибор билан мурожаат этади. Худди яқин кишилар каби ўзини тутади. Демак, биз инсонларга нима демоқчи эканлигига, нимани хоҳлаётганига эътибор қаратишни унутмаслигимиз керак.

Амалий машғулотлар

1. Мухабbat – энг оқилона ва баракали яаш усули. Шунинг учун бугундан бошлаб одамлар нимага муҳтожлик сезишса шуни беришга ҳаракат қиласман.

2. Ҳаётимда мухим ўрин тутувчи бешта инсон билан алоқаларимга назар ташлаб, муносабатларимизга баҳо бераман ва ўзимга яқин одамлар сонини кўпайтириш ҳакида ўйлайман.

3. Бугундан бошлаб ҳаётнинг олтин қоидаларига амал қиласман. Уларни қофозга ёзиб, кўзим тушиб турадиган жойга осиб кўяман ва ҳар бир сухбат олдидан қайтакайта ўқийман.

4. Турли одамларга бўлган муносабатларимни ёзма равища ёзиб бораман. 24 қоидани ўз одатларим категорига қўшиб, ички эҳтиёжларим сифатида қадрлайман.

5. Яхши кўрган одамимга нисбатан эътиборли, ғамхўр ва меҳрибон бўлишга ҳаракат қиласман.

ҮН ТҮККИЗИНЧИ ҚОНУН

ИШГА БЕПАРВО БҮЛМАНГ

Том ва Сэм компанияга бир вақтда ишга келишди. Том ҳаракатчан, фаол бўлса-да, негадир ишлари юришмасди. Бир қарасанг машинаси ўт олмай қолади, ҳали паспорти йўқолиб, уни тиклашга югуради, ертўласида водопровод қувури ёрилиб кетади... Унга қарши ўлароқ Сэм унча-мунча нарсага бошини қайриб карамайди, фаолиятсиз. Қачон қарасанг, телесериаларни ўтказиб юбормай тўла томоша қилади. Шунинг учун ҳам унча-мунча ишchan мулоқотларни камрок белгилайди.

Орадан бир неча ой ўтгач, фирма директори Сэмни ишдан бўшатиб юборди, у буни ҳеч қандай зътиrozсиз қабул қилди-да, туёғини шиқиллатди. Бир оз кундан сўнг Томни ҳам бўшатди. Бу қарорга Том жиддий қаршилик кўрсатди: “Мени ялқов Сэм билан тенглаб, ишдан бўшатяпсизми? Ахир, мен ишлашни хоҳлайман ва биламан. Мен фақат ҳар хил ҳолатлар билан банд бўлиб коляпман, холос!”

– Мен, – деди директор унга, – компаниянинг ривожланишига жавобгар кишиман. Агар биз олдимизга кўйилган режаларни бажармасак, фирманинг тақдирини аянчли аҳволга солиб қўямиз. Шунингдек, унда ишловчи одамлар учун ҳам вазият оғирлашади. Мен учун режа нега бажарилмаётганинг сабблари эмас, амалий натижа керак!

* * *

Муваффақиятга эришмоқ учун барча қуч ва имкониятни бир ишга каратмоқ керак. Бу кўпчилик учун осон кечмайди. Негаки, улар асосий вазифа бу ёқда қолиб, режага хиссаси тегмайдиган ишлар билан овора бўлиб қолишади. Бизни ишдан чалғитадиган өмиллар жуда кўп: спорт мусобақалари, янги муаммолар, турли

ҳаётий ҳолатлар, хотин билан жанжал ва ҳатто, об-ҳаво ҳам сабаб бўлиши мумкин. Қачонки, об-ҳаво яхши бўлса, уни чалғитувчи бошқа... баҳона тайёр туради. Ишга бепарво бўлиш бизнинг одатий усулимиизга айланиб қолар экан, вазият ноқулайлашиб боради.

Қандайдир аҳамиятга эга бошқа ишни кўнгилдагидек адo этдингиз, аммо сиз масъул бўлган иш иккинчи даражага тушиб қолади. Бепарволик кишидаги масъулиятни сустлаштириб юборади.

Ўзингизни оқлашга интилсангиз...

Ачинарли ва хавфли ҳолат шундаки, ўзимизнинг омадсизлигимиз ва камчилигимизни асосий вазифадан чалғитувчи ишлардан излаймиз. Кўпчилик куч-куватини бошқа ишларда йўқотиб, айнан бекорчиларнинг ҳолатини эслатади. Бизни ишимиз натижасига қараб баҳолайдилар, баҳоналаримиз инобатга ўтмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ғолиблар муваффақиятни таъминлашга эришадилар.

Биз қанчалик ўткирзабонлик билан ўзимизни оқлашга уринар эканмиз, кимлигимизни фош этаётганимизни кўпинча сезмай қоламиз. Афсуски, бундай оқловлар билан ўзимизни яхши ҳис этамиз. Бу ишхона деразаси ташқарисидаги кор бўроними ёки шунчаки телевизор кўргингиз келиб қолдими – фарки йўқ, баҳона кўп. Натижа бир хил. Ўз фаолиятсизлигимизни довулда қолганимиз, кейингисида эса ер қимирлаш зонасида бўлганимиз ёки йўлда ўлиб ётган қўйни кўмишга тўғри келгани, кейин сиз ҳайдаб келаётган автомобиль баллони иш кўрсатгани ва хоказо баҳоналарни кўндаланг қилган билан ишдаги кўрсаткич ўзгармайди. Натижа ҳам худди шунинг ўзи бўлади. Буларнинг ҳаммаси сизнинг уйда қолганингизни билдиради. Сабаби аён: Сиз ишга боришни хоҳламаяпсиз!

Сизни ишдан чалғитаётган бундай уйдирмаларнинг қиймати бир хил: сиз асосий ишни ҳеч қачон бажара олмайсиз. Бундай ҳолатда қолганлар эндиликда ўзларини назорат кила олиш имкониятини бой берган бўладилар.

Ўзни қандай ўнглаш керак?

Гёте шундай деган экан: “Олдиндан кўра билишнинг ягона йўли – кутилмаған қандайдир воқеанинг содир бўлишидир”. Бизни асосий ишдан чалғитадиган нарса кўп ва биз унинг ўрнини “босадиган” жавоб топишни биламиз. Аслида, бу асосий ишдан сўнг иккинчи даражали ишлар билан бемалол шуғуллансанк бўладику?! Биз кўп нарсаларга олдиндан тайёргарлик кўриб қўйишимиз мумкин бўлмагани ҳолда бажармаймиз. Эътибор беринг, қорли қишида киракаш ҳайдовчи ишга чиколмайман, деди. Сабаби, автомобилнинг шинаси ёзги мавсумники экан. Хўш, бу ҳайдовчи ёз, куздан кейин қиши келишини, унга ҳозирлик кўриш кераклигини билмасмиди? “Қиши ғамини ёзда е” иборасини қандай изоҳлаш керак? Биз олдинда нима бўлишини билмасакда, олдини олиш чораларини аввалдан қўришимиз мумкин-ку? Масалан, машинамиз бир кор-ҳолга учрамай туриб, мутахассис- ёки устага вақти-вақти билан кўрсатиб туриш, ёнғин чикмаслиги учун электр асбобларининг созлигини назорат қилиб бориш, касалликка учрамаслик тадбирларини олдиндан ҳал этса бўлади-ку?

Бундан ташқари, ҳафта ёки ойнинг айрим кунларини ишдан ташқари пайдо бўлувчи муаммолар учун ажратиш мумкин. Биз мақсад сари интилар эканмиз, эътиборимизни бошқа машғулотлар банд этмаслиги керак.

Улгuriш санъати

Күйидаги ҳолат сизга яхши таниш бўлса керак: кабинетингизда иш билан машғулсиз. Шу пайт ҳеч қандай огохлантирмасдан хонага бир киши кириб келди. Сиз бундай кўргиликка кўп дучор бўлгансиз ва асабларингизга таъсир этган. Аммо, нима қилиш керак? Ҳузурингизга кириб келган кишини қувиб солмайсизку?! У ўз арз-доди ёки ишдаги муҳим масала билан келгандир? Балки шунчаки бир “кўришиб кетай, дедим” қабилидаги вакт ўғрилариридир. Унумтанг, дунёда вакт ўғрисидек бекорчи душман йўқ. Улар вақтингни ҳам, кайфиятингни ҳам, умрингни ҳам, келажагингни ҳам издан чиқаради! Улардан иложи борича чекининг, яқин йўламанг.

Бордию хонага ўзини қийнаётган масала бўйича бирор ходимми ёки қизингизми кириб келса, унга замалий ёндашинг.

Аслида, бизни асосий ишни тўхтатиб, бошқа масалани ҳал этишга мажбур киладиган вазиятлар доимо пайдо бўлиб туради. Гўё буларсиз ҳаётда маъно йўқдек. Начора, ҳаммасига вакт ажратишга, ҳал этишга улгuriшимиз лозим. Мақсад сари интилишимиздаги бундай “тўғаноқ”ларнинг ҳам ишимизда ўз ўрни, аҳамияти бўлиши мумкин. Масалан, асосий ишни тўхтатиб, машғул бўлишимизга мажбур этган нарса ўзига хос, кутилмаган танаффус вазифасини ўташи мумкин. Юкорида таъкидланганидек, ҳеч қачон биз “шунчаки иш”лардан халос бўла олмаймиз. Ҳаммасига вакт топишимиз зарур. Биз қилинган ишлар учун кетган вақтга эмас, бекор кетган вакт учун ачинишимиз керак. Оқилона ечим самарали натижа беради.

Амалий машғулотлар

1. Бугун мен ҳеч қандай үринсиз важ-корсонни ишлатмайман, амалий ишга ўтаман. Мен ўткинчи ҳолатлар қўлидаги ўйинчоқ эмас, ўз хаётимнинг эгаси булишни хоҳтайман. Ўз омадсизликларимни тан олган ҳолда, одамлар ва вазият мендан юз карра кучли эканлигини эътироф этаман. Мен турли баҳоналар ўрнига барча имкониятимни мақсадим сари йўналтираман.

2. Ҳар қандай ҳолат рўй бермасин, мени асосий йўлимдан қайтара олмайди. Бугунги кунга нима ишларни белгилаган бўлсан, ҳаммасини бажараман.

3. Олдиндан кўриш мумкин бўлмаган ҳолатлардан ҳеч қачон кутулиб бўлмаслигини тўғри идрок этган ҳолда, вақт жадвалини тузаман. Шундай килсан, ҳолат мени эмас, мен ҳолатни бошқараман.

4. Кутилмаган ҳолат рўй берганида, унинг ҳақиқий кўринишига эътибор бераман. Текшириб, баҳолашга, сўнг ечим топишга ҳаракат қиласман.

ЙИГИРМАНЧИ ҚОНУН

ҲАММАГА ЎРНАК КҮРСАТИНГ

Ҳиндистон мустақиллигининг йўлбошчиси бўлган Маҳатма Ганди ҳузурига бир аёл келиб, боласига кўп қанд емаслик кераклиги ҳақида насиҳат қилиб қўйишини сўради. Аёлнинг фикрича, улуғ кишиларнинг насиҳати болага яхши таъсир этаркан. Ганди бу ишни бажариши учун уч ой вақт кераклигини айтди.

Орадан уч ой ўтгач, аёл ўғли билан яна Ганди ҳузурига келди. Ганди оддий сўзлар билан болага тушунтириди. Ҳаддан ташқари кўп қанд истеъмол қилиш соғликка зарар келтиради. Унга қанча кам қанд еса, шунча соғлом ва бакувват бўлишини, тез улғайишини айтди. Болакай Гандининг сўзларини тингларкан, айтгандарини бажаришга сўз берди. Аёл Гандини четга тортиб сўради: “Нега шу икки оғиз сўз учун уч ой вақт керак бўлди?” Бусиз ҳам юқоридаги гапларни айтиш мумкин эди-ку... Ганди жавобида: “Ўзим уч ой қанд емасдан яшаш мумкинлигини бошимдан ўтказганимдан сўнг, болангга насиҳат қилдим. Ўзим билмаган, қилмаган ишим юзасидан бошқаларга қандай насиҳат бера оламан”, деди. Бу намуна бўлишга арзийдиган энг оддий мисол. Ваҳолантки, ўзгаларга ўrnak бўлишга арзийдиган нарсаларнинг катта-кичиги бўлмайди.

* * *

Бу гаплар замирида салмокли маъно бор. Дарҳақиқат, ўз тажрибамиздан келиб чиқиб билдириладиган фикр-мулоҳазаларнинг таъсирчанлиги катта бўлади. Авраам Линкольн: “Сен бажарган ишнинг довруғи унча-мунча сўз ва овозларни босиб кетади”, деган экан.

Ишонтириш намуна кўрсатиш орқали ифодаланса, ажойиб ишchan вазият пайдо бўлади. Аксинча, ўзини окламайдиган кўрсатма ва талаблар ижроси суст бўлади. Бунда биз тўрт нарсага дуч келамиз.

Бинобарин, ҳар бир иш бошқарувчи ёки раҳбар ҳам уз фаолиятида ана шу тўрт нарсага рўбарў бўлиши мумкин.

Биринчи босқични маҳсулдорлик деб атай қолайлик. Бунда сиз ишлаб чиқариш билан боғлик фаолиятингизни ҳар томонлама ривожлантиришга, кўпроқ пул ишлапига астойдил киришиб кетасиз.

Сиз бевосита ишлаб чиқариш билан банд бўлиб, атрофингиздагиларнинг ишончини қозонасиз.

Иккинчиси, бошқариш босқичи. Вакт ўтгани сари иш бошқарувчи шуни англаб етадики, ёлғиз ўзи ҳамма масалаларни ҳал эта олмас экан. У энди ўзига тенг шерик ёки ёлланма ишчи топиши кераклигини тушунади. Энди у қолган вактини ходимларига ишни бажариш тартиби ва қондаларини ўргатишга, қандай килиб топшириқни бажариш усулларини тушунтира олишга ажратиши зарур бўлади. Бу билан ишловчилар малакаси оширилади ва... ўзгача яқинлик, ишchan икслим вужудга келтирилади. Ким ўзига жиддийликни ниқоб қилиб, ходимлар билан яқинлик ипларини боғламас экан, ўз атрофидагилар қархисида нокулай ҳолатга тушиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Учинчиси, назоратчилик босқичи. Бунда фирма бошлиғи ўзининг барча иш юритувчилари устидан назоратчидир. Хизматчилар ҳар доим бошлиқлардан ўрнак олишга интиладилар. Оддий ҳолга эътибор беринг: корхонага янги ишловчилар келса, эски ходим (ветеран)лар дарҳол вазифа нимадан иборат эканлигини англаб стишади. Чунки янги ходимга доимо аввал иш бошлаган ходим иш ўргатиши, табиий. Улар ишга кўникум пайдо қилишида янгилар учун гўё ўзларини бошлиқдек тутишлари мумкин. Бундай кезда бошлиқ ўзининг назорат таъсирини қўллаши лозим.

Тўртинчи босқич назоратчи устидан назоратдир. Эътибор берилса, жуда кўп иш жойларида ишнинг кўпи янги келганлар зиммасига тушиб қолади. Эски ходимлар янгиларга иш ўргатиш баҳонасида кўп ортиқча

вазифаларни беминнат “шогирдлар” орқали бажаришади. Ўзларини хўжайиндек хис этишади. Фаолиятидаги маҳсулдорлик пасаяди. Ҳамма иш “шогирд” зиммасида қолади. Бундай кезларда доимий равишда ёлланма ходимларни янгилаб туриш лозим. Собик раҳбарлардан энди назоратчи сифатида фойдаланиш керак. Собик назоратчилар эса ишнинг бориши билан машғул бўлишади. Сиз учун фақат умумий кузатув, йўналиш бериш қолади.

Биз бошқаларда ўт пайдо қилиш учун аввал ёнишимиз керак. Биз фақат сўздагина эмас, амалда ҳам намуна кўрсата олишимиз даркор.

Алдамчи ўтмиш

Кўпчилик-кишилар ўтмишда эришган ютукларини юз бор пеш қилиб, мақтанишдан толмайдилар. Улар ўз ўтмишларининг соясига айланиб кетганлар. Бундай ҳолатларга тушиб қолишдан сақланиш керак. Бугунги нафас билан яшашни унутмаслик лозим. Ҳар бир фаолиятнинг ўзига хос келиб чиқиши ва қонуний ўрни мавжуд. Масалан, санъат арбоби учун бир йилда икки марта кўргазма намоён этиш кифоя. Жарроҳ бир йилгача операция столига яқинлашмаслиги мумкин. Ҳар соҳада ҳар хил йўналиш, ҳаракат мавжуд. Сотувчини олайлик. У, дейлик ўтган йилларда намунали ишлаган. Кўп маҳсулот сотган, ажойиб муваффакиятларга эришган. Афсуски, кейинги ойларда кўрсаткичлари тушиб кетган. Ўз иши билан етарли машғул бўлмаган. Энди унинг меҳнати қилган ишига қараб баҳоланади. Қанча ишлаган бўлса, ўшани олади, холос. Бу ўтмишини унутолмаётганлар фаолиятидан айрим лавҳалардир.

Алдамчи келажак

Энди баъзи кишилар келажакда ким бўлмокчи, нима қилмоқчи эканликлари хақида шу қадар тўлиб-тошиб сўзлайдиларки, гўё улар аллақачон ҳамма нарсага эришиб бўлгандек ҳис этадилар ўзларини. Ҳали қаршисида амалга ошириши керак бўлган ишларни ҳам гўё бажарилгандай гапирадиларки, ўзингни ғолиблар билан биргаман, шекилли, деб ўйлайсан...

Йўқ, сиз иккиланманг, ишонманг, алданманг – қаршингизда гапиришдан бошқа ҳеч вақога ярамайдиган қип-қизил маҳмадона турибди. Уни олдингиздан ҳайданг!

Сиз эришган ва эришмаётган ютукларингиз эвазига ишончга сазовор бўласиз. Яхши раҳбарга келажакни ҳам яхши тасаввур қила олиш ярашади. Одамлар иш фаолиятингизга қараб баҳо беришаркан, куруқ сўз, ваъдаларга учмайдилар. Демак, сўзимиз билан ишимиз бир хил бўлиши лозим. Одамлар энг зўр кузатувчилардир. Улар иш юритишингизни кузатиб, сиз нималарга қодир эканлигинги аввалдан билиб оладилар. Сиз айни вақтда янги ишни бажараётган бўлсангиз, тез орада эришган натижангизни намоён этишингиз керак бўлади.

Ҳар қандай чиройли, таъсирчан нутқ сиз заҳмат чекиб эришган натижа олдида ип эшолмайди. Бизни танитадиган, тан олдирадиган, ишончга сазовор этадиган фазилатимиз амалий эришган натижаларимизда кўринади.

Ўтмиш ютуклари ёки келажакда режалаштирилган ютуклар (!) бугунги кунимиздаги фаолиятимизга ҳеч нарса кўшиб кўя олмайди.

Сиз нима дейсиз?

Кўпчилик кишилар улуғвор ва жиддий лойиҳаларда иштирок этишга интиладилар. Бордию сиз улар қаршисида ўз мақсадингизни ишончли асослаб бера олсангиз,

тарафдорлар ва издошларни топиш қийин эмас. Күпчилик ҳамкорларни түплаш қийин кечәётганидан нолииди. Улардан факат яхши мутахассислар йўклиги түғрисидаги нолишларни эшлишига түғри келади! Ваҳолангки, сиз ўзингиз уларни қай даражада мақсад, иш сари қизиқтириб, жалб эта олдингиз? Ёдингизда тутинг, сиз кишиларни ишонтириб, илҳомлантира олмас экансиз, ҳеч ким ортингиздан эргашмайди.

Ўзингизга савол беринг: Ўзингиз шундай одам ортидан борган бўлармидингиз? Сиз сўнгги ойларда нима ишлар килдингиз? Нимага эришдингиз? Ўз иш услубингиз ва шахсий интизомингиз хақида ўйлаб кўринг. Сиз қандай меҳнат килдингиз? Ўз режаларингизнинг бажарилиши даражаси қай ахволда? Бу саволларга Сизнинг эришган натижаларингизгина жавоб бера олади, намуна бўлади.

Ўзингиз иш маҳсулдорлигини таъминламас экансиз, узок муддатли мақсадларни ҳеч қачон бажара олмайсиз. Уйда ўтириб бош котириш, ҳамма ёққа кўрсатма, буйрук бериш ишни юритиш учун жуда хам камлик қиласди.

Атрофингиздагиларни қизиқтиринг

Сиз ҳар доим нима биландир банд бўлишингиздан кўра, қандай жойда, фаолият тури қандай, даромад яхшими, нима билан машғул эканлигингизни билишингиз мухимроқ. Катта муваффакиятларга эришаётганингиз соҳангизга тааллукли масалаларни хам ўзгартириб юбориши мумкин. Аниқ натижаларни қўлга киритишида иш қобилияtingиз етарли эканлигини хам исботлаб туришингиз керак бўлади. Сиз вактлар оралиғида хизматчиларингизга ғамхўрликни доимо яхшилаб боришингиз зарур. Айни вактда ўз иш услубингиз ҳамда унинг самарасини уларга ўргатишингиз, кўрсатишингиз керак. Янги гоя ва имкониятларни ишга солиб атрофингиздагиларни ҳайратга солинг. Шундагина улар

сизнинг сиймойингизда ўзлари учун етук раҳнамони кўрадилар ва дадил эргашадилар.

Сизнинг хоҳ мақбул, хоҳ номақбул ҳолатдаги кўринишингиз кўл остингиздаги кишиларга таъсир ўтказади, ўрнак мақомига ўтади. Сиз кўпинча асосий иш қолиб, бошқа муаммолар билан машғул бўлар экансиз, ходимларингиз сўзсиз сиздан ибрат олади.

Модомики, сиз интизомли, талабчан, муваффакият сирини биладиган шахс сифатида ходимларингизни харакатга келтирас экансиз, улар сизни қўллаб-кувватлайдилар. Сиз қандай бўлсангиз, ходимлар ҳам изингиздан эргашадилар. Харакатчанликни сиз бошлаб беринг, ходимларингиз ҳам ортда қолмасликка интиладилар.

Амалий машғулотлар

1. Мен ҳамма имкониятларимни ишда маҳсулдорликка эришишга қаратаман.

2. Мен тузган режа ҳар бир ходимнинг ўсиши, маҳсулдорликка эришишига хизмат қиласди. Бунинг учун доимий равищда уларни қўллаб-кувватлаб бораман.

Улар мустақил иш юритиш малакасига эга бўлгунча шахеан кузатиб бораман.

3. Раҳбарликдаги энг синалган усул – шахсий намуна кўрсатиш. Ўзимга қўйидаги саволни бераман: Мен ўзимга ўхшаган раҳбарнинг бўлишини хоҳлайманми?

4. Мен ўтмишдаги ютуқларим билан ёки келгусидаги ишларимни бажаришдан аввал мағурланиб юрмайманми?

Режа ва мақсад жуда яхши, аммо у амалий иш билан мустаҳкамланган бўлиши керак.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ ҚОНУН

ИШНИНГ ЭНГ ЗАРУРИНИ ТЕЗЛИК БИЛАН БОШЛАНГ

Бир одам ҳолсиз ҳолда шифокор қабулига кирди. У елкасига юкланган масъулиятнинг оғирлигидан чарчаганди. Унинг хаёллари килиши керак бўлган турли юмушлар билан доим банд эди. Бунинг охири қўринмасди. Уни хавотирга солаётган нарса вактнинг етишмовчилиги эди. Тунлари яхши ухлай олмас, кундузи эса тез чарчаб қоларди. Ишончи сўниб, унинг ўрнини хавотир эгаллаётганди. Ақлли шифокор дарров уни тушунди. Беморнинг бу аянчли ҳолатдаги муаммоси – вактдан тўғри фойдаланмаётгани эди. Бунинг учта сабаби бор: шошилинч бажариладиган ишларни зарурийлари билан алмаштириб қўйиб, тез бажарилиши керакларини ортга сурарди ва шу билан бирга мукаммалликка ҳам интиларди.

Тез ва зарур

Бу икки тушунча ўртасида белгиланган фарқлар бор. Биз ишни қанчалар ортга сурсак ўша иш тез бажарилиши керак бўладиган ишга айланиб боради. Биз бу ҳолатдан ўзимизни бора-бора ёмон ҳис қила бошлаймиз. Ҳатто колдирган иккинчи даражали ишларимиз учун ҳам виждонимиз қийналади.

Ғолибларнинг сирлари шундаки, улар ҳамма зарурий ишларни тез бажарилиши керак бўлган ишларга айлантиришади. Ҳар қандай вазиятда ўша ишларни биринчи навбатга қўйишади.

Биз ишни қанча ортга сурсак (зарурийми, заруриймасми) тез бажарилиши керак ишларга айланиб, охироқибатда, ечимини топишга ҳам анча вакт сарфлашга тўғри келиши мумкин. Мана шу ердан ишлар чалкаша

бошлайди. Тез бажарилиши керак бўлган ишлар билан шуғулланган одам эса ҳамиша зарурий ишлар учун вакт етишмовчилигига дуч келади. *Бизнинг ҳаётимизга тезлик ўз таъсирини канча кўп ўтказса, заруратнинг таъсири шунча пасаяди.* Тезлик учун тўлаётган баҳомиз, заруриларни йўқотиш ҳисобига бўлади. Бизнинг замонамиизда тез бажариш керак бўлган ишларга асосий эътиборни қаратиб, зарурий ишлар учун оз вакт ажратиб ҳам бўлмайди.

Тасаввур қилинг, сиз таътилга чиқиб бирор жойга кетяпсиз. Машина юкхонасига энг аввал майда тугунчалар, кийим-кечак ва бошқа турли нарсаларни жойлаштирдингиз. Навбат каттароқ нарсаларга келганда эса сиғдира олмай қолдингиз. Агар сиз олдин каттароқ жомадонларни согланингизда майда-чуйдаларни уларнинг орасидаги очик қолган жойларга тикиштириб жойлардингиз. Ишда ҳам шундай, қилиниши зарур ишларни олдин бошлаб, орада пайдо бўладиган баъзи узилиш пайтларда майда-чуйда, унчалик керак бўлмаган ишларни қилишга ўрганишимиз лозим.

Етмиш икки соат қоидаси

Сизда ҳам бўлганми, бирор нарсани режалаштирасиз-у, аммо қилмайсиз? Ўйлайманки, сизда ҳам шундай бўлган. Ўшанда ўзингизни интизомсизман, деб ҳам койиган бўлсангиз ажабмас.

Сиз бундай вазиятда шунчаки етмиш икки соат қоидасини бузгансиз, холос. Қоиданинг асосий моҳияти шундаки, режалаштирган ишингизни етмиш икки соат ичida амалга оширишингиз, бирор аниқ ҳаракатни бажаришингиз керак. Агар бунга эришолмасангиз, юз имкониятдан биттасигина қолади ва режангиз қачондир амалга ошишига ишонч қолмайди. Бу билан сиз миянгизга муваффақиятга ишонмасликка туртки берган бўласиз. Миянгиз ўзингизга ишонмас экан, нияtingиздан

қайтганингиз яхши ва уларни жиддий қабул қилмаслигинги керак. Сиз ўзингиз онгингизга ишнинг моҳиятини сингдириб, хотираға жойлаб жиддий ҳаракат қилмас экансиз, мақсадга етиш қийин кечади. Ҳаракат учун кечикирилган ҳар бир соат воқеликни суслаштиради.

“Шошилинч” ва “шошма-шошарлик” ўртасидаги фарқ

Етмиш икки соатнинг қоидаси ишни шошилинч қилишни англатмайди. Аксинча шошма-шошарлик асабни толиқтириб касалликка олиб келиши мумкин. Ишни шошилмай қилиш керак. Инсон доим бирор лойихадан иккимчисига ўтиш учун пойга ўйнашга яратилмаган.

Бир фирма жунгли ўрмонларида савдо иши билан шуғулланишни бошлабди ва африкалик ҳаммолларни ишга жалб этибди. Уларни тез юришга ундан минг ҳаракат қилишмасин, учинчи куни уларнинг ҳаммалари юкларни ерга қўйиб ўтириб олишибди. Уларни ялиниб ҳам ўрниларидан турғизиб бўлмабди. Жаҳли чикқан фирма эгаси бу ҳолни тушунтириб беришларини сўрабди, шунда ҳаммоллардан бири: “Биз шунчалар шошилиб юрдикки, танамиз бу с尔да бўлса-да, рухларимиз ортда қолиб кетди”, деган экан.

Эшитганларимизни тушуниб олишимиз, келажакдаги режаларни белгилаш, олдимизда турган зарур ишларни бажариш учун бизга тинчлик, хотиржамлик керак. Шунинг учун “зудлик билан” ва “тезда” тушунчалари ўртасида фарқ бор. Зарур ишларни кейинга қолдирмай бажариш керак, аммо ўта шошилиб эмас.

Бир нечта ишни бирданига қилиш мумкин эмас, ишни тезлатиш ҳам ярамайди. Бирок зарур ишга тезроқ киришиш керак. Уни “вазифалар қутиси”га ташлаш керак эмас.

“Вазифалар қутиси” касаллиги

Қолдириб бўлмас ишларга киришиш тамойили сизни кониктирмайдиган ишларга ҳам тааллуқли. Бу пайтда ишни “вазифалар қутиси”га солиб қўйиш истаги вужудга келади.

Сизнинг ҳаётингизда ҳам қўйидагича воқеа юз берган бўлиши мумкин: Мехмонхонага вақтида хона буюргма килмагансиз. Энди бир қанча вақт сарфлаб, меҳмонхоналарга қўнғироқ қилиб, бўш жой йўқлиги ҳақидаги жавобларни оласиз. Агар сиз бу ишни ўз вақтида килганингизда биргина қўнғироқнинг ўзи кифоя буларди. Энди бу ҳолат бир неча соатга чўзилиши мумкин.

Биз ўйлаган нохуш ишлар, уларни биз қанчалар ортга сурсак, ўшанча нохуш бўлиб бораверади. Улар бизни бора-бора қаттикрок қийнайверади. У ҳақидаги ўй-хаёллар бизни заҳарлайди. Шуни билингки, энг арзимаган ишлар ҳам уларни ўз вақтида бажарсаккина, бизни қувончга етаклайди. Ҳаммасини ўз вақтида бажаринг ва хотиржам яшанг.

Муқаммалликка интилиш

Ишни иложи борича тез бошлиш керак. Уни ҳали охирига еткизиш ҳам керак. Ҳаддан зиёд муқаммалликка интилиш ҳам бизга у ёки бу лойиҳани охирига стказишимизга халақит беради. У сизнинг ҳар кандай ҳаракатингизни пайсалга солишга қодир. Муқаммалликка кизиқсан одам, ўзининг стмиш фоиз вақтини, қолган уч фоизгина ишини ҳаддан зиёд муқаммалликка бағишилайди. Барибир, тўқсон тўққиз фоиз одам унинг муқаммал деб ўйлаган ишини оддий кабул қилиб, фарқига боришмайди. Ҳақиқий муқаммалликка ёришиш инсон учун етиб бўлмас нукта, бу анча олдин исботланган.

Рассом Пьер Боннар бир куни чўткаси ва бўёкларини кўтариб, Лувр музейига кириб келади ва ўзи чизган суратнинг у ер-бу ерини тузата бошлайди. Музей назоратчилари уни ушлашади. Боннар ўзини оқлай бошлайди: “Бу мен чизган сурат, ҳали чаласи бор эди”. Шунда назоратчилардан бири: “Сурат битган, битмаган бўлганда Луврда осиғлик турмасди”, дейди.

Перфекционизм муаммосини кўпинча, хато қилишдан кўркиш, деб тушунса бўлади. Тўғри-да, бирор лойиҳа битиб, одамларга ҳавола қилинмагунча, ундаги камчиликларни билиб бўлмайди. Бироқ кўп ҳолатларда хато қилганлар эмас, ишлаганлар муваффақиятга эриша олишмайди. Иш хатолар билан боғланган. Хатоларни ҳисоблаб, ишнинг натижасига баҳо бериб бўлмайди. Шунга қарамай кўп мактабларда ҳали ҳам шундай қилишади. Айтишим керакки, инсоннинг хато қилишга ҳам ҳақки бўлиши керак. Ахир хатолардан ўрганамиз-ку. Бир куни IBM фирмаси асосчиси Том Уотсоннинг хизматчиларидан бири фирмага ўн миллион доллар зарар келтиради. Уни Уотсоннинг хонасига чақиришганда, хизматчи ишдан бўшатишади, деб ўйлаб хонага кириб боради. Аммо буни қарангки, бошлиқ: “Сизни бўшатаманми? Сизни ўқитиш учун ўн миллион сарф қилиб қўйиб, энди бўшатар эканманми? Ҳеч қачон!” дейди. Биз ўз хатоларимиздан ўрганишимиз керак. Факат шундагина биз кучли ва умид қиласманки, акллироқ бўламиз. Бундай пайтда бир қоидага риоя этиш керак: хато қилмайман, деб ишни пайсалга солгандан кўра, озрок хатога йўл қўйиб бўлса-да, ҳаракатни бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Амалий машғулотлар

Мен бугун ақл билан иш тутиб, зарурий ишларни тезда бажаришни бошлайман. Бунинг учун қуйидаги-ларни амалга оширишим керак:

1. Ҳар куни эрталаб ўзимга савол бераман: “Мен нимани бажаргим келмаяпты?” Бу билан мен кераксиз нарсадан холи бўламан. Тезрок улардан холи бўлсам бугунги куним қувончли ўтади, олдинда мени хушнуд этадиган нарсалар кутиб турибди.

2. Ўзимга берадиган иккинчи саволим: “Қайси вазифа бугун мен учун энг зарури ҳисобланади?” Ўша ишга эътиборимни қаратиб бажаришга киришаман ва мени ҳеч нарса ишни тутатмагунимча ўзига жалб эта олмайди. Бугун бошқа ишга улгурмаган бўлсам-да, мен биламанки, асосий вазифани бажараман.

3. Ўзимга яна савол бераман: “Зарур ишларни бажаришимга кўпроқ вақт қолиши учун ортга суриб бўлмайдиган ишларга камроқ вақт ажратиб, озрок куч сарфлаб ҳётимда нималарни ўзгартиришим керак?”

4. Нимани режалаштирумайин, ўша ишга етмиш икки соат ичиди киришишим, ҳеч бўлмаса биринчи қадамни қўйишим керак. Бугундан бошлаб ҳаммани тезкор ишларим билан ҳайрон қолдирман.

5. Мукаммаллик учун керагидан ортиқ интилиш тузогига илиниб қолмадиммикан, шуни текшириб кўраман ва лойиҳамни қаерда тўхтатишум кераклигини ўрганиб чиқаман.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ҚОНУН

МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАНГИЗГА ОЛИНГ

Хўжайин ўз ишчисини шаҳарга апельсин сотиб келиш учун жўнатди. Ишчи кечкурун қайтиб келди ва ҳисбот берди:

– Менинг омадим чопмади, одамлар бир овоздан мен апельсинларни қиммат сатаётганимни айтишди, шунинг учун ҳеч нарса сота олмай қайтдим.

– Афсус, апельсинчалик ақлинг йўқ, – деди хўжайин.

Ишчи хафа бўлди. Хўжайин апельсинни қўлига олиб, ундан сўради:

– Агар мен апельсинни қўлларим билан сиксан, нима бўлади?

– Шарбати оқади, – жавоб берди ишчи.

– Тўғри, агар уни болға билан урсан-чи?

– Унда ҳам шарбат чикади.

– Агар уни эшак туёғи билан босиб олса-чи?

– Барибир шарбат оқади.

– Ана шунака, – деди хўжайин. – Апельсин билан нима қилинса-да, ундан барибир ичиди нима бўлса, ўша чикади. Сенга шароитдан келиб чиқиб нима қилиш кераклиги имконияти берилган. Сен бўлса бу имкониятни ўзгаларга беряпсан, ўзинг ахмоқсан-у, ўзгаларни айблаяпсан.

* * *

Агар ишимиз қўнгилдагидек юришмаса, кўпинча масъулиятни шароитга ёки ўзга одамларга юклаймиз. Иктисолиётни, ҳаётий шароитни, ота-онамизни, турмуш ўрганимизни, фирмани, соглиғимизни, бошликларни ва бошқа турли нарсаларни айблаймиз.

Ахир сиз қуйидаги ибораларни кўп эшитгансиз-ку:

“Агар бу нарса бўлмаганда, мен...”;

“Вактим (пулим кўп) бўлгандами, мен...”;

“Кайфиятим яхши бўлганда, сенга...”.

Барча шундай ва шунга ўхшаш иборалар бир маслакни бирлаштиради: ҳаммасига кимdir айбдор, фақат ўзим эмас. Аммо ҳамма жавобгарликни ўзгаларга юклаган киши ўша одамларга ҳокимиятни ҳам берib қўйган бўлади.

Гап шароитда эмас, биз ундан қандай фойдаланишимизда

Ғолиб бўлишнинг сиз учун ягона йўли – ҳаётингиздаги масъулиятни ўз бўйнингизга олишингиздир. Албатта, баъзи тасодифларга масъул эмассиз, шундай тасодифларни қандай қабул қилиб, қандай йўл тутишга масъулсиз. Ҳозирда йўликиб қолган иқтисодий танглик учун айбдор эмасдирсиз, аммо бу вазиятда ўзингизни қандай тутишингизда масъулиятлисиз.

Ўзингизни оқлаш учун баҳона сифатида иқтисодий ахволни кўрсатиб: “Энди мен икки баробар хушёр бўлишим керак” ёки “Энди менга барибир, йўқотадиган ҳеч нимам йўқ” дейишингиз ҳам мумкин.

“Масъулият” – ҳамма мажбуриятларга жавобгар бўлиш, дегани. Масъуллик эътиборингизни ўз мақсадингизга қаратишингизда намоён бўлади. Танлаган йўлингиздан қайтаришларига йўл кўйманг.

Бернард Шоу бунга қуйидагича фикр билдирган: “*Биз ҳаммамиз бошимизга иш тушса, вазиятга тўнкаймиз. Аммо мен ҳеч қандай вазиятга ишонмайман. Агар ким муваффақиятга эришмоқчи бўлса, ўзига керакли шароитни ўзи топади. Топа олмаса, ўзи шароит яратади*”.

Ким масъулиятдан ўзини олиб кочса, асирга айланади. Масъулиятни ўз бўйнига олган озодликка эришади

Виктор Франкл XX асрнинг машҳур руҳшуносларидан бири эди. Кўп йилларини у концлагерда ўтказди. У ерда ўз оиласидан ажралди. Уни кўп қийноққа солишган ва кўп бор ўлим ёқасидан қайтган.

Асиридалик пайтларида Франкл бир нарсани тушуниб қолди: “Мендан бошқа ҳеч ким шароитга бўлган қарашларим устидан ҳокимлик қила олмайди. Сизлар мени қийноққа солинг, яқинларимни ўлдиринг, аммо фикрларим фақат ўзимга тегишли, ўзимгина ҳар қандай шароитни баҳолашим мумкин”.

Ва у ўзига сўз берди: “Ҳар қандай шароитда ўз шахсим ва феълимга содик қоламан, колаверса, буни ҳар бир одам қилиши мумкин”.

Виктор Франкл ўзининг кузатувларини биттагина изоҳ билан шундай ифодалаган: “*Инсон учун энг муҳим озодлик – бу ҳар қандай вазиятда фақат ўзи хуоса чиқаришидир*”.

Турли замонларда ҳисобсиз одамлар қулликка ёки асириллик маҳкум этилган. Улар биз каби озод юришлари учун борларини беришга тайёр бўлганлар. Аммо қандай ва қанчалик озод бўлиш саодатини англашимиз керак. Ҳар куни ўзимизга савол беришимиз лозим: “Ўзимнинг чексиз озодлигимдан қандай фойдаланаяпман?”

Бизнинг куилик танловимиз

Кўпчилик доно одамлар ҳар янги кунни туғилишга ўхшатишган. Нимага? Чунки ҳар куни бизда янги ҳаётни бошлашга имконият бор. Бахтимизга рахна солаётган ёмонликларни ўзгартириш учун – ҳар бир янги кун биз учун бебаҳо совға.

Одатда имкониятларни унчалик сезмаймиз. Агар танлов ўз қўлимиздалигини билганимизда эди, ўзимизни оқлашга, турли баҳоналар қилишга ҳаққимиз бўлмасди. Бу ҳолатда ҳамма нарса ўзимизга боғлик. Биз одатда бошқариб бўлмайдиган вазиятларга кўп аҳамият қаратамиз. Бундан кўриниб турибдики, биз ўзимиз хоҳлагандай яшай олмаяпмиз. Биз ўзимизни ўзимиз емираяпмиз.

Ўзини емиришнинг турли йўллари бор. Биз ўзимиз ўз танамизни, севгимизни ва орзуларимизни ўлдирамиз. Буни агрофимиздагилар сезмасликлари ҳам мумкин, биз бу вазиятда табиат қонунларини бузаяпмиз, ўзимизга нисбатан жиноят содир этајапмиз. Кўпчилик, шартшароитни ўзгартириб озодликни қайтариб олишга кучим етмайди, деб ўйлашади. Бундай қилиб улар бор ҳаракатларини қул бўлиб қолишга қаратишганини англашмайди.

Одамлар ҳамма масъулият факат ўзларига юкланганини тушунишлари қийин. Ўзидан масъулиятни фориғ қилган одам бир ҳангома қаҳрамонига ўхшайди. У ҳар куни тушлик пайтида ҳамкасларига ўзи уйидан олиб келган сэндвичига қараб: “Қандай жирканч! Яна пишлок ва помидорли экан. Мен буни ёмон кўраман”, дер экан. Бу хол ҳар куни қайтарилаверганидан ҳамкасларининг жонига тегибди ва улардан бири: “Агар сен помидорли ва пишлокли сэндвични ёмон кўрсанг, хотинингга айт, сен яхши кўрадиган бошқа таом тайёрлаб берсин”, дебди. У бўлса: “Сен нима деяпсан, ахир мен уйланмаганман, бу сэндвични ўзим тайёрлайман”, деган экан.

Ҳаётда ҳам ҳамма ўзи учун ўзи сэндвич тайёрлайди. Танлов ўз қўлимизда.

Ишдаги масъулият

Сизнинг маошингиз кўп ёки ўртача бўлиши ўзингизга боғлик. Компания сизга ўта катта даражадаги маошни бериш кафолатини олмайди. Бошлиқ ҳам ишингизда олдинга силжишингиз учун мажбурият олмайди.

Ҳамиша биз хоҳлаган ва тасаввур қилган нарсалар бўлавермайди. Ҳар қандай вазиятни қабул қилиш ва уни ўзгартириш ўзингизга боғлик.

Масалан, маошингизнинг катта-кичиклигига факат ўзингиз масъулсиз. Ахир маош “олинмайди” – уни ишлаб топиш керак. Ўз имкониятини қўлдан берганларга ачинишдан бошқа иложимиз йўқ. Бир кун бундай одамга ўзи учун қуидаги саволга жавоб беришга тўғри келади: “Сен ўз имкониятингдан қандай фойдаландинг? Бизга озодлик берувчи карорлардан воз кечмаслигимиз керак. Буни инкор қилиш – курашдан воз кечишdir ва ҳаётингиз бесамар ўтганини бўйинга олишdir”.

Атрофдагилар билан муносабатдаги масъулият

Жаҳлимиз учун ҳам масъулияти эканимизни тан олиш қийин, албатта. Айниқса, бу ҳаракатимиз ноҳушлик келтирса. Кимдир олдин бошлади, деб жаҳл билан тортишишнинг ҳожати йўқ. Бунга бошқача жавоб топса бўлади. Агар биз илон чаққани учун илонга жаҳл қилиб ўтираверсак, заҳар қонимизга сингий бошлайди, аксинча тезроқ заҳарга қарши дори ичиш лозим.

Тортишувга киришишдан олдин биз жаҳлимизни жиловлашимиз кераклиги ҳақида ўйланг. Балки сизга қуидаги фикрлар ёрдам берар:

Андохти Азвало атрофдагиларнинг бизга бўлган нотўғри ҳаракатларига ўзимиз айбормиз. Агар биз буни тушуниб етсак, ҳаракатларимиз ўз қўлимида.

|| Ўзга одамнинг сизга нисбатан важоҳати ортида кўпинча ҳадик яширган бўлади. Балки у сизнинг устунлигингиздан кўрқар.

|| Одамларга нисбатан қаравшларингизни ўзgartирishингиз керак. Балки сиз атрофингиздаги одамларга юқори баҳо бериб юборгандирсиз, шунинг учун ҳам сизни қониктирадиган инсонни топа олмаётгандирсиз. Бу ҳолатда ажабланишларимизнинг сабабчиси, атрофдагиларнинг ўзларини тутишлари эмас, биз улардан керагидан ортиғини кутишимиздадир.

Агар даврамизда кимдир ўзини яхши тутмаса, унинг бу ҳолатига бизда жавоб борлиги ёдимизда бўлиши керак. Бир-икки сония жаҳлимизни босиб, қуйидаги саволларга ўзимиз учун жавоб беришимиз керак:

1. Балки бу олдинги нотўғри ишларим учундир?
2. Балки бу одамнинг жаҳли ортида кўркув яширгандир? Балки бу ҳолатда мен уни тушунишим осон бўлар ва унга ёрдамим тегиши мумкиндири.
3. Аслида нима жаҳлимни чиқарааяпти? Бу одамнинг ўзини тутишими ёки мени унга берган баҳойимми? Балки бунинг сабаби ўзимга ишончсизлигимдир.

Ҳаммаси ўзингизга боғлиқлигини таи олиниг

Сизнинг ҳаётингиз шундай тус олишига сабаб, бошидан шу йўналишни танлагансиз. Агар сиз уни ўзгаргиришни хоҳлаб, йўналишни бирор ҳузурбахш томонга бурсангиз, демак, ҳаёtingиз устидан назоратни бошлабсиз.

Ҳамма саволларга хозиржавоб бир ўқитувчи яшаган экан. Икки ўқувчи унинг бу хозиржавоблигини кўра олишмас экан. Бир куни уничув туширмоқчи бўлишибди. Улар күшни тутиб, ўқитувчига савол беришибди. Күшни ортларига беркитиб, “Күш тирикми-ўликми”, дейишади, ўқитувчи “тирик” деса, күшнинг бўйини

кайириб ўлдирмокчи, “ўлик” деса учириб юбормоқчи бўлишибди. Шу тарика ўқитувчининг устидан куламиз, деб уйлашибди. Ўқитувчининг олдига келишар экан, улар савол беришибди: “Айтинг-чи, орқамизга беркитиб олган қушимиз тирикми ёки ўликми?” Ўқитувчи уларга қараб хотиржам жавоб берибди: “Мен нимаики демайин – ҳаммаси сизнинг қўлингизда”.

Сиз ҳаммасини ўзгартиришга кодирсиз – мулокотларингиздан тортиб, банк хисоб-ракамларингизгача. Сиз буни қарор қабул қилиб, ҳаракатни бошлаган кунингиз бажаришингиз мумкин. Чунки сиз ўз қилмишларингизгагина эмас, ҳаракат қилмаганингизга ҳам масъулсиз.

Қайсиdir эски қўшикда қўшни маҳаллага сигарет сотиб олиш учун кетган бир одам ҳақида айтилади. Йўл-йўлакай унинг калласига ғаройиб фикр келади: “Шартта Нью-Йоркка кетвортсам-чи?” Паспорти ёнида, пули етарли. У буни бутун умр орзу қилган. У бу ҳаракатини хаёлида турли рангли бўёқлар билан тасвирлаб... кейин сигаретни сотиб олади-да, яна уйига кириб келади.

Орзуларни руёбга чиқариб, ҳаётингизга татбик этиш ўзингизга боғлиқ. Агар ҳозирнинг ўзида ишга киришсангиз, ҳаммасини килишингиз мумкин. Бунга кучингиз етади. Лекин ҳушёр бўлинг: ўз. эркинлигингизни ва қатъиятлилигингизни тезроқ кўрсатмас экансиз, улар аста-секин кучсизланиб, йўқолиб кетиши ҳеч гапмас.

Амалий машғулотлар

Бугундан бошлаб ҳәётим устидан ҳамма масъулиятни ўз зыммамга олишга қарор киламан. Бунинг учун мен күйидагиларни бажаришим керак:

1. Бугун мен одамларни ҳам, шароитни ҳам айбламайман. Агар мен бирор кишини айбласам, унга ўз ҳәётим устидан ҳокимлик қилишига йўл қўйган бўламан.

2. Агар бирор ҳолат менга оғир туюлса, кўзимни юмаман-да, ўзимдан кучлироқ одамни эслайман ва ўзимга савол бераман: “Ўша одам бу ҳолатга қандай баҳо берарди, менинг ўрнимда у нима қилган бўларди?”

3. Агар бугун бирор мақсадга етмаган бўлсам, жавобгарлик менинг бўйнимда. Муваффакиятларим учун ҳам худди шундай масъулиятни оламан, бундан кувонаман ва ғуурланаман. Бу ўзимга ишончимни мустаҳкамлайди.

4. Агар менга бугун бирор кимса жаҳл қилса, ундан сўрайман: уни хафа қилмадиммикан, у мендан хадиксирамаяптимикан? Унинг муносабатларидан кўп нарса кутаяпманми-йўқми, буни ҳам текшириб кўраман.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ҚОНУН

ЎЗИНГИЗДАГИ ҚЎРҚУВНИ ЕНГИШГА ЎРГАНИНГ

Ўрмонни сайд қилиб юрган бола кенг далага чиқиб колди. У ерда иккита боғбон ўз даласида ишлаётганди. Боғлар бир-биридан жуда фарқ қиласарди. Биринчи боғ ёввойи ўтга тўлиб кетганди ва бундан боғбоннинг хуноби чиқканди.

Иккинчи боғ эса жуда чиройли ва боғбон хурсанд ҳолда ашула хиргойи қиласарди. Уни боғдаги меҳнат унчалик ташвишга солмас эди. Бола ўз ишидан мамнун боғбон билан танишиб, нега унинг боғи яшнаб турганлиги, кўшнисининг боғи эса яхши эмаслиги билан қизиқди. Боғбон унга: “Мен ҳам олдин ёввойи ўтларга қарши роса олишиб силлам куриган. Уларни қанча суғуриб ташласам ҳам ўсиб кетаверарди. Аммо изланиб мен бир гулни топдим, у гул ёввойи ўтлардан тез ўсар экан ва унинг соясида қолган ёввойи ўтлар ўз-ўзидан ўқолиб кетди”, деб жавоб берди.

Кетишида эса бола бир боғда ўсиб ётган тўла заҳарли ўтларга кўзи тушиб, ажабланди. Боғбон унга тушунтириб: “Бу боғнинг эгаси – ажойиб шифокор. У учовимизнинг ичимизда энг аклигимиз. У заҳарли ўтлардан одамларни даволаш учун дори тайёрлайди”, деди.

* * *

Ҳар қандай одам – гарчи у олий даражадаги ишларни бажарса-да, қўрқувни хис этади. Ҳеч нарсадан қўрқмайдиган одам довюрак эмас, қўрқувни писанд қилмай олдинга интилган довюрак.

Қўркув – бу биз тасаввур этган, аммо бўлишини хоҳламаган ноxуш воқеалардир. Ноxуш таассуротлар канчайин тиниқлашса, қўркув шунча кучаяди. У билан курашиш қийин, аммо уни фойдали томонга қаратиш ёки унга қарама-карши хиссиётни қўллаш ҳам мумкин.

Биз күркүв олдида күчсизмиз. Аммо у билан курашиш мүмкин ва унинг ҳаётимизни заҳарлашига йўл қўймаслигимиз лозим.

Кўркувни шукроналик билингвистик мумкин

Кўркувни шунчаки қалдан юлиб чиқазиб бўлмайди. Айтайлик, сиз бирдан чирокни ўчиридингиз ва ҳеч қаерни кўриб бўлмас даражада қоронгиликда қолдингиз. Коронгиликка қарши сиз қандай чора қўллайсиз? У билан натижасиз курашасизми ёки зулматни ҳайдайсизми? Уни факат чирокни ёқиб енгиш мумкин.

Кўркув қоронгиликка ўхшайди. Уни шунчаки қувиб бўлмайди. Уни қувишга қанчайин тиришсак, у шунчалар кучга тўлаверади. Аммо унга бошқа кучлироқ ҳиссиётни қарши қўйса бўлади. Айнан шундай ёруғлик қоронгиликни енгади.

Буни тушунтириш осон. Агар биз кўркувга қарши ҳис-ҳаяжонни юкласак, мияда унга жой қолмайди. Кўркувнинг аксил томони – кучлилик эмас. Кучли одам ҳам кўркувни ҳис қиласди, аммо уни писанд қилмай харакатланаверса, шундагина биз уни довюрак деймиз.

Кўркувнинг қарама-қарши томони шукроналик, шунинг учун ҳам қўркувнинг устидан шукроналик билан галаба қозонса бўлади. Агар ёдингизда бўлса, бешта нарса сизда шукроналик ҳиссини уйғотади ва кўркувдан асар ҳам қолмайди. Бу жуда оддий нарсалар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, юра олишингиз, кўра олишингиз, гапира олишингиз, ўқий олишингиз, қолаверса, автомобилингиз, уйингиз, одамлар, сиз севган ва сизни севадиган одамларнинг борлиги...

Олдингдан оқсан сувнинг қадри йўқ, дейишади, биз кўп нарсаларни шундай бўлиши керак-да ўзи, деб тушунамиз ва уларнинг қадрига етмаймиз, аслида уларни йўқотганимиздагина қандай аҳамиятга эга эканини

тушуниб етамиз. Мисол учун, юришнинг қадрини. Юролмай қолсаккина юриш қандайин катта баҳт эканини тушунамиз.

Бу түғрида күпроқ үйлаш лозим, шундагина ҳаётингиз тўла ва бутун бўлади.

Олий мақсадлар қўрқувни супуриб ташлайди

Қўрқувни енгишнинг яна бир йўли – ўз мақсадингизга эътибор қаратиш. *Мақсадимизни кўздан қочирсан, қўрқув бизни енга бошлайди.* Ҳар хафта энг зарур мақсадларингизни ёзиб боринг. Мақсадга эришган кунларингизни тасаввур қилиб қўринг-а.

Мақсадга етишни орзу қилиб, қўрқувни ёдингиздан чикарганингизни англаб етасиз. Бунинг учун сиз бир неча дақиқа сарфлайсиз, холос. Ахир шундай ҳам харакат қилмасдан бекор ётиб, қўрқув чангалида кўп вактингизни ўтказасиз-ку.

Тўғри, бу қилган ишингиздан сўнг яна қўрқув қайтади, лекин энди сиз уни тушунган ҳолда кутиб оласиз. Энди қўрқув сизга огоҳлантириш вазифасини бажариб, мақсадларни ёдга солишга хизмат килади.

Ўнта амалий маслаҳат

Агар сизни қўрқув босса, қўйидагиларга амал қилинг.

1. Ўзингизга савол беринг: “Бундан олдин қўрқанимда нима бўлганди?” Бу саволдан сўнг англаб етасизки, илгари қўрқанларингизнинг беш фоизи амалга ошган бўлади. Ортиқча ҳаяжонларингизнинг қанчалик ҳаққоний эмаслиги ҳақида үйлаб қўринг. Балки сиз бекорга безовта бўлаётгандирсиз.

2. Сизни шукроналикка ундейдиган бешта нарсани ёзинг. Ўзингизга айтинг: “Олдин ҳаммаси яхши бўлганди, бу вазифани ҳам улдалайман”.

3. Биз қўрқаётган нарсалар келажакда содир бўлиши, балки ҳеч нарса юз бермаслиги ҳам мумкин. Бугунги кунимизга бунинг таъсири йўқ, шунинг учун нимага биз бугун уни деб қийналишимиз керак.

4. Бугунги ва келгуси кунлар сиз учун муваффақиятли бўлишига ўзингизни ишонтиринг. Ахир, ҳаёт кетма-кет келувчи кунлардан иборат.

5. Агар қўрқув жуда кучли бўлса, яхшиси ғолиб билан суҳбатлашинг. Унинг борлиги сиздаги қўрқувни йўқотади. Яна ўйлаш мумкинки, сизнинг ўрнингизда у ёки бошқаси нима қилган бўларди.

6. Иш билан машғул бўлинг. Тўғри бу қийин, айниқса сизни қўрқув босиб турганда, лекин машғул бўлиш керак. *Aхир, қўрқув бизни бекорчилигимизда ўз исканжасига олади.*

7. Ҳеч қачон ўзингизга вазифани бажара олармиканман, деган саволни берманг. Савол бошқача кўйилиши керак: “Мен уни қандай йўл билан бажараман?” Нима бўлганда ҳам сиз тўғри жавобни топасиз.

8. Ижобий тасаввурларингизни мустаҳкамланг. Ўзингиз учун яхшилик билан тутайдиган бирор воқеани тўқиб чиқаринг.

9. Ўзингизга ёқадиган мусиқа эшигининг, қўрқув ўз-ўзидан йўқолади.

10. Муваффақиятларингиз ёзилган кундалигингизга қаранг. Шунда қанчалар муваффақиятли инсон эканингиз ёдингизга тушади ва бехудага безовталанмайсиз.

Қўрқув оғу ҳам, дори ҳам бўлиши мумкин

Баъзан қўрқувни маълум миқдорда мувозанатлаштирувчи сифатида ҳам қўлласа бўлади. У билан заҳар билан муомала қилгандай муносабатда бўлиш лозим. Кўп миқдори шол қилиши ёки ўлдириши, лекин керакли миқдори дори бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам

ғолиблар қўрқувга сўз беришмайди, қўркув уларни занжирбанд қилишига йўл қўйишмайди. Улар ўзларига айтишади: “Мен бирор бир ишни бажаришдан олдин қўрқувни ҳис қўлмас эканман, демак, мақсад сари ташлаган қадамим қисқа экан”.

Фожиалар

Ғолиблар фожиалардан яширинмайдилар. Чунки улар хаётлари мобайнида нохуш дамлар бўлишини яхши билишади. Бундан ҳеч ким сақлана олмайди. Шунинг учун қуидаги маслаҳатлардан фойдаланинг:

|| Вакт ва кучни сарфлаб, ҳали бирор ёмон нарса бўлмай туриб қайғуриш ярамайди.

|| Ғолиблар хаётларидаги қора кунларни енгиш учун кучлари ва акллари етишини билишади.

|| Фожиа – ҳаммасини бошидан бошлиш учун имконият.

|| Фожиалар – ҳаётимизнинг маълум бир қисми, фактат уни излаб топиш керак эмас. Рихард Бах ёзган: “Пилла қурти ўзини пилла ичига ўраб, охир замон келди, деб ўйласа-да, аслида у капалакнинг тугилишига сабабчи бўлади”.

Ўзгача дунёкараш

Ғолиблар учун ҳамма нарсага болаларча ишониш одатий ҳол. Мисол учун, уларнинг ҳаётларини кимдир юқоридан бошқариб туришига ва ҳар бир воқеада қандайдир ҳикмат яширганини ишонишади. Тўғри, бу ҳикматни бирдан англаш қийин, баъзан уни узокроқдан қидиришга тўғри келади.

Баъзиларга бундай дунёкараш соддароқ туюлиши мумкин. Аммо унга қандай бошқа муқобилликни тавсия этиш мумкин? Шунчаки, ҳеч қандай тизимсиз одамлар

орасида тарқалган омад ва омадсизликка ишонишними? Тасодиф курбонига айланиши хоҳламаган, ҳамма нарсадан ҳикмат топишга интилган одам ўзини хотиржамроқ сезади.

Бир томондан ғолиблар ҳар бир нарсадан ҳикмат излашади, иккинчи томондан улар ўзларини борлиқнинг майда зарраси деб ҳисоблашади. Олам фақат улар атрофида айланмаслигини жуда яхши билишади. Улар ҳаётга ўйинга ёндашгандай ёндашишади. Ўйиндаги хато унчалик аҳамиятга эга эмас. Ҳамма вакт ўйинни янгисидан бошлиш мумкин.

Бир қарашда юкорида айтилганлар аксил фикрлар сифатида кўриниши мумкин, аммо аслида бундай эмас. Агар ҳаётга ўйин деб қараб, ундан чуқур маъно ахтарилса, сизга маълум бир енгилтаклиknи ва жиддийликни бирлаштиради. Бўлаётган воқеаларни чуқур маънода тушуниб етиб ишониш, ўз навбатида инсоннинг ўзига ишончини мустаҳкамлайди.

Икки танганинг томони шулардан иборат ва бири-иккинчисисиз йўқ ҳисоб. Жиддийлик ва ўйин бир-бирини тўлдиради. Кимки ҳаётни ўйин деб билса, ундан маъно қидиради ва қўрқувлар олдида кийналмайди.

Амалий машғулотлар

Мен бугун қўркувларимни жиловлашга ўрганаман. Бунинг учун мен қуидагича қадам ташлайман:

1. Кўркув мени исканжасига олишни бошласа, уни енгиш учун дарров юкорида баён этилган ўнта амалий маслаҳатни ўкишни бошлайман.
2. Мен камида бешта нарсага билдиришим керак бўлган шукроналикларни ёзаман. Сурункали кўркув ўз-ўзидан пайдо бўлмаслигини тушунаман, унинг вужудга келиши атроф-муҳитга бўлган муносабатимга боғлик. Бу кўркувни хоҳлаган пайтимда бўғишим мумкин.
3. Бугундан бошлаб кўркувга бошқача қарайман. Мен уни муваффақиятга элтувчи сифатида қабул қиласман. Агар қадам ташлашимдан олдин кўркувни сезмасам, унда қадамим қисқа экан, деб ўйлайман.
4. Бугундан бошлаб ўзимга, хоҳишларимга ва кўркувимга унчалик диққат билан қарамайман. Мен шунчаки бир катта нарсанинг бўлагиман, холос.

ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ ҚОНУН

КУЧЛИ ТОМОНЛАРИНГИЗГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ

Бир дараҳт ўзининг кичкиналиги, эрги-бугри ва хунуқлигидан азият чекар экан. Бошқа кўшни дараҳтлар бир мунча узун ва чиройли эканлар. У ҳам ўша дараҳтларга ўхшагиси келар, унинг шоҳ-шаббалари ҳам шамолда чиройли чайқалишини истар экан.

Аммо дараҳт шундоқкина жар ёқасида, харсанг тошлар орасида бир озгина тўпланиб қолган тупрокда илдиз отган экан. Унинг шоҳларини совуқ шамол сийпалар экан. Куёш бўлса фақат эрталаблари тушар ва сал ўтмай қоялар ортига ўтиб кетиб, кечгача пастликдаги бошқа дараҳтларга ўз нурини улашар экан. Дараҳтнинг бошқача ўсишга имконияти йўклиги учун доим ўзининг кисматидан норози экан.

Кунларнинг бирида унга куёш нурларининг биринчи шуъласи тушганда, кўзи ястаниб ётган пастликдаги ўрмонзорга тушиб, ҳаёти унчалик ҳам ёмон эмаслигини англай бошлабди. Унинг кўз олдидা ажойиб манзара турарди. Пастликдаги ҳеч бир дараҳтга бундай манзаранинг ўндан бирини ҳам кўриш насиб этмасди. Қоя уни кордан ва муздан асрар эди. Ўзининг қийшик танасисиз, эгри-бугри, бесўнақай шоҳларисиз дараҳт бундай шароитда яшай олмасди. Унинг бу кўринишида ўсиши ўша шароитда яшаётган бошқа дараҳтлар сингари бетакрор эди. Унинг бу такрорланмас кўриниши унга кўп устунликларни берарди.

* * *

Ҳар бир инсон ўзига берилган имкониятлар ва сифатларга ҳамоҳанг яшашни ўрганиши керак. Афсуски кўпчилик одамлар ўз эътиборларини бажағ ололмайдиган ишларга, ўзларида йўқ нарсаларга ва ... унчайдиган тушунчаларга қаратишади.

Маъносиз орзулар

Кўпчилик агар уларда иқтидор ва қобилият кўпроқ бўлганда яшшим осонроқ кечарди, деб фараз қилишади. Мисол учун, касал ҳолда туғилган одам агар соғлиғим жойида бўлганда, ҳаммаси бошқача тус оларди, деб ўйлаши аниқ. Аммо бўлгани шу, нима ҳам қила олардик.

Она болалари билан кўпроқ вақтини ўтказишни орзу қиласиди. Аммо унинг бунга вақти йўқ – чунки у ишлаши керак.

Яхши яшашингиз учун ажойиб овозингиз ёки яна бирор бошқа қобилиятингиз бўлиши керак, деб ўйлайсизми? Ўйлашимча, бундай эмас. Ҳар бир муваффақият учун тўлов қилиш лозим. Бироқ асосийси шундаки, биз турли қобилиятларга эгамиз, лекин факат ўзимизда борига хукмронлик қила оламиз, холос.

Балки сиз кўп пулим, яхши соғлиқ, севувчи рафикам бўлса ҳаётим яхшиланарди, деб ўйларсиз? Шундай имкониятларингиз бўлганда ҳам сизда бошқа муаммолар туғилаверади.

Ўзингизда боридан фойдаланишни ўрганинг

Қандай яралган бўлсангиз, сизни энди ўзгартириш мушкул. “Ҳамманинг зуваласи турлича узилган”, яъни баъзи одамларнинг қобилият ва иқтидорлари бошқалариникидан кўпроқ бўлишини биласиз ва бунга кўнишиб яшашга ҳам ўрганинг.

Бу ҳакда ҳақиқат талаб қилиш маъносиз. Биринчидан, одамлар ўз иқтидорлари учун қанча тўлов қилаётгандарини биз билмаймиз. Иккинчидан, бизда ҳам бошқаларда йўқ иқтидор ва қобилият бор. Аслида қобилият унчалик аҳамиятли эмас. Энг муҳими, ўзимиздаги боридан қандай фойдаланишимизда.

Сиз бутун кун мобайнида янги қобилиятлар ҳақида ўйлаб ўтиришингиз мумкин, лекин бу келажагингизни

ўзгартирмайди. Бу покер ўйинидек гап, кимгадир вактингча омад кулиб бокади. Охир-оқибат эса покерни тушуниб етган, унинг сирли қирраларини билган одамгина муваффакиятга эришади. Агар танлаган йўлингизда равнақ топишингиз учун қобилиятингиз, иқтидорингиз камлик килаётган бўлса, демак, сиз бошқа йўлни танлашингиз керак.

Бир мактаб ўқувчисининг инглиз тилидан омади чопмас экан. Унга мактабдаги чет тилига ўқитиш методикаси тўғри келмасди. У синфида чет тилидан энг охирги ўринда эди. Аммо у қандайdir сабаб билан Америкада бир муддат яшаб қайтиби ва ҳозирда сифдошларини инглиз тилидан жуда ортда қолдириб кетган экан. Гап факат қобилиятда эмас, уни қандай ишлатишда.

Меҳнатсеварлик – қобилиятдан зарурроқ

Атрофдагиларнинг қобилиятларини юқори баҳолаш ярамайди. Биз улар эришган муваффакиятларнинг қанча қисми уларнинг қобилиятлари, қанчаси машаққатли меҳнатлари ортиданлигини аниқ билмаймиз. Барча ғолибларнинг фикри қуйидагича: “Ҳар қайси олий муваффакият – машаққатли меҳнат маҳсулидир”. Кўпчилик эса бу фикрга қўшилишмайди, чунки бу уларни “Иқтидор бўлмаса, нима кераги бор чиранишнинг?” деган тутуриқсиз фалсафаларидан маҳрум қилиши мумкин.

Ҳозирнинг ўзида иш бошланг, каерда турган бўлсангиз ўша ердан бошланг, ҳеч қандай салбий ҳолатларга, тўсикларга аҳамият берманг. Сиз нима билан шуғулланманг, унинг бароридан келишига урининг, шундай меҳнат қилингки, меҳнатингиз маҳсули бугунгисидан эртага яхшироқ бўлсин ва шу тарзда қадамма-қадам олға интилинг. Шароитнинг ўзгариб қолишини кутманг. Ўзингизга керакли шароитни ўзингиз яратинг.

Кучли ва кучсиз томонлар

Ҳамма нарсанинг кучли ва кучсиз томонлари бор. Кўпчилик ўзларининг кучсиз томонларига кўпроқ аҳамият қаратганлари учун ҳамма омадсизликлари шунинг учун деб ўйлашади. Бундай одамлар учун бизда яхши янгилик бор: муваффақиятга эришишда шахснинг кучсиз томони роль ўйнамайди. Энг яхши атиргул шохи зиратчаси камроғи эмас, чиройли очилиб турган атиргули бор шохидир.

Ҳали ҳеч ким ўз камчиликларини йўқотиб бой бўлганмас. Аксинча, бошқариб тура оладиган камчиликларингиз ва фууруингиз сизни бой қиласди.

Сиз ўзингиздаги камчиликлардан бирортаси устидан ғалаба қозондингиз дейлик, хўш, бу билан нимага эришдингиз? Айтарли ҳеч нарсага, фақат камчиликларингиз биттага камайди, холос. Бу билан пулингизга пул, муваффақиятингизга муваффақият қўшилмайди. Сиз ўзингизнинг кучли томонларингизни кашф килсангизгина, бойликка эришасиз ва гуллаб яшнайсиз.

Сиз ўз камчиликларингиз боис кўп сикилманг. Кўпчилик шундай камчиликлар билан ҳам муваффақиятларга эришишади. Тўғри, камчиликларга ўта бепарволик ҳам ярамайди, акс ҳолда улар муваффақиятга эришишингизга халакит бериши мумкин.

Аммо сиз ҳаммасига ечим топа оласиз. Агар ҳисобкитоб ишларига нўноқ бўлсангиз, маълумотли ҳисобчи ёллашг. Сиз кучсиз томонларингизни сизга берилган имкониятдек кўриб чиқшишингиз керак, чунки сиз бу камчиликлар орқали янги йўл ташлашингиз, соҳангиз бўйича кучли одамлардан ўрнак олишингиз мумкин.

Кучли томонларингизга эътибор беринг ва бор кучингиз билан унинг қанот ёзишига ҳаракат қилинг. Бу ишларни бажарган ва ютукка эришган одамларни топинг. Уларга бирлашинг ва улардан ўрганинг.

Қилган ишларингиз сизни бир умр таъқиб этади

Вакт ўтиши билан тушуниб етасизки, хар қандай яхши ва нокулай шароитга тушиб колишингиз сизнинг виждонингизга ҳавола. Балки вақтлар ўтиб, қилган хатоларингиз ва мағлубиятларингиз қанақадир маъно англатар. Бу ерда ҳаммаси карта ўйинидагидек. Ўз-ўзидан кўлингизга чиққан карта яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмаслиги мумкин. Картани қандай қўллашингиз, сизни ютишингизга ёки ютқазишингизга таъсир кўсатади. Мағлибият ҳам ютуқ бўлиши мумкин.

Агар ҳаёtingизни ўзгартиришга ақлингиз етса ўзгартиринг. Бирор нарсани ўзгартириш қийин кечар, баъзиларини умуман ўзгартириб бўлмас. Шундай ҳолатлар бўладики, сиз қилган ишлардан кулиб юрганлар уялиб колишлари мумкин, чунки ўша ишингиз олий мақсадларга етишингизда асосий роль ўйнаши ҳеч гапмас.

Ўзингизни ўзгалар билан таққосламанг

Доим биз ўзимизни атрофдагилар билан таққослаймиз, гўё уларнинг ўринларида бўлсак, яхши кўринамиз, деб ўйлаймиз. Ва ўзимизча хulosा чиқариб, қайси бирларидан устунмиз, яна қайси бирларидан ортда қолганмиз, деган фикрга келамиз. Униси ҳам буниси ҳам сизга ҳеч қандай фойда бермайди.

Ўйлаб кўринг, балки биз ундан устунмиз, деб ўйлаган одамимиз шунчаки интилишдан тўхтаган оддийгина одам бўлиб чиқса-чи. Биз бўлса ундан муваффакиятлироқмиз, деб ўзимизни ривожланишдан тўхтатиб қўйган бўлишимиз мумкин-ку. Бундай ишимиз билан атрофдагиларнинг муваффакиятсизликлари ортига яширган бўламиз.

Энди биз ҳавас қилиб, ютукларга эришиб бадавлат юрган одамни олайлик. Ҳамиша бундай одамларни топиш мумкин. Аммо улардан ўзингизни паст олишингиз

ярамайды. Бундай ҳолатларда биз ўзимиздаги ишонч ва қатыятынни йүқотиб құйишишимиз мумкин. Агар биз эътиборимизни ўзимизга қаратсак, ўзимиздаги гаройиб иқтидорни англашимиз қийин эмас. Шунинг учун ҳар қандай таққослашдан маъно йўқ. Ўзингиздан келиб чиқиб ўзингизга баҳо беринг, шундай одамга ўзингизни таққослангки, унга ўхашни чин дилдан истанг ва охироқибат ниятингизга етинг, иложи бўлса ундан ўзиб кетинг.

Бетакрорлик

Сизга ўхшаган одам мавжуд эмас. Ҳеч ким сиз бажараётган ишлардек бир хил иш билан банд эмас.

Сиз бунга қўшилмасдан: “Шу пайтгача қилганларим бошқаларнинг ҳам қўлидан келади”, дейишингиз мумкин. Сиз айтгандек бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аммо барибир қилган ишларингизни сиз бажардингиз, фақат сиз, бошқа одам эмас ва ҳамиша шундай бўлади. *Ҳаётда сизнинг ўрнингизни бошқа бирор эгаллай олмайди.* Қачонки ўзингизни бошқалар билан таққослашни камайтириб, эътиборингизни ўзингизга қаратсангиз, сизнинг тарорланмас эканлигингишни сизда намоён бўлишини исташингиз шартлас. Яхшиси ўзингиздаги кучли томонларингизни ривожлантиринг.

Агар сиз бошқа одамга ўзингизни таққолайверсангиз, сизда нохуш ҳиссиётлар пайдо бўла бошлайди. Бу нохуш ҳиссиёт ҳасад ва рашидир.

Ҳасад

Атрофдагилардан нимадандир ортда қолаётганингизни сеза бошлаганингизда ҳасад пайдо бўлиши мумкин. Шунингдек, ўзига ишонмаслик ҳам шундай нохуш

ҳиссиётни келтириб чиқаради. Ўзини ожиз сеза бошлаган инсон ўзидан устунрок турганлар билан мулокотга киришса яхши бўлади, деб ўйлашади.

Бундай икки тоифадаги одамлар мулокотга киришишлари учун иккита йўл бор. Сиздан ўзиб кетаётган одамга етишга ҳаракат қилиш ёки уни ўз мавқеингизга туширишга уринишdir. Биз атрофимиздаги биноларни бузишимиз ёхуд ўзимизга бино қуришимиз керак. Ўзларидаги кучга ишонмаган одамларда кўп ҳолларда фисқу-фасод ва ҳасад жумбушга келади. Улар ўзгалар етишган ютукларга ҳасад кўзи билан қараб, уларни ортга тортишга ҳаракат қилишади. Энг ёмони, ҳасадгўй ўзини ҳам муваффакиятлардан қисиб қўяди. Чунки у ўз вактини ўзгаларнинг ўзига ўхшашига интилиб ўтказади. Бу одат юксалиш кушандасидир.

Рашк

Ҳаддан зиёд рашк – иккиланиш ва ўз кучига ишонмасликнинг бир тури. Бу туйғу ҳам ўзини ўзгалар билан таққослаш ортидан келиб чиқади. Кўп оиласларда эр-хотинлар нохуш рашк саҳналарини койиллатишиди. Бу албатта, ачинарли ҳолат. Фожиа шундаки, рашк килувчи умр йўлдошини ўзига нисбатан кизикиш уйғотиш ўрнига, уни озодликдан маҳрум этишга уринади. Эртами-кечми, умр йўлдошингиз сизнинг кучсиз томонингизни тушуниб етади. *Окибатда рашк эр-хотинларни бир-биридан узоклаштиради.*

Шундай хато тушунча мавжуд, рашк чин севгининг белгиси эмиш. Бу ҳақиқат эмас. Каерда қўркув ва тобелик ҳукм сурар экан, у срда чин севги бўлмайди. *Севги озодлик ҳиссини беради, рашк эса чеклаш ва бўғиш билан озиқланади.*

Рашк домига илинган одам кимнидир тахқирлаб ўзининг борлигини билдиришга уринади. Шу билан бирга у йўлдоши ташлаб кетишидан кўркиб, ҳар қандай

йўл билан унга ёпишиб ҳам олади. Рашкчи ҳамиша бу ҳисни қизитиш учун қанақадир сабабларни кидиради. *Ҳасадгўй бойнинг инқирозга учрашини хоҳласа, рашкчи ўз баҳтини ва уни севадиган одамининг ҳаётини дўзахга айлантиради.*

Ишончингизни суиисъетемол этиб, сизга хиёнат қила-диганлар ҳам бўлади, албатта. Аммо уларни мажбурлаб ўз олдингизда ушлаб туриш яхши оқибатларга олиб келмайди. Агар одамлар бир-бирларини тушунишмаса, ишонишмаса, ўзаро талабларини қондира олишмаса, яхшиси, ажрашганлари маъкул. Сизнинг ҳам, ўзининг ҳам қийматини билмаган одамни ўзингизни ерга уриб, ёнингизда олиб ўтириб, озодлигидан маҳрум этишнинг нима хожати бор? Рашкчини тушунишга ҳаракат қилиш ва унинг талабларига жавоб беришдан маъно йўқ. Уни факат ўзи тузата олади. Рашкчи одам кўпроқ ўзига ва кучли томонларига эътиборини қаратиши лозим. Қачонки у ўзидаги имкониятларни ҳис этгандан сўнг, уни хотиржамлик ва шукроалик, баҳт-саодат ўз оғушига олади. Рашкчи бўлсангиз, ҳозирдан ижобий томонга ҳаракатни бошланг. Шундай нарсалар борки, сиз уни ўзгартира олмайсиз. Шунчаки улар сизнинг ҳукмингизда эмас, кучингизни бекорга сарфламанг. Голиблар ўз ҳаётларини турли ранглар билан безашади ва улар буни моҳирлик билан бажаришади.

Амалий машғулотлар

Бугун мен ўз кучли томонларимни ривожлантириш билан шуғулланаман. Бунинг учун мен қуидагиларни бажаришим керак:

1. Таи оламан, ютукларим иқтидорим туфайлигина эмас, ундан қандай фойдаланишим сабаблидир. Ўз тақдиримдан нолимайман.

2. Кучли ва кучсиз томонларимнинг рўйхатини тузаман. Камчиликларимни тузатаман. Энг аввало, ўз кучли томонларимни ривожлантиришга аҳамият қарата-ман, атрофимга менга ёрдам бера оладиган одамларни йигаман.

3. Ўз ҳаётимдаги ҳолатимни ташхис этаман ва қандай ўзгаришлар қилиш ҳақида ўйлаб қўраман. Кейин режа тузаман. Режадаги тадбирларни “вазифалар кутиси”га ташламай, уларни дарров бажаришга киришаман.

4. Ўзгартириб бўлмайдиган ҳолатларни хисобга оламан. Агар бугун ёмғир ёғса ҳам жилмайиб юравераман, чунки биламанки, мен қандай кайфиятда бўлмайин ёмғир тиниб қолмайди.

5. Ҳasad ва рашқ менга қанчалик яқинроқ, шуни текшириб қўраман. Бу туйғуларни шунчаки қалбдан юлиб ташлаб бўлмайди, аммо уларнинг йўлини тўсиш мумкин. Бетакрорлигимни ёзма равишда тасдиқлайман.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ҚОНУН

САХИЙЛИКНИ ВА КЕЧИРИШНИ ЎРГАНИНГ

Тоғлар орасида анчадан бери бир доно аёл ҳаёт кечирипар экан. Бир куни у булоқ ёнидан чиройли қимматбаҳо тош топиб олибди. Бир муддат вақт ўтгандан сўнг унга жуда очикқан йўлчи учрабди. Аёл йўлчига бир бурда нон бермоқчи бўлиб халтасини очганида йўлчининг кўзи қимматбаҳо тошга тушибди. У бундай чиройли тошни умрида кўрмаганди. Йўлчи тошдан кўз узолмай қолганини сезган аёл унга тошни совға қилибди. Бир оз ўтиб йўлчи яна йўлга тушибди. Тошни сотса умрининг охиригача тўкин-сочин яшашини йўлчи биларди.

Аммо бир неча кундан сўнг у қайтиб келибди. Аёлни кийинчилик билан бўлса-да топиб, унга тошни қайтариб бериб: “Йўл-йўлакай мен кўп ўйладим. Биламан, бу тош жуда қиммат туради. Аммо бу тошни қайтаришдан мақсадим, сен менга бундан-да қимматроқ нарсани беришингни истайман. Хоҳлардимки, менинг ҳам сен каби шундай совғалар бера оладиган гўзал қалбим бўлса эди”, деган экан.

* * *

Кўпчилик ўз олдиларига мақсад қилиб бойликни кўйишади. Аммо бойликни доим қўлда ушлаб туриб бўлмайди. Уни бўлишиш ҳам керак.

Атрофимиз энергияга тўла, энергия эса ҳаракатдан пайдо бўлади

Ҳеч ким тўла хотиржамликда яшамайди. Бизнинг танамиз ва бутун олам доим ҳаракатда бўлади ва энергиялар билан алмашиниб туради. Агар бу айланма ҳаракат бузилса ҳаёт тўхтайди. Ҳаёт – бу энергия оқими. Қандайдир қисми бизга тегади, қандайдир қисми кетади.

“Олиши ва бериши”, асосий хаёттый қоида шундай сўз билан ифодаланади. Бу бутун олам энергиялар алмаси-нуви таълимоти сингари ҳаракатdir.

Биз қанча кўп берсак, шунча кўп оламиз. Бу ҳаёт қонуни. Одамлар ўртасидаги муносабат ҳам алмаси-нувга асосланган. Ўзаро ҳурмат ва миннатдорчилик асосида бўлган олди-бердилар инсонлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди.

Ҳаётда оддий қоида мавжуд: агар хурсанд бўлишни истасангиз, бошқа кишига қувонч баҳш этишингиз лозим. Агар севгини хоҳласангиз, олдин севишни ўрганинг. Сизга эътиборли бўлишларини хоҳласангиз, ўзингиз атрофдагиларга меҳр улашинг. Агар моддий бойликка эга чикмоқчи бўлсангиз, олдин ўзгаларга ёрдам кўлини чўзинг. Бой бўлишнинг энг содда йўли – бошқаларнинг эҳтиёжини қондиришдир.

Одамларга яхшилик тиланг

Агар ҳаёт сизга ижобий қарашини истасангиз, арофдагиларга яхшилик тилашни ўрганинг ва одамлар шаънига доимо дуода бўлинг. Дуо қилиш – қадимги, афсуски, ҳозирда кам қўлланилаётган одатларимиз қаторига кириб қолаяпти. Олдинлари саёҳатчиларни йўлга чиқиш олдидан оиласлагилари ва дўстлари дуо қилишган. Айниқса, ота-она дуоси улуг ҳисобланган.

Бу одат кимгадир эскирган кўриниши, кимгадир диний тушунчани англашиб мумкиндир. Лекин бунда катта маъно бор. Агар олам энергиядан иборат бўлса, бизнинг дуоларимиз ҳам қанақадир қувват захираси бўлиши мумкин. Шунинг учун, йўлингизда учраган ҳар бир одамга энг яхши тилакларингизни билдиринг. Унга қувонч, баҳт-саодат ва соғлиқ тиланг. Ҳаёти давомида кўп баҳтли кунларни тилаб, дуо қилинг.

Шунга иқрор бўлингки, ижсобий энергиянгиз оламнинг яхши томонга ўзгаришига ўз ҳиссасини қўйсин. Сизнинг

ўзгаларга қилган яхши тилакларингиз, албатта, сизга ҳам қайтишини унутманг.

Совға қилиш – чиройли одат

Қанийди, кўришганимизда бир-биримизга совға улашиб бирор конун билан белгилаб қўйилганда эди. Бу ҳар қандай нарса бўлиши мумкин, гулми, қоғозга ёзилган афоризмни ёки шеърми, китоб ёки учрашган одамингизга ёрдам бера оладиган одамнинг манзилими.

Аслида ҳам бу ёмон ғоя эмас, тўғрими? Кимнингдир олдига бориб, совға сифатида, майли у шунчаки мақтov ёки яхши тилак бўлсин, тақдим этиш мумкин-ку? Бу ўша одамга нисбатан бефарқ эмаслигингизни билдиради. Энг гўзал мулоқот ва сұхбатлар “Мен сен ҳақингда ўйлаб тургандим”, “Мен сенга ёрдам бермоқчи эдим” деган сўзлар билан бошланса қандай яхши.

Ўзингизга сўз беринг, сиз ҳар бир мулоқотга кирган одамингизга нимадир совға туҳфа этасиз. Бериб, сиз арзуғилик бирор нарсага эга бўласиз. Қанча кўп онсангиз, сизда шунча бериш истаги ошиб бораверади.

Кечириш

Кечириш – бериш ва бўлишишнинг олий даражадаги кўриниши. Бу инсоннинг олий даражадаги диний эътиқодларидан бири. Кечиримли бўлиш – Яратганга хосдир. Қаҳр ва ғазабни кечиримдан бошқа нарса босолмайди.

Хафагарчиликнинг оғир турларини, албатта, кечириш жуда кийин ҳам бўлади. Аммо ғазаб отига миниб кек саклаб юриш, фақат одамнинг ўзига зиён. Биз кечиримли бўлишга ўрганишимиз керак. Кечиришни билган одамнинг ҳаёти сокин ўтади. Кечириш билан қалбингиздан ғазабни ҳайдаб, иймонга жой берган бўласиз. Кечиринг ва албатта, сиз ҳам кечириласиз.

Ўзингизни кечиринг

Биз ўзимизнинг барча қилган хатоларимиз ва бебошликларимизни кечиришимиз лозим. Келинг, унутмайлик, биз мукаммалликдан йироқмиз ва унга етишимиз қийин. Биз доим хатога йўл қўямыз ва бу одатий ҳол. Қилган хатоларимиз учун жаҳлимизга эрк бермасақ, улар бизга сабоқ ўрнини босади. Хатолар оёқ-қўлимиизни боғлаб қўйиши мумкин, агар биз ўзимизни кечира олмасак. Ўзини кечира олмаслик сабабли кўп одамларнинг тақдирлариға дарз кетганлиги сир эмас.

Доимий равишда ўзидан қониқмаслик ва қилган ишидан афсусланиш – бу тор феъллиликни кўрсатади. Инсон ўз хатосини тушуниб етса, “Ўз хатоларим ортидан муваффақиятга эриша олмадим, лекин бундан чин дилдан афсусдаман, демак, мен жуда ёмон одам эмасман”, дейиши керак. Қилмишларингиз учун кек сақлаб юриш сизни баҳтдан қисади. *Олдин қилинган хатолар бугунки қунингизга таъсир ўтказишига йўл қўймаслик керак.* Унутмайлик, хатоларсиз биз ҳозирги ҳаётимизни барпо қила олмаган бўлардик.

Ота-оналарингизни кечиринг

Ота-онадан хафа бўлишнинг ўзи бу катта хато. Улар ким бўлишларидан қатъий назар сизнинг ота-онангиз. Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмонликнираво кўрмайди. Дилингизни оғритадиган бирор нохушлик ота-онангиз томонидан содир этилган бўлса-да, факат уларни кечирибгина хотиржамликка эришасиз ва дилингиз равшанлашади. Яна бир сабоқ: биз уларни кечирибгина ўзимизни катталар қаторига қўшишишимиз мумкин. Унгача ёш боладай қолиб кетаверасиз. Ҳеч нарсага акли етмайдиган ёш бола ота-она унинг ҳаётида қандай улуғ зотлар эканини билмайди. Унутмайлик, ота-оналаримиз ҳар қандай вазиятда ота-она бўлиб

coliшаверади. Уларнинг бизга килган яхшиликлари олдида умрбод қарздормиз.

Умр йўлдошингизни афв этинг – иложи бўлса тезроқ

Бошимизда нохуш хаёллар ва хафагарчиликларга жой қолган экан, демак, биз ўтмиш билан яшаяпмиз ва бугуннинг хузурбахш, ажойиб онлари қўлимиздан чиқиб кетаяпти. *Хафагарчилик ва кек саклаш мавжуд экан, севги яшай олмайди.* Агар эр-хотинлар дарров бир-бирларини кечира олишмача, бу тентаклик. *Бунда, севги кейинроққа колдиришган бўлади.* Нимага? Кўпинча хафа томон, хафа қилган томоннинг ўз хатосини тушуниб етишини, бу хатони қайта такрорламаслигини хоҳлаб, кечиришни бир оз кейинга суради.

Кўпчилик одамлар тез кечиришса, ҳурматим колмайди, деб ўйлашади. Қандай ҳурмат ҳақида гап бўлиши мумкин, сиз буюк туйғу – севгини рад этиб турганингизда? Бундай муносабат билан оиласда мустаҳкам пойдевор қуриб бўлмайди. Аслида ҳаммаси бошқача бўлиши керак: қанчайин тез кечирсак, тезроқ севиб қоламиз ва ҳаётдан лаззатланамиз. Бир доно аёл айтган экан: “Мен барибир қачондир кечираман, нега буни ҳозирнинг ўзида қилмаслигим керак?”

Бунинг учун севган кишингизнинг яхши томонларини ёдга олиш кифоя. Агар сиз унинг яхши фазилатларидан ўнтасини ёдга олсангиз, кечиришингиз осон бўлади. Агар ажрашиш керак бўлганда хам бир-бирингизни тез кечиришга ўрганинг.

Колган барча одамларни кечиринг

Барчага кечиримли бўлинг, улар сизга нисбатан нохуш ишлар қилишса-да, инсоф тилаб яхшилик истанг. Кечиримли бўлиш аввало ўзингизга яхшиликлар инъом

этади. Гап кечиришингиз керак бўлган одамда эмас, асосан сизда. Бу сизнинг бахтингиз, муваффақиятингиз ва қалб сокинлиги учун керак. Бу яна келажагингиз учун лозим. *Сизга бефарқ одамдан хафа бўлиши телбаликдан ўзга нарса эмас.* Сиз бундай пайтда фақат ўзингизни заҳарлайсиз, ўша одам буни сезмайди ҳам. Кўп хафа бўлиб жаҳл қилиб юрган одам ўз кучини йўқотади. Айниқса, биз муваффақиятсизлигимизни у ёки бу одамдан кўрсак, бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Агар биз айбни бирорвга қўйсак, ўз устимиздан ҳокимликни ҳам унга берган бўламиз. Атрофдагиларга вазиятдан келиб чикиб, масъулиятни юклаб, биз ўз кучимизни бўғамиз ва муваффақият йўлимизни тўсамиз.

Амалда қўллаш

Олдин инсонни қалбан кечириш лозим. Сизни ранжитган одамга дилдан инсоф тилаб дуода бўлиш керак. Агар шундай қилсангиз, юрагингиз таскин топганини ҳис этасиз. Қалбингиздаги гараз аста юмшайди, хафагарчиликлар ёддан чиқа бошлайди. Хафа бўлган одамингизга қўнғироқ қилишингиз ёки учрашишингиз мумкин. Учрашганингизда унинг ўзини оклаб хижолат чекишига йўл қўйманг, унга шунчаки уни кечирганингизни айтинг. Ҳамма масъулиятни зимманингизга олганингизни ёзиб, унга мактуб йўллашингиз ҳам мумкин. Унга унинг кечирим сўрашининг хожати йўқлигини айтиб, ҳамма бўлган ишлар учун хижолатда эканлигингизни тушунтиринг. Шунда муқаддас ва улуғвор қалб соҳибига айланишингизни билсангиз эди. Ғолиблар қалбидарё бўлишади.

Амалий машғулотлар

Бугун үзимни бировга совға беришга ва кечиримли бўлишга ўргатаман. Бунинг учун мен қуидагиларни бажаришим керак.

1. Мен бугун учратган одамимга, телефон орқали сұхбатлашган кишимга ёки хаёлимга келган кимсага қувонч, баҳт ва омад, соғлик тилайман. Унга ижобий қувватимни жўнатаман.

2. Учрашгани борган одамимга совға бераман. Совға моддий ёки яхши ният ва янги ғоя бўлиши ҳам мумкин. Бундай қилишимга сабаб, бу менинг учун жуда ҳузурбахш ҳолат. Унинг хурсанд бўлганини кўрсам, мен ҳам қувонаман.

3. Ўз севгилимга бугун у кутмаган ғаройиб совғани бераман. Унинг қувончли чехрасини кўриш менга ҳузур бағишлайди.

4. Бугун мен ҳаммага кечиримни совға қиласман. Биринчи совға үзим учун. Кимдан хафа бўлсан, ҳаммани кечираман. Мен уларни чин юракдан кечираман. Узокдагиларга кўнғироқ қиласман ёки мактуб йўллайман. Бугундан бошлаб ҳеч кимга кек сақламайман. Ноҳуш ҳиссиётлардан фориғ бўласман.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ҚОНУН

ПУЛГА УСТАЛИК БИЛАН ЁНДАШИНГ

Бир куни камбағал дәхқон товуғи олтин тухум түкканини күриб қолибди. Олдинига буни кимнингдир хазили деб үйлабди ва уни заргарга олиб борибди. Заргар тухумнинг ҳақиқий олтин эканини тасдиклабди.

Дәхқон тухумни яхшигина пулга сотибди. Кечки пайтга жуда катта майшат уюштирибди. Эртаси куни оиласи билан товуқдан хабар олгани боришибди. У яна битта олтин тухум туғиб қўйганди. Бу ҳол бир неча кун такрорланибди. Олдинига дәхқон баҳтига ишонмабди. Кейинчалик уни ҳасислик, очофатлик ўз исканжасига олибди. Унга битта олтин тухум кам кўрина бошлабди. Бир куни дәхқон товук катагига бориб, бирданига ҳамма тухумга эга бўлиш учун товуқни сўйибди. Аммо у товук корнида битта чала тухумни кўрибди, холос.

Киссадан ҳисса шуки: олтин тухум туғувчи товуқни сўйма.

Бадавлатликка туғилганингиздан бошлаб ҳақлисиз. Ҳеч қачон ҳозирги бизнинг замонамиздагидек бойликка эришиш осон бўлмаган. Сиз сўрашингиз мумкин: “Нега бўлмаса ҳамма одамлар бой эмас?” Жавоб оддий: чунки улар олтин тухум туғадиган товуқларини сўйиб еб қўйишади.

Товук бу – сармоя, тухум эса – фоизлар. Сармоясиз фоизлар бўлмайди. Баъзи одамлар бор пулларини сарф этишади, баъзилар боридан ортигини сарфлаб карзга ҳам ботишади. Бу йўл билан товук ўсмайди. Улар товуқни тухумга кирмасидан олдин жўжалигигидаёқ нобуд килишади.

Биз эски исботланган ҳақиқатларни унугиб, үзимизча турли айёrona йўлларни ўйлаб топамиз

Фойданинг асоси тушунарли. Бунинг учун олаётганингдан кўра кам сарфлаш керак. Ортиқча пулни бирор нарса сотиб олиш учун ишлатса бўлади, бироқ тежаб, товуқ боқиши ҳам мумкин.

Бизга ўйлаганимиздек жуда кўп нарса керак эмаслиги ни тан олишимиз даркор. Бунинг учун ўзингизнинг олдингизда ҳактўй бўлишингиз зарур. Бизга аслида нима керак? Кўпчилигимизда ишлатилмаган пуллар қолади. Гап уларни нима килиш мумкинлигига. Мебель, автомобиль, саёҳат, кўнгилхушликка ёки бирор ишга сарфлаш керакми?

Ҳаммаси оддий: пулни сарфлаш ёки уни тежаш. Айтайлик, сиз етти йилдан сўнг балансингизга қараганингизда, у қандай молиявий кўринишда бўлади? Сиз товуқни катта қилдингизмикан ёки жўжалигидаёқ сўйиб юборганмикансиз?

Тежамкорлик мамнуният баҳш этиши мумкин

Ўзингизга ҳам тўлашни ўрганинг. Нон сотиб олиб, нонвойга пул тўлайсиз, кўкат учун эса кўкатчига. Қачон ўзингизга тўлайсиз? Жавоб: пулингизни тежаганингизда. Кўпчиликда тежамкорлик учун тартибли бўлиш этишмайди. Бу борада сизга оддий тизим ёрдам беради.

Алоҳида “товуқ учун” ҳисоб-рақам очинг. Асосий ҳисоб-рақамингиздан йиғувчи ҳисоб-рақамингизга пул ўтказиш учун банкингизга кўрсатма беринг. Шундай килиб, сиз бир ойлик даромадингиздан олдинига ўн фоизини ўтказишни бошладингиз. Бу пуллар янги иш бошлашингиз учун, ундан бошқа нарсаларга умуман ишлатишингиз мумкин эмас. Бу билан чегараланиб қолманг ва ўйин-кулги ва майшатлар учун ҳам ҳисоб рақам очинг. Унга ҳам даромадингиздан, айтайлик, беш

фоизини ўтказиб туринг. Бу пулларни ишлатиб туришингиз мумкин. Бу билан сиз бир ўқ билан икки қүённи отаяпсиз: ўйин-кулги, майшат қилиб яшаяпсиз ва иккинчи томондан келажак учун пул йиғаяпсиз.

Маошингиз ошганда ҳам пул қўйинг

Аминманки, сиз пул қўйишни бошлаганингиздан бошлаб яшаш тарзингиз ўсиши билан бирга даромадингиз ҳам қўпаяётганини сезаяпсиз. Кўп ишлаб топаётганингиз йиғаётган пулингизнинг қўпайишига ҳам сабаб бўлиши керак. Сиз бундай пайтда даромадингиздан йиғаётган пулингизга ўн ёки беш фоиз ташламасдан, энди уни эллик фоизга кўтаришингиз керак. Олдинлари маошингизнинг маълум қисмини йигиш учун ташлаб юрганингиз учун сизга бундай қилиш кийин бўлмайди. Колаверса, маошингиз ошган. Бу ҳолатда йиғаётган пулингиз тезроқ қўпаяди.

Агар сиз хусусий тадбиркор бўлсангиз

Тадбиркорлар ва озод касб эгалари айтишларича, улар йигиш учун бир хил миқдорда пул кўя олишмайди, чунки уларнинг даромадлари ишлашлари давомида пастбаланд бўлиб туради. Бундай тушунча нотўғри ва хавфли. Бу дегани сиз тадбиркорликдаги асосий молиявий қоидани билмайсиз.

Сиз фирма эгаси бўлиш билан бир қаторда унинг хизматчиси ҳам бўлишингиз керак. Бундай ўрин алмашиш хаёлан эмас, хисоботларда ҳам кўриниши лозим. Бунинг учун сизга камида иккита хисоб-ракам керак бўлади: фирма хисоб-раками ва шахсий. Мана шунда фирма даромадининг “сакраб” туриши сизнинг йиғаётган пулингизга ва молиявий режаларингизга таъсир қилмайди.

Ўзингизга жуда катта маош белгилаб юборманг. Унинг микдори ўтган йилнинг даромадидан қирқ беш фоиздан ошмасин. Ахир, биз ҳали солиқларни тўлашимиз, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сармоя тўплашимиз ва захира фондига пул қўйишмиз зарур. Бундай ҳолатда ёлланма ишчи эмас, тадбиркордай иш тутишингиз керак. Шахсий эҳтиёжларингиз фирмा фолиятига зарар етказмаслиги даркор.

Бу ўзини оқлайди

Агар юқорида кўрсатилган тизимдаги ишларни бажармасангиз, доим сизни виждон азоби қийнаб юради. Айтайлик, бир срони ишлатдингиз, бу сизни қувонтирмади, чунки уни ишлатмай тежашингиз мумкин эди. Агар маблағни ишлатмай тежасангиз-чи, аксинча уни ишлатиш ҳақидаги истак хаёлингиздан кетмайди.

Икки ҳисоб-ракам русуми сизга молиявий режалаштиришга ақлан ёндашишингизга ёрдам беради. Энди доимий пул йиғишининг интизомингиз ва иродангизга боғлик бўлмайди. Тизим ўз-ўзидан ишлайверади. Сиз килмайдиган ягона иш – асосий йиғаётган маблағингизга тегмаслик.

Тасаввур килингки, бу пуллар сизники эмас, “товуғ”ингизники. Агар нафсингизга эрк берсангиз, дехқон каби иш тутишингиз мумкин. Сиз тентакдай кўришишни хоҳламассиз?

Шунинг асосида келажакдаги фаровон ҳаёtingиз курилади. Олдин сиз пул тўплашингиз керак. Тўпланган пул ортидан кўп пул ишлаб топишни бошлайсиз ва пул сизга ишлай бошлайди. Аммо барибир олдин пулни туплаш лозим.

Кейинги кадам – йиғилган пулларни сармояга ташлаш. Олдинига бир йилга ўн икки фоизлик даромадни кўзланг. Агар уларни йиллик ўн икки фоизлик ишга

ташласангиз, йигирма түрт йилдан сүнг саккиз юз минг евро бўлади.

Айнан мана шу ҳолат – олдин айтиб ўтганимиз “олтин тухум”дир. Йиллик ўн икки фоиз, асосий маблағга тегмаган ҳолда ойига саккиз минг евро, дегани. Аммо унутманг: ҳаммаси йилига эллик минг евро йиғишдан бошланган.

Пул қанчалар аҳамиятли

Пул ҳаётда энг асосийси эмас. Лекин агар у аҳамиятга эга бўлиб қолса, нима юз беришини биласизми? Агар пул етишмовчилиги сезила бошласа, уни қаердан топиш ҳакидаги хаёллар сизга тинчлик бермайди. Пул бизга кўшимча имкониятларни кўрсатади. Бир тасаввур килиб кўринг: агар сизнинг беш миллион евродан ошик пулингиз бўлса, ҳаётингиз қанчалик ўзгариб кетарди?

Ҳар бир инсон ҳаёти учун беш хил ҳудудни ажратиш мумкин. Бу соғлик, фойдали мулоқот, маблағ, ҳиссиёт (диний қараш) ва иш (хаёт мазмуни). Булар ҳаммаси ўз-ӯзидан керакли ҳудудлар. Биз бу ҳудудлардан бирортасининг чўққисига чиксак, бошқаларига ҳам таъсирини ўтказиши тайин. Агар биз маблағ билан муомалани ўргансак, ҳаётимиз янги яхши босқичга чиқади. Бизда кўп имкониятлар пайдо бўлади.

Ақлан бажарган ишларимиз доим бизни таъқиб этади. Шу билан бирга ножӯя қилган ишларимиз ҳам оптимиздан эргашади ва доим бизни қийнайди ва борлигимизни заҳарлайди. Биз қандай йўл тутишга қарор қабул қилишимиз керак. Пул ҳаётимиздаги бошқа нарсалар каби бизга ишлаши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин.

Кўпчилик ақлли одамлар ўз маблағлари тўғрисида унчалик қайғуришмайди. Оқибатда уларнинг молиявий аҳволлари жуда танг аҳволга тушиб қолиши мумкин. Инсон ўзида молиявий фикрларни уйғотиши керак. Пул сиз учун муаммога айланмасин.

Бошқачароқ фикрлаш

Бой бўлиб борганимиз сари атрофдагилар олдида масъулиятимиз ошади. Пулимизнинг ҳаммаси ҳеч қачон ўзимизники бўла олмайди. Ўз яқинларимиз ҳақида қайғуриб, уларга ёрдам бермас эканмиз, биз чинакам баҳтли бўла олмаймиз. Биз бутуннинг бир қисмимиз, атрофдагилардан миннатдорлигимизни кўрсатишимиш из ва улар билан топганимизни бўлишишимиз керак.

Баъзилар: “Мен қачонки ҳақиқий бой бўлсан, бошқаларга беришни бошлайман”, дейишади. Бу сўзни айтиб, улар аввал ўзларига беришни ўйлашаяпти. Аммо бундай қилиш ярамайди. Инсон факат ўзини ўйлаб баҳли бўла олмайди. Буғдойни сепмай ҳосил олиб бўлмайди.

Бунга бошқа нуктаи назар билан қараб кўрайлик. Қандай шароитда бўлманг, ер шаримиз миқёсида олсак, сиз ҳозирги ҳолатингизда бойсиз. Ер шарида яшаётган халқнинг учдан бири сизнинг ҳаётингизни ўзиники билан алмаштиришга тайёр. Тасаввур килинг, сиздаги пул камбағал одам учун қанчалар аҳамият касб этишини. Баъзи қолоқ мамлакатларда саккиз евро пул билан кўр одамни даволаб, операция қилиш мумкинлигини биласизми?

Ўзгалар билан бўлишиб, биз борлиқقا гўё сигнал жўннатамиш; “Раҳмат. Менда керагидан қўп маблағ бор. Мен бошқаларга ёрдам бера оламан”. Бу вазиятда бизнинг пулга бўлган қарашларимиз ҳақиқий бўлади. Пул бизга ва бошқаларга қувонч келтиради. Пул учун ўзимизни ёввойилашиб кетишдан тўхтата оламиш.

Хайрия – оламдаги энергиянинг туганмас эканини англатади. Биз ошикласини бериб, эвазига килган харакатимиз учун қувват оламиш. Яратган бирни берсанг, мингни бераман, деган.

Сиз ўзингизга ва бошқаларга молиявий озодлик беришингиз керак.

Шунда эртами-кечми нима учун мاشаққат ила меҳнат қилганингизни тушуниб етасиз. Инсон мақсад сари интилса, албатта, мақсадига етади. Ҳаракатдан баракат, дейишади.

Ғолиблар билишади, факат пул баҳтли қила олмайди, у билан муомала қилишни билғанларгина баҳтга эришишади. Пул унга муносиблар учундир.

Амалий машғулотлар

Бугун мен пул билан муомала қилишни ўрганаман. Бунинг учун мен қуидагиларни бажаришим керак.

1. Бугундан бошлаб даромадимдан ўн фоизини ажратиб, йигишни бошлайман. Биламан, мени факат саклаган пулларим бой қила олади.

2. Мен ҳисоб-рақам тизимини тузаман, улар ўз-ўзидан пулларимни тежайди. Фирмам ва шахсий ҳисоб-рақамларимни алоҳида очаман. Мен ўзимга қатъий маош белгилайман ва фирмам ҳисоб-рақамидан ўз шахсий рақамимга ўтказиб тураман. Йиллик даромаднинг кирқ беш фоизига яшашни ўрганаман.

3. Бугундан бошлаб тежамкор бўламан. Ҳар бир харидимдан олдин менга шу керакми, деб ўзимга савол бераман.

4. Мен бугун кимга ўз пулларим билан ёрдам бера оларканман, деб ўйлаб кўраман.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ҚОНУН

ЮКСАЛИШ УЧУН ЧИДАМ БИЛАН ПОЙДЕВОР ҚУРИНГ

Бамбукни ўстириш учун унинг яхши униб-ўсишига ишониш ва сабр керак. Дехқон ерни кавлаб, қаламчаларни экади ва уларнинг устини қалин сомон билан ёпиб қўяди.

Хар куни дехқон қаламчаларга сув қуяди. Қаламчаларнинг ёнини юмшатади. Шу алфозда тўрт йил ўтади. Тўрт йил мобайнида у қилган меҳнати натижасини кўрмайди. Бамбук қаламчалари қўкарармикан, деган хаёлга боради. У ҳатто қаламчаларнинг тириклигини ҳам билмайди.

Нихоят тўртинчи йилнинг охирида қаламчалар қўкаришни бошлайди. Кейин эса тўқсон кун ичидаги йигирма метргача ўсиб кетади.

Кўпчилик одамлар ўз касбини иш ўрнидан кўнгли тўлмагани учун алмаштиришади. Уларни ишда кўтарилиш, маош, ишнинг моҳияти кониктирмайди. Баъзиларнинг ишлари қизикарли эмас ва ундан кўнгиллари тўлмайди. Ҳамманинг ўзига хос баҳонаси бор. Иш ўрнини алмаштириб, инсон ўз муаммосини ечмоқчи бўлади.

Аслида эса янги иш ўрнида олдинги муаммоларга яна янгиси қўшилади. Янги касб балки қаттикроқ шижаот билан ишлашни талаб этар ва унинг масъулияти қўпроқ бўлар.

Мослашини даври

Ўн икки соат самолётда учиб келганингиздан сўнг ўзингизда чарчок сезасиз ва олдинига келиб тушган жойингизнинг шароитига мослашишингиз керак бўлади. Кўп нарса одатдагидай эмасдек туюлади. Соатлар

алмашинувига кўниш керак. Мослашиш даври бир неча кун давом этиши ҳам мумкин. Бу ҳолат иш жойини алмаштирган одамларда ҳам бўлади. Янги ишни бошлашдаёқ унга бўлган иштиёклари сўниши мумкин. Айнан мана шундай кунларда баъзилар енгилишади. Балки улар ҳаёт совға қилаётган омадни рад этаётган бўлишлари ҳам мумкиндир.

Ҳар сафар иш ўрнини алмаштирган пайтимизда биз “мослашиш даври”нинг курбонига айланмаслик учун икки нарсани ўрганишимиз керак:

1. Одам ўзини ёлғон билан овутиши керакмас. Нарсаларни борича қабул қилиш лозим. Янги иш – дарров кўп пул ютиб олиш мумкин бўлган лотерея эмас. Бу ерда машаққатли меҳнат, сабр ва матонат керак. Мисол учун, одам янги шахсий ишини очса, яхши имкониятлар пайдо бўлиши мумкин, аммо бу имкониятлар ортида машаққатли меҳнат ётади.

2. Голиб ишнинг фақат услубига эмас, қисқа муддат ичида тез пул топишига эътиборини қаратиши лозим. Олдинига у муваффакият мезони – голиблар қонунини кўриб чикиши лозим. Масалан, у билиши керакки, уни бу йўлда қийинчиликлар кутиб турибди ва уларни енгиб ўтишни ўрганиши зарур. У голиблик қонунини мустаҳкам ўрганиши, ўзининг режалари асосида шахс сифатида ўсиши лозим.

Катта муваффакиятга эришишни хоҳласак, пойдевор мустаҳкам бўлиши лозим

Кўп қаватли бино қурилаётган майдонни кузатиш қизиқарли. Бир қарашда гўё бирор аҳамиятли нарса бўлмаётгандай, албатта, қандайдир иш билан машгул ишчиларни ва катта қурилиш машиналарининг овозини ҳисобга олмаганда. Кейин турли темирлардан бирдан уйнинг қовурғаси бунёд бўлади ва тезда баландга буй чўза бошлайди. Бу қовурға деворлар ва деразалар билан

қопланади. Кейин уйнинг устида том ва пастда ҳовли пайдо бўлади. Кўз очиб юмгунча майдон ҳашаматли бино билан эгалланади. Бу бир қарашда шундай осон, аммо алдамчи таассурот. Аслида бино барпо бўлгунча ойлар ва йиллар ўтади. Янги касбни ўзлаштириб олиш ҳам худди шундай.

Узоқ муддатли муваффакиятга бир неча кунда эга чиқиб бўлмайди. Муваффакиятни кунлик меҳнат ва голиблар қонунига таяниб “қуриш” мумкин. Ҳа, худди шу тариқа кун сайин пойдевори, деворлари, дераза ва томлари қурилиб, муваффакият барпо бўлади.

Агар сизга кимdir бирдан бойиб кетгандай туюлса, бу кўринишга ишонманг. У одам бу мавқега эришиш учун жуда катта машаққат чекканлиги аник. Кўпларда сабр-тоқат етишмайди. Ҳаммасига бирданига эга бўлишни орзу қилишади. *Ундалар буюк галабалардан юз ўғириб, майда ютуқларга интилишиади.*

Катта натижаларга бирдан эришиб бўлмайди, бу ҳақиқат. Агар сиз сабр билан, аста-секин, қадамма-қадам олдинга интилсангиз, бир кун келиб эрталаб уйғониб қарасангиз, мақтанса арзигулик баҳт биносини қуриб қўйган бўласиз.

Сабр мослашишга ёрдам беради

Янги иш бошлаганимизда бизга ҳаммаси осондай туюлиши табий. Аммо кейинчалик бу унчалар осонмаслигини тушуна бошлаймиз. Бошлиғингиз илк танишганингиздагидай унчалик шиҷоатли эмаслиги билиниб қолиши, харидорлар сўзларингизга бепарво бўлишлари, ҳамкасларингиз сиз хохлагандай кўринмасликлари мумкин. Шароит ҳам унчалар яхшимас ва бошқа ноҳуш нарсалар янги иш жойингизда намоён бўла бошлайди. Бу одатий ҳол. Аммо бошланишида шундай, кейинроқ буларни тузатса бўлади. Ҳақиқат одатда ўртарокда бўлади. Чидам билан аста мослашиб, шароитни ўргансангиз,

ҳаммаси осон кечади. Янги жойга кўниши ҳаммада ҳам қийин кечади. Ҳаммаси бизнинг қиладиган қарор ва амалларимизга боғлиқ.

Бир куни учта қурбақа қаймоқ тўла кўза топиб олишибди. Кўп ўйлаб ўтирасдан улар дарров кўза ичига ўзларини отиб, майшатни бошлаб юборишибди. Улар қаймоқ ичра сузуб, қоринлари ёрилиб кетгудай бўлгунча тўйиб бўкишибди. Аммо улар қоринлари тўйиб, кўздан чиқмоқчи бўлишганда, кўзанинг деворлари сирпанчик, ташқарига чиқишининг иложи йўқлигини тушуниб қолишибди. Қанчалик уринишмасин, чиқа олишмабди. Қурбақалардан иккитаси охир-окибат тақдирга тан бериб, қаймоққа чўкиб кетишибди. Учинчи қурбақа бўлса, ҳаракатдан тўхтамабди, у қаймоқ устида гир айланар, қорни очса қаймоқдан еб олиб, яна қаймоқни чайқалтиришни тўхтатмабди. Қарангки, маълум бир вакт ўтгандан сўнг қаймоқ мойга айланиб қотибди ва қурбақа бир сакраб кўздан чиқиб кетган экан.

Янги иш жойингиз сизга ёқмаса-да, унинг ижобий томонларини топмагунингизча чекинманг. Аслида сиз иш учун эмас, кўтарилиш ва юксалиш учун ишляяпсиз. Сиз қадай касбий мавқега эришманг, албатта, ўша йўлда нималарнидир ўрганасиз ва ўргангандарингиз сизга ҳаёт йўлингизда асқотади. Чунки ўргангандарингиз бу сизнинг мулкингиз. Уни сиздан ҳеч ким олиб қўймайди. Сабр билан жараённи кузатиб, яхшисини олиб, ёмонини ортга отиб, олдинга интилсангиз, бойлик ва фаровон ҳаёт сиз учун кафолатланган бўлади. Тўғри, кутилмаган вазиятлар сиз курган баҳт уйингизни бузиб, кулини кўкка совуриши мумкин, аммо яна кайтараман, ўргангандарингиз ўзингизда қолади. Сиз яна бошидан бошлишингиз мумкин.

Милионга эга бўлиш зарур эмас, уни ишлаб гопишни ўрганиш зарур. Агар сиз пулингизни ишлатишни ўрган-

ган бўлсангиз, бу жуда катта ютуғингиз. Ҳақиқий бойлик сизнинг ўзингизда яширинган бўлади.

Сизни адаштирган бўлишса, буни ўзингиз хоҳлагансиз

Бир одамдан ўлишидан олдин, жаннатгами ёки дўзахга тушишни хоҳлайсанми, деб сўралибди. У танлов қилиши мумкинлигини билиб хурсанд бўлганча: “Олдин мен иккисини ҳам бир бор кўришни истардим”, дебди.

Олдин унга жаннатни кўрсатишибди. У ерда ҳамма хурсанд, узумзорда ашула айтиб ишлашаётганди. Кейин дўзахни кўрсатишибди. Дўзахда ҳамма ноз-неъматлар билан тўлдирилган стол атрофида майшат қилиб қандайдир байрамни нишонлашаётганди. Ҳамма ўзида йўқ хурсанд эди. Бизнинг қаҳрамонимиз шошилганча дўзахни танлабди.

Аммо у майшатнинг охирига ҳам улгурмабди. Олдин унинг оёқ-қўлини занжирлаб, катта печ олдига боғлаб, кун бўйи унга кўмир қалаб туришни буюришибди. Қаҳрамонимиз арз қилиб қуйидаги жавобни олган экан: “Бутам, ўша кўрганинг қайсиdir фирманинг тақдимот маросими эди”.

Хуллас, янги иш олдинига жуда қизиқарли кўринганди-ку, энди гап нимада? Сизни алдашдими ёки ўзингиз адашдингизми? Балки сиз ўзингиздаги ҳеч нарсани ўзгартиришни истамассиз, муваффақият учун тўлов қилишга имкониятингиз йўқдир? Бирор қатъий жавоб топиш қийин. Шунчаки ёдингизда бўлсин, мослашиш даврида ортга чекинмаслик керак. Гап иш тўгрисида эмас, шахсингизни ривожлантириш тўғрисида кетаяпти.

Юксалиш пойдеворини қуриш учун анча вақт керак. Ишни фикрлашни ўзгартиришдан бошлиш лозим. Фолиблар қонунини ўрганиш, уни шунчаки ўқиб ёдлаш эмас, ҳаётда қўллаш зарур. Агар шундай пойдевор

куришга улгурган бўлсангиз, энди сизни ҳеч нарса тўхтата олмайди.

Ғолибларни мослашиш даври чўчитмайди. Улар бу даврга доим тайёр туришади ва биринчи йилдаги ҳар қандай вазиятни тўғри қабул қилишади. Чунки уларни ўн йил ичидаги катта ижобий ўзгаришлар кутиб турибди. Улар билишадики, илк босқични мардонавор сабр билан енгиб ўтишса, мукофот уларни кўп куттирмайди.

Амалий машғулотлар

Бугун мен юксалишим учун мустаҳкам пойдевор қўйишни ўрганаман. Бунинг учун менга қўйидагилар керак бўлади.

1. Мустаҳкам пойдеворсиз бино қуриб бўлмаслигини биламан. Шунинг учун мен жон-жаҳдим билан ишлаб, ўз иш услубларимдан ҳам фойдаланаман. Натижага келсак, мен уни сабр билан кутаман. Катта-катта бинолар ҳам битта-битта ғишт қўйиш билан барпо бўлган.

2. Нима бўлганда ҳам мен чекинмайман. Илгари шундай йўл тутган бўлсам-да, энди ҳам масини тушуниб етдим. Мақсадим йўлидаги тўсикларни сабр билан енгиб ўтишга қодирман.

3. Буюк ишларга кўз тикаман, майда ютукларга ўралашиб қолишдан ўзимни тияман. Келгуси йилга мен олий даражадаги ишлар учун режа тузмайман, лекин бир юз ўн фоиз ҳаракат қилиб ишлайман. Кейинги касбкорим ёки ишим учун мен чегара қўймайман.

4. Мослашиш даври фақат ишда эмас, балки спортда ва оиласда ҳам бўлиши мумкин. Бу ерда ҳам алдамчи “тақдимотлар” бўлиб туриши эҳтимолдан холи эмас.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ҚОНУН

АТРОФИНГИЗГА ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИГАНЛАРНИ ТҮПЛАНГ

Айтайлик, сиз энг зўр торт пиширувчидан-да яхширок торт пиширишга қарор қилдингиз. Сизга бу ғояни амалга ошириш учун аввало кўрсатма керак ва албатта, бир неча бор уриниб қўришингизга тўғри келади. Оддин бу иш билан шуғулланмаган бўлсангиз-да, агар сиз кўрсатма бўйича тортни пиширсангиз, албатта, керакли мақсадга етиб, энг зўр торт пиширувчидан ҳам ўтиб кетишингиз мумкин. Торт пиширишни ихтиро қилган одамга бунинг учун кўп йиллар сарфланган бўлса ажаб эмас. Сиз унинг меҳнати маҳсули бўлган тайёр кўрсатмадан фойдаланиб, ўша йилларни тежаган бўласиз.

Биз доим кимларнингдир таъсирини сезамиз

Қадимги Грецияда ота-оналарга ўз болаларининг мактабда бир кунда арзимаган бир-икки соат билим олишлари ёқмасди. Улар болаларини ўқитувчилари билан йиллар давомида бирга бўлишларини хоҳлашарди. Улар амин эдиларки, ҳар кун доимий муаллим билан учрашиб бирга бўлиш – бу зўр мактаб.

Атрофимиздаги одамлардан ташқари ҳеч нарса, уларчалик бизга таъсирини ўтказа олмайди. Бу мулоҳазам кимгадир ёқмас, аммо бу ҳақиқат. Балки биз инсон миясининг ишлаш фаолиятини эндиғина тушуниб стаётгандирмиз, лекин олимлар бу борада бир тўхтамга келишган. Мия ўзининг атрофида содир бўлаётган ҳамма нарсани ўзига жамлайди.

Тасаввур килишимиз мумкинки, кўзимиз – телекамера, кулоклар эса микрафон. Биз ташқаридаги ҳамма нарсани ёзиб оламиз ва хотирага жойлаймиз. Кенг доирада тасаввур килсак, бизнинг онгимиз кўз

ўнгимизда бўлиб ўтган жараёнлар ёзилган катта бир видеотасма. Агар шундай бўлса, бошқа ахборотлар миямизда қаердан пайдо бўлади.

Доимо рок юлдузи Майкл Жексоннинг кассеталарини эшитиб юриб, Моцартни қачондир тушуниб ва севиб қолишга интилиб яшаётган одамни қандай тушунган бўлардингиз?

Ўкишнинг илғор методикаси

Биз ён атрофимиздан ўйлаганимиздан кўра керагидан ортиғини оламиз. Тўғри, кимлардир ўзгалардан ўзимизга керагини оламиз холос, деб ҳисоблашади. Аслида эса нимани кўрсак, миямиз онгли равишда ҳаммасини тўплайди.

Бу яхши, чунки бу холат бизга яхши ўрганиб ўқишимизга катта ёрдам беради. Қачонки биз эшигантўғриларимизни ёзиб бориб кейин уларни айтиб берсак, ўқиш жараёни кўнгилдагидек ўтаётган бўлади. Бу методика аниқ мақсад сари белгиланган мактабдаги услугдан анча фарқ қиласди ва ундан устун туради. Ҳаммамизга турли мисоллар маълум, инсон бирор четтилини ўрганиш учун харакат киласди-ю, унчалик эплай олмайди. Кун келиб тақдир такозоси билан ўша тилда сўзлашадиган юртга бориб колади. Аммо у хеч қанча вақт ўша юртда бўлмай, дарров ва тез хорижий тилни ўзлаштириб олади. Айтмокчиманки, инсон амалиёт ўтамагунча, факат китобдангина ўрганиб, бирор ижобий ютуққа эриша олмайди.

Кичкинтойлар ўз она тилларини қанчалик мураккаб бўлмасин, тез ўрганиб олишади ва мамлакатларининг маданиятига боғлиқ ҳамма мураккабликларни қабул қилишади. Улағга бу қийин бўлмайди, чунки улар атрофга караб тақлид асосида ўрганишади. Улар ҳамма нарсаларни кўчиришади, айникса ўзларига яқин атрофдагилардан кўп нарсаларни олишади. Шунинг учун ҳам

биз туғилиб ўсган мұхитдан, шароитдан келиб чикиб, фикр ва хиссиётларимизни бойитамиз, ўсиб борамиз.

Атрофдаги одамларнинг ҳис-ҳаяжонлари ва фикрлари

Кичкінтолар сингари катталарнинг ҳаётлари давомида ҳам шундай воқеалар рүй беради. Биз доим нимларнингдир таъсири остида бўламиз. Доим нимадир бизнинг “кассета” мизга “ёзилиб” туроди ва шу ёзилганлар ҳаётимизда ўзини намоён этади. Тасаввур килинг, атрофдагилар ҳайкалтарош, сиз эса мармарсиз. Ҳар бир одам ўз ҳаётий кечинмаларини ҳайкал тасвирида қолдиради. Ҳар ким сизнинг шахсингизга тузатилиши кийин бўлган ўзгартириш киритиши ҳам мумкин. Сиз одамлар билан мулоқот қилмасангиз, қандай бўлсангиз шундайлигингида қолаверасиз. Аммо бирор инсон билан ҳар бир учрашувингиз сизда оз бўлса-да ўз изини қолдиради.

Айнан мана шу нарса ўқиб-ўрганишга изн беради. Бугунги кунда биздаги бор фикр ва хиссиёт қандайлигимизни кўрсатиб туроди. Аммо шу фикр ва хиссиёт келажакда кимdir бўлишимизга ярамайди. Бу дегани, янги натижаларга қандай бўлсак шундайлигимизча эриша олмаймиз. Биз янги натижаларга эришишимиз учун янгича фикрлашимиз ва ҳис килишни ўрганишимиз керак. Кичкина болалар хиссиётларни катталардан ўрганишади ва уларга ўхшашга ҳаракат қилишади. Бу жараён катталарга ҳам тааллукли. Яхиси, инсоннинг хиссиётини ва у сингари ҳаракатланишни ўрганишимиз керак. Ҳаракат ва хиссиёт бир-бири билан чамбарчас боғлик. Инсоннинг хаёлидагини қабул қилиб тушуниш учун унга ўхшаб гапириш керак. Бу ўрганиш жараёни бир оз кўпроққа чўзилади. Биз бир умр ўрганамиз ва атроф-мухитдан жуда кўп фикр, ҳис-ҳаяжонларни қабул қиласиз.

Афсуски, биз ҳаммасини кетма-кет қабул қиласиз

Бу ўқув методининг афзаллиги шундаки, унчалар англамасдан ва танаффузсиз ўрганаверамиз. Бирок унда ҳам камчилик бор. Гап шундаки, биз қабул қилаётган нарсаларнинг қайсиси керакли, қайсиси кераксизлигини, қайсисини хотирада саклашимизни англай олмаймиз.

Бор куч-ғайратингиз билан муваффақият сари одимлаб, аммо унга эриша олмаётган, шунчаки бошқа “ёзувни” кўраётган бўлсангиз, доим олдингизда тўсиқ сезсангиз, тасаввурингиздаги магнитофонингизнинг “тўхта” тутмачасини босинг. Сизнингча унда нима ёзилган? Балки ёзувни алмаштириш керакдир. Қайси кассета сизнингча ҳозирги вазиятга тўғри келади? Шунчаки бошқа “мусиқа”га алмаштириб қўйиш истаги етарли эмас. Уни яна қайтадан ёзиш керак, сиз хоҳлагандай яшаётган атрофингиздаги одамлар билан ўзингизни ўрганишингиз керак. Аминманки, улардан сиз яхши сифатларни қабул қила оласиз.

Танлов ҳуқуқи ихтиёрингизда

Маълум бир ёшгача кимлар билан мuloқотда бўлишни ўзимиз танлаш ҳуқуқига эга эмасмиз ва баъзи давраларда яхши ёки ёмон вазиятларда “жабрдийда”га айланиб қолишимиз мумкин. Бундай пайтда онгимиз хоҳлаймизми-йўқми дастурлана бошлайди.

Катта ёшимизда бизни асосан икки тоифа одамлар ўраб олишади. Бир тоифасига керакмиз, иккинчисига эса – йўқ. Биринчи тоифадаги одамлар олдида мажбуриятимиз бор ва уларга ёрдам беришимиз шарт. Шуни унумаслигимиз керакки, бизнинг ёрдамимиз ижобий натижа бериши учун ўзимиз ҳам кучли бўлишимиз лозим.

Иккинчи тоифага сизга учалик мухтож бўлмаганлар, ўқиб-ўсишингизни истамаганлар киради. Шундайлар ҳам бўладики, сизни тўхтатишга ҳаракат қилишади, ўсишингизга қаршилик кўрсатишади. Унумтманг, одамларни танлаш ўз ихтиёригизда. Биз ҳамма билан, ким йўлимизда учраса, мулоқот қилишга мажбур эмасмиз. Бизнинг инон-ихтиёrimiz биз ўйлаганимиздан кўра кучлилироқ. Биз ўз қисматимизга сезиларли даражада таъсир кўрсата оламиз. Кўпчилик уларнинг кучлари танлов хукукида эканини тушуниб етишмайди. Баъзилар умрларининг охиригача ёш болалардай ўзларига бошқа давра танлашга ҳаракат қилишмайди.

Ким бизга ўз таъсирини ўтказади, ким бизни дастурлайди, биз шулар устидан онгли равишда қарор қабул қила оламиз. Бизни ҳеч ким бирор нарсага мажбур қилишга, ўсишимизни тўхтатишга ҳаққи йўқ. Биз ўз ҳаётимизнинг хўжайинларимиз.

Оқибат

Одамлар бу фикрга турлича аҳамият беришади. Баъзилар эски танишлар билан дарров алоқаларни узиш керак, деб ҳисоблашади. Бунга ҳожат йўқ. Колаверса, бу мақсадга мувофиқ эмас. Яхшиси танишларга ёрдам берган маъқул, албатта, улар бунга мухтож бўлсалар. Лекин ўз ёрдамингизни ўзгаларга боғлаб қўйманг. Сиздан маслаҳат сўрамаган одам унга мухтож эмас. Ёрдам катталарга ҳам, болаларга ҳам керак. Лекин асосан уларга ўзларига ёрдам беришни ўргатган маъқул.

Агар сизга ёрдам керак бўлса, сиздан кўра кўпроқ муваффақиятларга эришган одамдан ёрдам сўрашингиз керак. Ҳеч нарсага эришмаган ва фикрлай олмайдиган одамдан ёрдам кутиш бефойда. Чунки улардан маслаҳат ўрнига эшитадиган гапингиз – ўзларининг оғир аҳволлари ҳакида бўлади.

Муваффақиятли одамлардан ўрнак олинг. Тұғри, дарров савол пайдо бўлади: “Муваффақият нима ўзи?” Яхши жавобни Бесси Стэнли беради:

— Яхши яшаб, кўп кулган ва севган одамни муваффақиятга эришган, деб хисобласак ҳам бўлади. Яна у ақлли одамлар ҳурматига эришиб, кичиклар меҳрини қозонган бўлса. Мақтов ва миннатдорчиликлардан талтайиб кетмаса, олам гўзаллигини тан олиб, у ҳақида гапиришдан уялмаса – муваффақиятга эришибди. Яна у одамларнинг энг яхши жиҳатларини кўрса ва атрофидагилар билан ўзидағи яхши нарсаларни бўлишса, ҳаёти давомида одамларни руҳлантирса, уларнинг хотираларида ўчмас из қолдирса, демак, у муваффақиятга эришибди.

Кимлар билан учрашишни хоҳлардингиз, улардан нималарни ўрганмоқчисиз, шулар ҳақида ўйлаб кўринг. *Агар атрофингиизга муваффақиятли инсонларни тўпласангиз, муваффақиятга эришишингиз осон кечади.* Сиздан яхши нарсаларни кутадиган инсонларни қидириб топинг. Сиздан кўп нарсаларни кутадиган одамларнинг ёнингизда борлиги ривожланишингизга кучли туртки бўлиши мумкин.

Қисқичбақалар

Ҳамма танишларингиз ҳам сиздаги яхши томонга ўзгаришларингизни қўллайверишмайди. Уларнинг қайси биридир сизни ўрганишингиз ва ўсишингизни тўхтатиш илинжида бўлади.

Сиз ҳеч кузатганмисиз, бир челяк қисқичбақалар ичидан биттаси бирдан чиқиб кетишга уринади? Қолганлари уни ушлаб қолиб ортга қайтаришга харакат қилишади. Кўпчилик одамлар ҳам шундай йўл тутишади. Улар буни ёмонлик истаб эмас, шунчаки бажаришади.

Энг муҳими, тўхтамаслик. Агар одамларга сизни тўхтатишларига изн бериб қўйсангиз, ҳеч қачон кўзлаган

натижангизга эриша олмайсиз. Менинг маслахатим балки сизга қўполрок қўринар, аммо бундай одамлар билан алоқани тез узиш керак. *Оёқ-қўлларингизни боғлаб қўйишиларига йўл қўйманг.* Ўсишдан тўхтасангиз ўзингизга ҳам, бошкаларга ҳам ёрдам бера олмайсиз.

Мен бу гапларим билан бундай одамларга баҳо бермоқчи эмасман. Ҳар бир одам ўзича бир олам. Шунчаки вақт ўтган сайин одамлар бир-бирларига мос тушмай қолишади. Бу ачинарли, албатта, аммо нима ҳам кила олардик. Бундай пайтда бошқа бир одамнинг сифатларига шубҳа уйғотиб қўймаслик лозим.

Интизомдан одатлар туғилади. Одатлар хулқни белгилайди. Улар зарурый ишларни ўз-ўзидан, катта куч сарф этмай бажаришимизга ёрдам беради. Яхши одатларнинг вужудга келиши учун калит – бу биз доим мулоқот қилиб юрган одамлар.

Ғолиблар ўзларини сахийларча тақдирлайдилар. Улар ўзларида борига кониқмайдиган инсонлар билан мулоқотда бўладилар. Ғолиблар атрофларида ёрдам берадиган одамлар бўлиши учун куййнадилар ва ўзлари ҳам ўзгаларга ёрдам берадилар. Агар атрофингизга ғолибларни жамласангиз, сиз ҳам доимо ўсиб, ривожланиб борасиз.

Амалий машғулотлар

Бугун мен атрофимда ибрат бўла оладиган одамларни тўплашга, улардан керакли бирор нарсани ўрганишга харакат қиласман. Бунинг учун мен қуийдагиларни бажаришим керак:

1. Бугуннинг ўзида мен интилаётган нарсага эришган одам билан сұхбатлашаман.
2. Менга ибратли нарсалар ўз таъсирини ўтказиши ни хоҳлайман. Шунинг учун бугун телевизор орқали саёз фильм кўрмайман, радио орқали мусиқа эшийтмайман. Мен бугун онгли равишда танлайман ва хотирамга ёзиг оламан.
3. Мен ҳар ой ундан бирор нарса ўргана олишим мумкин бўлган янги одам билан танишаман.
4. Ўз танишларимга қандай ёрдам бера олишим хақида ўйлаб кўраман.
5. Мен ўзимга танқидий савол бераман: “Атроф-муҳитга мен қандай таъсир ўтказа оламан? Ўзгаларга ижобий ибрат бўла оламанми?”

ЙИГИРМА ТҮКҚИЗИНЧИ ҚОНУН

ҮЗИНГИЗДАН ҚОНИҚМАСЛИКНИ ЮКСАЛИШ УЧУН РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ОМИЛГА АЙЛАНТИРИНГ

Қари сардор бир саёхатчига вулқон отилишидан ғойиб бўлган қабиласи ҳақидаги воқеани айтиб берган экан:

– Бизнинг қабилалар етти кишлоқдан иборат эди. Ҳар бир қишлоқнинг ўз сир сакловчи сардори бўлган. Қабилалар шу еттита сирни бирлаштириб фойдаланишгандагина баҳтли яшашган. Шунинг учун ҳам биз аҳилинок ҳаёт кечирардик. Вулқон уйғониб, қишлоқларга хавф тугдирганда, ҳар бир сардор ўз қабиласини кутқариш учун одамларни кайиқларга чиқариб, очик денгизга олиб чиқди. Окибатда вулқон тутунининг куюқлигидан бир-биримизни денгизда йўқотиб қўйдик. Мана ўша кундан бери қабилаларимиз бирлаша олмайди.

– Нимага йўқолган олтита қабилани қидиришга одам жўнатмадингиз? – сўради саёхатчи ҳайрон бўлиб.

– Биз одам жўнатдик, кўп бор бу ишни килдик, аммо жўнатган одамларимиз қайтишмади, – деди сардор.

– Улар билан нима содир бўлиши мумкин, ахир уста денгизчиларсиз-ку?

– Мен уларни ўлиб кетишган, деб ўйламайман, менимча қидирув давомида улар ўзларига ёқкан жойни топишган ва ўзларига топширилган вазифани унутишган. Ҳозирда улар ўз шароитларидан келиб чиқиб, ҳаётларидан мамнун кўринишади, – деди бир оз ўйланиб сардор.

* * *

Катта муваффакиятларга эришган ҳамма одамларга бир нарса туртки бўлган. Улар ҳаётлари давомида нимадандир қониқишишмаган. Шу қониқмаслик ҳаракатланишдаги кучга айланган.

Ишдан қониқаслик қуидаги сабаблардан ҳам келиб чиқиши мүмкін:

- || Иш мазмун ва чуқур моҳиятта эга эмас;
- || Маош жуда паст;
- || Хизмат поғонасидан ўсишнинг иложи йўқ;
- || Фаолият кизикарли вазифалар билан боғлик эмас;
- || Ишдан қониқиши ҳосил қилиб бўлмайди;
- || Равнаққа йўл йўқ;
- || Ўз мулоҳазаларингизни айтишнинг иложи йўқ.

Шукроналик ва қониқиши ўртасидаги фарқ

Кўпчилик инсонлар қониқасликни тоқатсизликка йўйишади. Орамизда кўпчилигимиз ёшлиқдан: “Сен ўзингда борига шукр қил”, деган сўзларни катталардан эшишиб вояга етганмиз. Бу сўзларни айтган одамлар бизга яхшиликни тилашган, албатта. Аммо бу иборани сал нотўғри талқин қилишган. Улар шукроналик билан қониқишини алмаштириб қўйишган.

Аслида уларнинг ўртасида ўта жиддий фарқ бор. Тўғри, биз борига шукр қилишимиз керак – овкат учун, арофимиздаги одамлар учун, одамларни сева олишимиз ва улар бизни севишлари учун.

Машинангиз эски, уйингиз каталакдек бўлса ҳам, шукр қилиш – бу олий фазилат. Биринчидан, унинг ёрдамида кўркувни ҳайдаш мүмкин. Иккинчидан, агар ҳозир борига шукр килмасак, келажакда ҳам бирор нарсага эга бўлсак, бойиб кетсак, шукроналик хиссини сеза олмаймиз. Бу туйғу баҳтнинг керакли қалитидир. У бўлмаганда, сиз ҳаётидан миннатдор бирорта ҳам баҳтли инсонни учрата олмаслигиниз мүмкин эди.

Қониқиши – бу жуда хавфли хиссиёт. Ҳеч қачон борлигингизга ва нималарга эга бўлганингизга кўниши ҳосил қилманг, бу яхши иш эмас. Ҳамма тирик мавжудот

борки, ўсади. Агар нимадир ўсишдан тўхтаса, демак, у ўлибди. Ҳаммасига кўниккан инсон эса юксалишдан тўхтабди. Коникмасликни хис қилибгина биз ўзгара оламиз ва юксаламиз. Ҳеч қачон борига кўнишиб ва қонишиб тўхтаб қолмаслик керак.

Ресторанда бирор нарсага буюртма бермаган одам ҳеч нарса еёлмаганидек, ҳаётда ҳам шундай жараён юз беради. Биз ҳаётдан нимани хоҳласак, ўшани олишимиз керак. Мана шу муваффакият. Шу билан бирга ўзимизда борига шукр қилишимиз керак. Бу баҳт. Бири иккинчи-сисиз мавжуд эмас.

Мамнунлик дангасалик ва бефарқликни туғдиради

Ҳаммасига кўниккан одам интилишдан бош тортади. Баъзи тушунчаларга биноан, қониқишининг асосида дангасалик, бефарқлик ва юксалишга интилмаслик яширинган бўлади. Шунинг учун ҳам ҳаракатсизликка қоникиш баҳонаси кенг таркалган. Бу алдамчи ҳиснинг тузогига илинган одамлар ўзларини тартибли инсонлар деб ҳам аташади.

Ўзидан қониқсан одамда ишлашга иштиёқ йўқолади, юксалиш эса сусаяди. “Ҳамма нарсам бор, шунинг ўзи менга кифоя”, дейиш дангасаликдан дарак беради. Аммо кейинрок тушуниб етадики, бора-бора атрофидагилар ундан ўзиб кетади. Чунки ўзидан норози ва юксакликка интилувчи одамлар доимо топилади. Қоникишга кўнишиб дангаса одам учун қамоққа айланади ва ундан кутулиб чиқиб кетиш бора-бора қийинлашаверади.

Ҳеч қачон муваффакиятларингиздан суюниб кетманг. Сизнинг ютукларингиз ўсмаётган экан, демак, улар кичиклашяяпти. Хотиржамлик ҳолати табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўлмайди. Агар тўқис муваффакиятга эга бўлишни истасангиз, доим янгиликка интилиб

яшашингизга тұғри келади. Ъз-ўзидан қониқмаслик – яхши фазилатлардан бири.

Қониқмаслик катта мұкофотлар олиб келади

Қониқмаслик – ҳаракатланишимиз учун зарур күч. Бу ҳиссиёт бизга азалдан қонимизга юқсан. Бу генетик кодимизга үхшайды. Энг баҳтли одамлар бу ҳиссиётни хис этишади. Улар күн сайин юксалиб, ҳаётлари яхшиланиб бораверади.

Шунинг учун ҳам америкаликлар: “Озод бўлиш учун оч қолиш керак”, дейишади. Қониқмаслик – озодлик калитидир. Ъзидан қониқмаган одам билади, ҳеч қачон олий нұктага эриша олмайди, аммо унинг мақсади ўша ёққа олиб борувчи йўлдир. У бу йўлдаги ҳар қанча юқорига бўлган ҳаракатидан мамнун ва ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасидан миннатдор.

Бир доно киши бу фикрни қуйидагича изохлаган: “*Тасаввур қилинг, биз ҳаммамиз тилакларимиз ижобат бўладиган жойга поездда кетаяпмиз. Аммо ҳар бир бекатда кимдир тушиб қолаяпти. Улар қулайлик ва яхши шароит хоҳлашади. Улар шунинг учун тушиб қолаяптиларки, керакли мағофани босиб ўтдишлар ёки тушган жойлари уларга ёқади. Лекин бу билан улар поезднинг қаёққа кетаётганини унудиб, узокроқдаги юксак нұктаны құздан қочиришияпти. Тушган жойларида имкониятлар тугаб, ўзларида қониқмаслик пайдо бўлганда эса иккинчи поезд бўлмаслигидан хабарлари йўқ. Улар тушган жойларида бир мартагина мұкофотланишилари мумкин*”.

Вақтингчалик қониқиши ҳам қониқмасликни пайдо қилиши мүмкин

Меҳнат қилиш бошқаларнинг ҳожатини чиқаришини унутманг. Кимки ишдан ташқари пайтдагина роҳатланиш мүмкин деб ўйласа, у ҳакиқатдан кўз юмаяпти. Ҳаётнинг ҳар бир харакатидан лаззатланишда атрофингиздаги одамларга ўрнак бўлинг. Ҳар бир инсон ўзига ёқкан ишидан мамнун ҳолда ишлашга ҳақли.

Голиблар хамиша бор нарсалари билан шукр қиладилар, аммо эртага ҳам бундай яшашларидан қониқмайдилар. Улар билишади, юксалишга интилиш инсониятнинг асосий тамойилларидан биридир.

Амалий машғулотлар

Мен аминман, қониқмаслик – харакатдаги куч ва шунинг учун ҳам қуидаги одимларни қўймоқчиман:

1. Мен ҳозирги пайтда беш нарсага шукроналиқ билдиришни овоз чиқариб айта оламан. Доим бу машқни такрорлаб қўрқувдан халос бўла оламан.

2. Ўзимдан қониқмаслигимдан ҳеч ҳам хафа бўлмайман. Қониқмаслик – бу асосий ҳаракатланувчи куч.

3. Атрофимдагилар эътиқодларимга эътибор каритишларини хоҳламаяпман. Тўғри, ҳар бир одам ўзи хоҳлагандай яшashi мүмкин. Аммо мен ўзимнинг қониқмаслик ҳиссиётимдан уялмайман ҳам.

4. Фирмамнинг ривожи учун одамларни жалб қилишим ва уларни мен билан ишлашларига кўндиришим кераклигини биламан. Шунинг учун эътиборимни ўзларидан қониқмаган инсонларга каратаман ва уларга имконият эшикларини кўрсатаман.

ЎТТИЗИНЧИ ҚОНУН

ЎРДАК ЭМАС, БУРГУТ БҮЛИНГ

Сиз оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ҳинд афсонасини эшитганмисиз? Худо олдин денгиз чиганоғини, кейин эса бургутни яратиб, инсонга чиганоқнинг зерикарли ёки бургутнинг қизиқарли ҳаётини танлашга изн беради.

“Бу ерда танлаш учун ўйланиб ўтиришга ҳожат йўкку”, дейишингиз аниқ. Албатта, ҳамма ҳам бургутнинг ҳаётини танлайди. Аммо ҳеч ким кутмаган ҳодиса юз беради. Кўпчилик чиганоқнинг ҳам, бургутнинг ҳам ҳаётини танлашмайди.

Ҳамма ҳам ўзида бургутнинг устунликлари бўлишини хоҳлади, аммо бунинг учун кўп тўлов қилиш кераклиги инсонга ёқмайди. Ва улар ўзларининг талабларига жавоб бера оладиган бошқа намуна қидиришга тушишади ва топишади ҳам. Буни қарангки, у ўрдак эди.

Ўрдак

Бир қарашда ўрдак ва бургутда кўп ўхшашликларни кўриш мумкин. Аммо аслида уларнинг ўрталарида жуда катта фарқ бор. Агар диққат билан қарасангиз, уларнинг фарқини тезда ажрата оласиз. Тўғри, иккиси ҳам күш ва уча олади. Бургут узоқ вақт осмон-у фалакда учиб қолиб кетиши мумкин, ўрдак эса сувга яқинроқ бўлишни хуш кўради.

Лекин ўрдакнинг ҳам ажралиб турадиган жихатлари бор. У бутун кун мобайнида, уйқудан туриб эрталабдан ғафиллайди. Уни боқишаётганда, нимадир ёқмаса, бошқа ўрдаклар унинг емишини олмоқчи бўлса ёки бирор нарсанинг уддасидан чиқолмаса ҳам ғафиллайверади. Бирор чора қўллаш ўрнига ғафиллайвериш, бу яхши хусусият эмас.

Ўрдаклар қандай “ишлашади”

Келинг, яхшиси ўрдак ҳақида яхши таассуротга эга бўлишингиз учун унинг фаолиятидан бир нечта лавҳаларни айтиб ўтай.

Сиз ҳеч меҳмонхонада нонуштага ўн беш дакика кечикканмисиз? Агар ўша пайтда ўрдакка тўкнаш келсангиз, у сизга шундай дейди: “Келинг, афсуски кечикдингиз, осиб қўйилган ёзувни ўқимадингизми? Бизда нонушта соат ўнгача. Ғақ-ғақ...”

Бургут эса: “Хафа бўлманг, мен ҳозир сизга тезроқ пишадиган бирор егулик тайёрлаб бераман, нимани хоҳлаган бўлардингиз?” дейди.

Сиз қурилиш бозори нималигини тасаввур қила оласизми? Беш минг квадрат метрли савдо майдони ва унда битта сотувчи ва у доим харидорлар билан банд. Айтайлик, ҳозир у бир катта коттеж қураётган харидор билан савдолашиб турибди. Сиз унинг сухбатини бўлиб: “Кечирасиз, менда битта савол бор, ёғоч учун ишлатиладиган бўёқни қаердан олсан бўлади?” деган савол билан мурожаат қилсангиз, нима юз бериши мумкин.

Ўрдак жавоб беради: “Кўрмаяпсизми, мен харидор билан гаплашяяпман?! Мен ҳамма билан бирданига гаплаша олмайман-ку! Навбатингиз келгунча кутиб туринг! Ғақ-ғақ...”.

Бир неча ой муқаддам мен Атлантадаги меҳмонхоналардан бирига олдиндан хона буюртириб қўйдим ва уларнинг ваъдаларини олдим. Аммо айтилган вақтда етиб борганимда, ҳамма хоналар банд эди. Рўпарамда турган аёл ҳамма жой бандлигини ва қўлидан ҳеч нарса келмаслигини айтди.

Мен ўзимнинг фикримни ўтказа бошладим ва эшитадиганимни эшитдим: “Жой йўқ бўлса, қаердан сизга жой қилиб бераман? Ғақ-ғақ-ғақ...”. У шундай деди-да, менга аҳамият бермай ўз ишини давом эттирди.

“Ха, навбатдаги ўрдак”, деб хаёлимдан ўтказдим мен ва бошлиқ билан учраширишини талаб килдим. Аёл хұмрайғанча: “У ҳам менинг гапимни айтади”, деб әшик ортига равона бұлди. Әшик ортида, албатта, ўрлаклар күли бор эди. Аёл яна бир ўрдакни бошлаб чиқди.

Мен ундан бургутни бошлаб келишини сұрадым. У ҳайрон бұлғанча саволимни қайтарди. Мен унга тушунтирудим: “Менга бу вазифа бажарилиб бұлмас-лигини билмайдиган одамни чақир”, дедим.

Бу сафар аёл тушунди. У бошлаб келган мененжер ҳақиқатда ҳам бургут экан. У менга: “Бизда ростдан ҳам бүш хона йўқ, бу сизга нисбатан лоқайдлигимиз ва бунинг учун сиздан кечирим сұраймиз. Мен бу муаммони тез ечишга киришаман. Ҳозир яқин атрофдаги меҳмонхонага қўнғироқ қиласман ва сиз учун олий даражали хона буюртма бераман. Ҳамма харажатлар бизнинг меҳмонхона ҳисобидан, унгача бизнинг ресторанды тушлик килиб туришга таклиф этаман”, деганди ўшанда. Бу менга нисбатан бургутларча муносабат эди.

Фарқ нимада?

Бургутни ўрдакдан қандай ажратса бўлади? Бургутлар ҳаракат қилишади, ўрдаклар эса ғағиллашади. Уларнинг ғағиллашлари – кўндириш, чеки йўқ кечирим сұраш, бефойда валаклаш ва қолаверса, турли кулгили ҳолатлардан иборат. Бундай ўрдакларни эртами-кечми ишдан бўшатишади. Улар инқирознинг биринчи курбонларига айланишади. Ва албатта, улардан бундай ҳолларда қуйидагича норозиликларни эшитамиз: “Қандайин ноҳақлик! Менимча, бошлиқка менинг тумшуғим ёқмади, шекилли”.

Бургутларни эса аксинча хизмат поғоналаридан юқорига күтаришади. Ўрдаклар тутимиини тутиб, ғағилламасдан, ҳаракат қилишлари лозим. Иложи борича

үз бўлимингиздан ёки фирмангиздан бундай “қуш”ларни узоқлаштиришингиз керак. Ўрдакни ҳам ўргатса бўлади, дейдиган одамлар ҳам бор. Аммо тушунинг, унда сизда ўргатилган нарсаларнигина бажара оладиган ўрдак пайдо бўлади.

Мана сизга бир нечта бургут ва ўрдаклар ўртасидаги фарқлар.

| Ўрдаклар айтишади: “Мен буни қила олмайман”. Бургутлар сўрашади: “Бу қандай бажарилади?”

| Ўрдаклар пессимист. Бургутлар оптимиست.

| Ўрдаклар ўзларидағи нохушликларни бошқалар билан бўлишишади. Улар шу муносабат билан ўрдаклар мажлисини чақиришлари мумкин. Бургутлар эса фақат ижобий нарсаларни ўзгалар билан фиклашишади.

Ўрдаклар факат энг керагини қилишади. Баъзи ҳолларда шуни ҳам бажаришмайди. Бургутлар талаб қилинганидан ортигини ҳам қилишлари мумкин.

| Ўрдаклар секин ишлашади. Уларнинг шиори: “Мен бу ерга ишлагани ёлланганман, юргургани эмас”. Бургутлар ишларини иложи борича ўта тезлик билан бажаришади.

Ўрдаклар ўзларини билағонман дейишади, ўзларича ҳамма нарсани билишади ва ҳамиша ниманидир қиласликка сабаб топа олишади. Бургутлар эса доим янги нарсани ўрганишга тайёрлар. Улар ишга шунчаки киришиб, уни бажаришади.

|| Ўрдакларда баҳона кўп. Кўндиришга ҳаракат қилишади. Бургутлар йўлинни топиб бажаришади.

| Ўрдаклар таваккал қилишмайди. Бургутлар баъзан кўркувни ҳис этишади, аммо бу уларнинг ҳаракатларига халақит бермайди.

| Ўрдаклар соат ўндан олтигача ишлашади. Бургутлар кўпинча олтидан ўнгача ишлашади.

|| Ўрдаклар ҳар қандай имкониятдан муаммо топишади. Бургутлар эса ҳар қандай муаммодан имконият топишади.

|| Ўрдаклар атрофларидағи одамларни йўкликларида ёмон сўзлар билан ғийбат қилишади. Бургутлар эса одамларни яхши фазилатлари билан тилга олишади ёки умуман улар ҳақида гапиришмайди.

|| Ўрдаклар учун танлов қилишга анча вақт кетади, аммо улар олдин кўриб чиқилган ва қабул қилинган қарорларни хуш кўришади. Бургутлар тез қарор қабул қилишади, чунки уларнинг белгиланган бебаҳо тизимлари бор ва улар узокни кўра олишади.

|| Ўрдаклар ўз муаммоларига ўзларини жалб этиб ғағиллашади, бургутлар муаммога ечим топишади ва харакат қилишади.

|| Ўрдак узок вакт кек сақлайди. Бургут кечиришни билади.

|| Ўрдаклар уларнинг бокишлиарини кутишади, агар уларга овқат етмаса ғағиллашни бошлашади. Бургутлар мажбуриятни ўз зиммаларига олиб, ўзларига керакли нарсани топишади.

|| Ўрдаклар ўзларида бор нарсанни севишга мажбурлар. Бургутлар эса севганларини олишади.

|| Ўрдаклар майда-чуйдаларга ўралашиб, хаётнинг мазмуни шуларда, деб ўйлашади. Бургутлар майда нарсалар нимага арзиса, шунга яраша эътибор қаратишади.

|| Ўрдаклар учун бутун олам уларнинг кичкинагина ҳовузларидир. Бургутлар этиб бўлмас чўккиларга интилишади.

|| Ўрдаклар шароитдан норози бўлишади. Бургутлар шароитни ўзгартира олишади.

| Шу ва шунга ўхшаш нарсалар.

Ким қандай таъсир күрсатади?

Үрдакчалар ўз тўдаларида нималарга ўрганишлари мумкин? Ғағиллашга. Бургутлар ҳакиқатда ҳам ўз атрофидагиларни тарбиялашлари мумкин. Сиз бургутлар полапонларини ҳаётга тайёрлаётганини кўрганмисиз? Олдинига улар индаги майда юмшоқ патларни олиб ташлашади, кейин майсаларни олиб ташлашни бошлашади. Бора-бора индаги қулайлик йўқолиб боради. Кейин силлик, ингичка чўпларга навбат келади. Охир-окибат, инда дағал, эгри-буқри шоҳлар қолади ва полапонларнинг баданларига бота бошлайди. Бу шароит бургутчаларнинг аста-секин меъдаларига тегади ва биринчи учишга ҳаракатни бошлашади. Агар бургутча сал кўркокроқ бўлса, ота-оналари уни индан итариб юборишади. Агар унинг қанотлари калта бўлиб учишга қийналса, унинг ортидан бориб, вактинча яна қайтариб инга олиб келишади. Бу ҳол тўла учишни ўрганмагунча давом этади. Нихоят, бургутча инни тарк этади.

Бургутнинг ёнида давомий бўлган одамлар, албатта, юксалишади. Бургутлар турғунликни ва дангасаликни ёқтиришмайди. Улар ўз полапонларидан кўп нарсаларни кутишади ва уларни ҳаракат қилишга ундашади. Шунинг учун ҳам бургутларни яхши ўқитувчилар деб айтишимиз мумкин. Уларни атрофдаги одамларнинг ҳаётлари кизиктиради. Улар ўз таъсирларини ўзгаларга ўтказишни исташади ва ҳаммаси яхши томонга ўзгаришини юракдан хоҳлашади. Балки шунинг учун ҳам одамларнинг бургутларга бўлган иштиёқлари баланддир ва шунинг учун ҳам гербларга уларнинг тасвирларини кўйишар. Одамлар улардан ўrnак оладилар. Фолиблар бургутлар ҳаёти билан яшашади.

Сиз қайси қушни ўз гербингизда кўришни истардингиз?

Амалий машғулотлар

Мен бугундан бошлаб бургутдай яшайман. Бунинг учун мен қуидагиларни бажаришим керак:

1. Мен бу китобни яна бошидан ўқийман. Ҳар куни битта бобдан. Баъзи боблар ҳозирдаги ҳаётимга тааллуқли бўлса, ўқимай ўтказиб юбораман.
2. Мен бугун тинч вазиятда, хотиржам муқаддимани ўқийман ва у ҳақида ўйлаб кўраман.
3. Мен атроф-оламга ўз таъсири мни ўтказаман. Мен одамлардан ўзим учун керакли кўп нарсаларни кутаяпман. Балки бу кимнингдир ғашини келтирас, лекин мен уларни “учиш”га ўргатишга ҳаракат қиласман.
4. Фолиблиқдаги идеалим ҳақида ўйлаб кўраман. Унинг қирраларини ёзиб бориш жараёнида ўз қийматим ва фикрларим устида ишлайман.
5. Ҳаммага бирдек тўғри келадиган ғолиблар учун қонунлар бўлмаслигини яхши англайман. Лекин мен ўз ҳаётим давомида жорий этишим мумкин бўлган қонунлар тизимини ишлаб чикишим лозим.

ХОТИМА

Асл ютуқ хеч қачон бир томонлама бўлмайди. Унда доим ташки ва ички яратувчилик бор. Бизнинг жамиятимизда кўпинча керагидан ортиқ ташки ютукларга аҳамият берилади. Адабиётда шундай нохуш нарсалар борки, шон-шуҳратга эришиш йўлида вижданни ҳам сотиб юборишади.

Аслида, ички туйғулардан воз кечиб, ташки ютукларга эришиш мумкиндек кўринар. Матбуот ва ахборот воситаларидан биз кўп одамлар ҳақида биламизки, ўз мақсадлари йўлида ўликлар устидан юриб бўлсада, шуҳрат ва бойликни тез кўлга киритишяяпти. Буни бошқаларнинг истакларини менсимасдан, ўз мақсадига интилувчанлик мисолида кўриш ҳам мумкин. Кимки ташки ютукларга бўйсунар экан, бошқаларнинг ҳиссиётлари уларни қизиктирмайди. Бу ютуқ эмас, бу ўзбўлармонлик ва худбинлик.

Ташки ютуқни ўз ички заруратларидан устун кўймаслик лозим. Бизга ички ташкилий ютуқ ҳам керак. Бу ютуқ қуидаги хислатлар, яъни шукроналик, севги, хотиржамлик, кувонч, донолик, камтарлик, мажбурият ва атрофдагиларга ёрдам сингари сифатлар асосида вужудга келган бўлиши лозим.

Кимки бу фазилатларни ўзидан бўғиб чиқарар ва ўз мақсадидан чекинар экан, у хеч қачон мукаммал ҳаёт кечира олмайди. Ўзига хиёнат ва ички хотиржамликнинг йўклиги – бу ютуқ учун ўта катта тўлов. Бинобарин, ички хотиржамлик ҳам – хоҳлаганимиздек инсон бўлишимизга кафолат бера олмайди. Ҳаётнинг ҳақиқий санъати шундан иборатки, икки томонни ҳам ҳисобга олиш керак. Голиблар буни билишади. Шунинг учун ҳам голиблик қонунлари икки томонни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун улар бир-бирига қарама-қаршидай туюлади. Аслида эса қарама-қаршиликлар учун ягона

конун пайдо бўлади. Натижада баъзан айланма узун йўл тезроқ муваффакитга олиб боради.

Бу китоб мукаммалликка даъвогар эмас. Ҳаёт шундайин бой ва серқирраки, уни бир нечта варакларга сифдириб бўлмайди. Голиблар ҳеч қачон ҳақиқатга эришдим, дейишмайди. Чунки ҳамма нарса ҳаракатда ва ўзгарувчан. Бу тирикликнинг асоси. Голиблар билишади, ҳар қандай ҳақиқатнинг орқа томони бўлади.

Голиблар сабрли. Улар билишади, ҳар қандай ҳаётий кўриниш кувонч бағишлайди, аммо мукаммалликка интилмайди. Голиблар ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасидан лаззат олишади.

Улар завқ билан яшашади, чунки уларнинг ўз қонунлари бор ва унга амал қилишади, яъни уларнинг баҳт-саодат ва кувончга элтувчи қонуниятлари бор.

Голиблик қонуниятлари асосида яшаган ҳар бир кунимиз яшашга арзиди. Бу қонунлар туфайли биз ўз ҳаётимизга жуда юкорига интилувчи устун ўрнатишимиз мумкин.

Тан оламан: мен ҳамма қонунларга амал қила оламан, деб айтольмайман. Агар юз баллик шкала бўйича олсак, баъзи кунлари мени қўрсатгичим тўқсон тўртни кўрсатиши мумкин, колган кунларда эса – етмиш иккини. Умид қиласман, бу сизларни ҳайрон қолдирмайди. Юз фоизлик натижага кимдир эришишига мен ишонмайман. Биз табиатан шундай яралганмиз. Биз мақсадларга кўп маротаба яқинлашамиз, аммо тўла эга чиқа олмаймиз. Шунинг учун ҳам бу қонунларни такрорлаш керак. Шундагина биз босиб ўтган ҳаётимизни ёдга оламиз ва ким бўлишимизни, кимга ўхшамоқчилигимизни тасаввур этамиз.

Мен чин юракдан сизга бой бўлишни тилайман. Голиб ҳаётингиздан баҳра олиб, баҳтли яшашингизни истайман. Бу ҳамма вакт ҳам осон кечмайди, лекин сизни мукофот кутмоқда.

Агар биз шу йўлда учрашсак, хурсанд бўлардим. Иккимиз бу учрашувдан, албатта, бирор нарсалик бўлардик. Голиблар бу дунёда хозирча камчиликни ташкил этади, аммо улар бир-бирларига интилишади ва албатта, учрашишади.

Голиб бўлинг ва сизнинг ғалабангиз бошқаларнинг ҳам ғалабасига айлансин.

МУНДАРИЖА

(Ғолиблик қонунлари ҳақида қисқача билдириш)

Муаллиф мұқаддимаси.....	3
1. Қарор – дил амри.....	6
2. Үқиш – үсиш демакдир.....	15
3. Үтаётган ҳар бир кунингизга оқилона ёндашинг.....	24
4. Мафаат келтирувчи фаолият билан машғул бўлинг.....	35
5. Шахс даражасига кўтарилинг.....	42
6. Қўлингизга олинг ва бажаринг.....	49
7. Ҳис-туйғуларингизни тўғри тарбияланг ва асранг.....	59
8. Қийинчиликларни енгишни ўрганинг.....	69
9. Қайтадан ғилдирак ясаманг.....	79
10. Ҳамиша интилиб яшанг.....	88
11. Орзуга интилинг ва уни ҳаётингизга татбиқ этинг.....	93
12. Соғлиғингизга ғамхўрлик қилинг.....	103
13. Танқиддан чўчиманг.....	110
14. Ишни бир юз ўн фоизга бажаринг.....	119
15. Муаммолар – үсиш, камолот омили.....	124
16. Ўзингизга бошлиқ ва тобе бўлинг.....	130
17. Юксак мақсадлар сари.....	138
18. Одамларга муҳтоҷ бўлган нарсаларини беринг.....	146
19. Ишга бепарво бўлманг.....	155
20. Ҳаммага ўрнак кўрсатинг.....	160
21. Ишнинг энг зарурини тезлик билан бошланг.....	166
22. Масъулиятни ўз зиммангизга олинг.....	172
23. Ўзингиздаги қўрқувни енгишга ўрганинг.....	180
24. Кучли томонларингизга эътибор қаратинг.....	187
25. Сахийликни ва кечиришни ўрганинг.....	196
26. Пулга усталик билан ёндашинг.....	203
27. Юксалиш учун чидам билан пойдевор қуринг.....	210
28. Атрофингизга ўрнак олса арзийдиганларни тўпланг..	216
29. Ўзингиздан қониқмасликни юксалиш учун рағбатлантирувчи омилга айлантиринг.....	224
30. Ўрдак эмас, бургут бўлинг.....	229
Хотима.....	236

A black and white portrait of a man with short dark hair, wearing a dark suit jacket, a light-colored shirt, and a dark tie. He is looking slightly to his left with a neutral expression.

БОДО ШЕФЕР

Хаётда фаровон турмуш асосларини барпо килиш ёки ношудлик орқасидан кашшок яшаш – шахсан ўзингизга боғлиқ эканлиги руҳий-фалсафий тарзда содда баён этилади.

Қўлингиздаги бу китоб хаётда музaffer бўлишни хоҳлаганлар учун ёзилған.



ISBN 978-9943-4336-9-4



9 789943 433694